


83 ЗБТУР-8  
9-99

Ораз Яғмур

Махмуллыкуллола





Ораз Яғмур

Махтумқулинолла

*Буюк Махтумқули асарлари асосида ёзилган  
роман-тадқиқот*

ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKISTON»  
2016



УЎК: 821.512.164(092)  
КБК 83.3(5Тур)-8  
Я 99

Туркманчадан  
**Музаффар АҲМАД** ва  
**Рустам ЖАББОР** таржималари

Атоқли туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироғий (1724–1807)нинг ижоди халқимизда кўп йиллардан бери кучли қизиқиш уйғотиб келмоқда. Шоирнинг панд-насихатга, ақлу ҳикматга, юпанч-таскинга бой шеърларининг жаранги бутун ҳам, бундан кейин ҳам онгимизда, қалбимизда ҳамиша янграб туриши шубҳасиз. Табиийки, улғу ижодкорнинг ҳаёти, ижодига бўлган қизиқиши ва интилиши ҳам ўсиб бораверади. Таниқли туркман адиби Ораз Яғмурининг Махтумқули асарлари таҳлили, ҳаётви фаолиятига бағишланган мазкур китоби шу пайтгача шоир ҳаёти ва ижодига бағишлаб ёзилган бошқа асарлардан фарқ қилади. Адиб ушбу китобида шоирнинг ёшлиги, онлави шароити, таълим олиши, камолга етиши, биографияси ва саёҳатларига ўша даврлардаги сиёсий-ижтимоий воқеалар нуқтаи назаридан баҳо беришга, замона талатупларини шоир шеърларининг таҳлилидан келиб чиқиб тасвирланга интилган, ўз таҳминларини ўртага ташлаган. Шунга кўра, китобдан ўзбек ўқувчилари учун ҳам янгилик бўла оладиган тасвирлар, воқеалар, саҳифалар ҳам ўрин олган.

Китоб жаҳон шеърлятидаги мунаввар номларнинг ҳаёти ва ижоди билан қизиқувчи мутахассислар ва кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

ISBN 978-9943-28-580-4

© М. Аҳмад ва Р. Жаббор (тарж.), 2016  
© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2016

## МУҚАДДИМА

Мен бу мавзуда ёзиш учун қўлга қалам оларканман, бу масъулиятли ишни уддалай олмасдан, уялиб қолмасмикинман? Бироқ, Махтумқулига бўлган чексиз ихлосим ҳам менга тинчлик бермади. Барибир Махтумқули ҳақида ёзмасам, қалбим таскин топмаслиги аниқ. Ниҳоят, мен «ўз қалбимдагиларни ёзаверай-чи, охири бир гап бўлар», дедим.

Мана, буюк Махтумқули қаршимда турибди. Бироз маҳзун, аммо қарашлари ўткир, бардам. Унинг ҳаётий фалсафаси ҳам худди шам атрофидаги парвоналар сингари, асарларида мужассам. Олақоронғи бир аср шоир ортидан эргашаётир. Махтумқули ана шу қоронғилик қўйнида ёрқин шам мисол шуъла сочиб турибди. Зеро, у ўз асридан анча олдинда туриб фикрлай олди, ўз замондошларини илмга, маърифатга, зиёга чорлади.

Махтумқулининг сиймосида ҳам, асарларида ҳам ўзига жалб этувчи оҳанрабо бор, жозиба бор. У ҳеч қачон қуёнга фақат «қоч» деб, тозига эса «қув» деб хитоб этмади. У ҳамиша ўқувчи билан бир оташда ёнади, бирликда ўртанади. Махтумқули ҳеч қачон «менинг жоним жон-у, сеники бақлажон» дегувчилардан бўлмади. «Кўзларнинг туси турлича бўлгани билан, кўз ёшларнинг ранги бир хил» эканини (Румий) англаб яшади. Шу сабабли Махтумқули ўз даврида зулматга бурканган осмондаги йўлчи юлдуз мисол балқиб чиқди.

Бу юлдузлик даври Махтумқулининг оқ-қорани таниган давридан бошланди. Фанимлари Махтумқулига қарши қилич қайрашга, унга тухматлар ёғдиришга тайёрланишарди.

Тухмат — номарднинг қуроли.

Ана шундай мураккаб бир даврда яшаш, зиддиятларга қарши туриш шоир учун қанчалик қийин бўлганини тасаввур қилиб кўринг-а?

Турли қўлёмалар, саёхатчиларнинг эсдаликлари, эл орасидаги нақллар. Ҳар хил сувратлар... буларнинг ҳар бири кечмиш ҳақида, аждодларнинг турмуш тарзи ҳақида муайян тасаввурлар ҳосил қилишга ёрдам беради.

Кўпчилик ўтмишни имкон қадар хато ва камчиликлардан холи кўрсатишга интилади.

Шундай бўлса-да, Махтумқулини асл ҳолича кўрсатиш мен учун ҳам қарз, ҳам фарз. Унинг сиймосини ривоят ва мишмишлардан эмас, ўз ижодидан, шеърларидаги мантиқдан излаган маъқул. Ана шу ўлмас сатрлар, пурмаъно фикрлар ортидан асл ҳақиқат бўй кўрсатади. XVIII асрда юзага келган, Озодийнинг, Шайдоийнинг асарларида ўзини кўрсата бошлаган ижтимоий қарашлар, миллий руҳ Махтумқули ижодида янада ёрқин, янада мукамал кўриниш касб этди. Унинг қуйидаги мисралари ҳам бежиз битилмаган:

Махтумқули, сиррим чўхдир,  
Очадиган одам йўқдир.

Ҳақиқатан ҳам, Махтумқули шеърларини ўқиган китобхоннинг қаршисида минг бир савол, минг бир сир намоён бўлади. Ўқувчи бу саволларга жавоб излагани, бу сирларни англагани сари Махтумқули сиймоси янада сирли, янада жозибадор қиёфа касб этиб бораверади.

Шоирнинг буюклигини кўрсатувчи қирралардан яна бири шундаки, у ўз ўқувчисини ана шу саволларга жавоб топмишга, сирларни ечишга муттасил ундайди. Ўқиганингиз сари ўзингиз сезмаган ҳолда Махтумқулининг шайдосига, мафтунига айлашиб бораверасиз.

У ҳар бир инсоннинг миясида яшириниб ётган аждаҳони топиб, мавҳ этишга уринади. Мингдан бири инсон, қолганлари шунчаки кўланка бўлсалар-да, шоир ҳар бир ўқувчидан комил ИНСОН фазилатини топмоқчи бўлади, уни қидиришдан умид узмайди. Комил инсон тушунчаси чуқур маъно-мазмунга эга. Ҳар бир халқнинг ўтмиши, бугунги куни, келажаги ана шу тушунча маданиятидан келиб чиқади. Бу кенгқамровли тушунчани меҳсимаслик ёки етарлича баҳолай билмаслик саводсизлик белгиси бўлур эди.

Махтумқули кимнинг маданияти юксак бўлса, охирида унинг ўзи ғалаба қозонишини яққол исботлаб берди.

Махтумқули ўз асарлари орқали халқнинг умумий маданиятини ўстиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйгани аниқ. Шу боис,



шоир жуда кенг қамровли мавзуларга мурожаат қилади. Инсонни ўрганиш шоир ижодининг асосини ташкил этади.

Махтумқулининг сирини ҳар ким ўзича кашф этади. Ҳар гал унинг шеърларини ўқиганда, янги-янги сирлар очилаверади. Ҳар гал ўқувчи тафаккур уммонига чўмиб, маъно лаззатларидан баҳраманд бўлади. У мазкур масалада ўзидан аввалгиларнинг йўлидан боради, аммо улардан кўра узоқроқни кўзлайди.

Шоир инсоният қаршисида турган минг битта муҳим масалани ошиб ўтиб, ўқувчининг эътиборини энг асосий масалага тортмоқчи бўлади. «Кўп ишлаган одам кўп янглишади» дейдилар. Донолар ўз хатоларидан тўғри хулоса чиқарадилар. Аммо, буюкларнинг хатосини кўрсатиб беришдек қийин иш бўлмаса керак. Махтумқули ўқувчига ҳар бир нарса кўрингани каби эмаслигини, аслиятнинг соядан фарқини англатишга уринади. Умр бўйи Махтумқулини ўқиган, ундан ўрганган, ибрат олган китобхонлар жуда кўп. Чунки Махтумқули ижоди ҳар бир юракка осон кириб боради, руҳни тез ром этади.

Ҳозирги замоннинг айрим адиблари гоҳида бебаҳо асарлар ярата олмаётганлари учун ўз атрофларидаги шарт-шароитни айблашади. Ундай бўлса, Махтумқулининг ижодкорлигини қандай тушуниш мумкин? У жоҳиллик, ноҳақлик авжига чиққан, ижод қилиш учун деярли ҳеч қандай шароит ва қулай муҳит бўлмаган XVIII асрда ана шундай нодир асарлар ярата олганига нима дейсиз?

Кунда-кунора қатлу қирғинлар юз бериб, сиёсий бошбошдоқлик ҳукм сурган, жоҳиллар илму маърифат йўлига ғов бўлиб турган бир пайтда шоир ўз асрига, балки асрларга қарши бош кўтариш учун бунча куч-қудратни қаердан олди экан?

Қолаверса, унинг бой маданий мероси нафақат туркман эли, балки Эрон, Афғонистон ва бутун Туркистон аҳлини ўзига мафтун этолди. У ўз замондошларинигина эмас, балки келажак авлодни ҳам лол қолдира оладиган асарлар яратолди.

Қолаверса, у наинки ўзининг кам сонли туркман элини, балки Эрон, Афғонистон, Туркистон мулкларини ҳам ўз асарлари, қалами ила забт этолди. Нафақат ўз замондошлари, балки келгуси авлодларнинг ҳам кўнгил мулкига айанишга қодир сўз жавоҳирларини тизди. Бу илоҳий қудрат маҳсули эмасмиди? Албатта даҳоларнинг идроки, иқтидорни сўз билан тушунтириб бўлмайди. Буни табиатнинг чексиз сир-синоатига боғлашади. Аммо бу даҳолик қудрати, табиатнинг нодир синоати XVIII асрда тараққий топган йирик халқларда эмас, тарқоқ, нисбатан

қолоқ, тараққиётдан анчагина ортда қолиб келаётган туркман эли вакилида буй кўрсатганига нима дейсиз?

Балки, у ўтмишдаги Низомий, Румий, Юнус Эмро, Ҳожи Бектоши Валий, Насимий, Навоий, Фузулий, Қорачаўғлон сингари буюк сиймоларнинг давомчисидир? Балки, бу бир пайтлар жаҳонга довуғ солган қадимий Ниса, Машҳади Мисрия, Марви шоҳи жаҳон сингари маданият бешикларининг ўзига хос таъсиридир?

Янги шаҳарларнинг ҳам асосан эски, бир пайтлар гуллаб-яшнаган кентлар харобалари устида қад кўтариши ҳам бежиз бўлмаса керак. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Балки, бу туркман элининг кечмишдаги буюк шухрати самарасидир? Искандар Мақдуний қўшинлари ҳам ўз юришлари давомидаги энг кескин қаршиликларни айнан Турон замининда, туркий аждодларимиздан кўргани ҳам айни ҳақиқат. Мўғул босқинчиларининг енгилмас қўшинига қақшатқич зарба берган Жалолиддин Мангубердиннинг томирида туркманнинг ҳам қони оқар, унинг онаси Ойчечак — туркман аслзодаларидан эди. Ўзининг бетимсол асарлари ила босқинчиларнинг қиличини ўтмаслаштирган Жалолиддин Румий ҳам Турон фарзанди эди. Икки Жалолиддин — бири юксак руҳи, иккинчиси кескир шамшири ила мўғуллар зулми ва босқинига қарши чиқа олди.

Дунёдаги энг қадимий маданият ўчоқларидан саналмиш Жойтун маданияти ҳам айнан шу заминда пайдо бўлди.

Ишончли манбаларнинг гувоҳлик беришича, 522 йилда Марғиёнада Фрад бошчилигида бошланган озодлик ҳаракати ҳам тарихдаги энг биринчи халқ ҳаракатларидан бўлган.

XVII асрда яшаб ўтган туркман шоири Қорачаўғлон:

Кўзан тоғидан наслимиз,  
Орий туркмандур аслимиз, —

дейди. XVIII асрнинг мумтоз шоири Шайдоий:

Тоғдан баланд, янтоқдан паст  
Бўлди туркманнинг ахволи, —

деб нола чекади. Туркийларнинг тарихини ўрганишга беназир ҳисса қўшган академик В. Бартольд шундай деган эди:

«Қадимги туркманлар Узоқ Шарқда, Марказий ва Ўрта Осиёда, Яқин Шарқда кўп сонли туркий халқларнинг шаклланишида катта роль ўйнади».

Тарихий маълумотларни саралашда катта тажриба тўплаган яна бир олим Л. Н. Гумилёвнинг шундай фикри бор:

«Марказий Осиёда, Сирдарё ва Амударёнинг оралигида ва қуйи оқимларида турклашган орийлар, парфиёнларнинг энг яқин қариндошлари, туркманлар ёхуд ғузлар яшар эди».

Эҳтимол, муҳтарам ўқувчи «муаллиф жуда кўп саволларни кўндаланг қўйди, энди уларга ўзи жавоб берса керак», деган хаёлга бораётгандир? Йўқ, муаллиф жўяли саволлар топиш ва уларга ўқувчи билан бирга жавоб излашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу борада Махтумқулининг икки сатрини эслаб ўтиш ўринли бўларди:

Эр бошимга иш тушли,  
Мардона бўлдим энди...



# БИРИНЧИ БЎЛИМ

## 1

Махтумқулининг ҳаёти ва ижодини тадқиқ қилувчилар туғилган йили ҳақида турли хил фикрлар билдирадilar. Шоирнинг XX аср охирларида дунёдан ўтган авлодларидан бўлмиш Қора Эшоннинг маълумотларига кўра, Махтумқули Туркманистоннинг Кенгжой деган музофотида ёз ойларида таваллуд топган экан. Эҳтимол, кўпчиликнинг Махтумқули 1733 йилда туғилган, деб берган маълумотлари ҳам тўғридир. Фикримизча, бир қанча олимларнинг бу санани аниқлаштириш учун кўплаб манбаларни текшириб чиқишгани таҳсинга лойиқ. Шу бонс фактларга янгидан юзланиб, эскиларини инкор этмоқчи эмасмиз. Буюк шоир туғилган пайтда Эрон, Афғонистон, Турон мулкларидаги аҳвол қандай эди? Бу йилларда Нодиршоҳнинг ўз туркий қондошлари борасидаги сиёсати қай кўринишда эди? Хусусан, гўкларг туркманларининг ўша йиллардаги яшаш тарзи бошқа туркманлардан нимаси билан фарқланарди?

Муҳаммад Козимнинг «Нодирнома», Мирзо Махдихоннинг «Нодиршоҳ тарихи» асарлари, юзга яқин ёзувчилар тарафидан битилган романлар, шу даврга оид яна кўплаб манбалар даврнинг сиёсий, иқтисодий, маданий қиёфаларини кўз олдимизга келтириш имконини беради.

«Нодиршоҳ ҳазратлари Дарагўздаги Дастижарт қалъасида ҳижрий 1100 йил муҳаррам ойининг 28-куни дунёга келди» (1688 йил, 22 ноябрь, МИТТ, 118 саҳ.)

Нодиршоҳ кўлида қилич тутган кундан бошлаб, энг аввало, ўз қондошларига қурол кўтарди. Ҳатто, қони қайнагап кезларда ўзининг ҳамқавмлари — афшарларни ҳам аяб ўтирмади. Жанг қилди, босиб олган ерларининг бойлигини талади, халқини кўчирди. Ҳар ернинг тулкисини ўша ернинг тозиси билан овлашга ҳаракат қилди.

У туркий қавмларнинг бўйсунмаслик хусусиятини аввалдан биларди. Шу боис, бу халқларнинг ички аҳволидан мунгазам хабар етказиб турган айғоқчилар шоҳни тезроқ ҳаракат қилишга, уруш бошлашга ундардилар. Бу асосий омиллардан бири бўлиши ҳам мумкин. Нодиршоҳ ўз тож-тахтини сақлаб қолиш мақсадида туркий бўлмаган халқларга хайрихоҳлигини кўрсатиш учун туркийларга қарши эканини мудом эслатиб туришга мажбур бўлгандир? Бу борада шиа-сунний можароларининг ҳам ўрни бор. Ана шу можаролар сабаб, туркман ўзбек халқлари устига қўшин тортиб, уларнинг кўпчилигини қувғин қилгани, талон-торож этгани ҳам ҳақиқат. «Ўзингдан чиққан балога, қайга борасан давога?» деган нақл айни ўша пайтларда эл ичида кўп айтилиб, тилга тушганди.

Ўрни келганда айтиш лозимки, Нодиршоҳдан аввалги ва кейинги қизилбош ҳукмдорлар ҳам айнан шу йўлни тутганлар. Чунки, улар қўл остиларидаги элларнинг феъл-атворини яхши билар эдилар.

Атрофда ана шундай аҳвол ҳукм сурган бир пайтда, Нодиршоҳнинг қўл остида эзилиб келган гўклангларнинг ҳаётини тасаввур қилаверинг.

Гургон тумани ўзининг жашинатмонанд табиати билан кўплаб сайёҳлар, меҳмонлар ва фотиҳларни ўзига жалб этиб келган. Нодиршоҳ сингари маккор ҳукмдор бу масканга кўз тикмаслиги мумкин эмасди. Нодиршоҳ қўшинларининг дастлабки мўлжали ҳам айнан гўкланг қабиласи бўлди. Ёвмут туркманлари сингари бирика олмагани, така туркманлари билан ҳам тил топиша олмагани гўкланг қабиласининг ҳаётида кескин ва нохуш ўзгаришларни келтириб чиқарди. Қолаверса, уларнинг кўпчилиги тоғ туркманлари эди. Текислик ёки саҳро туркманларига қараганда тоғликлар нисбатан илгарироқ ўтроқлашганлар, шунга кўра уларда суғорма деҳқончилик, ҳунармандчилик кўпроқ ривожланган. Шу боис, уларнинг турмуш маданияти кўчманчиларникидан анча фарқланади. Бунинг устига, ёвмут, така можаролари, Хива хонларининг юришлари ҳам бу элатни анчайин ҳолдан тойдирганди.

## 2

1733 йил. Бу йил бўлажак буюк шоирнинг туғилган йили эди. У уч ёшга тўлганида, Нодиршоҳ салтанат тахтига ўтириб, шоирнинг беғубор болалигини қизил қонга фарқ этди. Шоир ўн тўрт ёшга етганида Нодиршоҳни ўз қиличи билан

Ўлдирдилар. Махтумқули аини шу дамдан ўзининг баркамол ёшга етганини англайди.

Шу чоққача ёш биларднинг ўзинини,  
Кўргил энди, катта бўлиб қолибсан...

Балки, ёш шоир Нодиршоҳнинг ўлими кўплаб муаммоларнинг ечимига йўл очишини қалбан ҳис этгандир? Аммо унинг бошига тушажак турфа мусибатлар, яхши-ёмон кунлар, бахтсиз севги можаролари, руҳий азоблар, изтироблар — ҳаммаси ҳали олдинда эди.

Ўн тўрт ёшли ўспирин ўзини ҳали қандай синовлар кутиб турганини қаердан ҳам билсин? Тақдирнинг турфа ўйинлари ҳақида сўзлашдан аввал Махтумқулининг болалик, ўсмирлик йиллари ҳақида фикр юритсак.

Махтумқули ҳаётини шартли равишда даврларга бўладиган бўлсак, айтиш жоизки, унинг ўн тўрт ёшгача бўлган даври ҳақида етарлича маълумотлар йўқ. Унинг болалик, ўсмирлик йиллари эса ўз тенг-тушлариникидан у қадар фарқ қилмаган дейиш мумкин. Нимага асосланиб бундай деяпмиз? Биринчидан, ўша пайтдаги вазият, аҳолининг турмуш тарзини кўз олдимизга келтирайлик. Демак, у ҳам ўз тенгдошлари сингари ёшлик пайтида мол боққан, деҳқончилик, экин-тикин ишларига қарашган, дурадгорлик, заргарлик, косиблик сингари ҳунарларга қизиққан. Чунки, туркманларнинг ўтмишдаги турмуш тарзида ҳар бир йигит кишининг бир неча ҳунар эгаллаши шарт саналган. Бу анъана халқнинг қон-қонига сингиб кетган.

XIII асрда Онадўлига бориб, ўша ерда ахийлик тариқатига асос солган Ахий Эвраини эсга олайлик.

Жўмардлик, инсонларга муҳаббат, хушмуомалалик, ўзидан ҳам аввал бошқаларга кўмаклашини, бошқаларнинг манфаатини ўзиникидан устун қўйиш, ҳаммани ҳурмат қилиш, ор-номусни асраш, Аллоҳни севиш, тўғрисўзлик, меҳмондўстлик, дўстларнинг шодлигига шерик бўлиш, яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтариш, тавба қилиш, ғийбатнинг олдини олиш, миннат қилмаслик, бировни мажбурламаслик, одамларни тенг кўз билан кўриш, кулоқларни ёмон гап эшитишдан сақлаш, қўшниларга мурувват кўрсатиш, кечиримлилик, устозга юксак эҳтиром... — буларнинг барчаси ахийлик тариқати шартларидан саналади.

Ахийликда уч нарсани очиқ тутиш лозимлиги айтилади:

1. Қўлингни очиқ тут, жўмард бўл.
2. Дастурхонингни очиқ тут, очларни тўйдир.
3. Эшигингни очиқ тут, меҳмондўст бўл.



Яна уч парса борки, уларни ҳамиша ёпиқ тутиш лозим:

1. Кўзингни юм, ёмон нарсаларга қарама.
2. Тилингни тийиб юр, ёмон гапларни гапирма.
3. Белингни маҳкам тут, зинодан йироқ бўл.

Ахийларнинг яна бир насихати бор:

Кўп ейиш фикрларни ўтмаслаштиради. Оз е ва ҳалол лўкмага қаноат қил. Хорликнинг боши тамагирликдандир.

Улар аёлларига ҳам шундай уқдиришган: «Ошинга, ишинга, эринга эътиборли бўл!» Бу тушунчалар туркман менталитетига ҳам сингиб кетган. Буни ҳозир ҳам туркман халқи турмуш тарзида кузатиш мумкин.

Кўп ривоятларда Махтумқулилар оиласи косиблик, заргарлик билан ҳам шуғуллангани айтилади. Бу борадаги тафовутлар ёш Махтумқулининг дунёга қандай боқишида, атрофдаги ҳаётни қандай қабул қилишидагина бўлса керак.

Инсон онгу тафаккури болалик чоғларидан шаклланиб бориши ҳеч кимга сир эмас. Махтумқули жуда ёш чоғида онаси Ўразгул эжедан жудо бўлади. Албатта, она меҳридан барвақт айрилиш Махтумқулининг ҳаётида ҳам машъум из қолдирган бўлиши аён. Унинг бизгача етиб келган асарларида онага — волидан меҳрибонига бағишланган сатрлар жуда кам учрашини қатор олимларимиз қўйидаги ҳолат билан изоҳлашади: илгариги даврларда она ҳақида битилган шеърлар шоирнинг шахсий сирини ҳисобланган, котиблар томонидан китобат қилинаётганда ҳам бундай шеърлар атайин тушириб қолдирилган. Аммо, бу борада бошқача андишаларимиз ҳам йўқ эмас. Қолаверса, Махтумқулининг дастлабки ижод намуналари, хусусан, ўн тўрт ёшигача ёзган шеърлари бизгача деярли етиб келмаганини кўпчилик тасдиқлайди.

Шоирлар ижодига назар ташланса, она ҳақидаги шеърлар жуда ёшлик чоғларида, балоғатга етиб, қалбларида ишқ-муҳаббат бўй кўрсатмаган пайтларида кўпроқ қоғозга туширилганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Шундай экан, Махтумқули ўз онаси ҳақида шеър ёзмаган ёки кам ёзган дейиш учун етарли асосимиз йўқ. Дунё кенг, шоир ижодининг қамрови ундан-да кенгроқ. Умид шулким, вақти келиб шоирнинг ўз волидасига бағишлаб битган шоҳ сатрлари ҳам топилиб қолса, ажаб эмас.

Шу ўринда шоирнинг мана бу мисралари ёдга тушади:

Беш йилда бир китоб қилган ишимиз,  
Қизилбошлар олиб вайрон айлади.

Ёки:

Ажаб дostonимдан қўймади нишон.

Ёки:

Қўлёма китобим селга олдириб,  
Қўзларим изида гирён айлади...

сингари сатрлар унинг кўз ўнгида йўқ қилинган асарлари хусусида маълумот беради. Балки, ўша бой берилган асарлар ҳам шоир умрининг дастлабки йилларида яратилган ижод намуналари бўлгандир?!

### 3

Келинг, яна шоирнинг таржиман ҳолига қайтайлик. Умрининг дастлабки йилларида, болалик, ўсмирлик даврида Махтумқулига ҳар тарафлама таъсир кўрсатган инсон унинг отаси Давлатмамат Озодий эди. Отаси оназор меҳрига қониб улгурмаган фарзандига оналик меҳрини ҳам бера олди, десак хато бўлмас.

Олижаноб, хушфёъл, дунё неъматларидан қўнглини жиловлай олган, умрини илму маърифатга бағишлаган, ўз даврининг етук мураббийси, юксак маърифат ва маданият соҳибни бўлмиш Озодий Махтумқули учун наинки намунали ота, балки буюк устоз, ҳар жиҳатдан ўрнак бўлишга арзирли комил инсон ҳам эди.

Озодий барча Шарқ халқлари қон-қонига сингиб кетган инсоний фазилатларга эга, ақлли, узоқни кўра билган оила бошлиғи бўлганига шубҳа йўқ. Бироқ унинг илмга чанқоқлиги, руҳий эркинликка интилиши оиланинг аввалги вакилларига ўхшамасди. Одатий ярим ҳунарманд, ярим деҳқон оилада шоирликка, олимликка мойиллиги бор фарзанднинг дунёга келиши оила бошлиғини, қариндош-уруғларни ноқулай вазиятга тушириб қўйганди. Чунки, натурал хўжалик ҳукмрон бўлган даврларда оила учун ишчи кучи энг асосий зарурат саналган, зеро, оилани боқиш, рўзгор тебратиш ана шу ишчи кучига боғлиқ бўлган.

Оила бошлиғи ҳам фарзандининг вақти келиб ёнига кириши, қўлидан ишини олишини истайди. Бироқ, табиат инсоннинг қундалик заруратларию хоҳиши билан ҳисоблашиб ўтирмайди. Унинг ўз йўриғи бор. Оддий деҳқоннинг боласи ҳам истеъдоди сабабли олим, шоир ёки бахши бўлиб етишиши мумкин. Бироқ бундай фарзандлар отакаси билан шуғулланиб турсалар-да, ўзларини бутунлай шу касбга бағишлай олмайдилар. Уларнинг қалби, руҳияти илоҳий туйғуларга мойил бўлади. Асосан улар ўқишга, ижодга берилиб, жисмоний меҳнатдан анча йироқлашиб

қолади. Ақлий меҳнатга зўр бериб киришни одамни аңчайин заиф, касалманд қилиб қўйиши ҳам кўп кузатилган.

Бу сифатлар хўжалик юритувчиларга хос эмас. Кейин, «овчига дуч келган кийикнинг икки кўзидан бошқа гуноҳи йўқ», дейдилар. Бағрингда унган болангни ташлаб кетолмайсан, бора-бора тақдирга тан берасан...

Бундай оталар аввалига, «Эй худойим, иккита мулла ўғилдан кўра, битта деҳқон ўғил берганинг яхши», дея ичларида тавалло қиладилар. Чунки, меҳнатқаш оила бошлиғи ўз касбини ўғиллари ҳам даном эттиришини истайди.

Ривоятларда айтилган, тадқиқотлар натижасида топилган маълумотларга кўра, ушбу авлоднинг бошланғич нуқтаси Махтумқули эгарчига бориб тақалади. У тахминан 1654 йилда туғилган. Эгарчилик билан шуғулланган. Етимлик, муҳтожликда ўсиб улғайган, мардикорчилик билан кун кўрган. Уйи, рўзғори бўлмаган. Бир бойнинг уйида хизматкорлик қилгани, шоирликдан бироз хабари борлиги айтилади.

Профессор Мати Кўсаевнинг маълумотларига кўра, ундан бизгача жуда оз шеърлар етиб келган. Махтумқули эгарчи қирқ ёшга кирганда фарзандли бўлган ва ўз отасининг хотирасини ардоқлаб, гўдакка Давлатмамат исмини қўйган. Бола 12 ёшга еганида отаси дунёдан ўтади. Катта Махтумқули ҳақидаги маълумотларнинг бор-йўғи шу, холос.

Давлатмаматнинг болалик йиллари, онасининг ким бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар бизгача етиб келмаган. Аммо у дастлаб ўба (овул) мактабида, сўнгра тоғаларининг кўмагида Хива мадрасаларида ўқигани айтилади. Албатта, отанинг қони фарзанднинг ҳам томирида оқиши бор гап. Атоқли шарқшунос академик Самойловичнинг ёзишига кўра, Давлатмамат нафақат ҳассос шоир, балки олимлик даражасига ҳам етишган эди. Бир пайтлар отаси — катта Махтумқулининг қалбида туғилиб, учқунланмаган олов энди Давлатмаматнинг қалбида аланга олади.

Унинг фикрлари ўз даври учун, туркман халқининг ўша пайтдаги ҳаёт тарзи учун катта туртки бергани шубҳасиз. Хўжалик муаммолари Махтумқули эгарчининг истеъдодини юзага чиқаришга имкон бермаган бўлса-да, ўғлининг олимлик ва шоирлик иқтидорига монелик қилолмади.

Шу тариқа бу авлодда шоирлик истеъдоди юзага чиқди. Давлатмамат қишлоқ мактабида болаларга сабоқ ҳам берар, шунинг ортидан тирикчилик қиларди. Унинг чорвачилик ва ҳунармандчиликдан ташқари деҳқончиликдан ҳам хабари бор эди.



Аждодларимиз азалдан наинки чорвачиликда, деҳқончиликда ҳам юқори натижаларни кўлга киритиб келишган. Ўтмишда яшаб ўтган, она заминимизга қадам ранжида қилган сайёҳлар ўз асарларида бу ерларнинг мўл-кўл ҳосил манбаи эканини қайд этишган. Араб сайёҳи Ибн Ҳавқал X асрда ёзган саёҳатномаларида бу ерда кўрганларини шундай тасвирлайди: «Туркистондаги сингари кўй-кўзилар бошқа ҳеч қаерда учрамайди. Совлиқлари ҳар йили 6—7 тагача кўзилаши мумкин» (МИТТ, I, t. 181 саҳ.). Қадимий Машҳади Мисриёндаги деҳқончилик излари ҳам кўп нарсадан хабар беради. Балакан (болга, асалга кон) сўзи ҳам бекорга тапланмаган.

Демак, «Ҳар бир янгилик унутилган эскиликдир» нақлини деҳқончиликда ҳам қўлласа бўлади.

Давлатмамат ҳам турмушнинг қийинчиликларини анча эрта бошидан кечиради. Ривоятларда айтилишича, кунларнинг бирида Давлатмамат туш куради. Тушига Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) кириб, «Сен дўзахдан озодсан» деган эмишлар.

Шу сабабли Давлатмамат ўзига Озодий тахаллусини танлаган экан. Албатта, Давлатмамат Озодийнинг илк тушунчалари, дунёқараши, маънавий олами отасининг кўмагида шаклланган бўлиши эҳтимолга анча яқин.

Бошқа бир ривоятларга кўра, Давлатмамат аввал қишлоқ мактабида, кейин эса, тоғаларининг кўмагида Хива мадрасаларидан бирида таҳсил олган. Бундан эса, Давлатмамат хийла эҳтиёжманд оилада ўсгани сабабли, тоғаларининг кўмагига муҳтож бўлгани англашилади.

Шу ўринда қизиқ бир ҳолатга эътибор қаратиш лозим. Давлатмамат Озодийнинг, Махтумқулининг ва бошқа кўпгина туркман мумтоз шоирларининг ижоди ўтган асрнинг 30-йилларига келиб чуқур ўрганила бошланди. Бу даврда эса сталинизмнинг қаттол камчиси халқ бошида ўйнаб турарди. Илмий ишларнинг муқаддимаси «Фалонийнинг камбағал-деҳқон оиласида туғилиб ўсгани» билан бошланарди. Шу боис туркман шоирларининг деярли ҳаммаси зўр бериб «ғариблаштирилди», «бечораҳол» қилиб кўрсатилди.

Ўсмир Давлатмамат қишлоқ мактабига ҳавас билан қатнай бошлайди. У мудом ўз фикр-хаёллари билан юргани учун бошқаларга унчалик эътибор ҳам бермас, нималарнидир ўйлаб, бошини қуйи солиб, ерга кўз тикиб юрарди. Кўпчилик унинг ота касбидан кўра ёзув-чизувга ихлоси баланд эканини айттарди. У даврнинг мактаби, хусусан, туркман қишлоқларидаги

ибтидоий ўқув муассасасида нималарни ўрганиши мумкин? Табиийки, XVII асрнинг иккинчи ярмида, XVIII асрда ҳам туркманларнинг қишлоқ мактабини Самарқанд, Ҳирот, Машҳад, Хива шаҳарларидаги мактаб-мадрасалар билан тенглаштириб бўлмасди.

Ўба мактабларида бошланғич билимлар бериларди, холос. Бу мактабларда фақат ўғил болалар ўқитиларди.

Ақл косаси тўлишган Давлатмамат камолот ёшида оила қурғач, унинг турмуш тарзида ҳам ўзгаришлар кўзга ташлана бошлайди. Бирин-кетин фарзандлар дунёга келади. Энг кичик ўғлининг исмини отасининг хотираси ҳурматига Махтумқули деб қўяди. Шу тариқа бу авлодда иккинчи Махтумқули дунёга келади.

Кичик Махтумқулининг қулоғига уч нарсанинг муқаддаслиги, уни кўз қорачиғидек асраш лозимлиги қатъий ўқтирилади. Булар — от, яроқ ва аёл эди. Улар фақат ўзингники бўлиши керак. Бошқаларнинг дахл қилишига асло йўл қўймаслигинг лозим! Сен уларни асрай билмасанг, эл ичида обрўйинг пасаяди, сени ҳақиқий эркак ўрнида кўришмайди.

Таълим-тарбия борасида юқорида тилга олинган масалалар, шунингдек, яна бир қатор инсоний фазилатлар жамланиб, туркман менталитетини яратган десак адашмаймиз. Айнан ана шу туркманчилик миллатни парчаланиб кетишдан асраб қолган ва унинг яхлитлиги ва бирдамлигини таъминлаган.

XIX асрнинг 30-йилларига қадар ана шундай тарбия услуби ўзгармай келган. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг от билан яроғ туркманнинг қўлидан кетди. Шукурки, Аёл ҳозирга қадар туркман элининг ор-номуси тимсоли бўлиб келмоқда. Оилапарварликка оид азалий анъана туркман хонадонида ажралишларга йўл бермайди. Бироқ, сўнгги йилларда бу борадаги кўрсаткичлар сонининг сезиларли даражада ўсгани кишини ташвишга солади. Ҳар қандай вазиятда, ҳар бир миллат оила муқаддас қўрғон экапини унутмаслиги, уни асраб-авайлаши лозим. Зотан оила — ҳар бир жамиятнинг, давлатнинг асосий таянчидир.

Мулла Давлатмамат болага кимнинг исми берилса, шу инсонга ўхшаб улғайишига ишонарди. Чиндан ҳам у ўғлининг ҳар бир ҳаракатида отасининг қиёфасини кўргандек бўларди. Онаси Ўразгул учун ўз юраги остида кўтарган фарзандларининг ҳар бири азиз бўлса-да, онаизор қайнотасининг исмини кўтарган Махтумқулига айрича эътибор билан қарарди.

Донишманд Давлатмамат тўрт-беш ёшли ўғлининг вужудида қандай юрак уриб турганини ҳис этгандек бўлар, чунки у акаларига қараганда ташқи оламга бошқача, ҳассос, теран назар билан боқар, ҳамма нарсага қизиқиш билан қарарди.

Шунингдек, катта ўғилларида шеърят ва илмга у қадар ташналик сезилмасди. Деҳқон ўз фарзанди худди ўзига ўхшаш меҳнаткаш бўлишини истаганидек, олим ҳам илмли фарзанд ўстиришни хоҳлайди. Шу боис у кичик ўғлининг юриш-туриши, дунёқараши, гап-сўзларини кузатаркан, «Шу ўғлим бошқачада», деб қўярди. Унинг хаёлчан, ўйчан, оғир-вазмин юришини ҳам яхшиликка йўярди.

Айтишларича, бир кун мулла Давлатмаматнинг хузурига икки болани келтиришиб, уларга дарс беришни сўраганиди. Шунда мулла болаларга дарс беришдан бош тортади ва: «Аввал уларнинг отасига тарбия бериш лозим эди», дейди. Бу болалар Нодиршоҳнинг фарзандлари экан...

Умуман, яхшиликдан умид қилишга ҳамма қатори мулла Давлатмамат ҳам ҳақли эди. Унинг фикрича, ёмонлик қилмаган, юрагида кири йўқ одамни Аллоҳ ҳам ярлақайди.

#### 4

Дунё олатасир ғавғо ичида эди. Нодиршоҳ гоҳ у ёқда-гоҳ бу ёқда от чоптириб, қилич ўйнатиб юрган пайтлар... Унинг босқинлари сабаб қанчадан-қанча оилалар вайрон бўлаётган эсада, Давлатмаматнинг оиласини Яратганининг ўзи паноҳида асраб келаётган эди.

Фақат ҳар доим ўз ўлжасига беҳато чангал солиб келган ажал бу гал унинг аёли Ўразгулни олиб кетди. «Ўрта йўлда отинг ётмасин, ўрта ёшда аёлинг йитмасин» экан. Бутун оиланинг ташвиши бошига тушган Давлатмамат энди фарзандларини ҳам ота, ҳам она бўлиб тарбиялашга мажбур. Бошга тушганини кўз кўради, тангри ёзганини баъдаси бузолмайди. Давлатмамат ҳам тақдирнинг бу зарбасини мардонавор қарши олди. Бирок, у ҳам, фарзандлари ҳам олдинда ўзларини яна не кўргиликлар кутаётганидан беҳабар эдилар. Фақат у фарзандларига мудом ҳар бир савдони босиқлик ва собирлик билан қарши олишни уқтириб келарди.

Йиғлагил шому саҳарлар баччавор,  
Йиғласа қул, раҳматнинг баҳри жўшар.

Давлатмамат вафот этган аёлининг хотираси ҳурмати то унинг йили чиққунча уйланишни хаёлига ҳам келтирмади.



Қолаверса, кўпхотинлиликка шаръан рухсат берилган бир замонда боши очиқ аёллар кам учрарди. Бундан ташқари, кўнгил билан ҳам ҳисоблашиш керак. Мулла Давлатмамат фақат ўзи учун эмас, етим қолган болаларининг бошини силайдиган, уларга чин оналик меҳрини бера оладиган кўнгли юмшоқ аёл билан тақдирини боғлашни истарди. «Отасиз етим — гул етим, онасиз етим — шум етим» деб бежиз айтишмаган. У бевалик жабрини неча йил чеккан бўлса-да, болаларидан меҳрини дариф тутмагани, оила ўчоғининг оловини сўндирмагани аниқ.

Бироқ у ҳар қанча ҳаракат қилмасин, оилада аёлнинг ўрни бўлак экани, фарзандлар тарбиясида ҳеч ким онанинг ўрнини боса олмаслигини тушуниб етди. Кейин, ёлғизлик фақат Аллоҳга хос. Ер юзида ҳар бир жонзот ўз жуфти билан яралган. Куннинг ҳамроҳи ой, эрнинг йўлдоши хотин... Ҳатто, тоғу тошдаги паррандаю даррандаларнинг ҳам жуфти бор...

Ана шундай кунларнинг бирида у кўчманчи туркманлардан бўлган бир аёлга уйланди. Аёл хушхулқлиги, саранжом-саришталиги сабабли бу оилага тез мослашиб кетди. У болаларга ўз фарзандларидек муносабатда бўлгани боис, унинг ўғайлиги асло сезилмади. Аёлнинг ана шу эзгу фазилатлари Давлатмаматнинг ҳам эътибори, ихлоси, ишончини ва муҳаббатини қозонди.

Шу тариқа оилавий ҳаёт яна ўзанига тушиб кетди. Қўл-оёқлари кучли, тўгарак бошига бўрки ярашиб турган, унинг остидан жингалак сочлари тошиб турган Махтумқули ҳам иккинчи онасига аста-секин ўргана бошлади.

Она кучоғида, оқ рўмол панасида ўтирган буғдойранг Махтумқулини кўз олдингизга келтиринг: меҳрибон бу аёлнинг илиқ сўзлари, меҳр билан боқиб турган нигоҳлари ўз волидасидан айрилган болакайнинг мурғак қалбига ором бахш этарди.

Акаларига қараганда Махтумқули ва синглиси Зубайда анча ёш, айниқса, қизалоқ эндигина атак-чечак юра бошлаганди. Бу хонадонга янги келган аёл болалар тарбияси, уй-рўзғор ишлари, хонадоннинг обрў-эътиборини сақлашни ўз зиммасига олди. Фарзанд тарбияси оилавий анъаналар орасида муқаддас ўринни эгаллаб келган. Бу масалада янги аёл мулла Давлатмаматнинг энг ишончли кўмакчисига айланди. Энди Махтумқули ва Зубайда ҳам ўйнагани уйдан йироқлаб кетишмас, чунки уларнинг тепасида ўз мураббиялари бор эди.

Оила катта бўлгани учун харажатлар ҳам шунга яраша эди.

боис катта ўғиллар мол боқиш, деҳқончилик қилишда оталарининг қаватига киришди. Бироқ, замона оғир эди. Гоҳида қирда боқилаётган моллар қароқчилар қўлига тушар, даладаги буғдой ҳосили етилиб турганда турли ҳайвонлар поймол қилиб кетарди.

Шу боис, катта ўғилларнинг зиммасига чорва ва экинни турли хавф-хатарлардан қўриқлаш вазифаси ҳам юкланади. Улар молларини асосан ўз экин майдонлари яқинида боқишарди. Бу пайтда Махтумқули тўрт-беш ёшли бола эди. Баъзида акалари уни отнинг орқасига мингаштириб, далаларга, яйловларга, қирларга олиб боришарди. Болакай ям-яшил кенгликларда қийқириб чопар, тоғ бағридаги булоқлардан тиз чўкиб сув ичар, анҳорларда чўмилиб ўйнарди.

Унинг беғубор нигоҳи ҳайратга тўла эди: ер қаъридан қандай қилиб бундай шаффоф тиниқ сув отилиб чиқаркин? Анҳорларнинг оқими қаердан бошланаркин? Қаергача оқиб бораркин?

Махтумқулининг мурғак тасаввурлари, юрак тўла покиза ҳислари ана шу кенгликларда шаклланиб борди. У ҳар доим отнинг орқасига мингашиб, акаларининг ортидан қолмайдиган бўлди. Ҳар бир янги кун унга чексиз завқ-шавқ бағишларди. Фақат акалари билан эмас, отаси ва иккинчи онаси билан ҳам турли давраларга, тўй-маъракаларга борадиган бўлди. Улар билан бирга қўшни қишлоқларни ҳам кўрди.

Махтумқули кўрган ҳар бир янги манзарани онгида муҳрлаб борарди. Унинг зеҳни ўткирлашиб, дунёқараши кенгайиб бораётганини кўрган Давлатмаматнинг ҳам қувончи ичига сиғмай кетарди. Чунки, борлиқни бошқалардан кўра тирапроқ назар билан кўра олмасанг, сендан олим ё шоир чиқиши қийин. Буни ота ўз тажрибасидан яхши биларди.

Болалар кун сайин улғайиб боришарди. Мулла Давлатмамат эса, мактабдорликдан, ёзиш-чизишдан бўшамасди. Бўш пайтларида ўткинчи карвонлардан, бир пайтлар Хивада бирга ўқиган дўст-ёронлардан олган китобларни тиззаси устига қўйиб, мук тушганча мутолаага бериларди.

Каъба вайрон этмакдин минг мартаба,  
Бир қўшгулни йиққан ёмондур, эй дада.

Баъзи пайтлар унинг борлиғини илҳом париси забт этар, дунёнинг барча ташвишларини унутиб шеърият осмонида парвоз қиларди. Ана шундай онларда у ўзини энг эркин, бахтиёр ва қудратли ҳис этарди.

Мулла Давлатмамат дунёнинг азалий ва абадий саволларига жавоб излаб, ҳаётнинг мазмуни, диннинг асл моҳияти хусусида тафаккурга чўмарди. Бир томондан дунёвий, бошқа тарафдан диний мушоҳадалар унинг ҳаёлот оламига қўшин тортиб келарди. Мулла Давлатмамат қалбидаги бу галаёнларни узоқ сақлаб туролмас, туғёнлар туну кун уни беҳаловат этарди. Ана шундай пайтларда мулла Давлатмамат Яратганга илтижолар қилиб, гуноҳларига тавба қилиб, яна мушоҳадлар оғушига қайтарди. Шунда дунёвий фикрлар ўз-ўзидан ортга чекинарди. Мулла Давлатмамат икки қўлини дуога очиб тавалло қилади: «Ё раббим, мени бундай синовларга солма, ўзинг марҳаматингни дариг тутма!» У кўнглига қўнган турфа фикр-туйғулардан тезроқ қутулишни истарди. Қалбини бадбин ўйлардан поклаш учун Қуръонни каримни кўксига қалқон қиларди. Инсоннинг энг кучли куроли — сўз, фикр ва туйғулардир. Тўғри фикрлаган инсон ҳамиша тўғри йўлдан боради. Шу сабабдан ҳам Қуръонни, Тавротни, Инжилни — уларнинг ҳар бири инсон тафаккурида тўғри фикрлар учун йўл очиб келган.

Мулла Давлатмамат ўзининг ҳаётини тажрибасига асослашиб ўқувчиларига Қуръонни карим ва Ҳадиси шариф, Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматлари, Вафонийнинг «Равнақул-ислом» «Мухтасар», Навоий, Сўфи Оллоёр асарларини ўқитса-да, булар ҳали етарли эмаслигини англаб етади.

Шарқона қадриятлар, панд-насиҳат руҳидаги мукамал бир асар яратиш ғояси ҳам мулла Давлатмаматда худди шу пайтларда туғилган бўлса, ажаб эмас. Унинг назарида дин одамларни юқоридан бошқариш, қўрқитиш ёки жазолаш куроли эмас, балки эзгулик, одамийлик, олижанобликни тарғиб этиш воситаси бўлиб кўринарди. У халқни диндан айро ҳолда тасаввур қилолмасди. Мана, у эккан уруғидан мўл ҳосил олди, чорвасига қут-барака инди, ўғил-қизлари соғ-саломат... Буларнинг бари Яратганининг инояти эмасми? Демак, дин — нажот демак, покланиш демакдир. Энг буюк илм — Ҳақни танимоқдир. Иймон — сени жабрситамлардан, бало-қазолардан асрагувчи илоҳий қудрат.

Мулла Давлатмамат миясига қуюлиб келаётган бундай фикрларни китоб қилиб ёзишга киришди. Бу борада ўзидан аввал битилган китобларни мукамаллаштиришни, уларнинг туркман турмуш тарзига мослашган нусхаларини яратишни олдига мақсад қилиб қўйди. Ўтган умри давомида олган билим ва кўникмаларини, ҳаётини тажрибаларини жамлаб халққа етказиб бермаса, ҳаёти беҳуда ўтадигандай ўзини кечиролмаслигини ҳис



этди. Қолаверса, Давлатмамат ҳам ўргатишдан, ҳам ўрганишдан чарчамайдиган зиёли инсон эди. Мактаб-мадрасада асосий масала ўргатишгина эмас, балки ўрганганларингги ўргатишдир. Унинг доимо тиниқ фикрлаши илм-фан билан мунтазам шуғулланиб туриши билан чамбарчас боғлиқ эди.

Хўш, мулла Давлатмаматнинг ўз олдига қўйган шу буюк мақсадларини амалга ошириш учун кучи, идроки, билими етармикин? Балки, бу ишга бироз эртароқ киришиб қўйгандир? Халққа нафи тегмайдиган китоб ёзиб, бор обрўйини тўкиб қўймасмикин? Унда атроф-жавонибдаги мулла-эшонларнинг кулгисига қолиб кетмайдими? Булар жиддий мулоҳазалар эди.

Йўқ! Ахир мулла Давлатмаматни китоб ёзишга ундаган, унинг қалбида ана шу мақсадларни уйғотган ҳам билим ва тафаккур эмасми? У туркий тиллар билан бир қаторда, форс ва араб тилларидан ҳам яхши хабардор эди. Шарқ дostonларини, буюк мутафаккирларнинг асарларини, пайғамбарлар ҳақидаги ривоятларни, диний мазмундаги китоблару панднома асарларни, хусусан, «Қобуснома»ни чуқур ўрганиб чиққан эди.

Давлатмамат Озодий ўзининг «Ваъзи Озод» китобини ёзишда Шарқнинг буюк шоирлари бўлмиш Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Низомийнинг «Махзан ул-асрор», Саъдийнинг «Бўстон» ва «Гулистон», Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» сингари асарларидан, халқ дostonларидан баҳра олганлиги шубҳасиз.

1948 йилда қабул қилинган Инсон Ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига оҳангдош ғояларни бундан етти юз йиллар муқаддам ўртага ташлаган турк-туркман файласуфи Ҳожи Бектоши Валийнинг ижоди ҳам Давлатмаматнинг диққат-марказида бўлганига шубҳа йўқ. (Ҳожи Бектоши Валийнинг «Мақолот» асарлар тўпламини каминга 1999 йилда туркман тилига ўгириб, чопэттирган эдим – О.Я.)

Шу ўринда бу улуғ сиймо ижодига хос айрим ўғитларини эслаб ўтсак:

## ҲОЖИ БЕКТОШИ ВАЛИЙ ЎҒИТЛАРИ

*Ранжисанг ҳам, ранжитма.*

*Келинг, азизлар, бир бўлайлик, йирик бўлайлик, тирик бўлайлик.*

*Душманингиз ҳам инсон эканини унутманг.*

*Хотин-қизларни авайланг.*

*Ҳеч бир миллатни ва инсонни айбланг.*

Ҳар нима кутсанг, ўзингдан кут.

Буюклик тожда эмас, балки бошдадир.

Кўрганингни яшир, кўрмаганингни гапирма.

Қўлингга, тилингга, белингга эҳтиёт бўл.

Илмсизлик билан бошланган йўлни охири зулматдир.

Илмнинг биринчи шартин одобдир.

Ўзингга оғир туюлган ишни бошқага юклама.

Иймон бир хазинадир.

Раҳмоннинг асли иймон, шайтоннинг асли шубҳадир.

Кўнгил — кенг бир шаҳарга ўхшайди.

Кўк йиғласа, ер кулар.

Жон — бўстон, маърифат эса — булоқдир. Чанқаган бўстон сувга қанчалик эҳтиёж сезса, жон ҳам маърифатга шунчалик ташнадир.

Маърифатли қалб Аллоҳнинг буюк хазинаси ва назаргоҳидир.

Ҳар бир инсоннинг куйфрдан-да шиддатли уч душмани бор: биринчиси — баднафслик, иккинчиси — тамагирлик, учинчиси — ёлгончилик.

Энг катта давлат — адаб, ақл ва гўзал хулқдир.

Дарахтнинг тик туриши — илдизидан.

Ўз айбини кўрган одам бошқаларнинг айбини айтишга ийманади.

Жонини гафлатдан уйғотган ва ўз ҳолини билган киши — давлатманддир.

Ақл — ойга, маърифат — кунга, илм — юлдузга менгзайди.

Мақсадга сабр билан етилади.

Оёққа қалқсанг — хизмат учун қалқ, сўзласанг — ҳурматингни билиб сўзла, ўтирсанг — иззатингни билиб ўтир...

Эътибор қилсангиз, ўтмишда илмга, шеърятга меҳр қўйган инсонларнинг кўпчилиги тиб илмидан ҳам хабардор бўлишган. Қолаверса, ўша пайтдаги вазият шуни тақозо этарди. Зотан, илму риёзат, ижодий меҳнат кишисидан ҳам руҳий, ҳам жисмоний саломатликни талаб қилади. Демак, олиму шоирлар саломатлик масалаларига жиддий эътибор қаратишлари ўз-ўзидан тушунарли. Табиб эса, ҳар доим ёнингда бўлавермайди. Бинобарин, бу борада етарли тажриба ва тушунчага эга бўлишнинг қадри бебаҳо.

Мулла Давлатмамат кўпгина буюк мутафаккирларнинг асарлари билан танишиш асносида уларнинг тиб борасидаги пурмаъно фикрлари билан ҳам ошно бўлади. Ўтмишда Шарқ халқларида табобат анча тараққий этган. Абу Али ибн Синонинг бетакрор

асарлари юз йиллар давомида бутун жаҳон тиббиёти учун муҳим қўлланма сифатида ўрганиб келинган.

Ўз даврида мулла Давлатмамат ҳам тиб илмидан етарлича билим олган, тажриба орттирган эди. Шунингдек, Туркман саҳроси шифобахш гиёҳларга тўла бир макон эканлиги ҳам қадимдан маълум. Тонгги шабнамга чайилган хилма-хил гиёҳларни этагига йиғиб юрган мулла Давлатмаматни кўз олдингизга келтиринг. Унинг эрта оқарган соч-соқоли, нурли қиёфаси, оқ бўздан тикилган яктаги оппоқ туманликлар бағрига сингиб кетаётгандек...

(Бизнинг замонларда академик Вавиловнинг уюштирган экспедициясини, кўплаб қадимий гиёҳларни кашф этганини, ҳатто буғдойнинг ёввойи навларини ҳам топганини шу ўрнида эслаб кўйинг.)

Ақл косаси лиммо-лим тўлган мулла Давлатмамат далама-дала кезаркан, бўлғуси китоби ҳақида фикр юритар, янги китобдан жой олажак байтлар миясига изма-из қуйилиб келаверарди. У инсон сингари жонзот йўқлигини, ҳар бир инсоннинг вужудида бир аждаҳо яшириниб ётишини, ана шу ваҳшийни маҳв этиш ҳар бир инсоннинг бир умрлик вазифаси эканлигини яхши тушунарди.

Аллоҳнинг инсонга берган асосий хислатларидан бири — ўзини танимоқ, ўзини ўрганмоқ, ўзига эга чиқмоқдир. Шу тариқа, Давлатмамат бу катта ишнинг уддасидап чиқа олишига ишонч ҳосил қилди. Ана шу орзу китобга бадиият, ўзига хос нафосат рангини бағишлади, ўқувчининг ҳам қалбини юмшатиб, унда эзгу фикрлар уйғотишга хизмат қилди. Ўзининг юксак инсоний фазилатларини, эзгуликка ташналик руҳини Озодий ана шу китоб орқали ўқувчига етказа олди.

Албатта, панднома асарни назмда ёзиш учун ҳам алоҳида бир иқтидор, беқиёс куч-ғайрат керак бўлади. Буюк асар ёзилиши учун таралдуд ҳам катта бўларкан. Шу боис, бу ишга катта ишонч ва қатъият билан киришиш лозим эди. Мулла Давлатмамат ўзининг илмига, шеърый салоҳиятига, иқтидориغا ишончи комил эди. Ана шу ишонч — куч-қувват манбаларидан бири бўлиб хизмат қилди. Қолаверса, мулланинг иймон-эътиқоди ҳам бу ишни охирига етказишда катта таянч бўлди.

Мулла Давлатмаматнинг бу асарни ёзишга қачон киришгани аниқ бўлмаса-да, бу ишга қирқ беш ёшларда киришган бўлиши эҳтимолга яқин. «Ваъзи Озодий» асарида Нодиршоҳнинг номи ҳам, у ҳукмронлик қилган давр ҳам тилга олинмайди. Бу асар



2319 байт, 4638 мисрани ўз ичига олади. Бинобарин, айтиш мумкинки, Озодий бу асарни тахминан 1740 йилларда ёзиб тугаллаган бўлиши ҳам мумкин.

Махтумқули бу пайтларда чопқиллаб юрган болакай, қамчисидан қон томадиган Нодиршоҳ эса юришларда от чоптирарди. Мулла Давлатмамат зolim ҳукмдорнинг ҳаракатларига муносиб баҳо бериб, уни ўтмишдаги бошқа кўплаб тождорлар билан қиёслаб кўрарди. Балки, асарнинг шоҳларга тегишли бобининг ёзилишига, Нодиршоҳнинг саноқсиз талончиликлари, беомон жанглари, элатларни ўз юртидан мажбуран кўчиришлари сабаб бўлгандир?! Нима бўлганда ҳам, мулла Давлатмамат сарасофлик<sup>1</sup>ни қўлдан бермади, асарида Нодиршоҳнинг номини тилга олмади, бироқ шоҳларнинг қандай хислатларга эга бўлиши, ўз элига озор берган ҳукмдорларни қандай қисмат кутиши борасида мулоҳаза юритиб, бир қатор мисоллар ҳам келтириб ўтади.

Асар ёзишга киришиши билан мулла Давлатмаматнинг миясига тиниқ ва ёрқин фикрлар қуйилиб кела бошлади. Илгарилари ойда-йилда бир унинг қошида меҳмон бўлиб, битта-иккита шеър ҳадя этиб кетадиган илҳом парилари энди унинг бошида парвона эдилар.

Ана шунда мулла Давлатмамат ўз ботинида яшириниб ётган қувват борлигига, энди у уйғониб ўз соҳибига мадад бера бошлаганига, шоир орзусига, албатта, етажагига ишонч ҳосил қилди. Аммо, ҳали йўл йироқ эди. Олдинда ҳали не-не довлар, тўсиқ ва ғовлар борлигини, манзилга етиш учун қанча машаққатларни бошидан кечириш лозимлигини мулла яхши англаб турарди. Айни дамда, у Аллоҳдан ўзига мадад ва куч-қувват тилар, унинг изнисиз бир сатр ҳам ёзолмаслигини яхши тушунарди.

Гарчи асарнинг муқаддимаси осон бошланса-да, турмуш икир-чикирлари муллани тез-тез чалғитиб турарди. Ўша пайтларда Нодиршоҳ гўклангларнинг жанговарлигига алоҳида эътибор билан қарар, турли юришлардан енгиб-енгилиб қайтганида, сийраклашиб қолган қўшин сафларини ушбу туркман қавмининг йигитлари ҳисобидан тўлдиришни истарди. Кўпни кўрган Нодиршоҳ бу халқнинг бўйин эгмаслиги, қайсарлиги ва мағрурлигини асло унутмасди. Шу сабабли уларни қўшинга зўрлаб олиб келин-гач, кучли назорат остида сақларди. «Туркман ўжар келади, бир кун келиб ўзимга қарши яроқ ўқталмасин», деган кўрқув унга

<sup>1</sup> Сарасофлик — синчковлик, ҳушёрлик.

тинчлик бермасди. Мулла Давлатмамат Нодиршоҳнинг қўшинида хизмат қилиш ёшидан ўтган эди, бунинг устига, эл-юрт ичида обрўли оқсоқолга айланганди. Шу боис, ҳеч ким унга ҳалал бермасди. Бироқ, халқнинг мард йигитлари шоҳ қўшинида хизмат қилиш учун унинг ёнига оқ фотиҳа сўраб келганларида, шоирнинг ичидан нимадир узилгандек бўларди. Қўшин сафида сафарга отланиб, ном-нишонсиз кетган бўз йигитлар тақдири уни ҳам қаттиқ ташвишга соларди...

Ҳаёт яна ўз маромига тушганда, мулла қўлига қаламини олиб, ижод дунёсига шўнғирди. Хаёлотида чарх урган фикрлар шеърини сатрларга айланиб, оқ қоғозга қуйиларди.

Ана шундай кунларнинг бирида мулла ёзишдан боши хумдек шишиб, ҳужрасидан чиққанида, тошлардан уй қуриб, қўзичоғини унга киргизмоқчи бўлаётган кичкинтой Махтумқулини кўрди. Қўзичоқ уйчага киришни истамай, тихирлик қилар, болакай эса, уни ерга ётқизиб, уйчасига киритишга уринарди. Махтумқули ўзича: «*Менинг қўзим ётибди, қизил гулга ботибди*», дея шеър ҳам айтиб қўярди. У тепасида турган отасини ҳам кўрмасди. Отаси ўғлининг шеърятга қизиқишини илк бор ўшанда сизди. Болакай бу мисраларни завқ-шавққа берилиб, қайта-қайта айтар, гўё ўз фикрини тилсиз жониворга ҳам уқтирмоқчидай бўларди.

Бола бу шеърни қаердан олдийкин? Ўзи тўқидимикин ё бирортаси ўргатдимикин? Нима бўлганда ҳам, унинг мурғак қалбида шеърга, оҳангга, қофияга мойиллик борлиги сезилиб турибди. «Шу ўғлимдан бир нима чиқса керак», деган хаёлга борди Давлатмамат.

Ўша алфозда ёзаётган китобини шу ўғлига бағишлаш фикри туғилди. Гарчи бундай асарга бутун халқнинг эҳтиёжи бўлсада, бу китоб, энг аввал, ўз оиласи, ўз зурриётлари камолоти учун хизмат қилмоғи керак. Мулла Давлатмамат ўғлига аввалгидан ўн ҳисса жўшқинроқ меҳр билан боқди. Болакай эса, бу пайтда қўзичоғини хавфдан асраш учун амаллаб ўзи қурган уйчага киритган, энди унинг эшигини ёпишга уринарди. Унинг назарида энди қўзичоғига ҳеч қандай ғаним ҳужум қилолмасди. Аммо, шу пайт жонивор бир уринишда эшикни бузиб, ташқарига отилди. Махтумқули эса унинг ортидан чопиб кетди.

Мулла Давлатмаматнинг кўнглини шу онда хуш-нохуш фикрлар қуршаб олди. Ахир, бундай таҳликали замонда ҳамма иш кўнгил раъйи билан битавермаслигини у яхши англади. «Бу замонда олим ё шоир ўғил ўстиряпсанми, ёки Нодиршоҳга аскар тайёрлапсанми, ўзинг ҳам билмайсан!»

У яна бир ҳақиқатни сезиб турарди. Дарғазаб, золим шоҳларнинг ҳукмдорлиги узоққа бормади.

Подшоҳким жабру зулм этса, билинг,  
Баракати кетгай бу олам аҳлининг.

Ёки:

Элга жабру зулм қилса подшоҳ,  
Ўз оёғи остига қазғуси чоҳ... —

сингари байтлар ана шундай туйғулар ҳосиласи ўлароқ ёзилган бўлса ажабмас.

## 5

Хар қалай, мулла Давлатмамат ўғлининг тилидан эшитган мисраларни анчагача унутолмай юрди. Балки, унинг хавотирлари ўринсиздир? Ўғли балоғатга етгунча, Нодиршоҳнинг ҳам даврони тугар? «Аллоҳ золимларнинг гуноҳини кечирмайди. Ё раббим, содиқ куллариингга адолатли подшоҳ юбор!»

Аммо мулла Давлатмаматнинг оҳлари Яратганга дарров етиб бормади. Нодиршоҳ кундан-кунга кучаяверди. Мана, у яна бир юртни талаб, халқини хонавайрон қилиб келмоқда. Карвон йўлларида ҳам савдо учун олис манзилларни кўзлаб чиққан тожирлар эмас, юришга ғолибона отланган лашкарлар ёхуд ўз уй-ошиёнидан мажбурий кўчирилган ночор халойиқни кўриш мумкин эди.

Кул бозорлари ҳам турли ўлкалардан келтирилган кул ва чўриларга тўлиб-тошганди. Бугунги ўқувчи «эрта ўзи ҳам кул бўлиши мумкинлигини ўйлаб турган одам бозордан кул харид қилармикин?» дея киноя билан кулган бўлиши мумкин. Ҳа, аллақачон ўтмишга айланган ҳодисотлар бугуннинг нигоҳи билан қаралса ғалати, ҳатто, кулгили бўлиб туюлади. Ким билсин, келажак наслларга ҳам бизнинг аҳволимиз хийла ғайриоддий кўринар?

...Нодиршоҳ энди Эрон, Турон, Хуросон, Хива ва Бухоро билан қаноатланмай, Кавказнинг ҳам бир қисмини қўлга киритди. Усманийлар салтанати, Ҳиндистон, Хитой мулкларига ҳам кўз тикиб, қўшин ва захира тўплашга киришди. Ваҳоланки, золим Нодиршоҳнинг хатти-ҳаракатлари одамларни умидсизликка туширар, дунёнинг фанийлиги ва ҳаётнинг самарасизлигига ишонилга ундарди. Шу ҳолатларни мулла Давлатмамат китобининг бошида айтиб ўтган:

Дунёнинг орти билан қўйдим қадам,  
Истадим соатма-соат, дам-бадам,  
Жон била чекдим жафосин, во дариф,



Истагу завку сафосин, во дариг,  
Фоний эрмиш, кўрмадим, бундин сафо,  
Чўх жафолиғ бевафониш, бевафо.

Ўзини дунёга устун бўлиб қоламан, деб ўйлаган Нодиршоҳни, умуман, тождорларни шоир китобдаги бошқа бир бобида «туртиб» ўтади. Бу бобда тўғридан-тўғри Нодиршоҳ номи тилга олинмаса-да, турли ривоятлар, ҳаётий мисоллар, аввалги подшоҳларнинг фожиалари, қисмати, тож-тахт учун курашларнинг аянчли ниҳояси ҳассослик билан кўрсатиб берилган.

Ўша вақтларда Махтумқули отасининг шогирдлари қатори унинг мактабига қатнай бошлаганди. У ҳар бир сабоқни бир ўқишдаёқ ўзлаштирар, берилган вазифаларни вақтида адо этар, ўткир зеҳни ва қувваи ҳофизаси билан бошқалардан ажралиб турарди. Мактабдан ташқари пайтларда, уйда отасининг ёнида ўтирган кезларда ундан олган билимларни янада мустаҳкамлар, билмаганларини сўраб оларди. Бу суҳбатлар Махтумқулининг камолотида катта ўрин тутди. Бироқ, Махтумқулининг онгидаги саволлар чегара билмасди. Ота ҳам ўғлининг ҳар бир саволига ҳафсала ва қунт билан жавоб қайтаришга ҳаракат қиларди. Хуллас, Махтумқулининг илк ва улуғ устози, ўз отаси, мулла Давлатмамат бўлди.

Махтумқули миқтидан келган, кенг елкали, бақувват ўсмирга айланди. Унинг ҳаракатчанлиги, қатъияти ҳам отасининг эътиборидан четда қолмасди. Ўғли улғайиб, худо юқтирган улуғ истеъдодидан оқилона фойдаланишига ишонарди.

Ана шундай кунларнинг бирида, далада қўй боқиб юрган Махтумқули сурувни кўра томонга ҳайдаб кела бошлади. Шу пайт йўл бошловчи серка подани бошқа ёққа бошлаб кетди. Махтумқули подани қайтараман, деб анча овора бўлди.

Ундан ҳадеганда дарак бўлавермагач уйдагилар уни кутиб хавотирга тушишди. Махтумқулини кўрдим-билдим деган одам топилмади. Уни қидириб, бутун қишлоқни тит-пит қилишди. У мол боқиб юрган ерларни ҳам бориб кўришди, бу ерларга қароқчиларнинг қадами етмасди. Махтумқули қаерга кетган бўлиши мумкин? Кимдир уни кунботар маҳали сурувни қайтариш учун унинг ортидан кетганини айтди.

Негадир мулла Давлатмамат ўғлининг йўқолиб қолгани ҳақидаги таҳликали хабарни хиёл босиқлик билан қабул қилди. У кўзларини юмганича бир нималарни ўқиб, узоқ тахайюлга берилди. Охири:

— Махтумқулини охирги марта қаерда кўришган бўлса, ўша ерда кутинг! Туну кун ўша ерда пойланг. Узоғи билан етти кунда қайтади. Иншооллоҳ, топилади. Қайтиб келса, уни қаттиқ уришиб, кўнглини оғритманг. Уйга қайтиб келганидан кейин ҳам кўни-кўшнилар «қаерда эдинг» деб сўроқ-саволга тутмасин, болани уялтиришмасин, — дея катта ўғилларига тайинлади.

«Воҳ, Ўразгул, кадринг ўтди, агар тирик бўлганингда, ўглинг йўқолмасмиди?!» дея пешонасини муштиради. Махтумқулини қидириб юрганлар уч кун ўтиб уни бир овлоқ ерда оғзидан кўпик келиб, беҳуш ётган ҳолда топишди.

Тезда уни отасининг ёнига олиб боришди. Ота етти кунлаб унинг бошида ўтириб, аллақандай дуолар ўқиб, дори-даво қилиб, ўғлини ҳушига келтирди. Ҳеч ким Махтумқулининг шунча вақт қаерга кетиб қолганини, унинг бошига не ташвишлар тушганини билолмади. Махтумқули бу ҳақдаги саволларнинг ҳеч бирига жавоб бермасди. Шу тариқа, Махтумқули ҳали ёш бўлса-да, катгалардек оғир-вазмин, босиқ одамга айландиқолди. Кейинчалик Махтумқули ўшанда бошидан кўп сирли воқеалар ўтказгани ҳақида ёзди, талай шеърлар битди, гапириб берди, аммо... барибир, асл воқеа — воқеалигича, сир — сирлигича қолаверди.

Бу воқеа ҳақида икки ярим аср мобайнида тилдан-тилга кўчиб келган миш-мишлар ана шу. Аммо, бу халқ тилидан тўқилган ривоятми ёки ҳақиқатда бўлган воқеами — буниси номаълум. Яхшиси бор ҳақиқатнинг тафсилотларини шоир асарларидан қидирмоқ керак.

Мулла Давлатмамат ўз китобида ёза олмайдиган фикрларини ўғлига сингдириши мумкинлигини англаб етди. Зеро, ҳаётнинг ўзи китобдан-да кенг қамровли ва тушунарлироқдир. Шундан сўнг мулла барча орзу-умидлари, мақсадларининг рўёбини ўз ўғлининг камолотида кўриш мумкинлигига ишонди. Билганларини ўғли билан баҳам кўрди. Хатда, битикда ифодалаш қийин бўлган ҳисларни ўз зурриётига сингдиришга интилди. Ҳали замонасининг зайли сабабли юрагида тўпланган ғамлардан қандай халос бўлишини билмасди.

Ҳа, бу ҳаётда фақатгина сўз билан ёки ёзув билан тушунтириб бўлмайдиган ҳолатлар ҳам учрар экан.

## 6

Одамзод бу дунёнинг ташвишларига қанчалик бепарволик билан қараса, яшаши шунчалик осон кечар экан. Аслида ҳамма



ташвишлар одамнинг миясини сариқ чумолига ўхшаб емириб боради. Нодиршоҳнинг жабру зулмидан тўйиб, дунёда фароғат борлигидан умид узган мазлум халқларнинг ҳам қалбида умид шамчироғи ёна бошлади. Дунёга устун бўлишни, жами тирик жонни ўзига тобе этишни истаган қудратли ҳукмдор энди йўқ. Бироқ, бу ғавғоли оламда ҳеч нарса изсиз йўқолиб кетмайди. Кетганнинг ўрнига янгиси келади. Фикрлар ҳам шунақа. Эски фикрлар ўз ўрнини янгисига бўшатади.

Сабр косаси лиммо-лим тўлган Эрону Турон халқлари Нодиршоҳни йўқотиш йўлини излаётган бир пайтда, шоҳ гумашталарининг ўзиёқ уни биратўла тиңичитиб қўя қолишди. Шу тариқа, яна бир қаттиққўл тож соҳиби тарих саҳнасида тушиб қолди.

Гётенинг: «Бир муаммонинг ечими бошқа бир муаммонинг ибтидосидир», деган сўзлари ёдга келади. Эҳтимол, Нодиршоҳдан жабр чеккан кўпгина халқлар учун унинг ўлими айни муддао бўлгандир? Асрлар бўйи одил шоҳни орзу қилиб келган халқ бу орзулар ижобати учун кутилган фурсат келганига ишонганди, дунёнинг гулларга бурканишига умид қилганди. Шу сабабдан юракларнинг туб-тубида яшириниб ётган фикрлар ҳам юзага қалқиб чиқа бошлади.

Шарқда бир анъана бор: агар бир сулола насл-насаби билан тахтдан, ҳокимиятдан четлатилса, унинг ўрнини тамоман бошқа бир сулола эгаллайди. Янги тахтга чиққан ҳукмдор ўзидан аввалгисининг авлоди, қавм-қариндошлари ўзига қарши чиқмаслиги учун уларни ё қириб битиради ёки ўзга юртларга қувғин қилади. Қадимий дoston ва қиссаларда ҳам бу каби ҳолатлар кўп бора тилга олинган.

Аввалги шоҳдан қаттиқ азият кўрган фуқаро янгисига умид ва илинж кўзи билан боқади. Бунинг бир сабаби, халқнинг одил шоҳ ҳақидаги орзу-истаклари жуда узоқ тарихга эга эканлиги билан изоҳланса керак.

Мана, Нодиршоҳнинг қилич кучи билан тиклаган салтанати парчаланиб кетди. Эроннинг ўзи ҳам бир қанча майда хонликларга бўлинди. Афғонлар Аҳмадшоҳ Дурроний бошчилигида ўз давлатларига асос солдилар. Хива ва Бухоро хонликлари ҳам энди эркин нафас ола бошлади. Фақат ўртадаги туркманлар тарқоқлигича қолиб кетаверди. Устига-устак, ўша пайтларда шиа-сунний можаролари авжига минган эди.

Хабарингиз бор, туркманлар ислом динининг сунний оқимига эътиқод қилишар, уларнинг кўпчилиги шиа оқимига мансуб форсларнинг таъқиби ва тазйиқи остида яшаб келишарди. Ҳеч ким-



га бош эгмаган, тобеликни истамаган туркманларни ўзига қара-тиш истаги форсларнинг ҳам, туркманлардан ажралиб чиққан қизилбошларнинг ҳам, Бухоро ва Хива хонларининг ҳам асосий мақсадларидан бири эди. Улар ана шу илинж билан узоқ вақт яшадилар. Чорвачилик учун жуда қулай ҳисобланган туркман саҳроси ҳаммани қизиқтирар, айниқса, қизилбошларнинг асосий мақсади — жангари ва жасур туркман суворийларига эга чиқиш эди. Бундай отлик аскарларга эга бўлган қўшиннинг енгилмасли-ги ҳам барчага кундек равшан эди.

Гарчи форслар ҳам, ўзбеклар ҳам бундай жасур аскарлар-га эга бўлишга уриниб келсалар-да, бу уринишлар маълум муд-датгина самара берарди, холос. Чунки, улар туркманлар билан умумий тил топиша олинимасди. Кечагина Нодиршоҳнинг қўши-нида хизмат қилиб юриб, бугун афғон давлатига асос солган Аҳмадшоҳ Дурронийнинг туркманлар билан иттифоқ тузиши ҳам бежиз эмасди. У Нодиршоҳ қўшинида хизмат қилиб юрган-да, туркманларнинг феъл-атворини жуда яхши билиб олганди. Туркманини куч ишлатиб ўзига бўйсундира олмаслигини у яхши биларди. Шу сабабли у туркман халқининг тарихий аъёнала-ри, жўғрофий жойлашуви, уларнинг афғонлар сингари сунний эътиқодга эгаллиги, форсларга, қизилбошларга нисбатан поро-зи кайфиятини, энг асосийси — туркманлар ўз давлатини қура олишмаса-да, уларнинг кучли бир давлат билан иттифоқ ту-зишга майли борлигини Аҳмадшоҳ яхши тушунарди. У наин-ки халқ, балки шу халқ яшаётган ҳудудлардаги ички вазият-ни, турли қабилалар ўртасидаги муносабатларни ҳам пухта ўрга-ниб чиққанди. Ташқи ва ички омилларни етарлича билиб олган Аҳмадшоҳ туркманлар орасига қайси тарафдан кириб боришни ҳам режалаштирганди.

Шундай экан, Аҳмадшоҳ туркманининг така, ёвмут, салир сингари йирик қабилаларини бир тарафга қўйиб, нисбатан кичикроқ мавқега эга бўлган гўкланг қабиласига юзланиши ҳам бежиз бўлмаса керак. Чунки, Аҳмадшоҳнинг бошқа бир туркман қабилалари билан алоқа ўрнатгани ҳақида тарихий манбаларда бирор маълумот учрамайди.

У гўклангларга икки маротаба мактуб билан мурожаат қил-ган. Юқорида айтилганидек, туркман уруғлари орасида гўк-ланглар ўта жасурлиги ва довиюраклиги, доим олдинги саф-ларда бориши билан ажралиб турарди. Жанглардаги жасо-рати, қўрқмаслиги, шунингдек, Нодиршоҳнинг қўли остида бошқалардан кўра айнан мазкур қабил вакиллари кўпроқ эзил-

гани Аҳмадшоҳнинг ана шу танловига туртки берган бўлиши ҳам мумкин.

Асл мақсадини ниқоблашнинг уддасидан чиққан шоҳ туркманларнинг кучидан усталлик билан фойдалана олди.

Шоҳнинг бу номалари халқнинг руҳини бирмунча кўтарди. Одамларда ватанпарварлик туйғуларни жўш урди. Аммо, Аҳмадшоҳга ёрдам беришса, ўз уйларида тинч ва хотиржам яшай олишларига улар ортиқча ишониб юборишди. Ишонмасликнинг ҳам иложи йўқ эди. Аҳмадшоҳ ўз мактубларида гўклангларни кўкка кўтариб мақтаган, бу қабиланинг ҳар бир фаол аъзосининг исмини ҳурмат билан тилга олганди. Эҳтимол шоҳ бу дипломатия билан «Туркманга ер бер, икки қўлига бел бер» деган нақлнинг ҳаётий тасдиғини кўргандир?

Фойда қаерда-ю, зиён қаерда эканини яхши англаб етмаган гўкланглар Аҳмадшоҳга умид кўзи билан боқдилар. Отлиқ йигитларини қурол-яроғ билан таъминлаб, Аҳмадшоҳга хизматга жўнатишга қарор қилдилар. Гўкланглар Аҳмадшоҳга кўшин бўлса бас, бошқасининг кераги йўқ экан. У туркманнинг кенг саҳросига ҳам, чорвасига ҳам кўз тикиб тургани йўқ экан. Қолаверса, Аҳмадшоҳ ўз кунини аранг кўриб юрган туркманларни эмас, бой-бадавлат, олтин-кумуши ошиб-тошиб ётган халқларни талашни кўз остига олган экан, деб ишондилар.

**Асосийси, душманинг туркман бўлмаса бас.** Ҳар қандай йўл билан бўлса-да, туркманни қўлдан бермаслик керак, у билан орани бузмаслик лозим. Орада адоват келиб чиқмаслиги шарт. Фикримизча, Аҳмадшоҳнинг туркманлар борасидаги сиёсати ана шундай эди.

Тарихчиларимиз бу даврнинг мураккаб аҳволини, ўтмишдаги турк-афғон муносабатларини ҳали тўла-тўқис ўрганиб улгуришмаган.

Аҳмадшоҳ афғонларнинг абдол қабиласидан эди. Дикқат қилинса, туркманларнинг ҳам абдол уруғи бор. Номи бир хил бўлган бу икки қabila ўртасида қандай боғлиқлик борлиги ҳақида ҳам қўлимизда етарлича маълумот йўқ. Аммо Аҳмадшоҳнинг қайси миллатга мансублиги ҳақида турлича қарашлар мавжуд. Айримлар уни афғон деса, баъзилар туркман эканига далил келтиришади. Ҳар қалай, у туркманларга асосий мадад кучи сифатида қарагани, туркманлар ҳам ундан кўмак кутганлари бор гап.

Дарҳақиқат, Махтумқулининг Аҳмадшоҳга бағишланган «Арши аълога» қасидасида «Олдинг Эрон бўлса, ортинг Турондур» мисрасини учратамиз. Аҳмадшоҳ туркманларга йўллаган

мактубида қабила бошлиқларини, уруғ оқсоқолларини номманом санаб ўтади. Шоҳ уларни қаердан таниди экан? Ким унга бундай маълумотларини берди экан? Тахтга ўтиришидан аввал Аҳмадшоҳнинг туркманлар билан алоқаси қандай эди? Тарихчиларимиз бу саволларга ҳанузгача жавоб топганлари йўқ.

Нодиршоҳ ўлдирилганда, Махтумқули ўспирин бола эди. У даврнинг шу ёшдаги болаларини ҳозирги пайтдаги тенгдошлари билан солиштириб бўлмаса керак. У пайтларда ҳам табиий, ҳам ижтимоий муҳит туфайли ўсмирлар тез вояга етишгани ҳеч кимга сир эмас.

## 7

Ривоятлар Махтумқулининг жуда эрта шеър ёза бошлаганидан дарак беради. Уларнинг бирида шундай дейилади:

Мулла Давлатмамат ёз кунлари Тўрайит далаларида хирмон кўтариш билан банд эди. Бу пайтларда Махтумқули қирда пода боқар, ўзи тўқиган байтларни куйга солиб, хиргойи қилиб юрарди. У билан бирга юрган бошқа чўпонларга шеърларини ўқиб бериб, чўпонлик сир-асрорлари борасида улардан маслаҳатлар оларди. Ёш шоирнинг ғайирроқ ошналаридан бири мулла Давлатмаматнинг ёнига келиб, чақимчилик қилди:

— Ўғлингизга «хўв» деб қўйинг, поданинг кетидан юриб, девоналардек варсақи<sup>1</sup>ларни айтиб, ҳаммага кулги бўлиб юрибди.

Шундан сўнг Давлатмамат ўғлининг нималарни айтиб юрганини ўз қулоғи билан эшитмоқчи бўлди.

Кунларнинг бирида Махтумқули қўйларни эртароқ кўрага қамаб, отасига ёрдам бериш учун далага борди. Хирмонжойда отаси йўқ эди. Махтумқули ўзича хирмонни созуриб, ҳар доимгидек хиргойисини бошлади. Орқадан келиб қолган мулла ўғлининг хиргойисига жим қулоқ солди. Қараса, байтларида бинойидек сўзлар, фикрлар бор. Кўнгли жойига тушган мулла Давлатмамат ўғлининг ёнига бориб томоқ қирди:

— Ўғлим, одамлар сени шоир бўпти дейишяпти. Қани, отанг ҳаққи-ҳурмати, янги ёзг ан шеърларингдан ўқиб бер, мен ҳам эшитай-чи?

Шунда Махтумқули бироз қизариниб олди-да, «Отам Давлатмамат ҳаққи-ҳурмати» деб тугалланувчи шеърини ўқиб берди.

Мулла Давлатмамат:

— Баракалла, ўғлим, бемалол шоирлигингни қилавер, — дея унинг елкасини қоқиб қўйди.

<sup>1</sup> Варсақи — фольклорда, халқ дostonларида ишқий ғазал жанри.



Аммо Махтумқулининг ҳозирга қадар нашр қилинган асарларида болалик йилларида ёзилган бошқа шеърлари учрамайди. Бунини стилистик-хронологик тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди. Шундай экан, бизгача етиб келган шеърларнинг қай бири энг аввал ёзилганини аниқлашнинг имкони бормикин? Балки, «Сўнгу тоғи» деган шеър шундай асардир? Бу шеър қофияларининг соддалиги, ички пафоснинг устунлиги, мисралардаги фикр ва туйғу оқими ҳаётга эндигина теран назар ташлай бошлаган йигитчанинг қиёфасини кўз ўнгимизда жонлантиради.

Яна бошқа бир муаммоли масала бор: Махтумқули асарларининг хронологияси, ёзилган вақти ҳозирга қадар илмий жиҳатдан тадқиқ этилмаган, шу боис шоирнинг ҳозирга қадар чоп этилган китобларидаги шеърлари даврий тартиб асосида берилмаган. Шунинг учун унинг қайси шеъри қачон битилганини аниқлаш мутахассислар олдидаги мураккаб вазифалардан саналади. Аввало, ўша давр воқеаларини аниқ, очиқ-ойдин баён этиш (бу борада академик Мурот Аннанпасовнинг «Махтумқули ва унинг замонаси» номли асари бизга муҳим қўлланма бўла олади), шоирнинг ўз даврига муносабатини, кейин эса, ҳар бир шеър матнини синчиклаб ўрганишга тўғри келади. Шундан сўнгра қайси шеърнинг қачон дунёга келган вақтини аниқ ёки тахминан белгилаш мумкин бўлар.

Махтумқулининг ҳаёт йўлини ўрганишдаги қийинчиликнинг сабаблардан бири ҳам юқоридаги вазифаларнинг чала қолганлиги билан боғлиқ.

Халқнинг Нодиршоҳ ўлдирилганидан кейинги ҳаёти Давлатмаматни ҳам, Махтумқулини ҳам бефарқ қолдирмади. Мулла Давлатмамат анчадан бери ёзиб юрган китобининг биринчи бобини тугатган эди. У мазкур бобда шоҳлар ҳақида айтган сўзлари ҳаётда ҳам ўз тасдиғини топганини кўрди. Энди бу борада ўз фикрларини бемалол баён этиш имкони туғилди. Кўнглидан кечганларни яна қоғозга кўчира бошлади. У ҳар қанча уринмасин, барибир, халқ тилига яқин, соф туркманча ёзишнинг уддасидан чиқолмасди. Гоҳида ўзидан-ўзи қуйилиб келган, болалиқдан бери онгида ўрнашиб қолган араб, форс сўзлари унинг истагига бўйсинмай, шеърига кириб келаверарди. Унинг фақат айрим рубойлари, кичикроқ ғазалларигина бошқа тилдаги сўзлардан тозаланган ҳолда битилган. Аслида эса, халқ форс сўзларидан зада бўлиб кетганди, чунки эроний шоҳларнинг зулми туфайли одамлар, ҳатто, бу тилнинг ўзидан да безиб қолган эди.

Буни мулла Давлатмамат анча олдин англаб етганди. Аммо нима қилиш керак? Бирор йўли бормикин? От изини той босар, дейдилар. Агар яхши тарбия беролсанг, ўзинг қила олмаган ишни фарзандларинг уддалаши мумкин экан. Бу борада мулланинг ўғлига айтиб берган, соф туркман тилидаги эртақ ва дostonларни, мақол ва маталлари муҳим аҳамият касб этди. Махтумқули ижодиининг илк босқичидаёқ шеърларини халқона тилда ёза бошлади. Мулла Давлатмамат ўзига муносиб ворисни дунёга келтирганидан бир севинса, ўғлининг соф туркман тилида ёзаётганини кўриб, боши осмонга етарди.

«Халққа яқин тилда ёзсанг, ишинг ҳам ривож топади», дерди у ўғлига насиҳат қилиб. Махтумқули бу насиҳатни эшитмаганида ҳам отасининг ана шундай фикрдалигини ҳис қиларди. Ўша даврлардан бошлаб, ота ва ўғил ўртасида бир-бирининг сўзини англаш, қалбан яқинлик юзага келганди.

Отасининг мактабида ўқиб юрган пайтларида ҳам Махтумқулининг хаёлпарастлиги йўқолмади. Шу боис, тенг-тушлари билан ҳам тезда тил топишиб кетолмади. У ҳар доим ёлғиз қолишни, ўз хаёллари уммонига фарқ бўлишни истарди. Унинг ёлғизликдаги ажралмас ҳамроҳи — китоблар эди.

Инсон ўқигани сари ўзидаги илм қанчалик оз эканини англаб бораверади.

Тенгқурлари эса, Махтумқулининг одамовилигини, бир нуқтага тикилиб юришини кибр-ҳавога йўйишарди. Ёшлиқда тезда бирор хулосага келиб, сўнг шу хулосадан тез қайтиб қолишлар кўп учрайдиган ҳодиса. Фақат Човдур исмли бир йигит улардан ажралиб турар, бу камган, ўйчан йигитчага ўзини яқин олишга тиришар, имкон қадар у билан гаплашишга, кўнглига йўл топишга уришарди. Индамас ўғлининг битта бўлса-да, ўртоғи борлигини кўрган, орадаги дўстлик узоқ йилларга татишини сезган мулла Давлатмамат ҳам хиёл таскин топди.

## 8

Човдур жуда довиюррак, кучли, баҳодир йигит эди. У чаққонлик ва абжирликда ҳам Махтумқулидан илдамроқ эди. Бу устунлик бирга тоққа чиққанларида, чўққида туриб тош ирғитганларида, овга борганларида аниқ сезиларди. Бинобарин Махтумқули ҳам, ўз навбатида, Човдурга ишонар, унга суянарди. Гоҳида Човдур билан отасининг заргарлик устахонасида ҳам ул-бул юмушларни бажариб туришарди.

Човдур шеър ёзмаса-да, шеър ўқиш ва тинглашни ёқтирар, бу ҳам Махтумқули билан тил топишишида катта ўрин тутганди.



Ҳар сўзнинг қадрини билган, сўзнинг рангини, соясини, унинг ботиний томонини кўролган инсон шоир учун энг яқин дўст саналади.

Икки дўст эндигина ўн тўртдан ошган бўлсалар-да, ҳаётнинг кўпгина тотли дамлари орта қолганди. Тошдан-тошга сакраб, у дарадан-бу дарага чопқиллашиб, оқар сувга нон оқизиб еб юрган беғам-беғубор дамлар энди ўтмишга айланганди. Қиш кунларида музлаган ариқ сатҳида пичоқча билан ёзилган сўзлар эриб кетган эди. Кечалари биргалашиб, бир-бирларига эртак айтиб ётган оқшомлар ҳам энди ривоятга айланганди. Болалик пайтлари Хива, Ҳирот, Бухоро тарафлардан келаётган карвонлар кўринганда, икки ўртоқ бу янгиликдан ҳамқишлоқларини хабардор қилиш мақсадида овулга қараб чопишарди. Овулдагилар савдогарлардан турли матолар, ширинликлар, уй-рўзғор буюмлари сотиб олишарди.

Гоҳида эса, овулларга беомон қароқчилар ҳужум қилиб туришар, уларнинг қўлида қул бўлиб кетишдан қўрққан болалар бирор хавфни сезишса, тумтарақай бўлишарди. Уй-уйларига бориб, оналарининг кучоғида нафасларини чиқармай ўтирган пайтлари ҳам бўлган. Мана, энди болаликнинг у дамлари ўтди-кетди. Агар юртга душман ҳужум қиладиган бўлса, қўлга қилич олиб, «урҳо-ур» дея майдонга тушадиган пайт келди.

Ана шундай савашларнинг бирида Човдур ҳам қатнашган. Махтумқулининг ота-онаси у билан худди катта одамлар билан муомала қилгандек гаплашишарди. Катталардан талаб қилинадиган ишларни ундан ҳам кутишарди. Албатта, отга миниш, от ўйнатиш — ҳар бир туркманнинг бурчи. Буни Махтумқули ҳам, Човдур ҳам яхши билишади. Буни уддалашади ҳам. Човдурнинг отаси ўғлининг тарбиясига жуда қатъий қарарди. «Агар сенинг юрагинг минган отингнинг юрагидан бақувватроқ бўлмаса, от бир кунмас бир кун сени доғда қолдиради. Отлар довиюрак одамларни миндириб юришни исташади», дейишди улар. Шундан сўнг отаси Човдурга узангини босиб, отга минишни тақиқлаб қўйди. «Ҳақиқий мард йигит ҳар қандай асов жийроннинг ёлига осилиб, тирмашиб минишни уддалаши лозим!» Човдур ана шундай руҳда тарбия топди. Махтумқули эса бошқача тарбияланганди. Унинг отаси мулла Давлатмамат ўғлини, асосан, ўқиш-ёзишга, назмга, илмга мойил қилиб ўстирганди.

Биз Човдур тарбияланган услубни шартли равишда «юрак тарбияси» деймиз. Умуман олганда, туркманлар «юрак» сўзига жуда катта урғу берадилар. Кўп нарсани юрак билан боғлашади.



«Юрак тарбияси» деганда ҳам бадан тарбияси, ҳам ахлоқ тарбияси, асосийси эса, асаб тарбияси назарда тутилади. Жангларда керак бўладиган чапдастлик, абжирлик, ўзини йўқотмаслик, энг оғир ҳолатлардан осонликча чиқиб кетиш ҳам юрак тарбиясининг баъзи бир кўринишларидир.

Жангдаги ҳодисаларни сен ҳам билиб турасан, отинг ҳам билиб туради. Қўрқув ҳаммада ҳам бўлади. Ана шу қўрқувни енга олган одам — ботирдир. Қўрқувни енгиш асносида отинг сендаги қўрқувни сезмаслиги керак. Бу ҳам юрак тарбиясининг бир жиҳати.

Одам лошига, одам қонига, қон исига кўникиш ҳам юрак тарбиясининг бир шаклидир. Ҳатто, отларни ҳам қонга ўргатиш талаб этилган. Бусиз жангга кириб бўлмайди.

Човдур ана шундай руҳда тарбия топди. Шу боис у қўрқмас, жасур, ўжар, довиорак бўлиб етишди. Ўша даврдаги вазият ҳам айнан шундай тарбияни тақозо этарди. Бироқ, Махтумқули табиат инъом этган феъли билан қолди. Қайтанга китоблар унинг юрагини янада юмшатарди. Отаси ҳам ўғлини софдил, меҳрибон, оққўнгил қилиб тарбиялаган, чунки у ўғлининг етук шоир бўлишини истарди (Бу ҳақда кейинроқ яна тўхталамиз). Махтумқули баъзан дўстига ҳавас қиларди. Уни кидек юраги бўлишини истарди. Човдур эса, Махтумқулни ки сингари ҳассос, олижаноб, меҳрга тўла қалб орзусида эди.

Юқорида айтганимиздек, Нодиршоҳнинг ўлими кўпчилик халқларда катта умид уйғотди. Чунки, унинг жабру зулми оддий халқнинг суяк-суягига бориб етганди. Нодиршоҳ ўлимидан кейин Аҳмадшоҳ исмли яна бир шаддод ҳукмдор тарих саҳнасига чиқди. Даставвал халқ унга умид кўзи билан боқди. Албатта, Махтумқули ҳам у ҳақда кўпчилик сингари яхши фикрда эди. Эҳтимол, мулла Давлатмамат бу борадаги мушоҳадасини дарров юзага чиқармаган, воқеалар ривожини вазминлик билан кузатиб боргандир? Ҳар қалай, у Аҳмадшоҳга бағишлаб бирор мисра шеър ёзмаган ё ёзган бўлса ҳам, бизгача етиб келмаган. Аммо, ёш Махтумқули ҳамон одил шоҳ ҳақидаги халқ эртақлари, ривоятлари таъсирида юрарди. У Аҳмадшоҳ тимсолида ана шундай ҳукмдорни тасаввур эта бошлади:

Ё Аҳмадшоҳ, Ерда ёйилиб човинг,  
Отинг осмон кетар арши аълога!—

деб бошланувчи шеърни ҳам ана ўша умид, орзулардан дарак беради. У ўз халқининг узоқ вақтдан бери қизилбошлар ва форс-

ларнинг босимдан қутулишига айнан Аҳмадшоҳ ёрдам беришига умид кўзи билан қарарди. Шу боис, у шеърда Аҳмадшоҳга қарата «шоҳларнинг шоҳи» дея мурожаат қилади. Махтумқули Човдур билан бирга Аҳмадшоҳ ҳақида, унинг адолати хусусида кўп мусохаба этишган. Икковлон гоҳо хаёл денгизига чўмишар, гоҳ орзулар осмонида парвоз этишарди. Айниқса, паҳлавонсифат, кучи билагига сиғмай, ўткир қиличини қайси тошга урарини билмай юрган Човдур ўзи кутган давру даврон келаётганидан хурсанд эди. У мардона савашлар, ҳалол ғалабалар шавқида ёнарди. Ахир, отаси унга ана шундай тарбия берган-да. Човдур туркманлар ва туркийларнинг тарихига назар ташлар экан, шоир ва ботирлардан кўра шуҳратлироқ инсонларни кўрмади. Шуҳрат ўз либосини ҳаммага ҳам кийдиравермайди, бироқ у Човдурнинг кифтига ўз либосини ташлаб ўтди.

Эътибор беринг: ҳар икки дўст эсини таниши билан ўзини сиёсатга урди, ҳали қалблари илк муҳаббат туғени билан теншига улгурмаган ўспиринларни давр талатўпи ўз гирдобига тортди. Шу боис бизгача етиб келган шеърларнинг энг дастлабкилари худди шу сиёсат, халқ тақдири, даврнинг энг нозик жиҳатларига бориб тақалади. «Гўкланг», «Арши аълога» шеърлари шундан далолат беради.

## 9

Юксак қадриятлар руҳида тарбия топган Махтумқулидан бошқа нарсани кутиб ҳам бўлмасди.

Туркманлар, шу жумладан гўкланглар ҳам Аҳмадшоҳ асос солган давлатга хизмат қилиш учун бел боғладилар. Нодиршоҳ ўлдирилгунга қадар ҳам Аҳмадшоҳ Дурроний унинг қўшинида хизмат қилар, туркманлар эса, Нодиршоҳ қўшинининг энг жангари қисмини ташкил этарди. У пайтда туркманлар форсларга, қизилбошларга қарши турган ҳар қандай кучга қўшилишга тайёр эдилар. Шу тариқа янги афғон давлати билан алоқаларнинг яхшиланиши халқ орасида бу давлатга нисбатан илиқ тасаввурлар уйғонишига, аҳолини яхшиликка умид боғлаб, Афғонистонга юз буришга ундади. Ўзлари сингари тарқоқ, мазлум ва бечора афғон элатларининг бирлашиб, ягона давлат тузиши туркманлар учун ҳам ўрнак бўлди. Афғонларнинг бу ҳаракати анча пайтдан бери туркман халқининг онгида яшаб келаётган ва пишиб етилган, камол топган бирлашиш ғоясига улкан туртки берди. «Биз ҳам бирлашсак, афғонлар сингари давлат кўрсак, улардек бахтли бўлардик», деган гап ҳар бир туркманнынг қалбидан жой олди.

Ана шу рухий жўшқинлик, Нодиршоҳ даврида чўккан кўнгилларнинг парвози мулла Давлатмаматга ўз асарини, ундаги сўнгги саҳифаларни ёзиши учун, шунингдек, Афғонистон масаласида сабоқ олиш учун туртки берган бўлса ажабмас. Афғон давлати дунёга келган илк замин — Хиротда афғонлар билан бирга гўкланглар ҳам яшаганлиги тарихдан маълум. Демак, афғон ва туркман халқларининг алоқалари илдизи анча олисларга бориб тақалади.

Туркман овулларига келиб-кетувчилар Аҳмадшоҳ ҳақидаги илиқ гапларни кўп гапиришар, бу эса, халқнинг унга бўлган умид ва ишончини янада оширарди. Фақат Давлатмамат у ҳақдаги фикрларини рўй-рост айтишга ошиқмасди. Чунки у шоҳларнинг тарихи ҳақида кўп ўқиганди, ўзи ҳам уларнинг феъл-атворини шахсий тажрибасидан яхши биларди. Ўтмишда ҳукмдорлар кўп бўлган, аммо уларнинг орасида одиллари жуда кам эди.

Шу боис, одамларнинг Аҳмадшоҳ ҳақидаги хомхаёллари баъзан унинг асабига тегарди. Бу хурсандчилик узоққа чўзилмаслигидан хавотирда эди. Бу ҳам етмагандек, ўғли Махтумқули ҳам Аҳмадшоҳга қаттиқ ихлос қўйганлигидан ташвишланар, бу унинг кўнглини хижил қиларди.

У хужрасида ёлғиз қолган пайт ўғлини ёнига чорлади.

Ана шу суҳбатдан сўнг ота-ўғилнинг «Ўғлим — Озодим» номли шеърини мусоҳабаси юзага келди. Бу пайтларда ўн тўрт-ўн олти ёшлардаги Махтумқули маънавий жиҳатдан ҳам бир қадар камолга етган эди, унда ўзига хос маданиятlilik, комил инсонийлик, илм — билимга мойиллик яққол кўзга ташланарди. Мазкур шеър Махтумқулининг отаси билан тенг мушоҳада юрита олганидан дарак беради:

Ота:

Қароқчидир йўллар, ҳездир, ҳаромдир,  
Ҳаётмисан-йўқми, кетмагин, ўғлим.

Ўғил:

Қасд этиб жонимга, етса ажалим,  
Бу ерда ҳам бўлса, топар, Озодим.

Бу сафарги саёҳат ҳақида икки хил фикр мавжуд.

Биринчи фикр: Махтумқули дарвиш қиёфасида йўлга чиққан. У дарвишлик хирқасини кийиндан аввал отасидан изни сўраган. Бу фикр тарафдорлари шеърдаги:

Жиловдори бўлай Ёзирхон ширининг,  
Кўнгил куши парвоз урар фақирнинг,



Бу кун етти кундир, «Алхамд» ўқурман,  
Шод айла кўнглимни, қўйвор, Озодим! —

каби қаторларни далил сифатида келтиришади.

Иккинчи фикр: Махтумқули ўз ҳамюртлари, тенг-тушлари билан бирга Аҳмадшоҳнинг ҳузурига йўл олиш олдидан отасидан ижозат сўрайди. Бу фикрнинг далили сифатида кўйидаги сатрлар келтирилади:

Жафога берилма, чақир мавлони,  
Орзу этма хонни, бекни, султонни,  
Басдир бизга аввал тангри бергани,  
Олдирма кўнглингни, кетмагини, ўғлим!

Ҳар қалай, Махтумқули ёшлигида қандайдир мақсад билан Афғонистонга кетганини ҳеч ким инкор этмайди. Айтишувнинг тўлиқ мазмунидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, Махтумқулининг Афғонистонга кетиши айнан сиёсий характер касб этган дейиш мумкин.

Шунингдек, бу ҳолат Махтумқули ўз даврининг сиёсий сурунларига анча эрта қўшилиб қолганидан ҳам дарак беради. Бу айтишув биографик нуқтан назардан қимматли маълумотларга эга бўлган асарлардан бири саналади. Байтлар Махтумқулининг ёшликдаги хатти-ҳаракатлари, шунингдек, унинг отасига бўлган бекиёс ҳурмати, мулла Давлатмаматнинг фаҳм-фаросати, оталик меҳри, ўғлининг тақдирига жиддий ёндашуви, ота-ўғил ўртасидаги нозик муносабатлар, ўша даврдаги сиёсий вазият ҳақида етарлича тушунча беради. Бу айтишувни узоқ сафар олдидан ўғилнинг отадан олган илк оқ фотиҳаси, деб ҳам айтиш мумкин.

**Илмларнинг энг буюги — саёҳат.** Ҳа, ватандан илк бор ташқарига чиқиш. Бу фақат Афғонистон сафари билангина интиҳо тошармикин? Тақдир унинг манглайига яна қай юртларни нима мақсадларда кезишни битиб қўйган экан? Фақат эзгулик билан тепган юрак ҳали не кунларни бошдан кечирганини ҳеч ким билмасди...

## 10

Махтумқулининг Афғонистонга бориши, Аҳмадшоҳ билан учрашиши тахминан 1750—1752 йилларга тўғри келади.

Аҳмадшоҳ бир пайтлар Нодиршоҳнинг ишонган саркардаларидан бири бўлиб юрган кезларида, Арманистонда, Гуржистонда, Доғистонда кўплаб бегуноҳ кишиларнинг қонини тўкканди. Албатта, бу пайтларда у туркманларни ҳам аяб ўтирмаган. Шу боис давлат тепасига келгач, илгариги кирдикорларини

хаслушлаши керак эди. Ўзини Нодиршоҳ сулоласига, Эронга қарши қилиб кўрсатиши керак эди. У шундай қилса, Эронга тобе бўлган халқларни ўзига тез оғдириб олишини яхши тушунарди. Аҳмадшоҳ мақсади йўлида одамларнинг диний эътиқодидан ҳам усталик билан фойдаланди.

Ўрни келганда эслатиб ўтиш жоизки, Нодиршоҳнинг ўзи ҳам туркманлардан эди, ўзи босиб олган юртларга туркманлардан ҳоким тайинлаб келарди. Афғонистонни эгаллаган пайтида 16 ёшли Аҳмад зиндонда эди. Нодиршоҳ уни ўзи билан олиб қайтди. Бир қатор жангларда баҳодирлик кўрсатган Аҳмад Нодиршоҳнинг ишонган одамларидан бирига айланди. Ҳатто, Нодиршоҳ ўзига қарши фитна тайёрланаётганини англаган пайтда ҳам фитначиларни жазолаш учун Аҳмаднинг қўшинини ёрдамга чақиради. Нодиршоҳ ўлдирилганидан кейин, унинг хазинасини таламоқчи бўлган талончиларга ҳам фақат Аҳмадшоҳнинг ўзи қарши туради. Унинг ўз ҳукмдорига содиқ эканини англаган Нодиршоҳнинг хотинлари Аҳмадга «Кўҳинур олмоси» ва «Товус тахт»ни совға қилишади.

Нима учун Аҳмадшоҳ аввалига ўзини Нодиршоҳга содиқ этиб кўрсатди экан? Балки, Аҳмадшоҳнинг ўзи ҳам чиндан турк ёки туркман бўлгандир?

Ҳар қалай, Нодиршоҳнинг ўлиmidан сўнг туркманларнинг, шу жумладан гўкланг қабиласининг Аҳмадшоҳга умид кўзи билан қараши бежиз бўлмаса керак.

Ҳозирги пайтда Аҳмад Дурронийнинг қайси қабиллага мансублиги борасида кўпгина маълумотлар тўпланган. Бу маълумотларнинг бирида Аҳмадшоҳ афғонларнинг садозай тоифаси (қабилла, уруғ)га мансублиги айтилади. Унинг туркманлиги ҳақидаги тахминлар тахминлигича қолмоқда.

Шу ўринда Нодиршоҳ ўлдирилгандан кейин, туркманларнинг, жумладан, гўклангларнинг биратўла Афғонистонга ишониб қолишларининг, шу томондан яхшилик кутишларининг жуда кўп сабаблари, далиллари борлигини ҳам айтиш лозим. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Нодиршоҳ ўлдирилгунга қадар рус-туркман, эрон-рус муносабатларига назар ташлашнинг ўзи kif-фоя. Маълумотларга қараганда, ўша VIII—X асрлардаёқ ўғиз саркардалари Киев Руси князлари билан иттифоқ тузиб, хазарлар ва булғорларга қарши юришлар уюштиришган экан. Ўғуз саркардалари қадимий анъаналарга кўра Киев Руси князлари билан қуда-андачилик муносабатларига ҳам киришганлар (А. Ёзиев маълумотлари). XI асрдан рус-туркман савдо алоқалари да-

вом этиб келган. Бу алоқалар баъзан замона зайли, урушлар, босқинчиликлар, талон-торожлар туфайли гоҳ занфлашиб, гоҳ яна тикланиб, янги-янги шакл-шамоилларда давом этиб турган. XIV—XVI асрлардан кейин, яъни туркманларнинг қонқариндошлари — озарбайжонлар, ўзбеклар билан алоқалар, умуман олганда, бироз бўшашиб қолган асрларда рус-туркман муносабатларида яқинлашув жараёнлари кучайган. Алқисса, 1667 йилда денгиздан кечиб ўтган Степан Разин казакларининг Каспийбўйи туркманлари устига бостириб келишлари ҳам бу алоқаларга салбий таъсир ўтказганлиги бор гап. Бу босқинчиликларга давлат томонидан расман изн берилмаган бўлса ҳам, бу воқеанинг ўзи халқ хотирасида сақланган. Бундай воқеалар қайта-қайта такрорланган, уларга қарши жавоб юришлари уюштирилган бўлиши ҳам эҳтимолга яқин.

1713 йилда туркман фарзанди Хўжанапас Каспийдан ўтиб, тинчлик миссияси билан Пётр I нинг ҳузурига боради. 1714 йилнинг ёзида Пётр I — буюк ва қудратли рус подшоҳи ўз давлати ва ҳукмдорига эга бўлмаган туркман халқининг элчисини қабул қилади. Элчи туркманларнинг рус фуқаролигига қабул қилиниши масаласини Пётр I нинг олдига қўндаланг қўяди.

Ана шу музокаранинг натижаси ўлароқ, Пётр I А. Бекович-Черкасский миссиясини Марказий Осиёга юборади. Туркманлар бу экспедицияни яхши қабул қилишгани ҳақида маълумотлар бор. Хива хони Шерғозихоннинг махфий буйруғи билан экспедиция аъзолари қириб ташланади. Бу ҳодисани туркманлар қаттиқ надомат билан кутиб олишади.

Албатта, Хўжанапаснинг Пётр I билан қилган музокараси ҳақидаги хабарлар туркманларнинг турли қабилаларига етиб келади.

1723 йилда Пётр I Боқуни эгаллайди. Ўша йилдаги рус-эрон шартномасига қўра, Гургон атрофлари ҳам русларнинг қўл остига ўтади. Аммо бу ҳудудларда сиёсий вазият беқарорлигича қолади. Руслар бу беқарорликни бартараф қилолмадилар. Буни туркман сардорлари ҳам тахмин қилишган эди. Нима сабабдан Пётр I уларни афғон, эрон зулмидан қутқариб, ўз ҳимояси остига олмаган?

Айнан шундан сўнг рус-эрон-туркман учбурчагидаги воқеалар қандай тус олди? Албатта, булар салбий ҳодисалар эканлиги аниқ. Маълумки, 1726 йилдаёқ Нодиршоҳ йирик жанг саҳналарида кўзга ташлана бошлаганди. Шу тариқа эрон-туркман муносабатлари аввалгидан ҳам ёмонлашади. Бошбошдоқ-



лик, босқинчилик ва талончилик, оммавий қувғин ва кўчишлар даври бошланади. Туркман халқи Нодиршоҳдан кўрганчалик азиятчи ҳали ҳеч кимдан кўрмаган эди. Кейинчалик тарихчиларнинг орасида «Шарқ Наполеони» деб ном олган Нодиршоҳ Эронни афғонлар ва турклардан тозалашда қизғин иш олиб бориб, ўзини форслар орасида таитди. Ҳақиқатда бу сунийларни четлаштириб, шиалар ҳокимлигининг тикланишини англатарди. Бу ерда позик ва мураккаб ўйинлар намойишлари бўлиб ўтаётганини ҳам назардан қочирмаслик керак: Нодир ўзи туркман бўлганлиги учун ҳам форслар орасида обрў қозонишни ўйларди.

Тарихчилар Маҳдихон, Муҳаммад Козим, Хонвей, Мамматсуюи Қуддусий, Ризозода Шафақ асарларида ҳамда кўпгина ривоятларда Нодиршоҳнинг тарих саҳнасига чиқишида туркманларнинг роли катта бўлганлиги таъкидланади. Ҳатто, Нодиршоҳ Хивада тўрт йил тутқун бўлиб ўтирган пайтида ҳам, туркманлар уни кулликдан қутқариб, Қорақум орқали қочириб юборган эканлар. Кейинчалик у бу яхшиликларни шундай тарзда «қайтарди»ки, бутун халқ унинг туғилганига лаънатлар ўқиб, ҳар лаҳзада ўлим тилаб юрадиган бўлди.

Эрондаги рус резиденти И.П.Калушкин Нодиршоҳ ҳақида қуйидаги маълумотларни юборган: «У аввалгидек ҳукмдорлиги давомида жабр-зулми ҳаддан оширмоқда, эл ичидаги обрўли одамларни сабабсиз ва аёвсиз ўлдирмоқда. Мойирхондан бошқа одамларни ҳам, ҳатто ўзига хайрихоҳ кишиларни ҳам қиличдан ўтказмоқда. Шу сабабли халқ, ҳатто қўшни ҳам унинг ўлимини тиламоқда».

Нодиршоҳ форс ва туркман халқлари орасига шундай девор ўрнатиш билан икки ўртадаги муносабатларни фақат уруш орқали ҳал бўладиган даражага келтириб қўйди. Шундай вазиятда туркманлар учун «Душманимнинг дўсти ҳам менинг душманимдир», деган иборага юз бурадиган пайт етган эди. Ўқувчиларга маълумки, бу қадимий ибора сиёсатда хато йўл бўлиб, у кўп асрлар бўйи бир қанча давлатларга зарар етказган. Биз сўз юритган даврда рус подшолигининг Эрон борасидаги сиёсати туркманларда ана шундай хавотир уйғотганди. 1730 йилда Нодиршоҳ Кавказдан туркларни сиқиб чиқарганида, унга генерал Левашов ёрдамлашиб юборган экан. Нодиршоҳ Ганжа шаҳрини қамал қилганида рус инженерлари ва уларнинг артиллериясидан фойдаланади. Бу маълумотлар русларнинг Нодиршоҳни қўллаб-қувватлагани ҳақида иккиланиб гапирадиган одамларнинг шубҳаларини тарқатиб юборади. 1732 йилдаги рус-эрон

шартномасига бипоан, туркманлар зич жойлашган Гургон тумани расман Эроншики деб тан олинди.

Бу ҳаракатларнинг бари ўша пайтда русларнинг туркийларга, шу жумладан, туркманларга қарши сиёсат юритганини кўрсатади. Кези келганда айтиш лозимки, ўша даврларда туркий қавмлар ўртасида низолар мавжуд бўлса-да, қон-қардошлик алоқалари тамомила йўқолиб кетмаганди. Бу омил уларнинг ҳаётий дастурларидан мустаҳкам ўрин олган эди.

Шу тариқа, XVIII асрнинг биринчи ярмида Россия Эрон билан ҳам қизиқа бошлайди. Эронни Усмонийларга қарши қўйиш мақсадида туркманлар ва улар сингари кичкина халқлар борасида совуқ сиёсат юргиза бошлайди. Натижада, бўйсунмас, ўжар туркманлар ўз чоригини ўзи судрашга мажбур бўлади, ўзини ўзи асрашига тўғри келади. Бу томонда туркманлар афшар қабиласининг зулмига ҳам дош беришлари керак эди. Ўша пайтларда Арманистон, Озарбайжон, Грузиянинг катта қисми, Афғонистон, Туркистон, Ҳиндистоннинг бир қисми, Баҳрайн ва Уммон Нодирнинг қонли чангалига тушганди. Нодирнинг қанчалик раҳмсизлигини ўз ўғли Ризоқулининг кўзларини ўйдирганидан ҳам билиш мумкин. Шоҳ Марвда қўшин тўплаб, олис Чин мулкига юриш қилишга ҳозирлик кўрарди. Унинг ўзи бу юришни «Чингизхоннинг Эронга қилган қонли босқинлари учун қасос», деб изоҳлаган эди. Зеро, Нодиршоҳ ваҳшийлик ва талончиликда Чингизхондан қолишмас, унинг «қаерни босиб олсанг, ер билан яксон қил» тамойилига амал қиларди. Шу тариқа, Сафавийларнинг сўнгги ҳукмдорлари пайтида бирмунча заифлашган давлатнинг обрў-эътибори Нодиршоҳ даврида янада пасайиб кетганди.

Турли исёнлар, қўзғолонлар, ички низолар мамлакатда танг вазиятни келтириб чиқарганди. Нодиршоҳнинг куч ва зўрлик билан тузган давлати унинг ўлиmidан сўнг хонликларга тарқалиб кетган бўлса-да, аслида бу таназзул анча олдин, муз остидан оққан дарё сингари, зимдан ҳаракатга кела бошлаганди. Маданият ҳақида гапирадиган бўлсак, бу борада «Эрон тарихи» номли китобдан олинган ушбу иқтибосни ўқишнинг ўзи кифоя:

«XVII асрнинг охирлари — XVIII асрнинг бошларидаги узлуксиз урушлар, ички низолар ва чуқур иқтисодий бўҳрон Эрон маданиятининг ҳам таназзулга юз тутишига сабаб бўлди» (Москва, 1977, 208-бет.)

Эроннинг туркманлар билан барибир мурасага келмаслигини, устига-устак, русларнинг бу давлат билан жуда қизиқа



бошлаганлигини туркман катхудолари, айниқса, гўкланглар ва ёвмутлар яхши англаб етдилар. Натижада, ҳали ҳам рус ҳокимиятидан умид узолмаётган туркманлар Хива ва Бухоро билан ҳам яқинлашишдан хавотирлана бошлагач, уларда Афғонистон томонларга юз бурмасликдан бошқа илож қолмаган эди! (Руслар билан яқинлашиш учун диний жиҳатдан фарқлар, айирмачиликлар ҳам ўзига хос тўсиқ бўлганлигини унутмаслик лозим).

Бинобарин янгидан дунёга келган Афғон давлатининг дини ислом, мазҳаби суннийлигини, энг асосийси, бу давлатнинг ҳам Эронга қарши эканлигини бағриқон туркманлар ҳис қилмай, ким ҳис қилсин?! Хуллас, «Душманимнинг дўсти ҳам менинг душманимдир» деган нақл кучга кира бошлаган эди.

Махтумқули Афғонистонга юзланган пайтдаги вазиятнинг қисқача баёни шундан иборат.

Шу ўринда савол туғилади: Махтумқули Афғонистонга тарқоқ туркманларни бирлаштириб, худди афғонларники сингари давлатни тиклаш фикрида бормадимикин? Зотан, Афғонистон давлатининг барпо этилиши илғор фикрли туркманларни ҳам ана шундай ғояларга ундаши турган гап. Фикримизча, туркман халқида бу ғоя Нодиршоҳ замонасидан ҳам анча олдин бор эди. Асрлар давомида турли ҳукмдорлар зулми остида яшаб келган туркман уруғлари бу ҳақда ўйлаб кўришгандир? Ахир, туркманлар анча аввал ўз марказлашган давлат тузумига эга бўлганларку? Бир тарафи Хитойга, бошқа томони Сурия ва Мисрга бориб тақалган Салжуқийлар давлатини эсга олайлик.

Юқоридаги ҳолатларга қарамай, ҳар бир ишнинг натижасини аввалдан кўра олувчи, фаросатли мулла Давлатмаматнинг маслаҳатларига сиполик билан қарши турган Махтумқули, сиёсий жиҳатдан тажрибасиз, ҳақиқий вазиятни тўла-гўна кўз олдига келтира олмайдиган Махтумқули, воқеалар қай томонга оғишини англашга идроки етмаган ёш Махтумқули Афғонистонга йўл олади. Унинг назарида барча муаммолар ва мушкулотларнинг ечими айнан ўша ерда эди.

У бир олам орзу-умидлар билан йўлга чиққанди. Ҳамроҳлари ҳам асосан ўзи тенги ёшлар эди. Улар орасида Махтумқулининг энг яқин дўсти, паҳлавон Човдур ҳам бор эди. Маггиқан мушоҳада юритсак, Махтумқули Афғонистонга учта мақсад билан кетган бўлиши мумкин.

Биринчи мақсад: Аҳмадшоҳ билан кўришиб, унинг айтган сўзларини ўз қулоғи билан эшитиш, ўз халқининг, ўз қабиласининг шохдан қай даражада умидворлиги ва юртдошлари ҳам шох



билан ҳамкорликка тайёр эканини шахсан билдириш. Бу сиёсий мақсад эди.

Иккинчидан, Эрон билан уруш ҳолати, Хива ва Бухоро билан савдо алоқаларининг чекланганлиги, ёвмутлар билан келишолмаслик, денгиз орқали тижоратнинг муваффақиятсизлиги Туркмансаҳрода яшовчи туркманларни иқтисодий танг вазиятга солиб қўйганди. Шу боис, улар Афғонистон орқали савдо йўлларини кенгайтиришга мажбур эдилар. Ҳиндистонга олиб борадиган карвон йўлларининг ҳам бир тармоғи Афғон давлати худудидан ўтарди.

Махтумқули қўшилиб борган гуруҳнинг учинчи мақсади — Афғонистонда яшаётган, эҳтимолки, аллақачон Аҳмадшоҳ Дурроний хизматига кирган қариндошларидан хабар олиб келиш бўлгандир?

Мулла Давлатмамат гарчи ўғлига ноилоҳ фотиҳа берган бўлса-да, Афғонистон ҳақидаги фикрида собит қолганди. Лоақал унинг қаршисида ўз тахминининг тўғри ё нотўғри чиқишини синаб кўриш имкони бор эди:

Озодий дер, бирга сафо сурайлик,  
Ёки жўнатайлик, синаб кўрайлик...

Шу ўринда яна бир савол туғилади: мулла Давлатмамат Махтумқулидан катта икки ўғли — Абдулла ва Муҳаммадсафолар бўла туриб, нега кенжатоини олис ва хатарли сафарга юборди экан? «Катталар бошлайди, кичиклар ишлайди», тамойилига амал қилиб яшаган Шарқ халқларида ҳар донм ўзидан катталарга йўл бериши удуми бор. Нега Махтумқули ва отаси бу тамойилни унутишди экан?

Маълумки, Махтумқули илм ва сиёсат бобида, одамлар билан муомала қилишда акаларидан кўра ўктамроқ бўлган. Балки, шу боис, отаси айнан унинг сафарига оқ йўл тилагандир? Қолаверса, ўзининг келажаги акаларидан кўра кўпроқ Махтумқулини қайғуга солган бўлиши ҳам мумкин.

Махтумқулининг Аҳмадшоҳни мадҳ этиб ёзган шеърини йиллар, асрлар ўтиб одамлар қандай қабул қилишаркин? Ҳақгўй шоир ҳамиша халқ билан ҳамнафас бўлиши кераклигини билган ҳолда, Аҳмадшоҳга ён босганидан пайти келиб афсусланмасмикин? Махтумқули айни дамда бу ҳақда ўйламасди.

Ким билсин, Махтумқулининг элчиларга қўшилиб Аҳмадшоҳ ҳузурига боришининг бошқа, биз билмаган сабаблари ҳам бордир?

Хуллас, карвон Аффон мулки томон аллақачон йўлга тушганди. Юртда қолганлар эса, элчиларнинг ой бориб омон қайтишларини, кўзланган натижаларга эришишларини сўраб, дуо қилишди, қурблари етганича хайр-эхсон қилишди. Оқсоқолларнинг хайри-дуолари аёлларнинг йиғи-сигисига қўшилиб кетди. Болакайлар уларнинг ортидан анча йўлгача оёқяланг чопиб боришди. Овул бошидаги бир ҳовлида тўпланган бўй етган қизлар ҳам йўлга чиққан йигитларнинг ортидан ўғринча қараб қолишди.

Қизларнинг боқишларида бир ҳадик, бир нигоронлик, бир орзумандлик намоён эди. Агар мўъжиза юз бериб, ҳар бир қизнинг узун сочлари арқонга айланса, бир йигитнинг бўйнига чирмашиб, уларни бу мужмал сафардан қайтармасмиди? Бу қизлар олис сафарга отланган ўктам йигитларнинг йўлини умрбод пойлашга ҳам тайёр эдилар. Бироқ, йигитларнинг ҳеч бири, ҳатто Махтумқули билан Човдур ҳам бу ўтли нигоҳлар таъқибидан беҳабар кетаб борар, турфа орзу-умидлар осмонида сархуш сузишарди.

Махтумқули бу карвон сафида йўлга чиқиб, кўзга кўринмай кетди. Айни шу чоғда даврадаги қизларнинг энг латофатли, энг кўҳли, энг дилбари бўлган бир қизнинг кўзларидан беихтиёр икки томчи ёш чиқиб, қирмизи ёноқларидан пастга юмалади. Қиз буни сезмай ҳам қолди.

— Ҳа, юраккинанг эриб оқди-ёв, — дея унинг биқинидан туртди шўх бир дугонаси. Бироқ, қизнинг хаёли бу пайт Махтумқули билан бирга олислаб кетмоқда эди.

Унинг кўзларига дунё ҳам қафасдек торайиб кетганга ўхшарди. Қизнинг кўзларидан томаётган марварид доналарининг оқими тезлашди. Рўмоли билан жиққа нам мужгонларини артаркан, боягина унга тегишиб турган дугоналари энди таскин беришга тушдилар. Гўзал қиз юрагидаги тугён урган муҳаббатнинг пинҳон бўлиб қолганидан, ўзига ҳар қанча оро берса-да, йигит унга қайрилиб ҳам қарамаганидан афсусда эди. Қиз анча пайтгача карвон кетган томондан умидсиз кўзларини узолмай турди.

## 11

Аҳмадшоҳ Махтумқулидан бор-йўғи ўн ёш катта бўлса-да, ҳаётда кўн нарсани кўрганди. Мана, Махтумқули етти дарёнинг сувини ичган, илоннинг ёғини ялаган ана шу одамнинг ёнига кетиб бормоқда.

Аҳмад Нодиршоҳ хизматида юрган кезлари руслар билан ҳам махфий алоқада бўлгани тахмин этилади. Ўша пайтларда



рус дипломатлари, сиёсатчилари Эронга алоҳида эътибор билан қараганлар, дипломатик муносабатлар билан бирга, мамлакатлараро савдо-сотиқ ҳажми ҳам ортиб борган. Ҳатто, айрим манбаларда Нодиршоҳнинг Россиядаги император хонимга ошиқ бўлиб, унга совчи юборгани ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Нодиршоҳнинг қўл остида юрган Аҳмад инглизлар билан ҳам алоқа ўрнатади. Англиялик Жон Элтон ўша пайтларда шоҳнинг кемасозлик ишлари бўйича маслаҳатчиси эди. Француз Базен ҳам у билан тез-тез учрашиб, суҳбатлашиб турарди.

Базен 1741 — 1747 йилларда Нодиршоҳнинг шахсий табиби бўлиб хизмат қилган. Кўплаб юришлар пайтида унинг ёнида бўлган.

Аҳмадшоҳ ўз валинеъматини Нодиршоҳнинг диний қарашлари ва бу борадаги сиёсатини ҳам зимдан кузатиб юрди. Нодиршоҳ мусулмонлар орасида фитна қўзғатишда, уларнинг орасига низо уруғини сочишда, мазҳаб можароларида ҳам ном чиқарган, унинг айрим қарашлари диний уламоларда ҳам норозилик уйғотарди.

Айтишларича, Нодиршоҳ барча динларни бирлаштириб ягона дин яратмоқчи ҳам бўлади. Ҳатто у: «Мен ҳам Муҳаммад (с.а.в.) ва Али (р.а)дан кам эмасман», дейишгача бориб етган экан. Бу борада руҳонийлар орасида унга қарши чиққанлар эса, шоҳнинг чексиз азобига дучор бўлишлари тайин эди. Шу боис, дин арбоблари унга тик боқиб, ҳақиқатни айтишга қўрқинарди.

Аҳмадшоҳ эса, бу ҳодисаларни зийраклик билан кузатиб юрарди. Шу боис, у Нодиршоҳдан қилиш эмас, қилмаслик лозим бўлган амалларни ўргана бошлади.

Мана, Махтумқули ҳам жисмонан, ҳам руҳан чиникқан, кучга тўлган ана шу инсоннинг қошига бораётир.

1747 йилда Афғон давлатини яратиб, бу вақтга қадар Эронга ҳам бир марта юриш қилиб, омадсизликка учрагач Аҳмадшоҳ белужлар юртини икки марта талаб, катта ўлжани қўлга киритган. У Ҳиндистонга илк бор 1738 — 1739 йиллар оралиғида Нодиршоҳ билан бирга бостириб борган, бу юртнинг талон-торож қилиш учун қулай ва бой эканини ўз кўзи билан кўриб қайтганди.

Аҳмадшоҳ ҳақидаги бу маълумотлардан Махтумқулининг хабари бормиди? У ким билан иш бошламоқчи бўлаётганини ўзи яхши билармиди? Бунга қатъий «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб бериш қийин. Махтумқули Аҳмадшоҳга бағишлаб битган шеърининг бир нусхасини ўзи билан олиб кетаётганди. Мана, шу шеърдан бир парча:

Фироғий дер, қувватлантир сен динни,  
Шоҳларнинг шоҳисан, исломнинг зайни,



Амринга мутеъ эт Эронзаминни,  
Рӯзу шаб нолишим будир Худога.

Англаганимиздек, бу сатрлардан Махтумқули Аҳмадшоҳнинг кучини Эронга қарши йўналтирилишини истаётгани кўришиб турибди. Сергак Аҳмадшоҳ улар Қандаҳорга келиб тушган кунгек, бу туркманлар нима мақсадда келганини билиб олади. «Кўпдан-кўп айғоқчи ва хуфиялар давлат ичидаги аҳволни тезкорлик билан Аҳмадшоҳга етказиб бериб туришарди». (Мир Фулом Мухаммад Губар. «Ахмедшах — основатель афганского государства». — М. 1959. 197-6.).

Аммо, қизилбошларга қарши музокара юритиш учун борганида, Аҳмадшоҳнинг қўшини сафида ёллама қизилбошлар ҳам хизмат қилишини Махтумқули наҳот билмаган бўлса?

Ҳа, «Арши аълога» шеърини Махтумқулининг илк қасидаси дедик. Махтумқули хон ва шоҳларга бундан бошқа яна қасидалар битганми? Шоирнинг ҳаёт йўлини кузатиш асносида бу саволга ҳам жавоб топамиз.

Шундай қилиб, Махтумқулиларнинг қарвони Қандаҳорга келиб тушгач, вакиллар Аҳмадшоҳнинг ҳузурига боришди. Қадимги истилоҳ билан айтганда, «улар ҳазрати олийларининг муборақ назарларига ноил бўлишди».

Аҳмадшоҳ уларни қандай қабул қилгани ҳақида ёзма маълумотлар йўқ. Ҳар қалай, Аҳмадшоҳ туркманларга қалбадагини бутунлай очиб-сочмаган бўлса керак.

Бироқ, Махтумқули шоҳ билан юзма-юз келганидан бахтиёр эди. У отасининг «орзулама хонни, бекини, султонни» деган пандини ҳам унутмаганди.

Аҳмадшоҳ Махтумқули умри бино бўлиб кўрган илк ҳукмдор эди. У Аҳмадшоҳни ҳар қанча мақтамасин, ўзини ҳам ерга уриб юбормаган. Зеро, шоирнинг руҳи шоҳникидан асло паст эмасди. Бу мағрурлик ва сарбаландлик умр бўйи шоирнинг ҳамроҳи бўлди.

Махтумқули умри давомида яна қанча шоҳ, қанча султон билан юзма-юз келаркин? Махтумқули алҳол ҳозир бу ҳақда ўйламасди. Аҳмадшоҳнинг илтифоти, туркманларнинг Эрон ҳақидаги фикрлари унинг тарафидан қўллаб-қувватланиши нафақат Човдур билан Махтумқулини, балки улар билан келган барча ҳамроҳларини севинтирган, сархуш қилган эди. Асрлар давомида уларга қон юттириб келган қизилбошлардан, форслардан ўч олинадиган фурсат етиб келганидан уларнинг қалбларида умид ёлқинлари порлай бошлаганди.

«Охири, бизнинг ҳам кўксимизга шамол тегаркан-да!» деган умид уларни сархуш этиб қўйганди. Махтумқулининг ҳам покиза қалбида «ажаб айём» ҳақидаги илк, ёрқин таассуротлар жўш урарди.

«Ажаб айём!» Нақадар чиройли, нақадар умидбахш ва... нақадар алдамчи сўзлар!

Бу сўз биргина Махтумқулини эмас, унинг ҳамроҳларини ҳам жодулаб олгандек эди. Тинчлик, фарвоғлик туркман элатларининг асрий орзуларидан бири эмасмиди? Гўзал, ажойиб кунларни ким ҳам орзу этмайди, дейсиз?

Юз йиллардан бери давом этиб келаётган босқинлар, талон-торожлар, урушлар туркман халқининг тинка-мадорини қуритган эди. Хусусан, XVIII асрда туркманлар урушлардан тамомила безиб кетган эди.

Кейинги асрларда туркманларнинг ўз давлатига эга бўлолмай келганлигига айнан мана шу жанговарлик сабаб бўлмаганмикин? Айнан ана шу хусусият бу халқнинг бир ёқадан бош чиқаришига халал бергандир?

Махтумқули ўз халқининг тарихини яхши биларди, тарих ҳукмига бўйсунарди. Ана шу тобелик ҳам уни Аҳмадшоҳ ҳузурига бошлаб келганди.

Аҳмадшоҳ билан музокаралардан руҳланган туркманлар бу хушxabарни ўз уйларига стказишга ошиқдилар. Човдур келгусидаги музаффарона юришлар, улкан ғалабалар хаёли билан маст эди.

Аҳмадшоҳ эса, меҳмонларини кузатиб қоларкан, унинг кўнглидан: «Ҳей, содда туркманлар! Ҳали меннинг совунимага кир ювиб кўрмабсанлар!» — деган истехзоли ўйлар кечгани аҳтимолдан холи эмас.

Аҳмадшоҳ туркманларнинг мардлиги, тўғрисўзлиги, жасурлиги, қизилбошлардан аламзада эканлигини яхши билар, булардан ўз манфаати йўлида фойдаланишни мақсад қилганди. Хива, Бухоро ҳукмдорлари ҳам бу воқеани юрак ютиб кузатиб туришарди. Қизилбошлар ҳам ўзларига қарши музокаралар бошланганидан хавотирга тушиб қолишганди. Ўрни келганда айтиш керакки, туркманларнинг бирлашувидан теварақдаги барча давлатлар хавотирда яшардилар. XVIII аср ўрталарида бу масала янада долзарб тус олди. Аммо туркман қабилаларининг барчаси ҳам бу масалага жиддий ёндашмаган. Мулла Давлатмамат сингари узоқни кўра олган, донишманд кишилар ўша пайтда у қадар кўп эмасди. Гарчи карвон Қандаҳордан хушха-

барлар билан қайтган бўлса-да, олдинда кўплаб мушкулотлар кутиб турарди.

## 12

Мулла Давлатмамат ўғли ва унинг сафдошлари хатарли сафардан қароқчи ва йўлтўсарлар хужумига учрамай, эсон-омон қайтганидан бениҳоя хурсанд эди. Аммо, уларнинг Аҳмадшоҳ ҳақида оғзидан бол томиб айтган сўзларига у қадар ишонмасди.

«Орзулама хонни, бекни, султонни!»

У ичида ана шу мисрани такрорларди. Ўғли эса бошқача фикрда. У Аҳмадшоҳни ўз халқи манглайидаги умид юлдузи деб билар, у ҳақда умидбахш шеърлар битар, юртдошларини ёруф қуилар яқинлигига ишонтиришга уринарди.

Бироқ, Махтумқулининг Аҳмадшоҳга атаб битган барча шеърлари бизгача етиб келмаган.

Ўқланглар Аҳмадшоҳ билан тил бириктириб, Эронга қарши юришга ҳозирлик кўра бошладилар. Давлatalихон, Авазгелди сингари етакчилар бу ишга бош бўлишади. Кучи билагига сиғмай турган Човдур сингари паҳлавон йигитлар бу ҳаракатга жондиллари билан қўшилдилар. Ўн олти-ўн етти ёшгача Махтумқули қон кўрмаган, уруш кўрмаган эди. Буни шеърларидаги ички рух, жўшқинлик ҳам тасдиқлайди.

Махтумқули Афғон мулкига йўл олган пайтда, унинг ортидан юм-юм кўз ёши тўкиб қолган қиз эсингиздадир? У қизнинг кўз ёши тўкиб қолиши бежиз эмасди. Бу гўзалнинг бокира қалби Махтумқулининг исмини тинмай такрорларди...

Мана, Махтумқули қайтгач, бу шаҳло кўзлар ҳам қувончдан порлади. Аслида Махтумқули ҳам унга бефарқ эмасди. Гоҳ-гоҳида юзма-юз келиб қолишганда, қизнинг юзлари лов-лов ёниб, соҳиббасининг қалбидаги ёрқин ҳақиқатни аён этиб кўярди. Аммо дилдаги муҳаббат тилга кўчганича йўқ. Қолаверса, қайси бир қиз ўз дардини биринчи бўлиб ошкор эта олади?

Айнан шу сафардан қайтгач, бу жоду кўзлар Махтумқулининг қалбини тезкорлик ила банди қила олди. Шунда... Махтумқулининг кўзларига дунё бошқача кўринди. Қалбида ўзга бир олам юз очганини англади. «Ишқ мени ёндириб, ёқиб борадур». Ишқ лаззати дунёдаги барча неъматлардан ҳам лазизроқ эканини Махтумқули ўз қалби тимсолида ҳис этди.

Ҳа, ҳамма нарса ўзгарганди. Унинг кўз олдида саҳронинг сарсари шамоли ҳам, оқ кулоҳли тоғлар ҳам, зилол чашмалар ҳам, бепоён далалар ҳам, қушлар ҳам, булутлар ҳам, одам-



лар ҳам — барча-барчаси бошқача, гўзал, жозибали қиёфа касб этганди.

Кечагина Аҳмадшоҳни мақтаб сиёсий сатрлар битган шоирнинг қалби энди ишқий мисралар яратиш иштиёқида ёнарди. Унинг хаёлидаги фикр дарёси, қалбидаги илҳом чашмаси Менгли исмли гўзал томонга оқарди.

Махтумқулининг кўзи билан боққанда, Менглини севмаслик мумкин эмасди. У Менглининг шаънини осмон қадар кўтарар, унинг сурати ва сийратини шундай завқ-шавқ ила тасвирлардики, ҳар қандай ўқувчи бу муҳаббатнинг мафтунига айланарди. Бейхтиёр бу шеърни ўқиганлар Махтумқулининг пок, беғараз, жўшқин муҳаббатига ҳавас қилардилар. Бу ўтли мисраларда қандайдир илоҳийлик, сирли бир қудрат яширин:

«Кўнгил кўзгусида ёрнинг отини,  
Ишқ хомаси ила ёзгим келади»...

«Ишқ олди кўнглимни, тилга сўз берди»...

«Боқибон меҳрингга тўйсам, боғу бўстон истамам»...

Бу сингари мисралардан ана шундай жозибани, сеҳрни топиш мумкин.

Бир дилбара дуч келдим, ғамзаси ўк, қоши ёй,  
Кун ҳайрондир кўркидан, хижолатга тўлган ой...

Яна ошиқ Махтумқули бу ҳисларни таранглаб, шеърга солса-да, бундан кўнгли таскин топмас, сабри чидамай, маҳбубасини янада кўкларга кўтаришга, унга бўлган муҳаббатини янада авж пардаларда куйлашга интиларди:

Иқболим, диним-иймоним,  
Қулман қомат, бўйларингга,

Ёки:

Мусулмоннинг дин-иймони,  
Умнатдир қаро кўзларинг.

Ана шундай мисраларни ёзишга ундаган севги қудрати ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Бу қудратни тоғнинг барқарорлиги, селнинг кучи билан тенглаштириб бўлармикин? Балки, унинг қудрати чакмоқдан-да кучлироқдир? Ахир, ҳеч бир чакмоқ Менглининг қалбини ёриб киролмаган бўларди-ку? Айнан Махтумқули, унинг Фарҳод сингари буюк ошиқларга сабоқ бўла оладиган муҳаббати ана шундай қудратга эга чиқди.

Туркманлар Махтумқулининг Менглига бўлган муҳаббатига ўхшаш севги қиссаси билан бу яқин орада тўқнаш келишмаган. Эҳтимол, бошқа халқлар ҳам...

Шарқда «Лайли ва Мажнун», «Тоҳир ва Зухра», «Ошиқ Фариб ва Шоҳсанам», «Фарҳод ва Ширин», «Гул ва Наврўз» каби ошиқ-маъшуклар ҳақидаги ишқ қиссалари асрлар оша оғиздан-оғизга, элдан-элга ўтиб келади. Бу муҳаббат қиссаларининг қаҳрамонлари ҳаётда чиндан ҳам яшаб ўтган-ўтмаганлиги ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Аммо, ана шу сингари ғамгин қиссалар сафига ўз реаллиги билан фарқланадиган Махтумқули ва Менглининг ишқ достонини қўшсак, хато бўлмас, назаримда.

Бу икки ёшнинг муҳаббати ҳам ширин дамлар билан бошланади. Махтумқули уйлангунга қадар ва ундан кейин севги ҳижронига учраган пайтларигача бўлган даврда ёзган шеърлари бизгача ё тўлиқ етиб келмаган, ё бундай байтларнинг ўзи камчилиكنи ташкил этади.

«Бўйларингдан», «Қоши ёй», «Қора кўзларинг», «Гулзор ўйнашар», «Бугун», «Гўзалсан», «Ҳаё айлаюр», «Нозли дилдор», «Менгзар ҳукмли» каби порлоқ асарлар Махтумқулининг муҳаббатидан нишона бўлиб қолган ўлмас шеърлар жумласидандир.

Туғди осмоннинг Зухроси,  
Чин ошиққа даврон буқун,—

деб бошланадиган шеър улар орасида алоҳида ажралиб туради.

Бу шеърни Махтумқули ёш куёвлик пайтида ёзган, дейиш мумкин. Чунки аини шундай кезларда ёш йигитнинг кўзига бутун олам гўзал, тароватли, бахт ва сархушлик маскани бўлиб кўринади. Ана шу жўшқинлик унинг сатрларига ҳам қўйилган бўлса, ажаб эмас.

Туркман заминга азалдан баҳор эрта келади. Туркман ёшларининг тез вояга етишлари шундан. Шу боис катталар балоғат остонасига етган йигит-қизларнинг бошини тезроқ қовуштириш илинжида бўлишади. Агар бирор йигит қайсидир қизга кўнгил қўйса, унинг ошиқлик даври узоқ давом этмаган. Бунинг сабабини туркманларнинг азалий ҳаёт тарзидан излаш керак. Орада никоҳ ўқилмагунча йигит ва қизнинг учрашиб юришига ҳам изн берилмаган. Қолаверса, ўша пайтдаги нотинч, беқарор вазият қизларни тезроқ ўз хасмига топиширишни тақозо этган. Махтумқули Менглининг ишқига мубтало бўлган пайтда неча ёшда эди? Бу саволга

Махтумқулининг ўзи кейинчалик ёзган шеърларида жавоб бериб кетган:

Ўн еттидан ошганда шуҳрат уйига кирдим,  
Олдим бир позанининг завқ ила сафо сурдим,  
Бу гунчан гулзорнинг алвон гулини тердим...

Демак, Махтумқули ўн саккизга қадам қўйган пайтида оила қурган. Ёшлар ишқ дарёсида сархуш сузиб юрган кезлари Давлатмамат китобининг охирги бобини ёзаётган эди. Катта ўғиллари Муҳаммадсафо билан Абдулла эса, аллақачон уйланиб, рўзғор ташвишлари билан банд эдилар. Ёш оилалар учун илгариги эски бостирма атрофида янги уй қурилди. Мулла Давлатмаматнинг оиласида Махтумқулининг ўрни бошқача бўлгани учун акалари унинг уйини ўзлариникидан ҳам баландроқ, шишамроқ қилиб солишганди. Мулла Давлатмамат хунармандларга айтиб, Махтумқули учун чиройли сандиқ ҳам ясаптириб берганди. Бу эса, ўша пайт учун ҳам уй мебели, ҳам китоб жавони вазифасини ўтарди. Қимматбаҳо китоблар, қоғозлар, қўлёзмалар, сиёҳ ва қалам ана шу сандиқ ичида авайлаб сақланарди.

Айни дамда Махтумқулининг хаёллари бир муддат шеърят оламини тарк этган, у ҳозир мутлақо бошқа бир оламда сархуш парвоз этарди. Ҳар оқшом дилсўз бир париваш майин, нозик бармоқлари ила Махтумқулининг қалин жингалак сочларини силарди. Махтумқули севикли дилдори билан соҳир ишқ оламининг кенг самоси узра беармон парвоз қиларди. Ҳаёт улар учун ўз нафосати, чексиз гўзаллигини намоён этаётган эди.

Назарида бу сирли оламда Махтумқули ва унинг маҳбубасидан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Унинг энг содиқ, тепишиб катта бўлган дўст-оғайниларининг ҳам бу хонадондан қадами узилган эди. Улар ҳам Махтумқули ўз муҳаббатига эришгач, унинг ҳаловатини бузишни истамасдилар...

### 13

Йўқ, бунинг бошқа сабаблари ҳам бор эди. Келган-кетганларнинг, ўткинчиларнинг ёлғон-чин гурунглари вазиятнинг кескинлигидан дарак берарди. Афғонистондан келган хабарларга кўра, тез кунларда қўшин Эронга юриш бошлаши мумкин. Эрондан эсаётган шум эпкинлар эса, афғонлар билан тил бириктирган туркманлардан шафқатсиз ўч олинишидан огоҳ этарди. Дўстлари эса бу нохуш янгиликларни айтиб, Махтумқулининг дилини оғритишни, бахтли кунларига соя ташлашни истамас эдилар.



Доно Давлатмамат бу ғавғолар осонликча ниҳоя топмаслигини яхши англарди. Аммо, у ҳам чорасиз эди. У эронликларга, қизилбошларга ишонмаганидек, афғонлардан ҳам яхшилик чиқишига унча кўзи етмасди. Афғонлар ёрдам беришга ҳозир эканми, демак бу «мададкор»ликнинг ортида қандайдир илинж ё гараз бўлиши муқаррарлигини у ички ҳассослик ила ҳис этарди.

Тўғри, у ҳозирча Аҳмадшоҳнинг кимлиги, қандай ҳукмдор эканлигини яхши билмайди. Аммо, унга шоҳларнинг умумий феъл-атвори яхши маълум. Шу боис, мулла бир том остида Аҳмадшоҳга нисбатан пайдо бўлган икки фикрнинг биттаси мутлақ нотўғри эканига амин эди. (Махтумқули Аҳмадшоҳдан яхшилик чиқади, деб умид кўзини тиккан, отаси эса, буни худди хўкиздан сут кутиш билан тенг деб биларди.) Шунингдек, у ўғлининг умидлари пучга чиқишидан ҳам қўрқарди. Ана шундай ҳолат юз берса, Махтумқули қай аҳволга тушишини, қандай йўл тутишини ота билмасди.

Ҳозирча эса, ҳамма ўз фикрида қолгани маъқул. Давлатмамат афғонлар билан бўлган музокаралар туфайли ёвмутлар ва гўклангларнинг боши қовушишидан умидвор. Бу қабилаларнинг ушбу ҳодисаларга хавотир билан қарагани, шу боисдан қабила бошлиқлари ўз мушоҳадаларини сир сақлашган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

1752 йил. «Аҳмадшоҳ Нишопурни қамал қилибди», деган хабар етиб келганида, унга умид кўзини тикиб турган гўкланглар жуда қувонишди. «Ниҳоят, Эроннинг танобини тортадиган шоҳ топилди, Аҳмадшоҳ энди бу ўлканинг кулини кўкка совуради!»

Аҳмадшоҳ ўз давлатини қурган вақтлардан бошлаб, у ҳақда атрофга турли овозалар тарала бошлаганди. Уни бою фақирни тенг кўзда кўрадиган, адолатли, олижаноб, куч-қувват ва жангжадалда тенги йўқ тождор сифатида тилга олишарди. Қолаверса, Нодиршоҳ Ҳиндистондан олиб келган, Бобурийларга тегишли бўлган «Товус тахт» ҳамда «Кўҳинур» олмоси ҳам Аҳмадшоҳ Дурронийнинг қўлига ўтганди. Нодиршоҳнинг ўлимидан сўнг унинг аёллари бу қимматбаҳо тошларни Аҳмадшоҳга ҳадя қилишганди. Ўша пайтларда «Товус тахт» ва «Кўҳинур» олмоси кимда бўлса, ғалаба ва омад ҳам у томонда бўлади, деган ақида кенг ёйилганди. Ҳамма даврда бўлганидек, бу пайтларда ҳам одамлар орасида ёйилган овозалар жуда катта аҳамият касб этарди. Овозалар борган сари кенгрок, йирикрок доирада ёйилиб борар, бу эса, Аҳмадшоҳнинг обрў-эътибори янада юксалишига хизмат қиларди.

Нишопурнинг қамал қилингани ҳақидаги мактуб туркманларга етиб келгани ҳақида аниқ маълумотлар бўлмаса-да, гўкланглар ҳам, ёвмутлар ҳам Аҳмадшоҳнинг бу юришига бефарқ бўлишмаган. Бу юришда туркманлар қаҳрамонларча жасорат кўрсатишмаган бўлишса-да, ҳар қалай четда томошабин бўлиб туришмаган.

Аммо Нишопур бу сафар Аҳмадшоҳга таслим бўлмади. Шоҳнинг Эрон тарафга қилган бир қанча юришлари ҳам кутилган самара бермади. Нодиршоҳ даврида Эрон жуда оғир вазиятга тушиб қолганди. Фақир фуқаронинг ҳам елкасидан ўпкаси кўриниб қолган, босиб борган билан тайинли ўлжани қўлга кири-толмаслигини Аҳмадшоҳ яхши биларди.

Бироқ, «Аҳмадшоҳ Нишопурни олмай қайтибди», деган гап-сўз ҳам унинг обрўйига соя солиши мумкин эди. Афғон давлатининг ғарбий чегараларини кенгайтириш ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Аҳмадшоҳ 1753 йилда Нишопур ва Машҳадга қайтадан қўшин тортади. Шу фурсатдан фойдаланган ҳолда у гўклангларга иккита нома юборади. Бу номалар бугунги кунда ҳам жуда катта тарихий аҳамият касб этиб келаётир. Мазкур номаларнинг биринчиси ҳижрий 1167 йил зулҳижжа ойининг 16-сида (милодий 1754 йил 6 август) ёзилган бўлса, иккинчиси ҳижрий 1168 йил жумодаввал ойининг 14-куни (милодий 1755 йил 28 март) санаси билан битилган. Бу номаларда Аҳмадшоҳ туркманларнинг суннийлик оқимига эътиқод қилишларидан усталлик билан фойдаланмоқчи бўлгани яққол кўринади.

Аҳмадшоҳ, Нишопурга, Машҳадга қўшин тортгани ҳақидаги хабарни эшитиб, шунингдек, унинг қабиладошларига йўллаган иккита номасини ўқиб, Махтумқулининг кўнгли тоғдек кўтарилди. Беихтиёр қасидасидаги бир мисрани шивирлади:

Амрингга муте эт Эронзаминни!

Мана, унинг шу истаги ҳам рўёбга чиқмоқда. Бироқ, бу истак қандай ҳаракатлар ва қурбонлар эвазига юзага чиқаётганидан унинг хабари йўқ эди. У ғалабанинг фақат зоҳирий кўри-нишидангина хабардор. У ҳали Аҳмадшоҳнинг пайрангли ўйинларидан огоҳ эмасди. Унинг сиёсат бобидаги тажрибаси ҳали ҳамин қадар. Ҳавоий хаёллар уни ҳали ҳам кўтаринки руҳда байтлар битишга ундарди.

Менглига уйланганидан сўнг Махтумқулининг қалбида бирмунча сўнган сиёсат иштиёқи қайта жонланди. Ўз халқининг тақдири унинг қалбига яна ўт ёқаётган эди. У тезроқ Аҳмадшоҳнинг бутун Эронни қўлга киритишини, қизилбошлар-

ни ер тишлатишини истар, ўз халқининг, ҳамюртларининг кўксига тезроқ шамол тегишини орзу қиларди.

Ана шу туйғулар таъсирида унинг «Гўкланг», «Олди-орти билинмас» сингари шеърлари дунёга келди. «Бизнинг фикримизча, Махтумқули биринчи шеърини қабиладошлари — гўкланглар кўшини тўплаб йўлга тушган найтда, иккинчисини эса, ёвмутлар билан бирлашиб, ҳаракатни давом эттираётган фурсатда ёзган бўлиши мумкин» (А.Бекмуродов. «Махтумқули ва Аҳмадшоҳ Дурроний». «Совет адабиёти» журналы, 1988 йил, 11-сон).

«Гўкланг» шеърисида:

Буюк даргоҳга юз суртиб,  
Ишларинг, давлатинг ортиб,  
Фирогий дер, кўшин тортиб,  
Борарсан Теҳрона, гўкланг! —

каби сатрлар бор. Махтумқули бу юришда туркманларни бирлаштириш билан бирга, Эронни бўйсундириш истаги ҳам борлигини яширмайди.

Бироқ, қисмат чархналаги ўз билганидан қолмай айланарди. Тақдир унинг қалбида жўш ураётган истаклар билан ҳисоблашадими-йўқми, буни ҳам вақт кўрсатади.

Хуросон юриши узоққа чўзилса-да, ниҳоят ғалаба билан якунланди. Албатта, бу жангда қанча туркман қатнашгани, уларнинг қанчаси ана шу жангда ўз жонидан кечгани ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Бироқ шуниси аниқки, бу ғалаба туркманлар учун қимматга тушди.

Махтумқулининг «Оли сизники» шеъри унинг ўша пайтдаги ижтимоий ҳолатини яхши тасвирлаб беради:

Форсга теккан давлат Сизга ўгрилди,  
Энди бу дунёнинг майли сизники!

Хуросон таслим бўлди.

Кейин нима бўлди?

Кейинги одим қай томон ташланади?

Туркманлар бу фидойиликлари учун қандай наф кўрдилар?

Аҳмадшоҳ нима қилди?

У нима қилишни яхши биларди. У Нодиршоҳнинг кўзи ўйилган невараси Шохрухни (у 1748 йилдан бери Машҳаднинг ҳокими эди) яна аввалги ўрнига ўтказиб, кўшини билан ортига қайтди. Унинг эндиги мақсади Афғонистоннинг яхлитлигини таъминлаш ва Ҳиндистонга босқин уюштириш эди. Қасрга бормасин, нима қилмасин, Аҳмадшоҳнинг бир кўзи ҳар доим



Ҳиндистон томонда эди. Аҳмадшоҳ Дурронийнинг Нодиршоҳ қўшини сафида хизмат қилган давридаги юришларини ҳисобга олмаганда, унинг ўзи Ҳиндистонга уч карра — 1748, 1750, 1752 йилларда юриш уюштирган.

Туркманларнинг тақдири эса, яна муаллақ бўлиб қолди. Ҳар қалай Эрон юришидан улар анча-мунча йўқотишлар билан ўз юртларига бўшашиб қайтишди. Махтумқули ва унинг икки акаси — Абдулла билан Муҳаммадсафо бу юришда қатнашганлари ҳақида ҳам аниқ маълумотлар учрамайди. Бироқ, бу юришда Човдур иштирок этганига шубҳа йўқ. Чунки, ерга урса кўкка сапчийдиган абжир йигитнинг бу юришдан четда қолганига ишониш қийин. Хуросон юриши уни синовдан ўтказган илк юриш бўлди. Чунки, мардона жанг — мард йигит учун энг катта сабоқ, энг ишончли тажрибадир.

## 14

Вақт ўтиши билан ҳар бир воқеани синчковлик билан кузатиб бораётган ҳассос қалб эгаси Махтумқулининг безовталиги ҳам ортиб борди. Шу билан бирга, қалбининг туб-тубида бир тугун пайдо бўлди. Отасининг кўзларига боққан пайти юрагидаги мунг янада ортгандек эди. Мулланинг кўзларида ҳар доим шу фикр намоён бўларди:

Орзулама хонни, бекни, султонни...

Ота ўз халқи ва фарзандлари тушган тушунарсиз вазият учун ўзини айбдор ҳис қилар, уларга ҳеч қандай ёрдам беролмаслигини ўйлаб ўкинарди: «Тақдиримиз шу экан-да!».

Ҳа, отанинг тақдирга тан беришдан бошқа чораси қолмаганди.

Махтумқули эса, ҳамон Аҳмадшоҳга ишонарди. Бу ишонч бошқаларникига қараганда анча кучли эди. У Аҳмадшоҳга оддий фуқаро бўлиб эмас, ҳиссиётларга бой шоирнинг нигоҳи билан қарарди.

Бироқ, воқеалар ривожини кузатиб бориш асносида унинг ҳам қалбида бир шубҳа уйғонди: Аҳмадшоҳ бутун туркманларни алдаб юрган бўлса-чи? Шу фикр миясига урилиши билан кўз олди қоронғилашиб, қулоқлари остида муттасил чинқириқ турди. Ўзининг ёрқин келажак ҳақидаги тасаввурлари бир зум йўққа чиққандек бўлди. Беихтиёр Аҳмадшоҳга бағишлаб битган сатрларини эслади. Йўғ-э, Аҳмадшоҳ унчаликка бормас? Яна ким билсин, «одам оласи ичида» дейишади-ку.

Махтумқули ана шундай қарама-қарши фикрлар исканжасида қолганди. Қолаверса, бу «ошни унинг ўзи пиширган». Энди

айланиб ҳам, ўргилиб ҳам ичишга мажбур. Отасига ҳам дардини айтолмайди. Чунки, бир пайтлар унинг шоҳ хузурига кетишига мулла Давлатмамат қарши турганди.

Менглига ҳам кўнглини ёра олмайди. Аслида-ку, Менгли ҳам ёш бўлишига қарамай, фаросатли, мулоҳазали аёл. Шу боис, Махтумқули у билан кўп сирлашарди. Аммо, бу масалада гап очиб, аёлининг тиниқ фикрларини лойқалатишни истамади...

Муҳаммадсафо билан Абдулла жуда содда, жайдари йигитлар эди. Улар аллақачон тақдирга тан бериб, пешонамизга тушганини кўрамиз, деб ўтиришибди. Човдур-чи? У шамширига ишонади. «Туркман ҳар доим жанг-жадал билан яшаган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади», деб тураверади. Бундан бошқасини хаёлига ҳам келтирмайди. «Ким кучли бўлса, ҳақиқат ҳам у тонда». Човдурнинг фалсафаси шу.

«Ўлим пешонасида наштар тираб турганини хаёлига ҳам келтирмаяпти, шекилли, — ўйларди Махтумқули, — ёки жони кўзига ширин кўринмасмикин?»

Мардлик, жасурлик Махтумқулида ҳам бор, лекин бу хислати ҳали синовдан ўтмаган. Мен ботирман, мен довиоракман, деган гапни ҳамма айтиши мумкин. Аммо, сўнгги ва ҳаққоний баҳони тақдирнинг ўзи, ҳаёт синовлари беради. На илож, турли тўқнашувлар, олишувларда чиниққан, Машҳад юришида пишиб етилган Човдур олдида Махтумқулининг тажрибаси йўқ даражада. Махтумқули Аҳмадшоҳнинг иккиюзламачиликка мойил бўлишига ишонгиси келмай юрганда, Човдур аниқ бир қарорга келиб бўлганди. «Шоҳ тахтда ўтираркан, ундан тўлақонли шоир чиқмайди», деган андишада юрган Човдур ҳақ. Амал, мансаб шоирнинг азалий ғаними. Ҳар қанча иқтидорли, нозиктаъб, зийрак бўлмасин, амалдор шоир бирда бўлмаса, бирда амалпарастлик чоҳига тушади ва шеърятдан чалғийди. Бу кўҳна ва ўзгармас ҳақиқат. Бу ҳақиқатни Махтумқули ҳам билар, Аҳмадшоҳ билан учрашганидан сўнг, бу ишончи бирмунча ортганди. Шу тариқа, эртами-кечми Аҳмадшоҳ Эронга юриш қилар, деган умид унинг хаёлидан кетмасди. Яхшиликка ташна, хушхабарга интиқ бўлиб турган халқнинг асосий қисми ана шу умид билан яшарди.

Махтумқули ўша кунлари заргарлик билан ҳам машғул эди (унинг ўзи ясаган ва ёри Менглига совға қилган узук айна пайтда музейда сақланади). Бирок, Махтумқулининг мудом заргарлик билан шуғулланиш учун имкони йўқ эди.

Эронликлар Машҳад, Нишопур урушларидаги иштироки учун туркманлардан, хусусан, гўкланг қабиласидан ўч ола бош-



лайдилар. Улар гўклангларнинг Аҳмадшоҳ хузурига борганидан хабар топган, уларга ким бошчилик қилгани ҳақида етарли маълумотга эга эдилар.

Бунинг устига, Махтумқулининг Аҳмадшоҳга бағишланган «Арши аълога», «Сизнингдир» сингари шеърлари кўпчилик орасида тарқалган, шу жумладан, душман кўлига ҳам тушиб қолган эди. Шундан сўнг улар мулла Давлатмаматнинг оиласини ипидан-игнасиғача ўргана бошлашди. Бу борада овул ичидан айғоқчилар ҳам белгилашди. (Махтумқули шеърларида ҳам ана шу ҳолатга ишора бор.)

Шу тариқа бу оила тепасида, хусусан, Менглининг боши устида ҳам қора булутлар тўплана бошлади. Буни ҳаммадан аввал Махтумқули англади.

Бу хиёнат қандай юзага чиққанини ҳозир аниқлаш қийин. Аммо, қуйидаги сатрлар дунё найранглари Махтумқулининг жонидан ўтиб кетганидан кейин ёзилгани аниқ:

Ким кўрар бўлса харидор ўлди, ҳам шох, ҳам гадо,  
Марду номард ҳамда нокас сўз отибдур ёрима.

Ёки:

Қўймарам асло тирик, ким тегса номус-орима.

Қизилбошлар ниҳоят қабила ҳудудларига етиб келиб, қирғинни бошлашди. Кўлга тушган туркман хотин-қизларини чўри, йигитларини қул қилиб, тоғдан ошириб кетишди. Туркманлар ҳам қараб ўтиришмади. Улар жавоб ҳужумига ҳозирлик кўришди. Кейин қизилбошлар юртига бориб, улар ҳам бир қанча асирлар билан қайтиб келишди. Туркманлар азалдан ўз уйларида қул ёки чўри сақлашга ишқибоз бўлишмаган. Шу боис, асирларни Бухоро, Хива ва Ҳиротнинг қул бозорларига олиб боришган. Шу тариқа бир-бирини маҳв этиш, ўч олишнинг ўта кескин, шафқатсиз усуллари ёйила борди. Ана шундай бир вазиятда Махтумқули учун ўз оиласи, яқинларининг хавфсизлигини асраш у қадар осон бўлмаганини тасаввур этиш қийин эмас. Ҳар сонияда ўлим хавфи даҳшат солиб турган бир пайтда...

Гўкланг ва ёвмутларнинг иттифоқ тузиши ҳам қизилбошларнинг қонини қайнатиб юборганди. Улар яна бу икки туркман қабиласи орасида низо уруғини сочишди: бу икки қабила ер ва сув учун бир-бирига тиш қайрашга тушди.

Бошқалар қатори Махтумқулилар оиласи ҳам турли хавф-хатарга ҳозир турмоқ учун бир кўзларини очик қолдириб ухлайдиган бўлишди.



«Ҳамма бало Махтумқулининг энг сулув қизга уйланишида! Бу келин эмас, жонга офат!» Одамлар орасида бу тахлит гап-сўзлар тарқалганига анча бўлган. Чиндан ҳам, Менглининг гўзаллиги тилларда дoston эди. Буюк Шарқ донишманди Унсур ул-маолий Кайковус «Қобуснома»сида айтганидек, «Ҳаддин зиёд хушрўй аёлга уйланмағил!..»

Лекин кўнгилга буйруқ бериб бўлмайди. Менглининг гўзаллигини бутун эл-юрт тан олиб турганида, у Махтумқулининг кўзларига қандай кўриганини тасаввур этиш қийинмас. Воқеалар қизгин тус олган кунларнинг бирида тақдир Махтумқулини ғафлатда қолдирди, Менглини унинг қўлидан юлиб кетди. Менглини у қай йўл билан йўқотгани номаълум бўлса-да, унинг номнишонсиз ғойиб бўлгани айни ҳақиқат.

Махтумқулининг бошига илк бахтсизлик тушди. Бу мулла Давлатмаматнинг оиласи бошига тушажак нохуш воқеаларнинг дастлабкиси эди. Сўраб-суриштиришлар натижа бермади. Кўрдимбилдим, деганлар ҳам йўқ, одамлар тоғнинг орқасини — Эрон тарафларини кўрсатишарди.

Кўзи ёшли Менгли хоним  
Юрагим ичра нор қилди.

Ёки:

Қўлдан олдинг қароримни,  
Келиб сен поғаҳон, фироқ,  
Опкетдинг Менгли ёримни,  
Кўйиб жонга армон, фироқ...

Менглининг ўғирланиши ҳақидаги хабарни Махтумқулига синглиси Зубайда етказган бўлиши ёки аксинча бўлиши мумкин. Чунки шоир ана шундай аламли дамларда Зубайдага кўп бора юзлангани шеърларида акс этган:

Зубайда, ночорим, тишгла, қалбимда армоним қолди,  
Зубайдам, кўзларинг ёшла, харидсиз дўконим қолди.

Ўша пайтлардаги туркманлар анъаналарига кўра, қай йўл билан бўлмасин, аёлини қўлдан бериш, уни душманга олдириб қўйиш эркак учун номус ҳисобланган, эл ичида унинг тилни қисқа қилган, мардонавор сифатларини гумон остида қолдирган. Бинобарин, Махтумқули ҳам бу айрилиқ ҳақида қайта-қайта эслайди:

Тупроғи бор зарга тенгли,  
Зилол сувли, кўк ўлағли,

Эли гўкланг, оти Менгли,  
Нозли дийдордан айрилдим.

Менглисиз қолган кунларда бошидан кечирган укубатлар шоир сатрларида яққол ўз аксини топган. Унинг Менглига бўлган муҳаббати ҳар қандай далли-девона ошиқнинг севгисидан, ҳатто, асрлар бўйи тилдан-тилга ўтиб келаётган ишқ қиссалари қаҳрамонларининг ҳис-туйғуларидан ҳам юксак эканига шубҳасиз ишониниш мумкин.

Маҳбубадан айро яшаш — азобнинг ўзи экан. Ундан хат-хабар йўқ. У гоҳ тушида, гоҳ ўнгида Менгли билан ғойибона сирлашади:

Қайси кун сен ўтга солдинг мен фароғат бандани.

Ёки:

Сен ғарибсен, мен фақирмен, сенда-менда чора йўқ,  
Севгилим, тақдири ҳақдир айирган сендин мени.

Ёки:

Асрасин тангрим паноҳида ёмон кўздан сени.

Гоҳо Менглининг дараги чиқмагани учун шоир унинг ўзини айбдордек кўради. Минг хил шубҳа-гумонлар ичида қолган шоир баъзан маъшуқасининг ўзини ҳам бевафоликда, алдамчиликда айблайди:

Айтадур Махтумқули, аҳдинг ёлон, йўқдур вафонг,  
Бевафолар хўп совитмишлар ахир биздан сени.

Аmmo Махтумқули ҳар қанча жабру жафога лойиқ кўрилган бўлса-да, унинг ёридан кўнгли совимайди. Менглини қайта-қайта кўмсайди, унга интилади, юракдан ёлворади.

Жон туғёна келди, ёндим, ёрилдим,  
Бағишласанг найлар ёрим, ё Аллоҳ!  
Ўйламай севишдим, кўрмай айрилдим,  
Бағишласанг найлар, ёрим, ё Аллоҳ!

Махтумқули Менглидан айрилганида йигирма ёшда эди.

Йигирма ёш кетди мендан,  
Ҳаз этмадим, дунё, сендан.

Ёки:

Йигирмага етганда, фалак жабрини кўрдим,  
Фалак олди ёримни, ажал ғамхона келдим.

Биз Махтумқулининг 18—20 ёшлар оралиғида Менгли билан бирга ҳаёт кечирган деган фикрга шубҳасиз ишонамиз. Шу пайтгача айтиб келинган ривоятларни, турли одамлар берган маълумотларни Махтумқулининг шеърларидан ҳам кўра ишончлироқ деб бўлмайди.

Шеърларни бир тарафга суриб турганда ҳам, Махтумқули ҳақида фикрларни XVIII аср ҳаёт тарзига солиштириб кўрилса, кўп нарса ойдинлашади.

«Махтумқули севган қизни унга беришмаган, бошқа одамга узатишган», деган фикрни олиб кўрайлик. Шундай бўлган ҳам дейлик. Унда, наҳотки, Махтумқули армонга айланган муҳаббатини эл-юртга овоза қилиб юрган бўлса? Бу туркман анъаналарига умуман ёт-ку? Қолаверса, бировнинг хасмига айланган аёл ҳақида бундай ўтли, армонли байтлар битиш Махтумқулидек олижаноб, қалби дарё шоирнинг шаънига тўғри келармиди? Унинг шеърлари ўз даврида қанчалик шуҳрат топганини эътиборга олсак, Менглининг оиласи аллақачон бузилиб кетган бўларди. Яна, XVIII асрда-ку, бу тахлит ҳаракатлар ҳам, ижод ҳам қонли якуни топишни кундек равшан эди.

У даврларда севги одамлардан пинҳон тутиларди. Марҳум адабиётшунос Сайлов Муродов «Асрларнинг жунбуши» номли китобида Махтумқули билан Менгли ўртасидаги муносабатларни кенг таҳлил қилади ва ишонарли далиллар келтиради.

Махтумқулининг Менгли билан бирга яшаганига шу китобнинг сўнгги саҳифаларини ўқиган ўқувчи ҳам амин бўлади. Бунга шоирнинг йиғирма яшар пайтида битган шеърлари ёрқин далилдир.

Менглининг ўғирлаб кетилиши ва Махтумқулининг ҳаётдан кўнгли совиб кетиши туғишганлари Муҳаммадсафо, Абдулла ва Зубайдани, шунингдек, бошқаларни ҳам ғамга солди. Мулла Давлатмамат учун-ку, бу жуда катта зарба бўлди. У ўғлининг Менглини қўмсаб битган шеърларини ўқиганида юраги сув бўлиб оқар, кўз ёшларини тиёлмай қоларди. Бироқ на илож, Тангри битган қисматга чора йўқ. Ҳамиша Яратгандан ўғлига — таскин, қолганларга — инсоф, ёмонларга — жазо сўрарди. Мушкулларнинг осон бўлиши учун хайр-садақалар берарди.

Аммо, бу билан дардлар енгиллашиб қолмади. Менглининг дараги чиқмади. Махтумқули эса, адоин тамом бўлганди. Айни шу дамларда Аҳмадшоҳ ҳақидаги хомхаёлларнинг ҳам туби кўриниб қолганди. Қизилбошлар қасос олишга астойдил ки-



ришгандилар, улардаги кўркув, чекиниш, ўтган ишга салават туйғулари тамомила йўқолганди.

Бир ердан мадад етиб келмаса, қабилалар бирлашмайди, қабила аҳли учун энди бу ҳудудни ташлаб қочишдан бошқа чора қолмайди.

Кўпгина туркманлар аллақачон Аҳмадшоҳдан умидларини узиб бўлишганди. Мулла Давлатмаматнинг аввалгидай илҳомга тўлиб-тошган дамлари ҳам ортда қолганди. У ўз ўғлига аталган китобини тугатиб ҳадя қилолмади. Чала қолган қўлёзма шу ҳолича сандиққа солинди. Қўлга қалам олишга отада ҳафсала қолмаганди. Ҳамманинг кўзи Махтумқулида эди. Номусга чи-долмай, ғазабини босолмай ўзини бир нима қилиб қўймасин ёки юртдан бошини олиб кетмасин, дея эртаю кеч унга кўз-қулоқ бўлардилар.

Ҳамон келган-кетганлардан Менглини сўрашар, аммо ундан ном-нишон топилмасди. Махтумқулининг дори-дунёдан умиди кесилди, худди қуруқ кўланкага айланди-қолди. Юрагида ловуллаб турган ҳаёт ишқи сўнган, баҳордек борлиғига кириб келган йигитликнинг қизғин тафти совиб бўлганди.

Агар у Менглининг жон берганини билса, ҳозироқ бу дунёдан кетишга тайёр турарди. Уни бу ҳаётга севар ёрининг тириклиги ҳақидаги «топилар-ов» деган умид-илинж боғлаб турарди.

Юраги қайғуга лиммо-лим тўлган дамларда аламини қалам ва қоғоздан олар, дарду ҳасратлари шеър бўлиб қуйиларди. Атрофдаги ҳамма нарса — ёри юрган йўллар, унинг заррин ли-бослари, ҳарир рўмоли, кумуш тақинчоқлари — барча-барчаси юрагига тиг бўлиб ботарди. Гоҳида қулоғи остида Менглининг эҳтиросли пичирлашлари эштилгандек бўларди.

Шундан кейин юрак тоқат қила оладими? Яхшиям шеър бор, қалам ва қоғоз бор. Улар шоирнинг дардини оз бўлса-да енгиллатади.

На иш қилсам хабар топгум, қароқўз, Менгли ёримдан.

Ёки:

Ёлар ўтда Махтумқули, ўтдан либос киймиш букун,  
Фоний жаҳонга ўт кетар, кўнгилда ёнган норингдан.

Ёки:

Андалибдан айрилан шул бахти қора қул манам.

Ёки:

Махтумқули, бўлдинг хароб,  
Излаб топмай ёринг сўраб,

Ултиришинг йўлга қараб,  
Йўл топмаган кўрга менгзар.

Менглидан айрилган дастлабки йилларда Махтумқули ёзган шеърлар бизга етиб келганидан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин. Чунки бу кучли соғинч, изтироб, ғам-ғусса тошиб, шеърларга кўчмаслиги мумкин эмасди. Балки, ҳозиргача топилмаган шеърларда Менгли билан боғлиқ қизиқ маълумотлар ҳам бўлгандир?

## 15

Нима қилиш керак?

Ҳар қалай, халқ тақдирига бир чора топиш лозим. Акс ҳолда, ғўкланг қабиласи таг-туғи билан қирилиб, йўқолиб кетиши ҳам мумкин.

Ана шундай мураккаб бир вазиятда, бизга маълум бўлмаган бир шароитда, Махтумқулининг икки акаси Абдулла ва Муҳаммадсафо унга кўмак бериш учун қаёққадир йўл олишади. Уларнинг не мақсад билан сафарга чиққанлари Махтумқулининг бизгача етиб келган икки шеърида тўла очиб берилмаган.

Дуч келдим бир дўлга, йўлиқди борон,  
Бирин юрти билан айлади вайрон,  
Бирисининг ёри изида ҳайрон,  
Кўзлари йўлдадур, булар келмади.

Агар ҳақиқатга элтувчи йўллардан бири тахминдан бошланишини эътироф этсак, шу тахминларимизни келтириб ўтамиз:

Махтумқулишуносларнинг бир қисми Абдулла билан Муҳаммадсафо Аҳмадшоҳдан хабар олиш учун Афғонистонга кетишган, деган тахминни илгари сурадилар. Чунки, у қизилбошларга қарши курашда туркманларга тиргак бўлишга ваъда берганди. Ана шу сафар пайтида ака-ука бедарак кетишган. Чунки, бу пайтда Афғонистонга борадиган йўлларнинг бари қизилбошлар назорати остида эди. Бундан чиқди, улар қизилбошларнинг қўлига тушган бўлишлари мумкин.

Иккинчи тахмин. Ака-ука ҳожилик умидида Каъба зиёратига отланишган. Йўлда қандайдир ҳодиса рўй бериб, улар ана шу муқаддас зиёрат йўлида қурбон бўлишган. Чунки, Каъбага элтувчи йўллар у пайтлар жуда олис ва хатарли эди. Зиёратчиларининг аксарияти ана шу йўлда турли сабабларга кўра вафот этарди. Буни ҳам инкор этиб бўлмайди. Яна ўша шеърдан:

Кўч-кўрони билан кетди Абдулла,  
Ҳамма кетган келди, булар келмади.

Маммадсафо кетди кўмак бермакка,  
Кузатганлар келди, булар келмади.

Кўриниб турибдики, уларнинг ҳар иккиси бир пайтда кетмаган. Абдуллага акасининг қандай ёрдами керак бўлгани ҳам бизга қоронғи.

Биз юқоридаги тахминларни инкор этмаган ҳолда яна бир фаразни илгари сурмоқчимиз. Бизнинг фикримизча, Абдулла билан Муҳаммадсафо Каспий денгизи оша ё озарбайжонлар, ё Астрахан туркманлари орқали рус давлати билан музокара олиб бориш учун бирор гуруҳ таркибида кетган бўлишлари ҳам мумкин.

Ё чўкиб кетдингми тубсиз уммон?

Ёки:

Кечар бўлсанг ул уммондан,  
Ҳамроҳ бўлсин Нуҳи набий...

сингари мисралар шундан далолат беради. Шоир, ҳатто Нух пайгамбарга ҳам юзланияпти. Бу бежиз эмас. Ахир Нух (а.с.) қиссаси бевосита денгиз, сув билан боғлиқ эканини яхши биламиз.

Қолаверса, бу сафар ўта махфий бўлганини ҳам пайқаш мумкин. Ушбу шеърларда ҳам Махтумқули атайин кўп нарсаларни яширган кўринади. Афғонистон сафари пайтида кўрилган жабр-жафолар уларга етарлича сабоқ бўлганди.

Албатта, бу сафарга ҳам мулла Давлатмамат рўйхушлик бермаган, аммо эл-юртнинг раъйига қарши боролмаган кўринади. Ҳар нима бўлган тақдирда ҳам, бу мавҳум сафарга отланган ака-ука ўз элига қайтиб келмаган:

Ойлар, йиллар кечди, булар келмади...

Келинининг гамида анча чўкиб қолган мулла Давлатмамат икки ўғли, оиласининг икки устуги ном-нишонсиз кетгач, тамоман мункиллаб қолганди. Дунё унинг кўзига қоронғи кўринди, уйдаги аёлларнинг оҳ-фиғони фалакка ўрлади. Менгли, Абдулла ва Муҳаммадсафонинг дарагини келтирадиган одам бўлмади. Бунинг устига, атроф-жавонибдан ҳар куни турфа хил ёқимсиз хабарлар келиб турарди.

Эртаги ёруғ кундан умид қолмаганди. Ҳаммасини ичига ютиб, сир бой бермай юрган Махтумқулининг ҳолатини тасаввур қилаверинг. Гарчи у бошқалар сингари Аллоҳга ишонса-



да, тақдирга тан бериш истаги йўқ эди. Қалбининг туб-тубидан тақдирнинг поҳақ ҳукмларига қарши исён ҳиссини туйарди.

Суюкли ёрининг фироғига аранг чидаб юрган Махтумқули учун икки акасидан айрилиш, дард устига чиққан чипқон бўлди.

Унинг энди бир пайтлар орзу қилган «Ажаб айём» ҳақидаги тасаввурлари йўққа чиққанди. Бу ғам, бу ҳасрат, бу айрилиқ уни янада камолотга чорлар, она халқининг тақдири, умуман, юрт истиқболи ҳақида ўйлашга мажбур этарди.

У дунёга юқоридан назар ташлаш учун аршга қадар юксалган риёзат зинапояларидан кўтарила бошлади. Бу зиналарнинг ҳар бири интиҳосиз фикрлар, қалин-қалин китоблар, отасининг мупаввар суҳбатларидан иборат эди.

Дунёга ибрат назари билан боқишга ундовчи шеърлар ҳам ана шу пайтларда яралган. Аммо, айна дамда дунё ташвишлари билан бош оғритишга имкон йўқ эди. Кундан-кун ортиб бо-раётган айрилиқ азоби уни ҳолдан тойдирарди. Бир кўзи билан Менглини кутса, иккинчи кўзи акаларининг йўлига нигорон. Ҳатто, ухлаганда ҳам бир кўзи очик ётарди. Ўтаётган ҳар бир кун Махтумқулини ўз қондошларидан, севимли ёридан узоқлаштирарди.

Махтумқули, дарди қўймас ётмоққа,  
Йўл тоғмасман сўраб-сўраб кетмоққа,  
Ердан жавоб чиқмас хабар тутмоққа,  
Кўрган-билган борми, булар келмади.

Менглининг соғинчи ҳам унинг сатрларига кўз ёш билан сингимоқда эди.

Қўрқаман, ёр бизни чиқарса ёддан,  
Ўзга ерда маскан тутиб, юрт олса...

Ёки:

Гул юзина парвонаман, ғайри райҳон истамам.

Махтумқулининг ўша вазиятдаги ёлғизлиги, бошига тушган ҳасратларни фақат отаси мулла Давлатмамат ва дўсти Човдурхонгина теран ҳис эта оларди. Фақат уларгина шоирнинг дардманд қалбига малҳам бўла олишарди.

Човдур ҳам гоҳида турли сафарлар, жангу жадалларга йўл олар, ойлаб кўринмай кетар, кейин дўстининг ёнига келиб, кўрган-кечирганларини жўшиб ҳикоя қиларди. Махтумқули унинг ҳамма гапларини тинглаб ўтирар, аммо бир оғиз ҳам гапирмасди. Чунки у бу каби юришлар, ҳарбий ҳаракатлардан аллақачон умид узганди.

У ана шу нохушликларнинг туб моҳиятига етиб боришни истарди. Менгли ҳозир қаерда экан? Кимнинг қўлида, қандай яшайпти экан? Наҳотки уни чўри қилиб сотиб юборишди? Ҳозир аҳволи нечук? Агар тинч, омон бўлса, Махтумқулини ҳам эсга олармикин? Ё аллақачон ўзга бир кишининг ёрига айландими? Балки, бир нокаснинг қўлида номуси топталиб, ўз жонига қасд қилгандир? Наҳот, энди дийдор қиёматга қолса?

Ана шундай саволлар лашкар тортиб, Махтумқулига бир лаҳза бўлсин омонлик бермасди. Бу жавобсиз саволлар таъқибидан кутулдим деганида, бошқа тарафдан акаларининг ғам-ҳасрати ҳужум қилиб қоларди: Абдулла ва Муҳаммадсафога нима бўлди? Улар манзилга ета олдиларми? Мақсадга-чи? Ё қароқчилар қўлига тушиб қолишдимми? Балки, уларни қул қилиб сотишгандир? Жонлари омонмикин? Ё денгизга фарқ бўлиб, балиқларга ем бўлишдимми? Агар тирик бўлишса, бир илож қилиб Ватанга қайтишмасмиди? Бирор таниш-билиш топиб, ўз яқинларига мужда юборишармикин?

Оиланинг бошига тушган бу мусибатларни у фалакнинг гардишидан деб билди. Ҳа, фалакнинг зулми ҳаддан ошди, аммо унга қарши исён этмоқдан не маъни?

Шўрлик отаси ҳам кўз ўнгида қартайиб, куч-қувватдан қолиб бораётир. Олдинги барваста, бақувват мулла Давлатмаматнинг кўланкаси-ю, бир ҳовуч суяги қолганди, холос. Кўзлари хиралашиб, қадди дол бўлиб қолибди. Анчадан бери болаларга ҳам сабоқ бермай қўйган. Эртаю кеч Аллоҳга муножот қилиб, фарзандларининг эсон-омон бағрига қайтишини сўрайди. Фақат гоҳ-гоҳида яккам-дуккам шеърлар, байтлар битишини айтмаганда, қўлига қалам ҳам олмай қўйган. Сал нарсага кўнгли бузилиб, кўзига ёш олади.

Энди бутун хонадоннинг тирикчилик ташвишини Махтумқули ўз елкасига олди. Кундузлари устахонасида ўтириб, заргарлик қилар, кечалари қораламаларини оққа кўчириб, китоб ҳолига келтирарди. Аввал ёзган шеърларини кўздан кечирар, таҳрир қилар, ёкмаганларини эса, йиртиб оловга отарди. Бироқ, яқинларидан жудолик изтиробни уни бир лаҳза ҳам тарк этмасди. Вақт ўз оқимида давом этарди.

Гоҳида Махтумқули боши оққан томонга кетиб қолгиси, Мажнундек саҳрога юз тутгиси, паррандаю даррандалар билан ҳамроҳ бўлиб, уларга дардини очгиси келарди. Мана, Махтумқулининг еру кўкка сиғмай кетган пайтлари битилган мисралар:

Сахар туриб дуо қил, омин десин фаришта,  
Не борки гофил ётар, беҳуда ўлтиришда,  
Мулки жаҳон боқиймас, минг айласанг саришта,  
Кийиб абдол жаңдасин, бўл девона юришда,  
Йўқса қоласан танҳо, саргаштаю гумгашта.  
Айтган сўзингга феълинг бўлмасин ёлғон, кўнглим.

Ёки:

Махтумқули, Мажнун бўлиб, кетсам керак чўллар билан...

Аммо у ўз оиласини, бечора, кўнгли ўксик отасини ташлаб қаерга кетарди? Ўзи-ку, хилватга чекиниб, дард-ҳасратларидан узоқлашар, аммо ортда қолганлар-чи? Улар нима қилсин? У ҳар қанча машаққат, мушкулот бўлса, ўз отаси билан бирга чекишга қарор қилади. Яқинларига бўлган меҳри тарки дунё этиш истагидан уступ келди. Эртага нима бўлиши фақат Яратгангагина аён.

## 16

Ана шундай куиларнинг бирида бу оиланинг бошига яна бир фожиа тушди. Юқумли касаллик сабаблими, бахтсиз ҳодиса туфайлими, қизилбошларнинг қонли босқинлари сабабми, ҳар қалай, мулла Давлатмаматнинг қизи Хонменгли, кенжа ўғли Жонҳасан ва келини Байрам бир кунда вафот этишди. Сон жиҳатидан бундай кўп фожияни бир вақтда кўтариш — қанчалар азоб эканини тасаввур қилиб кўринг. Бундай бахтсизликни кўтариш учун озмунча бардош керакми? Ахир, бутун бошли оила қирилиб кетаёзди-ку? Бу фожиани ҳам мулла Давлатмамат тақдир тақозосига йўйди. «Ё раббим, агар гуноҳим шу қадар кўп бўлса, болаларимнинг ўрнига мени олсанг бўлмасмиди?» дея тавалло қилди. Махтумқули ҳам бу кутилмаган айрилиқ олдидан нима деярини билмай қолганди. Хаёлига, ҳатто шаккокона фикрлар ҳам келарди:

«Ё раббим, битта оиланинг бошига шунча офат кўплик қилмасмикин? Барибир олар экансан, дунёга юбориб нима қилардинг? Ўзи инсонни нима учун яратдинг? Фақат тинимсиз азоб-укубат чекиши учунми?»

Кейин эса, бу таъналари учун ичида истиғфор айтарди. Дардини дўсти Човдурга очганида, у ҳам таскин берган бўлди: «Яратганининг ўзи билгучидир»

Кунларнинг бирида тенг-тушлари мулла Давлатмаматга: «Азани тўй билан қув», деган нақл бор. Менгли қайтиб келма-



ди. Келса ҳам энди у ўғлингнинг маҳрами бўлолмайди. Яхши-си, Махтумқулини уйлантир. Шунда бу кунларинг ҳам унут бўлар, иншооллоҳ!» — деб маслаҳат беришди.

Маслаҳат муллага мақбул кўринди. Аммо бунга ўғлини кўндира олармикин? Бу жуда қийин масала. Ахир, бу кетишда бутун бир авлод таг-туғи билан изсиз йўқолиб кетмайдими? Буни Махтумқули ҳам тушуниши керак!

Мулла икки ўт ичида қолганди. У Махтумқулининг Менгли фироғида бўзлаб ёзган шеърларини кўп ўқиган. Қай тил билан ўғлига бу гапни айта олади?

Ўзига кўйиб берса, ўғлининг уйланиш фикри йўқ. Мулла эса, тезроқ набира кўришни истайди.

Ана шу фикр миясида айланиб юрган кунларда мулла Давлатмамат ўғлининг сал бўлса-да чиройи очилиб қолишини кутди. Шундай вазият келгач, таваккал қилмоқчи бўлди ва ўғлини ёнига чақирди. Бир муддат гапни нимадан бошлашни билмай турган мулла ниҳоят тилга кирди:

— Энди шундай юраверасанми?

— Нима қилай, ота?

— Умр ўтиб кетяпти. Отангни ҳам сенга боғлаб бермаган.

— Нафасни иссиқ қилинг, ота!

— Ўлим қош билан қовоқнинг ўртасида, болам. Шу пайтгача, тирик йўқолганларни ҳисобламаганда, уч жонни қурбон бердик. Начора, Яратганининг амри шу экан. Азани тўй билан қувиш керак, деган гаплар ҳам бор.

— Тўйга сабаб керак, ота.

— Ўлганларни Аллоҳ раҳмат қилсин, тириклар эса ўз кунини кўриши керак. Ҳаммасини мендан яхши тушуниб турибсан. Ўзинг биласан, кетганлар қайтиб келмайди.

Мулла Давлатмаматнинг овози бўғилиб, кўзлари ёшланди. Махтумқули юрагининг ғамгин зарбларига чидолмай, кўксини чангаллаганча ўйга толди. Унинг қалби Менглидан сўнг бўшаб, совиб қолганди. Наҳотки, энди у қайтиб келмайди? Наҳотки, унинг ўрнини бошқа биров эгаллай олса?

Энди унинг жоду кўзларини ҳеч қачон кўролмайдими? Ҳинди холли юзларига юзини босолмайдими?

Парда тортиб юзларина,  
Оро бериб ўзларина,  
Махтумқули, кўзларима  
Ўша Менглихон кўринур.

Махтумқулининг дард-аламлари яна ўтли мисраларга қўшилиб чиқа бошлади:

Фалак, сенинг бу давлатли гарданинг  
Биз тарафга ўгирилиб қўймасми?  
Лошин ерга солдинг неча мардоннинг,  
Замин инсоф айламасми, тўймасми?

Махтумқул шу пайтга қадар Менглидан бошқаси билан яшаши мумкинлигини хаёлига ҳам келтириб кўрмаганиди, шу пайтга қадар отасига тик боқмаган Махтумқули, энди бошини азот кўтарди:

— Адабсизлигимни кечиринг, ота, кўнгилга букориб бўлмас экан, нима қилай? Тушунаман, ёшим ўтиб кетяпти. Менгли топилмаса, тоқ ўтолмайман. Яна озроқ кутишга изн беринг. Агар шуида ҳам қайтмаса, сиз нима десангиз шу бўлади.

— Бошимизга шу кунлар битилган экан, ўғлим. Наслимиз қирилиб битади бу кетишда. Шунини ўйлаб кўряпсанми?

— Ўйладим, ота.

— Ҳаммамиз хом сут эмган бандамиз, болам. Сен ҳам бўрқининг ерга қўйиб, яхшилаб ўйлаб кўр. Яна бир маслаҳат. Билим олишнинг эрта-кечи йўқ. Ниёзқули охун жуда билимдон, донишманд одам. Бориб шундан сабоқ ол. Билимингни чуқурлаштир. Ҳам бироз чалғийсан, ҳам кўнглинг очилади. Балки, ўша тарафларда пешонангга битилганини топарсан?

Мулла Давлатмамат ўғлининг жангари йигитларга қўшилиб яна бирор номаъқулчилик қилишидан хавотирланиб ана шуни таклиф қилганиди. Бу пайтда Халаж атрофлари қизилбошлар қаламрави остида бўлиб, нисбатан тинч ва осойишта эди. Гарчи мулла Давлатмамат ўзи ҳам илмли одам бўлса-да, ўғлининг ўзидан-да маърифатлироқ бўлишини истаб, ана шу сафарга йўллади.

Махтумқули сафар тараддудини кўриб, карвонлардан бирига қўшилиб йўлга тушди. У овулдан чиқаркан, бу гал ҳеч ким девор тирқишидан мўралаб, кўз ёш тўкиб қолмади. Бир пайтлар уни йиғлаб кузатган қиз, қим билсин, ҳозир дунёнинг қай бир гўшасида умргузаронлик қилаётир? Эҳтимол, аллақачон бу телба дунёдан ўтиб ҳам кетгандир? Буни Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмасди.

Афғон сафарига отланган фурсатдаги куч-ғайрат, бир олам орзу-умидлар ҳам уни аллақачон тарк этиб кетганиди. У бўм-бўш қалб билан кетиб борарди.

Яна қадрдон овулидан чиқиб бораркан, акалари минган отга мингашиб мовий кенгликларга ҳайрат билан боққан дамларини, қоялар устига чиқиб пастга тош думалатган пайтда гумбурлаган дараларнинг акс садосини эслади. Менглининг муҳаббати билан сархуш юрган, унга шеърлар битиб, узун сочларини эҳтирос ила сийпалаган онларни ёдга олди. Қани ўша масъуд дамлар? Бари тонг чоғидаги ширин тушдек ўтмишга айланди.

Не завқу сафолар йигитлик билан  
Баҳор бўлиб кечди, биздан таш қолди.

Энди унинг ғамли кўзларида армон ин қурганди, маҳзун юраги изтироблар масканига дўнган эди. Мана, жонажон овули ҳам ортда қолмоқда. Аммо Менгли билан, оғалари билан боғлиқ эзгин хотиралар ҳамон юрагини зирқиратиб борарди. Ҳўнграб, ўксиб-ўксиб йиғлагиси келди. Аммо ҳамроҳларидан истиҳола қилди, йигитлик ғурури йўл бермади. Юрагини ҳовучлаб, ортига ўгирилди. У бахтни ҳам, бахтсизликни ҳам шу ерда, қадрдон овулида топганди. Яна қайтиб келгунча, бу овулнинг бошига не кунлар тушаркин?

Махтумқулини кузатиш учун чиққан Човдур ҳам дўсти билан хайрлашиш учун унга қўл узатди:

— Ой бориб омон қайт, дўстим. Феълингни кенг қил. Фақат ўқишни ўйла. Йигитнинг боши тик бўлса, юзи ҳам ёруғ бўлади.

Саҳронинг салқин шамоли тўн этакларини, бўркнинг шокиллариини, отларнинг ёлини, думларини асабий тортқиларди.

Махтумқули шахд билан отига минди. Йўли Хива устидан, Жайхун бўйидан кечадиган карвонга қўшилиб, кўздан ғойиб бўлди. «Кетдик, йигитлар», — дея Жайхуннинг нариги соҳилига от солди.

## 17

Халаждаги Идрис бобо мадрасаси у қадар машҳур ва йирик муассаса бўлмаса-да, мударрис Ниёзқули охуннинг эл орасида топган обрў-эътибори, мавқеи ўзига етарли эди. У даврларда мударриснинг нафақат илмига, одамийлиги, ахлоқий жиҳатларига ҳам катта эътибор берилар эди. Илми етарли бўлса-да, ахлоқида бирор қусур сезилган одамдан йироқроқ юриш маслаҳат кўрилган. Шу боис, мулла Давлатмамат ҳам ўғлини Ниёзқули охуннинг қошига юборгани бежиз эмас эди. Бир пайтлар Озодий билан Ниёзқули охун қадрдон, қил ўтмас оғайни эдилар.



Махтумқули унинг қўлида бутун меҳри, зеҳнини қўйиб сабоқ олди. Махтумқулининг бошига тушган нохушликлардан хабар топган охун, у билан имкони борича таскин берадиган суҳбатлар ўтказарди. Ҳаётнинг синовлардан иборат экани, бу синовларга бардош бериб, Яратганнинг ризолигини олганлар хайрли оқибат топишини унга қайта-қайта уқтирарди.

Ўзаро суҳбатларда Махтумқули унга Афғонистонга бориб, Аҳмадшоҳ билан кўришгани, унинг ваъдаларига ишониб, бутун қавми хатога йўл қўйгани ҳақида ҳам айтиб берди. Икки ўртада оворайи сарсон бўлиб қолган қабиласини бу аҳволдан қутқариш учун устозидан йўл-йўриқлар сўради. Бироқ, бу вазиятда Ниёзқули охун ҳам бирор жўяли маслаҳат беришдан ожиз эди. Ҳар қалай, бу ерда Махтумқули бироз бўлса-да ҳаловат топгандек бўлди. У энди тақдирнинг турфа ўйинларига ҳам тан бериб бўлганди. Ахир, бу дунёнинг ситамларидан қўйиб-ёнган битта у эмас экан-ку?

Шоирнинг бу даврда, Ниёзқули охуннинг қўлида ўқиб юрган пайтлари қандай шеърлар ёзгани маълум эмас. Бу ерда қайси фанлардан, қандай китоблардан сабоқ олгани ҳам номаълумлигича қолмоқда.

Хуллас, Идрис бобо мадрасасидаги таҳсиллар тугаб, Махтумқули карвонга қўшилиб, яна ортига, ўз овулига қайтади. У билан ҳамроҳ бўлган савдогарлар, саёҳатчиларнинг кўпи шоирга таниш эди. Сафар асносида улар билан суҳбатлашиб, кўрган-кечирганларини бўлишиб кетди.

Ниҳоят Махтумқули дўсти Човдур билан хайрлашган тепаликка ҳам етиб келди. Шу ерда бир муддат тўхтаб қолди. Олисдан она қишлоғининг томсувоқ кулбалари оппоқ туманга ўралиб, кўзга ташланиб турарди. Мана, ҳатто Менглиларнинг уйи ҳам аниқ-таниқ кўришиб турибди. Махтумқули ич-ичидан хўрсинди.

Отасининг, уйдагиларнинг аҳволи нечук экан-а? Бу орада қизилбошлар овулга ҳужум қилишмадимикин? Менглидан, акаларидан бирор хабар топилдимикин?

Она тупроғининг ҳар бир ҳасини кўзига тўтиё этмоққа тайёр турган Махтумқулининг тезроқ уйига бориб, у ердаги вазиятни ўз кўзи билан кўргиси, хавотир билан ураётган қалбига таскин бергиси келди.

Хайрият, уйдагиларнинг бари соғ-саломат экан. Отаси ўғлининг саломат қайтганидан кўнгли тоғдек кўтарилди. Аёлларнинг ҳам қувончи чексиз эди. Махтумқулининг қайтгани бутун овулга ёйилди.

Зубайда ҳам акасининг қайтганини эшитиб, ота ҳовлисига югурди. Акасининг елкасига бошини қўйиб, энтикиб-энтикиб йиғлади, буидан уларни четдан кузатиб турган мулла Давлатмаматнинг ҳам кўнгли бузилиб кетди.

Махтумқулининг ҳам бўғзига нимадир қадалиб қолганди. Гарчи барча туғишганларини бирдек кўрса-да, болаликдан синглиси билан сирлашиб катта бўлганди. Акаларига айтолмаган дардларини Зубайда билан бўлишарди.

Менгли ҳам бир пайтлар Зубайдани ўзига энг яқин маҳрам, сирдош деб биларди. Гоҳида янга-қайинсингил бирга ўтириб, кашта тикишарди. Келинлик сирларини ҳам Менгли фақатгина қайинсинглиси билан баҳам кўрарди.

Унинг қайтганини эшитган Човдур ҳам қайлардандир етиб келди. Қўли-қўшнилари, қариндош-уруғлар жамланди. Хол-аҳвол сўрашилди, дастурхон ёзилди. Овқат устида дунё воқеалари, теваарак-атрофдаги ҳодисалар хусусида сўз борди. Одамларнинг Аҳмадшоҳ ҳақида билгилари, бирор умидбахш гап эшитгилари келарди. Қизилбошларнинг ўзбошимчалиги, зўравонлиги чегара билмасди. Фуқаронинг ҳасратидан чанг чиқарди.

Махтумқули овулдошларининг гап оҳангида «биз ана шу аҳволдамиз, бизга ёрдам бериш қўлингдан келадими?» деган маънони уқди. Қавмдошларига мадад беролмаётганини ичидан англаб, ўкинди. Ахир, унинг қўлидан нима ҳам келарди?

Ниҳоят «карвон кўрди»га келганлар бирин-кетин тарқалиб, уйда мулла Давлатмамат, Махтумқули ва Човдур қолди. Ота ерга қараб, тасбиҳ ўгириш билан машғул бўлса-да, ер остидан ўғлини кузатиб ўтирарди. Ўғил ҳам бу қараш замиридаги «хўш, ўғлим, энди нима қиламиз?» деган саволни уқди.

Аслида ҳамма муаммо ана шу, нима қилишни билмасликда!..

Ниҳоят, мулла Човдурга юзланди:

— Човдур, болам! Сен ўртоғингни ўзинг яхшилаб йўлга солмасанг бўлмайдиган кўринади. Кўряпмиз, замон ёмон, менинг ҳам бир оёғим ерда бўлса, биттаси гўрда...

...Икки дўст ташқари чиққан пайтда Махтумқулининг ўз хужраси томон боришга оёғи тортмади. Бу хонаининг ҳар бир қаричи, ундаги ҳар бир жиҳоз, ҳатто деворларига ўрнашиб қолган ҳид ҳам унга Менглини эслатади.

Нега у ёққа киролмаяпти? Сабаб? Наҳот Менглидан кўнгли совиган бўлса? Наҳот уни унутишни истаётган бўлса? Ахир, Махтумқули унинг учун бошини беришга ҳам тайёр эди-ку? Энг



ёмони — Менгли йўқ. Уни эслаши билан юрагини ғам босади. Махтумқули эса, ана шу ғамдан юрак олдириб қўйган.

Човдур дўстининг айни дамда қалбидан кечаётган ҳисларини тўла англаб етолмасди. Бу дардни фақатгина Махтумқулининг ўзи ҳис эта оларди.

Човдур ўртоғига қараб:

— Энди, жўра, сенам бунақа юравермасдан, уйланишнинг тараддудини кўравер, — деди.

Махтумқули индамай қўя қолди. Унинг қалбидан шу сатрлар ўтарди:

Жон бериб кам ишқинна, Мажнун бўлубон кезарам,  
Тан — қоғоз, илгим — қалам, ҳар дамда васфинг ёзарам,  
Кўрмайин қирғоғини ишқ денгизинда сузарам,  
Симпир бўлиб сен учун тилла кўшқлар тузарам,  
Ғайри бир одил ҳукмдор, шоҳу султон истамам.

Махтумқули отасига айта олмаган дил сўзларини дўстига очиб-сочди. Бироқ, дўсти уни тушуниши амримаҳол эди.

— Махтумқули, ҳаёт ўз оқимида давом этаверади, сен билан мени аяб ўтирмайди. Ахир, нега тушунмайсан? Менгли энди йўқ. Топилиб келганда ҳам, у аввалги Менгли бўлолмайди. Буни яхши биласан. Ахир, у қайтиб келса, сен яна у билан аввалгидек яшай оласанми? Яшаёлмайсан!

— Менга бунақа оҳангда гапирма, Човдур!

— Дўст ачитиб гапирар, дейдилар. Тўғриси ҳам шу. Қачонга-ча икки жаҳон оворасига ўхшаб юрасан? Ўзингни ҳам, отангни ҳам бундай қийнаб юрма, дарров уйлап. Овулда кимнинг кизида кўнглинг бўлса айт. Ўзимиз уйлаб қўямиз. Эркак кишининг боши икки бўлмаса, моли икки бўлмайди. Ахир сен ҳам уйланиб, болачақа орттиришинг керак-ку? Эртага қариб-қартайсанг, қоринга ким ярайди?

Човдур гапини тугатмай туриб, тоғ бағрида ёнаётган гулханларга кўз ташлади. Тушунди. Қизилбошлар хужумидан огоҳ этиш учун тоғ тепасига қўриқчилар қўйилган. Махтумқули ҳам тоғ тепасида порлаётган гулханга тикилганча ўйга толганди.

Дўсти билан хайрлашиб, оёғи тортмаса-да, ўз уйига кирди. Яна ўша совуқ хона, ўша ёлғизлик. Мана, Менглига ясаб берган билагузук. Бир пайтлар бу билагузук Менглининг оппоққина билакларига ярашиб турарди. Махтумқули Менглининг нафис билагига шу тақинчоқни илк бор таққан онларни эсга олди. Қани ўша жонбахш, сеҳрли қўллар?



«Мени Менглининг хаёлидан ҳам айиришмоқда! Ҳар қанча аччиқ бўлмасин, бу ҳақиқатга ишонишим шарт. Барибир, Менгли энди қайтиб келмайди. Уни кутганимдан фойда йўқ».

Махтумқули ўзини ана шу ҳақиқатга ишонтиришга тиришди. Кундалик юмушлар, ҳаёт ташвишларига берилиб, Менглининг фамидан бироз узоқлашгандек бўлди. Айрилиқ аламлари ҳам бир муддат ундан йироқлашди, қалби таскин топгандек эди.

Эркак, барибир, аёл меҳрига, аёл кўмагига эҳтиёж сезади. Зотан, табиат қонуни шунини тақозо этади. Тўрт мучаси саломат эркак, барибир, аёл тафтини кўмсайди.

Махтумқули ҳам, охир-оқибат бу ҳақиқатни англаб етгандек эди. Баъзан ўзи сезмаган ҳолда қиз-жувонларнинг ортидан маъноли қараб қоладиган бўлди. Ундаги бу ўзгаришларни ўғлининг ҳар бир ҳаракатини кузатиб юрган мулла Давлатмамат ҳам пайқамаслиги мумкин эмасди. Қолаверса, онаси, янғаси, айниқса, синглиси Зубайда ва дўсти Човдур унинг бу паришонлиги сабабини тезда тушунишди.

«Ўзи шундай бўлишини аввалдан сезгандим», деб мийиғида кулиб қўйди Човдур. Бошқалар ўз мулоҳазаларини ошкор этмай қўя қолишди.

Ёрсизликдан ёмон иш йўқ,  
Кўз солиб кезсам ҳар ёна.  
Ё Яратган, бир ёр бергил,  
Кўп машаққат тегди жона.

Кўриниб турганидек, ёлғизликка сабри чидамаган Махтумқулининг ҳаётга ташналиги ҳамон сезилиб турибди. Қандайдир ички қувват, ички эҳтиёж сезилади.

Шунингдек, ушбу шеърдан Махтумқулининг қандай аёлга уйланиш истаги билан бирга, Менглининг ташқи кўриниши ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Бир ёр бергил, этли-қоли,  
Кўнгли кенг, кўксин майдоли.

Ёки:

Бўйи узун, паст бўлмасун...

Бу байтлар бехтиёр элнинг «тенг тенги билан...», «ўхшатмагунча учратмас» сингари нақлларини ёдга солади. Бошиқача айтганда, Махтумқулининг ўзи ҳам истагига мос равишда ўрта бўйли, миқти гавдали, кенг елкали одам бўлганини англаш мумкин.

Ана шу фактнинг ўзи ҳар бир туркманнинг қалбида жо бўлган, Махтумқулининг сиймоси деб қабул қилинган улуғвор суратнинг ҳақиқатга яқинлигини тасдиқлайди (Бу сурат ҳақида китобимизнинг интиҳосида яна алоҳида тўхталамиз).

Кўп ўтмай, Махтумқулини уйлантиришди. У қиз олдимни, жувошми, буниси бизга қоронғи. Шеърларида ҳам бунга бирор ишора кўришмайди. Бироқ, шу аёлидан у икки ўғил кўргани аниқ (Муллабобак ва Иброҳим).

Шу ўринда халқ орасида кенг тарқалган бир нақлга эътибор қаратилса, маъқул бўларди: Махтумқулини иккинчи маротаба уйлантиришганда, унга келинойиси Оққизни никоҳлаб беришмадимикин? Бу саволга жавоб бериш учун яна бир масалага ойдинлик киритиш жоиз: эри тириклайин йўқолиб қолган аёл бизнинг мазҳаб қонусларига кўра, қанча вақтдан кейин боши очик ҳисобланади?

«Саҳиҳи Бухорий»нинг «Талоқ китоби» бобида бу муддат бир йил деб кўрсатилган. Аммо, айрим туркман қабилалари эътиқодига кўра, эри бедарак кетган аёл 63 йил кутиши керак. Албатта, бу жуда катта муддат. Бу вақт ичида бир инсоннинг умри интиҳо топини ҳам ҳеч гап эмас. Шундай экан, Оққизни Махтумқулига олиб беришганмикин? Ахир, аканинг бевасини укага (ёки аксинча) бериш анъанаси динимизда азалдан мавжуд бўлиб келган.

Бу анъана туркий халқларда, ҳатто ислом дини кириб келишидан аввал ҳам бор эди. Фақат эридан эрта ажраган ёш келин кўчада қолмасин, болалари бегона отанинг қўлига тушмасин деб, шу ишга қўл уришган. Аммо, буида ака ёки ука аниқ вафот этган бўлиши лозим, деб белгилаб қўйилган. Йўқолган одам қайтиб келиши мумкин-ку? Махтумқули акаларининг қайтиб келишидан бир лаҳза бўлса ҳам умид узмаган. Шу боис, ана шундай таклиф бўлган тақдирда ҳам, Махтумқули ўз янгасига уйланишини қабул қилолмаган бўларди.

Хуллас, Махтумқули уйланди. Аммо, никоҳдан кўп ўтмай, Махтумқули, барибир, уни Менгличалик сева олмаслигини англаб етди. Чунки ҳар лаҳзада у иккинчи аёлининг сўзлари, юриш-туриши, хатти-ҳаракатларини хаёлан Менгли билан қиёслар, орадаги катта тафовут унинг қалбига ғусса соларди.

Аммо Менглига ўхшамаса, Менглидек бўлолмаса, бу аёлда нима гуноҳ? Шу сабаб, у кўнглидан ўтганларни сиртига чиқармади. Ўзидан ўтганини ўзи билиб юраверди. Ахир Менглини унутолмаса, нима қилсин?

Аёл қалби жуда сезгир бўлади. Хотини Махтумқулининг кўнглидан нималар ўтганини ўзича тусмоллаб юрарди. Буни, ҳатто Давлатмамат ҳам, бошқалар ҳам илғашди. Махтумқулининг эса, дарди ичида эди. Кул босган туйғулар яна кўр олган, эски аламлар тағин бош кўтарганди.

Кўнгил — сирли бир олам. Унинг сир-симоатлари, ҳатто ўз эгасига ҳам қоронғу. Махтумқули Менглини унуттишга, бутун борлигини ҳозирги аёлига бахш этишга чандон уринмасин, бунинг уддасидан чиқолмасди. Махтумқулининг қалб уйи фақат Менглига тегишли эди. Менгли бу уйни қулфлаб, калитини ўзи билан олиб кетганди. Бинобарин, бу ҳужрага бошқа бир инсон кира олмасди. Махтумқули ўз туйғуларини фақат қуйма сатрларида ифодаларди.

Гарчи севилмоқ бахтига муяссар бўлмаса-да, шу муштипар аёл Махтумқулига икки фарзанд ато этди. Ўғилларини бағрига босаркан, Махтумқули бир пайтлар ўзи меҳмон бўлган болалик оламига қайтгандек бўларди.

Гўдаклар ғамхонага айланган бу хонадонга қувонч олиб киришганди. Ҳатто, аллақачон қариликни тан олиб улгурган, охи-рат тадоригини кўраётган Давлатмамат ҳам, бола меҳрига зор бўлиб, ҳамон Муҳаммадсафо ва Абдулланинг йўлига кўз тикиб ўтирган келинларни ҳам эзгин дард-аламлардан шу болакайлар халос этишарди.

Бола — подшоҳ дейишади.

Махтумқули бир пайтлар замона зайлига қўл силтаб юрган бўлса, энди атрофдаги ҳодисаларни ҳадик ва хавотир билан кутатадиган бўлди. Чунки у фарзандларининг бежавотир камолга этишларини, элнинг қорига ярашларини истарди.

Отасининг бир пайтлар айтган «устимизга ҳижрон ўти сепилди» мисралари хаёлида тез-тез айланар, ўзи ҳам пайти келиб, жигарбандларидан ажралиб қолиши мумкинлигини ўйлаб, кўз олди қоронғилашиб кетарди.

Устимизга ҳижрон ўти сепилди.

Давлатмамат бу мисрани тақдир тақозосига кўра битганди. Бундай образли мисрани ҳар ким ҳам ёзавермайди. Гарчи бу мисрада бир хонадон бошига тушган кулфат акс этган бўлса-да, Махтумқули унда бутун туркман халқининг фожиасини кўрарди.



Устимизга ҳижрон ўти сепилди.

Бу сўзларни эсламай яшаб бўлармикин? Худо бир элнинг бошига шунчалик кўп сипов ёғдириши мумкинми? Бу ғавғолар қачон барҳам топаркин? Бирор чораси бормикин? Наҳотки, Аҳмадшоҳнинг қизилбошлардан фарқи бўлмаса? Наҳот берган қоп-қопваъдалари йўққа чиққан бўлса? Ахир, у ўз помаларида нималарни ваъда қилмаганди. Шунчалик осон алдандикми? Аҳмадшоҳ шу қадар тез қўйнимизни пуч ёнғоққа тўлдирдимиз?

Махтумқули миясини ғовлатиб юборган минг саволнинг бит-тасига ҳам жавоб тополмасди. Халқ аввалгидек қизилбошларнинг босқинидан азият чекар, алаmidан кўзи қонга тўлган айрим одамлар гуруҳ бўлиб, жавоб тариқасида босқинчилик юришига отланишар, душмanning молини талаб, одамларини қул қилиб олиб келишарди. Кейин эса, оёқ-қўлига банд солинган қул ва чўрилар чўл орқали Хива, Бухоро бозорларига олиб бориб сотиларди. Ким билсин, Менглини ҳам худди шу тахлит чўри қилиб сотиб юборишдимикин?

Хивада, Бухорода сотилмаса, Техронда, Машҳадда, Нишопурда, Ҳиротда ёки узоқ Ҳиндистонда сотилган бўлиши эҳтимолга яқин.

Ҳар кун очди қул-чўрининг бозорин,  
Номусим бозорга солди, найлайин?

Ана шулар ҳақида ўйлаб, ўзини гуноҳкор санаб юрган Махтумқулининг кўнгли осойиш тополмасди. Ҳаёт унинг олдига қалаштириб ташлаган ғовларни енгиб ўтиш ҳақида узоқ ўйлади. Ҳар қандай вазиятга ҳозир ва мардона туриши кераклигини ўрганди.

Ҳаёт бу йигитнинг иродасини кескин синовлардан ўтказаяётган эди.

Кунларнинг бирида у яна бир синов билан юзма-юз келди. «Қани кўрайлик-чи, бу йигит ростдан ҳам мардоналикни ўргандимикин?»

Қиш тугаб, баҳор бутун борлиққа ўз сепини ёйган кунларнинг бири эди. Ҳавонинг авзойи бузилди. Секин севалай бошлаган ёмғир бора-бора дўлга айланди. Осмон ҳар бири ёнғоқдек келадиган муз парчалари билан ерни ўққа тутди. Бутун замин муз парчалари билан қопланди. Эртаси кунни ҳаво юмшаб, музлар эриб, ҳаммаёқни сел босди. Буям етмагандек, яна челақлаб қуйгандек ёмғир ёғди. Юқоридан оқиб келаятган сел оқими йўлида учраган ҳар қандай тўсиқни енгиб, харсангтошларни

худди коптокдек думалатиб келарди. Йўлдаги дарахтларни ҳам илдизи билан кўпориб, уйларни вайрон қилиб, қўй-қўзиларни ҳам оқизиб кета бошлади.

Жуда кўп уйлар селда оқиб кетди. Улар орасида Махтумқулининг акаси Муҳаммадсафонинг ҳам уйи бор эди. Бу уйга қўшилиб, неча йилдирки, эрининг йўлига кўз тикиб ўтирган муштипар аёл ҳам сувда оқди.

Дориди бир дўл-у, йўлиқди борон,  
Бирин юрти билан айлади вайрон...

Табийки, бу нохушлик ҳам Махтумқулига қаттиқ таъсир қилди. Бир куни акаси қайтиб келса, уйини, аёлини сўраса, нима деб жавоб беради? «Менинг йўғимда оиламга кўз-қулоқ бўлолмадингми», деб укасида ранжимайдими?

Мулла Давлатмамат эса, тамомила чўкиб қолган, унинг аҳволини кўрган Махтумқулининг юраги баттар эзиларди. Шупча дарду аламларни елкасида кўтариб келган отасининг бардоши бу кўргиликни ҳам енгилми?

Шоирнинг «Абдулла» деган машхур шеъри ҳам ана шу кезларда ёзилган бўлса керак. Отаси беомон ажалнинг чапғалига тушса, ўзи қай аҳволда қолишини ўйлаган Махтумқули акаларини янада кўпроқ соғинарди.

Мулла Давлатмамат ҳаётининг сўнгги йиллари Махтумқули ҳаётида ҳам оғир йиллар бўлди, дейиш мумкин. Минг қилса ҳам ҳали Махтумқули жуда ёш эди. Гарчи дўсти Човдур унга елкадош бўлиб турса-да, синглиси, аёли ва бошқа яқинлари ғам-ғуссани у билан тенг бўлишсалар-да, улардан ҳар бирининг ўрни бўлак эди. Ана шундай маҳзун кунларида Менгли унинг ёнида бўлса... балки, дарди бироз бўлса-да, енгиллашармиди? Гоҳида ана шу фикр миясига урилганида, ҳозирги хотини сезиб қоладигандек сесканиб кетарди. Ахир, минг қилса-да, бу ожиза ҳам унинг жуфти ҳалоли. Кўзмунчоқдек икки нафар боласининг онаси эди.

Бу йилларда Махтумқули саёҳатга ҳам, таҳсил олишга ҳам чиқмади. Туну кун отасининг соғлиғидан хабардор бўлиб турди. Бошқа ташвишлар бир тараф, отасининг омонлиги бир тараф эди.

Гоҳида ўтган-қайтган карвонлардан акаларини сўроқларди. Узоқ-яқиндан келганларни топса, Менглининг дарагини кутарди. Эл-юрт аллақачон Махтумқулини яхши таниб олганди. Шоирнинг Аҳмадшоҳ билан музокара қилиш учун боргани, унга

атаб шеърлар битгани ҳаммага маълум эди. Шунингдек, Менгли билан боғлиқ ишқ достони ҳам халқ ичида афсонага айланиб улгурганди. Аввал маҳбубасининг гўзаллигини васф этиб, кейин эса, айрилиқдан фарёд чекиб ёзган сатрлари аллақачон назм мухлисларининг қалбидан жой олганди. Мулла Давлатмамат ва унинг оиласи, фарзандларининг номини эл-юрт алоҳида ҳурмат билан тилга олар, бу оила бошига тушган кўргуликларга ҳамма ҳамдардлик билан қарарди.

Эл оғзига илиндим,  
Илиганимни билдим, —

деган эди шоир бир шеърда.

Онланинг ҳурмат-эҳтироми ҳақида гап кетар экан, мулла Давлатмаматнинг Хивада бирга ўқиган дўстлари, котиб ва китобфурушларнинг ҳам бу борадаги хизматларини алоҳида қайд этиш ўрили. Ва ниҳоят, гўкланг қабиласи билан бир ёқадан бош чиқарган бошқа туркман қабилалари, Манқишлоқ, Орол, Бухоро ва Хива атрофларида яшаган бошқа туркий халқларнинг ҳам хайрихоҳ назарини эътиборда тутиш лозим. Улар гўклангларга яқиндан ёрдам беришмаган бўлса-да, қизилбошлар билан кечган можароларни диққат билан кузатиб келишарди.

Махтумқули шундай вазиятда ўз даврининг фожиасини шеърларига кўчирарди. Бу ҳодисаларнинг бари аввал шоирнинг қалбига чуқур ўрнашар, кейин унинг дард-аламлари билан қоришиб, юзага чиқарди. Махтумқули Менгли олиб қочилган чоғда йўқолиб қолган китобидаги шеърларини қайтадан қоғозга туширишга уринди. Сўнгги йилларда ёзилган шеърлари, ўтмишдаги олимларнинг китобларидан олинган таассуротлари, ўз илмий қарашларини тўплаб, битта китоб қилди, устига теридан жилд қоплатди.

Кунларнинг бирида отаси уни ёнига чорлаб, барча китоблари, қоғоз ва қаламларини қўлига тутқазди. «Буларни ҳам ўз китобларингга қўшиб, эҳтиётлаб сандиқда сақла!». У бир неча йиллик ижодий ва илмий ижоди маҳсули бўлган асар — «Мухтасар»ни ҳам ўғлига берди (Бу китоб ҳозирда Туркменистон Фанлар академиясининг қўлёзмалар институтида сақланади).

Мулла Давлатмаматнинг қўлида биргина Қуръони карим китоби қолди. Мулла бу ҳаётдан тамомила умидини узганди. Буни Махтумқули сезиб турарди. Махтумқулининг ўғай онаси, янгаси Оққиз, синглиси Зубайда ҳам буни сезишганди. Улар бир ҳужрага тўпланиб, юм-юм йиғлашарди.



Ана шу дамларда ҳам Махтумқули ўзига-ўзи савол бериш ва жавоб излаш билан овора эди.

Бу дунёнинг моҳияти нимада? Бу дунёнинг ибтидоси қайда-ю, ниҳтисоси қайда? Одамнинг бор-йўқлиги аҳамиятсиз бўлса, инсон боласи нега бу оламга келиб-кетади? Севги-муҳаббат-чи? Дунё моли-чи? Ёхуд инсон ишқ-муҳаббат билан, мол-дунё, бола-чақа билан андармон бўлиб, алданиб умр ўтказадими? Унда нима учун ўлишини аввалдан била туриб, инсон мол-дунёга муккаси-дан кетади?

У ана шу сўроқларга умр бўйи жавоб излади. Ҳаёти давомида бу саволлар худди соядай унга эргашиб юрди. Чунки бир саволга жавоб топса, мингта фикр уни инкор этарди.

Ана шу саволларни эътиборга олиб, «Бир печта мисол» деган шеърни қайтадан ўқиб кўринг-а?

Махтумқули бу шеърдаги савол-жавоблар билан қаноатланмай, севги ва ўлим масаласига ҳам янгича ёндашади. Ислом дини пайдо бўлганидан бери Шарқда тилдан-тилга кўчиб юрган бир ривоятни бу шеърга асос қилиб олади. Ривоятларга кўра, Аллоҳ севги ва ўлимни энг аввал наботот оламига юборибди. Севгига дуч келган ўсимликлар тез ўсиб, тез кўпайиб, бир-бири билан битишиб-чатишиб кетибди. Шу тариқа бутун дунёни ўсимликлар эгаллаб олибди. Бошқа жонзотларга, паррандаю даррандаларга эса яшашга жой қолмабди. Кейин Аллоҳ уларга ўлимни юборибди. Ўлим улардан бирининг жонини олиши билан бошқалари ҳам ундан ўрпақ олиб, жон бераверибди. Ер юзида битта ҳам гиёҳ қолмабди. Шунда жониворлар ҳам очликдан ҳалокатга юз тутибди.

Бу ҳодисани кўрган Аллоҳ севгини ҳам, ўлимни ҳам наботот олаmidан олиб, тоғ-тошларга, сувга берибди. Севгига мубтало бўлган тоғлар тобора юксалиб, кенгайиб борибди. Бутун дунёни тоғлар ўраб олибди. Кейин шиддатли ёмғир ёғиб, сел келиб, ер юзини сув қоплабди.

Яна ўсимликлар, ҳайвонларнинг ҳаёт кечирishi учун жой қолмабди. Ўлим келиши билан баланд тоғлар уваланиб, тошлар тўзиб, сувлар буғланиб кетибди. Бу ҳам оқибатда ўз таъсирини кўрсатибди.

Шу тариқа Аллоҳ ҳамма нарсага аввал севгини, кейин ўлимни юбориб кўрибди. Ҳеч бири кутилган натижани бермабди. Охири ҳар иккисини Одам болаларига юборибди. Бироқ, одамлар бошқача йўл тутишибди. Севги позил қилинганда биров севгини олибди, бошқаси — йўқ. Ўлимни ҳам шундай тақсимлашибди.

Ажал келса, бир уйда оҳ-воҳ, бошқасида хурсандчилик экан.  
«Ха, одам севгини ҳам, ўлимни ҳам кўтара оларкан», дея тафак-  
курга чўмибди Парвардигор.

Беҳишт қочиб чиқмиш Аршиниң уйина,  
Дўзах қўрқиб, кирмиш Ернинг қўйиниша,  
Дарё қочди, Одам олди бўйиниша,  
Тўрт юз йиллар торта олмас бу дардни...

Махтумқули бу ривоятнинг фақатгина севгига тегишли қис-  
мини олиб, ўз шеърларига унинг мазмуи-моҳиятини сингди-  
риб юборган. Ишқни бўйнига олганидан сўнг, унинг ҳайбатига  
тоқат қилолмай титраган осмонни, инграган қушларни, ўқирган  
йиртқичларни, букчайган тоғларни, эриган тошларни кўз олдин-  
гизга келтиринг.

Махтумқули ана шу шеърлари билан ўз дардига малҳам  
қўйгандек бўлар, тасалли изларди. Шу кунларда у жуда кўп  
ижод қиларди. Худди ер силкинишидан аввал барча қурт-қу-  
мурсқаларнинг ер юзига чиқмоққа ошиқишига ўхшарди бу  
ҳолат. Сабаби мулла Давлатмамат ҳар кечаси ажал билан юзма-  
юз бўлиб чиқишини у яхши биларди. Отасиниң ўлими унинг  
учун зилзила билан тенг эди. Бу унинг учун энг катта мусибат  
туюлар эди. Амакиси Салим махдум ҳам кейинги пайтларда от-  
асиниң тепасидан жилмай қолганди.

## 19

Гарчи Давлатмамат тамомила оёқ-қўлдан, тилдан қолмаган  
бўлса ҳам, атрофдагилар унга ўлим соя ташлаб турганини се-  
зардилар. Туркманларда, умуман, барча мусулмон халқларида  
ўлган одамни бўйнидаги қарз билан кўмиб келиш дуруст амал  
ҳисобланмайди. Қарз эса, фақат пул билан ўлчанмайди.

«Ё Аллоҳ, ўзинг гуноҳларимни кечир!».

Қадимдан туркманлар ўлимни мардона қарши оладилар. Ай-  
ниқса, ёши бир жойга бориб қолган қариялар ўлимликка атаб  
пул йиғадилар. Яқинлариниң маърака-маросимларда кафан-  
лик, дафн харажатлари учун қийналиб қолишларини истамайди-  
лар.

«Оқ пулни сақларлар қора кун учун...» Чунки улар дунёнинг  
ўткинчи эканига, ўлимни бир уйдан иккинчи уйга, муваққат  
бошпанадан доимий маконга ўтиш деб биладилар.

Эсингизда бўлса, Жалолиддин Румий ҳазратлари ўлимлари  
олдидан кўз ёш тўкиб ўтирган яқинларига қарата:

— Нега йиғлайсизлар? Мен ўлаётганим йўқ, ДЎСТ ёнига кет-  
япман, — деган эканлар.

Ажал найзасини шай қилиб турар, муллалар унинг бошида  
ўтириб «Ёсин»ни тиловат қилиш билан банд эдилар.

Ўз уйингда, яқинларинг бағрида оёқ узатиб жон бериш ҳам  
аслида бир давлат. Шукр қилиш керак. Ўша пайтларда бундай  
неъмат кўпчиликка, айниқса, эркакларга ҳар доим ҳам насиб эта-  
вермасди. Неча асрлардан бери турли босқинлар, чопқинлар, жан-  
гу жадалларда умри ўтаётган туркманлар ана шу неъматга ҳам  
шукр қилардилар. Ахир жасадинг тоғ-тошларда, дала-даштлар-  
да қурту қушларга ем бўлиб, икки газ кафанлик ҳам насиб қил-  
маслиги мумкин эди-ку?

Мулла Давлатмамат ҳам ич-ичидан Яратганга шукроналар  
ўқирди. Бошқалар-ку, бу айрилиққа бир амаллаб кўникишарди.  
Мулла ота эса омон юрган фарзандлари Махтумқули ва Зубайда  
ҳақида кўп ўйларди. Уларнинг ҳар иккиси кўпгли бўш, раҳм-  
дил. Оталарига бошқалардан кўра кўпроқ, айрича меҳр қўйиш-  
ганди.

Мулла Давлатмамат ўғли Махтумқули учун нафақат ота, би-  
ринчи устоз, балки ҳамфикр, ҳаммаслак дўст ҳам эди.

Ўлим тўшагидаги отасининг бошида турган Махтумқулининг  
қалбидан қандай ҳислар кечганини тасаввур этиш қийин.

Алҳол Махтумқули устига ёпирилиб келаётган фикрлар  
қўшинига енгилаётган эди. Атиги йигирма етти ёшда бўлган йигит-  
нинг кўз ўнгидан отаси билан боғлиқ барча хуш ва нохуш дам-  
лари бир-бир ўтаётганди. Шу қисқагина умри давомида у қандай  
балоларни кўрмади. Не-не яқинларининг ўлимига шоҳид бўлмади.

Мана, ном-нишонсиз кетган акалари! Махтумқулини бир  
умрлик армонда қолдириб кетган Менгли. Унинг ҳинди холи  
хануз кўз ўнгидан кетгани йўқ.

Аҳмадшоҳ Дурроний ёдига тушган онда, ич-ичидан оҳ чекди.  
Агар шу шоҳ мардлик қилганида, халқнинг бошига шу кунлар ту-  
шармиди? Энди ундан умид узилдими? Аҳмадшоҳ энди бу тараф-  
га қиё ҳам боқмас-ов? Ҳозир унинг кўзи Ҳиндистон қизилида!<sup>1</sup>

Гўклаиғ зоти тағ-туғи билан қирилиб кетса ҳам, Аҳмадшоҳнинг  
нима иши бор? Мулла Давлатмамат шу пайтгача бирор шоҳга,  
тождорга бош эгмади, ихлос қўймади, суянмади. Бир пайтлар у  
жуда тўғри айтган экан:

«Орзулама хонини, бекни, султонини!..»

<sup>1</sup> Қизил — олтин, қимматбаҳо тошлар деган маънода.



Унда кимга ишониш керак? Кимга ёрдам сўраб қўл чўзиш мумкин? Махтумқули бу саволларга жавоб тополмасди.

Махтумқули ўша пайтлари бу мавзуда кўплаб шеърлар ёзганди. Аҳмадшоҳ Дурроний билан музокара қилган кезлари «ажаб айём»лар ҳақида ширин хаёлларга бориб юргани ёдидан чиққани йўқ. Энди ўзига-ўзи савол беради: «Қани ўша «ажаб айём?» Бирок, ҳали-ҳануз умидини узгани йўқ. Айни пайтда салтанати гуркираётган афғон шоҳи туркман биродарларини шу қадар тез унутдимми? Ахир бу томонларда ҳам қачондир қуёш чиқар? Яна ким билсин, Аҳмадшоҳдан бир ёруғлик чиқадиганга ўхшамасди.

Иложсизлик уни танг аҳволга солганди. Шундай пайтларда у аллақаяқларга бош олиб кетгиси келарди. Ҳамма нарсага қўл силтаб, беғам-бегашвини яшагиси келарди.

Қисмат бўлмас, кетсам узоқ йўллара,  
Насиб қўймас, борар йўлим боғлар ҳей!  
Ҳайрон Мажнун бўлиб, чиқсам чўлларга,  
Бориб маскан тутсам сизни, тоғлар ҳей!

Ана шундай найтларда Махтумқули жаҳонгашта дарвишларга ҳавас қиларди. Ҳақиқий эркин, озод деб ўшаларни айтса бўлади.

Бу гал ҳам шоирнинг теран ақли ва телба кўнгли ўртасида аёвсиз кураш борарди. Гоҳ бир тараф, гоҳ иккинчи тараф устун келарди. Ахийири, ақл кўнгилдан кучлироқ чиқди:

Кел, кўнглим, мен сенга ўғит берайин,  
Йироқ қилма, кўрар кўзинг, элингни!

Бу устунлик доимиймиди ёки муваққатми? Буни фақатгина вақт кўрсатади.

Махтумқули айни шу кунларда мушкулларининг осон бўлишини Аллоҳдан сўраб, жуда кўп муножотли байтлар битди. Бирок, ажалга омон йўқ. Тангри ёзганини бандаси бузолмайди.

1760 йилнинг 22 март куни Давлатмамат Озодий олтмиш ёшида дунёдан ўтди. Ҳаммадан рози-ризолик олиб, бу бевафо дунё билан видолашди.

## 20

Наврўз — жуда кўн шарқ халқлари қатори туркманларда ҳам йилбоши байрами саналади. Азалдан бу байрамни туркманлар орзиқиб кутишади. Худди ана шу қутлуғ бир кунда туркман эли ўзининг энг буюк фарзандларидан бири билан видолашди. Яна бир буюк фарзанд эса, отасининг жонсиз вужуди устида юм-юм кўз ёш тўкиб қолаверди.

Унинг ҳолатини бир тасаввур қилиб кўринг! Ўша онларда унинг қалбидан қандай ҳислар кечди экан? У 27 ёшга қадар оиласида жуда кўп ўлим кўрди, аммо отасидан айрилиш унга катта зарба бўлди.

«Олтмишинда отам ўлди, шунда ҳам кўз очмадим» деган гап халқ орасида бекор тарқалмаган. Мотамдан, алам ва қайғудан эриб оққан Махтумқулининг юрагидан шу сўзлар сизиб чиқди:

«Озодим қани?»

Фалак, сокин эдим, сен дучор бўлдинг,  
Кўзларим нуруни — Озодим қани?  
Юрагим суғуриб сакларга бердинг,  
Шаҳримнинг султони — Озодим қани?

Шоир «Отамнинг» номли шеърини сал кейинроқ ёзганини аниқлаш мумкин. Бу шеър дастлабки ҳиссиётлар таъсиридан қутулгач, ёлғиз қолган кезлари, тафаккур ва хаёлот маҳсули ўлароқ битилган:

Оғир давлатларга кўнгил қўймади,  
Бу жаҳоннинг ишратини суймади,  
Эски шолдан ортиқ кийим киймади,  
Охиратда бўлди қасди отамнинг.

«Оғир давлатларга кўнгил қўймади!» Эътибор қилинсинми? Махтумқули шу сатри орқали отасининг Нодиршоҳга, кейин Эронга, Афғонистонга хавотирли ва ишончсизлик билан қараганини ифодаламоқда. Бир пайтлар Нодиршоҳ ўғлини таҳсил олишга жўнатганида мулла Давлатмамат «Аввал бу боланинг отасига таълим бериш керак», деганди бир пайтлар Махтумқули ҳам Афғонистонга, Аҳмадшоҳ Дурроний билан музокара қилишга отланганида, «Орзулама хошни, бекни, султонни», дея уни йўлдан қайтаришга уринганди, бир пайтлар Муҳаммадсафо билан Абдулла Бокуга ёхуд Астраханга кетмоқчи бўлишганда ҳам, ота уларга рўйхушлик бермаганди.

Буни ҳаёт дейдилар. Мулла Давлатмаматнинг вафотини эшитиб, узоқ-узоқ эллардан ҳам фотиҳаликка келганлар кўп бўлди. Бироқ, бу ўлимдан қувонганлар ҳам бўлди. Бировнинг ўлимидан фақат ожиз кишилар қувонадилар. Чунки мулла Давлатмамат эл таниган, обрўли одам эди. Кўпчиликка ўз таъсирини ўтказа оларди. Ҳозирча қабилалар бир ёқадан бош чиқармаган бўлсалар-да, улар орасида руҳий яқинлик, маънавий уйғунликни уйғотишда мулланинг роли катта бўлганди. Золим хон ва бекларга

қарши ҳамжиҳатликда курашмаган бўлсалар-да, барибир, уларнинг барчаси мулла Давлатмаматни ҳурмат қилишар, унга қулоқ осишарди. Фақат маҳаллий туркман хон ва беклари эмас, балки, Эрон аслзодаю катхудолари ҳам, айниқса, қизилбошлар асосий эътиборни мулла Давлатмаматга қаратиб, «Қани, қари мулла нима дер экан?» — деб туришар, бу пайтда Махтумқули уларнинг эътиборини кам тортарди. Улар Махтумқулининг қалбида чарх урган тўфонлардан беҳабар эдилар. «Кимни эсланмаган бўлса, ўша енгади», деган нақлнинг маъноси унутилган эди.

Мана бу байтларда ҳам Махтумқулининг бошқалар сезмаган ботиний дунёси кўзга ташлангандек бўлади:

Олам ичра одам қолмас, от кезар,  
Бу сирлардан жаҳон халқи ёт кезар.

Кейин:

Махтумқули, пинҳон сирнинг бор ичда,  
Комил топсанг, қил қуллуғин саришта, —

деган сўзларини қандай тушуниш керак? Бу шеърда Махтумқули қалбидаги сирларни бир очмоқчи бўлиб, яна ортга чекинганга ўхшайди. Махтумқули ўз отасини ҳаддан ташқари улуғлар, бошқаларда ҳам надариди бузрукворига нисбатан чексиз эҳтиром уйғотгиси келарди.

Бу Махтумқулига нега керак эди? Ахир у отасининг йўлини давом эттиришни, туркман халқини жипсликка, бирдамликка чорлашни ўз олдига мақсад қиларкан, унга ёрдам керак эди. У отасининг яқинларидан йироқлашиб кетмаслиги лозим. Отасининг обрў-эътиборини юксалтириш баробарида, у ўзининг ҳам обрўйини оширади. Бироқ у одамларни ортидан эргаштириш, уларнинг қалбига йўл топишдан аввал уларда ўзига нисбатан ишончини ҳам ошириши лозим.

Ўша онларда у фақат қисмат, бандалик, ажал ва умрбоқийлик ҳақида фикр юритарди. Кундузи хаёлидан ўтган гаплар кечалари тушига кириб чиқиши ҳам одатий ҳолга айланганди. «Тургин», «дедилар», «Ёр бизим сари», «Бўлдим гирёна», «Девона келди» каби шеърлари ҳам юқоридаги ҳолатлар билан боғлиқ (Бу масалаларни кейинроқ, Махтумқулининг тасаввуфий шеърлари ҳақидаги суҳбатимизда давом эттирамиз).

Оқсоқоллар, охунлар, эшонлар мулла Давлатмаматни Оқтўқай деган жойга дафн этишни маслаҳат беришди. Қабр устига ҳам бирор-бир ёдгорлик ўрнатилмади. Шу боис, ҳозирга қадар мулла Давлатмаматнинг қабри бизга номаълум бўлиб қолмоқда.



Мулла Давлатмаматнинг дафи маросимига узоқ-яқинларда яшаган жуда кўп шоирлар ҳам келган бўлишлари эҳтимолдан холи эмас. Ўз билими ва шеърӣ истеъдоди билан эл эътибори қозонган Нурмуҳаммад Андалиб, Ғойибий, Шайдоий, Маъруфий, Шобанда сингари шоирлар келиб, мулла Давлатмамат хонадонида унинг руҳига бир калима Қуръон ўқиб кетган бўлишлари мумкин.

Дурди шоир эса, бу маъракаларнинг бошида турганлигига шубҳа йўқ. Чунки, Дурди шоир бу оила билан анча йиллардан бери борди-келди қиларди. Унинг Махтумқули билан қилган шеърӣ мунозаралари ҳам бор.

Марҳумнинг учи, еттиси, қирқи каби маъракалари ўтганидан сўнг бу хонадонга келувчилар сони ҳам сийраклашди. Бироқ, марҳумнинг қирқи ўтгунча оқсоқоллар уйга мунтазам келиб туришди. Марҳумнинг руҳига Қуръон тиловат қилиш, яқинларига тасалли бериш, ҳамдард бўлиш ҳамиша хайрли одатлардан саналган.

Қирқ кун ўтиб, келадиганлар келиб бўлишгач, ҳақиқий мотам бошланди. Аёллар кўз ёш тўкиб, фарёд кўтаринди.

Махтумқулининг эса дарди ичида эди. У энди ҳар тарафлама мардона бўлиши лозимлигини, агар сал бўшлиқ қилса, онланинг қолган аъзолари ҳар тарафга тарқаб кетишлари мумкинлигини яхши биларди.

Инсон боласи вафот этгач, ҳар куни тириклардан бир ёниш бўйи узоқлашаркан. Махтумқули ҳам кун ўтгани сайин бу фожиага ўзини кўнктириб борди. Вақт ўз оқимида давом этарди. Энди у устахонасига кириб, кўпинча заргарлик ишлари билан машғул бўларди.

Туркманларда кумуш асосий заргарлик хомашёси саналади. Ўтмишдаги саёҳатчиларнинг гувоҳлик беришича, у пайтларда туркман юртида мана шу қимматбаҳо маъдан кўп учраган.

Тўммуз<sup>1</sup> келгач, Махтумқули буғдой ўримига чиқди. Бир пайтлар хирмон кўтарилаётганда отаси «ҳорманглар» дейиш учун келарди. Одамзод ҳамма нарсага кўникади. Лекин, у бир нарсага кўника олмасди. Халқи ҳамон муҳтожлик, зулму бододлик ичида яшарди. Отасининг ўлимидан сўнг у ҳамюртлари дардини янада теранроқ ҳис эта бошлади. Мулла Давлатмаматнинг худди ана шу сифати Махтумқулига кўчиб ўтгандек эди.

<sup>1</sup> Тўммуз — июль-август ойидаги пишиқчилик мавсуми.

Нодиршоҳнинг вайронкор юришларидан сўнг, халқ ҳамон ўзини ўнглаб ололмаган, тарқоқликда куи кечирарди. Бутун-бутун овуллар очликка мубтало бўлиб, ўз ватанларини — ота-боболарининг юртини ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлдилар. Ҳамон ҳар замон-ҳар замонда қизилбошлар туркман овулларига ҳужум қилиб, уй-жойларни ёқар, экинзорларни сувга бостиришар, молларни талон-торож қилар, ўғил-қиз ва келинларни қул-қирноқ қилиб олиб кетишарди. Бир пайтлар Туркмансахро<sup>1</sup>нинг познеъматлари, ёнғоқ ва бодоми, шафтолиси, ўрик ва олмаси, чакчак асал томадиган узум ва анжирини бир еган одамнинг яна егиси келарди. Қатор-қатор тутзорларнинг охири кўринмасди. Туркман ипагидан тикилган кўйлакни кийган ҳар бир қиз-жувон ўзини бахтли санарди. Юзлаб туялардан иборат карвонлар шу ҳудудда тўхтаб, Хиндистон, Афғонистон, Хўтан тарафларга ўтиб кетишарди. Чиройли, кучли туркман отлари кўрган кўзни қувонтирарди.

Махтумқули эса, ана шундай беқиёс табиатга, табиий бойликларга эга халқнинг ҳар тарафга бўлишиб, тарқалиб кетаётганини кўриб, юраги пора-пора бўларди. Ўзаро меҳр-оқибатнинг камайиши, ор-номус, лафз, ифбат сингари хислатларнинг йўқолиб бориши, бир тўп одамларининг қизилбошлар тарафига ўтиб, ўз элининг талон-торож бўлишига ёрдам бераётгани уни қаттиқ ташвишга соларди. Қисқаси, унинг кўз ўнгида туркман халқининг буюк руҳи сўниб бораётгандай эди.

Исломий қадриятларнинг топталаётганини ўз кўзи билан кўрган Махтумқулининг қалби пора-пора бўлди. Қайд этиш лозимки, Нодиршоҳ даврида халқнинг иймон ва эътиқоди, ёлғиз таянчи ва суянчи бўлган ислом динининг қадр-қимати эндиликда пасайиб кетган эди. Шоҳнинг: «Муҳаммад (с.а.в.) ҳам, Али (р.а.) ҳам менга ўхшаган оддий инсонлар эди, уларнинг менадан афзалроқ томони бўлмаган», деган мантиқсиз ва шаккок ғоялар билан чиқиши бир меш асални бир чўмич қорамой тўкиб булғаш билан баробар эди.

Айрим дин пешволари гарчи ич-ичларидан истиғфор айтсалар-да, тилёғламалик, хушомадгўйлик билан шоҳнинг соясига кўрпача тўшашдан, уни «Аллоҳнинг ердаги сояси» дея кўкка кўтаришдан тойинмасди. Ҳолбуки, бундай лаганбардор одамларни ҳамма замон ва ҳар бир маконда учратиш мумкин.

---

<sup>1</sup> *Туркмансахро* — Эронда туркманлар яшайдиган ҳудуд номи, серунум водий.

Диний қадриятларнинг камситилиши ўз-ўзидан ахлоқий қарашларнинг қадрсизланиши, жамиятда турли зарарли иллатларнинг авж олиши учун замин яратади.

Кўмилди дарёлар, йиқилди тоғлар,  
Етимлар кўз ёшин тўка бошлади,  
Ўррамсидан<sup>1</sup> бўлган ҳаромхўр беклар  
Юртни бир ёнидан йиқа бошлади.

Ҳа, Махтумқули мулла билан мулласифат одамлар ўрта-сида катта тафовут кўрарди, у ўз отасидек покиза, иймони мустаҳкам, тақводор муллаларнигина тан оларди. Буларга қарши танқидий қарашлар отасининг вафотидан кейин ёзила бошланган бўлса керак. Чунки, у отаси ҳаётлигида олдинга чиқиб, ўзини кўрсатишни истамаган, қолаверса, одамлар отасини ҳам «мулла» деб иззат қилишарди. Махтумқули ўша даврдаги вазиятни «Замона ёмон бўлди» номли шеърида очиқ-ойдин кўрсатиб берган.

Бу йиллар Махтумқули ўз сўзининг кучига ишона бошлаган, шу билан бирга, бошига дунёнинг ғам-ташвишлари тушган давр бўлди.

Дунё ғами билан яшаш Махтумқулининг кундалик ҳаёт тарзига, сув ва ҳаво сингари доимий заруратга айланди. У бу ғам-ҳасратни ўз уйида ким билан бўлиша оларди? Гарчи икки ўғил туғиб берган аёли унинг кўнглини олишга ҳар қанча тиришса-да, Махтумқули ҳамон Менглининг ёди, Менглининг ҳаёли билан яшарди.

Қани ўша Менгли? Қани ўша маҳрам онлар? Ҳаммаси ўтмишга айланганди. Гоҳида умидсизлик гирдобига тушган Махтумқули дўсти Човдур билан гурунглашиб, болаларини эркалаб таскин топарди.

Очлик, талончилик, мудҳиш хасталиклардан зада бўлган кўплаб гўкланг, ёвмут қабилалари кўч-кўронларини туяга юклаб, Бухоро, Хива, Ахал вилоятларига кўча бошлашди.

Озарбайжондан, Астрахан (Ҳожитархон) ва Манғишлоқ туркмапларидан ҳам бирор хушxabар йўқ эди. Уларнинг ортида турган Чор ҳукуматига-ку, умуман ишонч йўқ. Чунки, Чор ҳукуматининг дини, тили, урф-одатлари, тарихий анъаналари бутунлай бошқача эди. Қолаверса, Россия жуда улкан ва қудратли давлат. Унинг чангалига тушганлар қайтиб чиқолмаслиги ҳам аниқ. Бунга бошқа сабабларни ҳам кўрсатиш мумкин. 1723 йилда

<sup>1</sup> Ўррамси — ифлос, бузуқ деган маъноларда.



Пётр I нинг қудратли қўшини Боқуни ишғол қилгани, жуда кўп қонли ҳаракатларни амалга оширгани ҳақидаги нохуш хабарларнинг бир учи Туркмансахрога ҳам етиб келганди.

Хуллас, бир томонда эл-улус, бир томондан онла ташвишлари шоирни қаттиқ безовта қилиб қўйганди.

«Одамнинг бошига мотам икки хил кўринишда тушади. Бирни одамни огоҳликка чорласа, иккинчиси тамом қилади», деган нақл ҳам халқ орасида беҳуда тарқалмаган. Галдагиси энди қандай мотам бўларкин? Махтумқулини у нимадан огоҳ қилар экан? Одамзод бу дунёга азоб чекиш учун келадими? Назарида Махтумқули ҳам худди мана шундай азоб ва азиятлар ичида эллик-олтмиш йил яшаб қўйган мўйсафидга ўхшарди. Аслида у эндигина 27 га кирганди, холос.

Ана шу алдамчи туйғулар таъсирида, унинг наздида аёли Менгли, акалари Абдулла ва Муҳаммадсафони йўқотиб қўйганидан бери орадан юзлаб йиллар ўтганга ўхшарди. Қалбидаги эзгинлик измида у вақтнинг ўтишини, фаслларнинг алмашишини, табиатнинг турланишини ҳам идрок этолмай қолганди. Ёғаётган ёмғир ҳам қишиқими ё ёзга тегишлими, идрок этмасди.

Ана шундай худ-бехуд пайтларда Махтумқули дарров ўзини қўлга олишга, ҳисларни жиловлашга ошиқарди.

Бадбин ўйларни ўзидан нари қувиш учун отасидан мерос қолган битикларни, Идрис бобо мадрасасида ўқиб юрган кезлари Ниёзқули охуннинг китобларидан кўчирган нусхаларни ва бошқа китобларни қайта-қайта ўқирди. Арабий имлода битилган бу китобларда оламнинг қанчадан-қанча сирлари ҳақидаги фикрлар мужассам! Кейинчалик бу китобларнинг мазмуни ҳам, уларнинг номлари ҳам халқ онгидан ўчиб кетди.

Аслида илм ўзинини ва дунёни ўрганмоқдан иборатдир. Махтумқули ўтган умри давомида қилган яхши-ёмон ишларини ҳам кўп сарҳисоб қилар, гуноҳлари учун истиғфор айтарди. Унинг қалбидан кечаётган руҳий кечинмалар, покиза плоҳий туйғулар қофияларга жойлашиб, шеър ва газалларга айланарди. Махтумқули шеърларини битта китобга жамларкан, Менгли олиб қочилган пайтда йўқолган шеърларини ҳам хотирасига таяниб, тиклашга уринди. Янги бир китоб ёзгиси келди. У қатъий қарор қилганди: ҳамма шеърларини бирваракайига жамлаб, қайта кўчириб чиқади. Шунингдек, овулдошлари, қўшни овулдагилар орасида унинг шеърларига шайдо бўлиб, ёд олганлар, кўчириб юрганлар кўп эди. Шеър мухлислари учун шоир-

нинг барча шеърларида ўз қалбларидан кечган туйғуларга нисбатан уйғунлик, қадрдонлик кўзга ташланарди. «Қизик, ҳамма ганлашиб юрган тилда ҳам шеър ёзса бўларкан-да», дея ҳайратда қоларди кўпчилик. Шу тариқа ўқувчи ва шоир орасида бир неча асрлардан бери мавжуд бўлиб келган кўринмас тўсиқни Махтумқули таг-туғи билан олиб ташлади. Унинг шеърлари нафақат халқ тилига, балки халқ дилига, туйғуларига ҳам яқин эди.

Махтумқули халқ қандай фикрласа, ана шундай фикрларни шеърга соларди. У одамларнинг қалбидаги оғриқларни ҳис этарди, ана шу ҳисларни куйларди. У наинки туркман, балки бутун турк дунёсининг дардини тараннум этарди. Умумий бадбахтлик ва умумий бахт ҳақида аввалги шоирларнинг асрлар оша етиб келган асарларидан энг катта фарқ ҳам шунда эдики, Махтумқули аниқ бир вақтда, маълум бир халқ бошидан кечирган воқеаларнинг ич-ичига кириб бора оларди. Мана, кун кеча рихлат қилган отасининг шеърини меросига қайта кўз ташлаб, унда «туркман» деган сўзини топа олмади. Ҳолбуки, у ҳам туркман фарзанди эди, туркмanning дардини куйлаганди.

Бу омиллар Махтумқули ижодига беқиёс куч бериб, гўзал ашъорининг тиллардан-тилларга, эллардан-элларга кўчиб юриши учун замин яратди. Ана шулар Махтумқулига туркий халқлар орасида биринчи бўлиб ўз халқининг миллий шоири даражасига кўтарилишига имкон берди. Шу билан бирга, у XVIII аср туркман адабиётида ўз ҳамюртларини бирдамликка, ҳамжиҳатликка чорлаган мутафаккир сифатида тарихга кирди. Махтумқули ижодини бир дарахтга қиёсласак, унинг илдизиди миллийлик, ватанпарварлик, инсонийлик гоёлари таянч бўлганлигини кўрамыз.

Махтумқулининг ҳаёти ҳақида сўз кетганда, ўқувчилар унинг ҳаёти билан боғлиқ рост ва ёлғон фожиаларга атайин урғу берилган, деган фикрга бормасликларини истардим. Биз унинг ҳаёт йўли ҳақида гапирар эканмиз, барча маълумотларни ўзининг шеърларига асосланган ҳолда келтирдик.

Бу ҳақда шоирнинг ўзи ҳам айтиб кетган:

Гар тутса ҳолимдан хабар, куруқ дарахтдан қон чиқар,  
Инсон шароримдан асар топса, танидан жон чиқар.

Махтумқули ҳамон отасининг вафотидан ўзига келолмай, кечалари тушида надарин бузруквори билан мулоқот қилиб юр-

ган кезлари унинг бошига яна бир мусибат тушди. Тўғриси, бу хонадонга ажал танда қўйгандек эди. Бу сафар қаттол ўлим Махтумқулининг жондан азиз ўғилларидан бирини олиб кетди. Чоқиллаб ўйнаб юрган етти ёшли Муллабобакнинг нима сабабдан вафот этгани бизга маълум бўлмаса-да, ўша пайтларда авж олган юқумли хасталиклар унинг умрига зомин бўлгани эҳтимолга анча яқин.

Ховлимнинг мевали боғи,  
Узилди юрагим ёғи,  
Суяпчим, елкамнинг тоғи,  
Рози бўлгил, Муллабобак!

Махтумқули яна беихтиёр «устимизга ҳижрон ўти сепилди» деган мисрани эслади. Ҳар гал шу мисрани эслаганида, тақдир ҳукми олдида инсон қанчалик ожиз ва почор эканини англаб, ўзини қўярга жой тополмасди.

Ана шундай ғам-андух ичида юрган кунларидан бирида, ногаҳон қизилбошлар қўшини яна овулга бостириб кирди, яна ҳамма ёқни таланишга тушди. Паст-баланд кулбалар ўт ичида қолди. Ҳатто, бешиқда ётган болалар ҳам ёна бошлади, босқинчилар оғиллардан чорваларни ҳайдаб чиқишди. Овулни қонга ботиришди. Қаршилик кўрсатишга қурби етганларни ваҳшийларча қиличдан ўтказишди.

Хотин-халаж, болаларнинг юласию қиличлар жаранги бутун овулни тутди. Қизилбошлардан беш-олтитаси Махтумқулининг ҳовлисига ҳам бостириб кирди. Аёллар биқиниб олишганди. Махтумқулининг хотини ҳам ёлғиз ўғли Иброҳимни бағрига босганча, ўзини панага олди.

Босқинчилар уйни ва устахонани ағдар-тўнтар қилиб титиб чиқишди. Қўлга илинган нарсаларни, китоб-дафтарларнинг айримларини ўзлари билан олиб, қолганини уй билан қўшиб ёқиб юборишди. Бу пайтда Махтумқули, Човдур ва қишлоқнинг кўпгина эркаклари Темете деган жойга, ғалла ўримига кетган эдилар. Улар то уйларига қайтгунларигача, қизилбошлар ўлжаларни олиб, ҳаммаёқни ер билан яксон қилиб, тоғ орқали ортга қайтиб кетдилар.

Ошиқлардан ўтди ишқнинг ҳаваси,  
Тортилди, ёзилди дўзах пардаси,  
Тоғдан ошиб қизилбошлар тўдаси,  
Ўзал элим вайрон қилди, найлайин.



Ёки:

Махтумқули, қўли боғлиқ, паришон,  
Ажаб дostonимдан қўймади нишон.

Овул оқсоқоллари бўлган воқеани ҳар тарафлама таҳлил қилиб, овулда қизилбошларга сотилган жосус бор, деган шубҳага боришди. Йўқса, овулда қайси пайтда эркак зоти камрок бўлишини босқинчилар қаердан билади? Яна, нега улар айнан Махтумқулининг уйига бориб, китоб ва қўлёзмаларни йўқ қилишди? Демак, Махтумқули уларнинг нишониди бўлган.

Оқсоқоллар, овул кадхудолари, Махтумқулининг ўзи ҳам ана шу фикрда эдилар. Наҳотки улар, аввало, Махтумқулини йўқ қилиш учун овулга кирган бўлса? «Мен туфайли овулдошларим шунча озор чекнишдими?» Бу фикр шоир юрагининг бир четини кемириб келмоқда эди.

Албатта, бундай босқинлар жавобсиз қолмасди. Гўклангнинг чапдаст йигитлари бундай пайтларда дарҳол отга миниб, қизилбошлар юртига босқин уюштиришар, қасос ўтини сўндириб қайтишарди. Туркман ўз орини бошқаларга оёғости қилдириб қўймайди. Аммо, ўч олганинг билан шаҳид кетган бегуноҳлар қайта тирилармиди? Овул марказидаги уйдан олиб чиқиб кетилган, ёндирилган қўлёзмалар, бебаҳо китобларни ҳам ортга қайтаришнинг иложи йўқ.

Отаси бу китобларни қанчалар эъозларди. Бу китобларда қанчадан-қанча дурдоналар, сир-синоатлар яширин эди. Эҳтимол, шу пайтгача тадқиқотчиларимизни ўйлантириб келаётган қанчадан-қанча жумбоқларнинг ечими ўша китоблар билан бирга ёниб кетгандир?

## 21

Бу воқеалар орадан икки юз эллик йил ўтганидан кейин ҳам ўқувчини жунбишга келтириши турган гап. Махтумқулининг ўзи юрак қони билан битилган асарлари, отасидан мерос қолган бебаҳо китобларнинг йўқ қилиб юборилганини қандай қабул қилди экан? Бу кўргиликка қандай бардош берди экан?

Шундан сўнг қишлоқ оқсоқоллари, мулла Давлатмаматнинг дўстлари Махтумқулига Хива томонларга кетишни маслаҳат беришди. Хива томонга жуда кўп гўкланглар кўчиб боришганди. Махтумқули уларнинг орасида ўзини анча хавфсиз ҳис этиши, шунингдек, Хива мадрасаларида ўқиб, илмини, тажрибасини ошириши мумкин эди.

Гарчи оиласини ташлаб кетиш унинг учун ҳар қанча оғир бўлмасин, илм-маърифатга бўлган ташналик Махтумқулини Хива тарафга бошлади. Ўзи билан бирга анчагина қоғоз ва қалам ғамлаб олди. У энди ҳаммасини бошидан бошлашга шай турган ёш қаламкашга ўхшарди.

Ҳар гал юртидан кетаётганида, уни Човдур кузатгани чиқарди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Бу гал ҳам бутун ўтган-кетган воқеалар унинг кўз ўнгидан ўта бошлади. Айниқса, яккаю ёлғиз жигарбанди, тўққиз ёшли ўғли Иброҳим унинг кўз олдидан кетмасди. Карвонга қўшилиб, чўлу биёбонлардан Хивага кетиб бораркан, шоир ҳамон оғир хотиралар гирдобидан кутулолмасди.

У йўқ қилинган қўлёмаларни яна қайта тиклай олармикини? Шеър, фикр худди қушга ўхшайди. Унга ўз вақтида тузоқ қўйиб тута олсанг — омадинг келгани. Қўлдан чиққан ўлжани тутиш эса ҳар қандай моҳир овчининг ҳам қўлидан келавермайди. Буни Махтумқули жуда яхши биларди. Чунки, Менгли олиб қочилганда йўқолган қўлёмаларидаги қанча-қанча шеърларини хотирасига таяниб тиклашга уринса-да, ҳаммасини тўлиқ тиклай олмаганди.

Гарчи Хива, четдан қараганда, нисбатан тинч-осойиштадек кўринса-да, у ерда ҳам ўзига яраша ички инзолар, ғавғолар ҳукм суради.

Тарихдан маълумки, Нодиршоҳ ҳукмронлиги даврида Марв, Сарахс, Чоржўй, Амударёнинг юқори қисмида анчадан бери яшаб келган кўп сонли ўтроқ туркманлар шоҳ зулмидан қочиб, Хива хонлиги ҳудудига кўчиб ўтишган. Кейинчалик Туркмансаҳро, Дехистон, Дурунга яқин ҳудудда яшаган туркманлар ҳам ўша тарафларга силжий бошлашган.

Албатта, бу кўчиш бир қатор муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. 1744—1745 йилларда туркманларнинг ўзбеклар билан бирга кўтарган исёнини Нодиршоҳнинг вакили Алиқули шафқатсизларча бостирди. Ушбу исён ҳар икки миллат вакиллари ўртасида бирдамлик, ҳамжиҳатлик етишмагани сабабли кутилган натижани бермади. Аксинча, ҳар икки томон ўртасида бир-бирига бўлган ишонч пасайди.

Тарихдан маълумки, тирикчилик, ҳаёт тақозоси билан ўз юртини тарк этган мусофирларни бошқа жойда ҳар доим ҳам қучоқ очиб кутиб олишмайди. Қолаверса, кўчиб келган туркманларнинг одамови, қайсарлигини ҳам унутмаслик керак. Чунки бировларга бўйин эгмаслик, мағрурлик туркман халқининг қон-қонига сингиб кетган хислатлардан саналади. Туркман руҳи

асрлар давомида бу халқнинг ўзлигини сақлашида катта ўрин тутиб келган. Ана шу буюк куч туркманни ер юзидан тамомила йўқолиб кетишдан асраб қолди.

Хива ҳукмдорлари, маҳаллий зодагонлар туркманларнинг ўта чорасиз вазият сабабли бу тарафларга бош олиб келишганини жуда яхши билишарди. Шунингдек, Хива катхудолари 1744 – 1745 йилларда гўкланг ва ёвмут қабилаларининг бир қисми Нодиршоҳ кўшигида хизмат қилгани ҳолда, бошқа бир қисми афғонларга кўшилиб, Эронга қарши урушганини ҳам унутмаган эдилар.

«Туркманга ишониб бўлмайди, кеча Эронга қарши бош кўтарган, бугун Хивага қарши исён чиқариши мумкин», деган қарашлар ҳам пайдо бўлганлигига шубҳа йўқ. Қолаверса, Хиванинг шундоқ ёнгинасида, Манғишлоқ туркманларининг 1677 йилда Астраханга кўчиб кетиб, ўз хоҳишлари билан рус фуқаролигини қабул қилганлари, кейинчалик Устюрт, Балкан туркманлари ҳам уларга эргашганлари ҳаммага маълум эди. Гарчи улар гўкланг қабиласига мансуб бўлмасалар-да, индир, човдур, абдол уруғларига мансуб эдилар ва уларнинг ҳам томирида туркман қони оқарди.

Хиваликларда «Туркманлар руслар билан яширинча тил бириктириб, устимизга бостириб келиши ҳам мумкин», деган хавотир ҳам йўқ эмасди. Гарчи туркманнинг отидан, ҳайбатидан хавотир олишса-да, унинг аввалги куч-қудрати, салоҳияти қолмаганидан кўпчиликнинг хабари бўлмади.

Махтумқули Хивада ана шундай ҳолатлар, фикрлар ва қарашлар ҳукмронлик қилаётган бир пайтда бу юртга сафар қилаётган эди. Юз йиллардан бери Шарқнинг илм-маърифат марказларидан бири бўлиб келган Хивада ҳар қандай даврда ҳам мактаб ва мадрасалар ўз фаолиятини тўхтатмаган.

Маълумки, Ибн Сино даврида Маҳмуд Ғазнавий Балхда, Ғазнада, Нишопурда ҳам мадрасалар қурдирган. Бу мадрасалар ўз даврида Эрон, Хуросон, Мовароуннаҳр ҳудудларидаги илк ўқув масканлари ҳисобланган (Л. Салдадзе маълумотлари). Бу илгари ўқув масканлари, илм-фан, маърифат бўлмаган дегани эмас, албатта, илм-фан мадраса кўринишини олган, холос.

Махтумқулини Хивага чорлаган сабаблардан яна бири — отаси Давлатмамат Озодийнинг ҳам шу ерда ўқиганлиги эди. Отасининг изидан бориш ҳар бир фарзандда фахру ифтихор туйғуларини уйғотади.

Бизга маълум бўлмаган сабабларга кўра, Махтумқули ҳали Хивада таҳсилни бошламасдан туриб, Бухорога кетади ва шу



шаҳардаги Кўкалдош мадрасасида бироз муддат таълим олади. Бироқ, бу ердаги муҳит унга маъқул келмагани сабаб яна Хивага қайтиб келади. Ҳар қалай, ривоятларда шундай келтирилади.

Бу ҳақиқатга қанчалик тўғри келишини англаш қийин. Махтумқулининг бизгача етиб келган шеърларида Бухорода кечган даврлари ҳақида маълумот учрамайди. Шундай қилиб, Махтумқули Хивадаги Шерғозихон мадрасасига жойлашади.

Шерғозихон 1717 йилда А. Бекович-Черкасский экспедицияси аъзоларини қиличдан ўтказгани тарихдан яхши маълум. Бу экспедиция Хива ҳудудига нима мақсадда келганини ўқувчи яхши билса керак. 1713 йилда туркманлардан бўлган Хўжанапас Астраханга боради ва 1714 йилнинг бошларида Пётр I билан учрашади. Пётр I Ҳиндистонгача бўлган ҳудудни эгаллаш истагида эди. Мазкур экспедиция ҳам ана шу мақсадда ташкил этилади. Шерғозихон экспедициянинг мақсадини англаб, унинг барча аъзоларини қиличдан ўтказганида, Хўжанапас ҳам бу қирғиндан омон қолмайди.

Хон ўз мадрасасини 1713 йилда қурдиради. Бу муассаса мамлакатдаги энг нуфузли таълим даргоҳларидан бири мақомига эришади. Махтумқули нега айнан шу мадрасада ўқишни ихтиёр этганлигини англаш қийин. У, албатта, хоннинг кечмишидан, рус экспедициясига нисбатан кўрган чораларидан ҳам хабардор эди. Махтумқули Хўжанапаснинг Пётр I билан муносабатлари ва экспедиция таркибида қатл этилганини ҳам биларди. Бу ҳақда у кўп фикр юритгани табиий.

Мадраса Махтумқулининг дунёқараши, тафаккури кенгайишида муҳим ўрин тутди. Бу ерда у билиминини оширди, кўплаб янги диний ва дунёвий адабиётларни ўрганди, кўпгина маърифатли инсонлар билан танишди, ҳамфикр бўлди. Хусусан, у мадрасада араб тилини чуқур ўрганди, бу тилдаги китобларни бемалол ўқиб, мағзини чақа оладиган даражага эришди.

Айрим ривоятларга кўра, Махтумқули бу ерда Ҳазрати Полвон исмли кишидан таълим олган. Бу мударрис шоирнинг ижодига ва илмий камолотига катта таъсир кўрсатган.

Бошқа бир ривоятда Махтумқули бу ерда Нурий Козим ибн Баҳр исмли суриялик олим билан танишгани, у билан узоқ сафарларга чиққани айтилган. Умуман, Махтумқулининг Хива, Бухоро шаҳарларида кечган йиллари билан боғлиқ бундай ривоятлар анчагина.

Умрим-эй, гул умрим-эй,  
Сўлибдир фиғон билан,

Оташ устина тушиб,  
Куйибдир тан жон билан.

Ха, инсон ўз қалбига кулоқ тутиши ҳам керак. Албатта, бундай шеърларни бошқа шоирлар ҳам ёза олади. Бу ерда оҳанжамали сўзлар ҳам учрамайди. Аммо, нима учундир бу сўзлар сизни дарров ром этади, шоирга чин қалбдан ишонасиз, унга ҳамдард бўласиз, у билан бирга қувониб, бирга ғам чекасиз. Юрак қони билан битилган байтлар ана шундай қудрат касб этади.

Махтумқули Хивага келиб, бу ердаги юртдошлари, шунингдек, маърифатли, зиёли инсонлар орасида доврўф қозонди. Шарқда кўнгилга яқин инсонларни ўз уйига чақириб, меҳмон қилиш одати бор. Шу одатга кўра, Махтумқули Хивадаги жуда кўп хонадонларда меҳмон бўлиб, туз тотди. Ана шундай давраларда туркман элининг бугунги аҳволи, истиқболи ҳақида ҳам сўз боргани аниқ. Бу суҳбатларда Хива билан Туркмансаҳро алоқалари, Хива хонлигининг Аҳмадшоҳ Дурроний давлати ва руслар билан муносабатлари ҳам қизғин муҳокама қилинарди. Бундай мунозараларда Махтумқули туркманларнинг бирдамлиги, бирлашиб ҳаракат қилиши лозимлиги хусусида сўз юритарди. Аҳмадшоҳ Дурронийдан ўз халқининг умиди узилмагани ҳақида ҳам айтиларди. Кейин суҳбатлар ўз-ўзидан адабиёт, маънавиятга бориб тақаларди. Одатда Шарқ халқларида оқсоқолларнинг панд-насиҳатини тинглаш, улардан маслаҳат сўраш, фикр алмашиш кенг тарқалган. «Қари билганини нари билмас», деган нақл ҳам бежиз айтилмаган. Ана шундай суҳбатларда ёшларнинг билими, фикрлаш даражаси ўсади. Хатолар ва камчиликлар бўлса, ана шундай гурунгларида тузатилади.

Турли мажлислар, мушоираларда ҳам ёшлар устозларнинг панд-насиҳатлари, мушоҳадаларини диққат билан тинглашарди. Бундай мажлислар Махтумқулида ҳам ўчмас таассуротлар қолдирарди.

Хивада мулла Давлатмаматни таниган, билган одамлар кўп эди. Отасининг ҳурматини қилиб ҳам, Махтумқулини ана шундай обрўли йнгилишларга чақирарди.

Хивада таҳсил олган йилларида Махтумқули тасаввуф оқимининг етакчи билимдонлари билан ҳам танишди. Мусулмон шарқи тарихида илм, фан, маданият юксак тараққий этган ерда, албатта, тасаввуф ҳам ривож топганини кўриш мумкин. Махтумқули тасаввуф таълимоти, унинг умрбоқий ғоялари билан аввалдан таниш эди. Шарқ мумтоз адабиётининг бирор таниқли вакили йўқки, унинг ижодида тасаввуф ғоялари ўз ак-

сини топмаган бўлса. Хусусан, мулла Давлатмамат шеърларида ҳам тасаввуфий қарашлар яққол сезилиб туради.

Шу боис Махтумқули тасаввуф таълимотига ҳар доим катта ҳурмат ва қизиқиш билан қаради. У Хива мадрасасида тасаввуф тарихини, Имом Ғаззолийдан бошлаб жуда кўп Шарк фалсафаси вакиллариининг асарларини чуқур ўрганди. Мансур Ҳаллож, Насимий, Аҳмад Яссавий, Ҳожи Бектоши Валий, Жалолиддин Румий, Юсуф Ҳамадоний, Абулфазл Сарахсий, Абу Саид Маполий сингари тасаввуф салафларининг ижоди билан яқиндан танишди. Вақти келиб, бу асарлар, фикр-мушоҳадалар унинг ижодига ҳам ўзининг яққол таъсирини кўрсатишини у хали билмасди. Бу ҳақда чуқур ўйламасди ҳам.

Айни дамда, уни кўпроқ бошқа нарсалар ўйлантирарди. Уни кўпроқ Ватан соғинчи, ўз миллатдошларининг бугунги фожияли аҳволи кўпроқ ташвишга соларди. У доимо бир нарсага: ҳали туркманлар яна бирлашиб, ҳамжиҳат бўладилар, азалий буюкликларига, куч-қувватларига қайта эришадилар, деб умид қиларди. Халқи яна ўз обрў-эътиборини, нуфузини қайта тиклашига унинг ишончи комил эди. У ўз шеърларида армон билан куйлаган «ажаб айёмлар» келишини сабрсизлик билан кутарди. Бахтли кунларни ўз кўзи билан кўра олишига ҳам ишонарди. Ана шундай ташвиш, ана шу дард, ана шу интиқлик уни бир лаҳза бўлсин тарк этмаган, дейиш учун тўла асосимиз бор.

Махтумқули Хива атрофидаги ижгимойи-сиёсий, маданий-маънавий муҳит билан ташишиб чиққач, қорақалпоқлар яшайдиган ҳудудларга ҳам саёҳат қилади. Қорақалпоқлар ҳам азалдан ўзбеклар сингари туркман эли билан бир дарёдан сув ичиб, яхши-ёмон кунларни биргаликда бошларидан кечириб келишган. Шу сабаб, Махтумқулини қорақалпоқлар ўз фарзандлари сингари суюб қарши олишади. Тез орада унинг шеърлари бу элда ҳам шуҳрат топа бошлайди. Унинг шеърлари шу қадар тез оммалашадикки, ҳатто қорақалпоқлар унинг туркман эканини ҳам деярли унутиб қўйишган, уни худди ўз шоирларидек қабул қила бошлашган эди. Бахшилар унинг шеърларини куйга солиб, қорақалпоқ лаҳжасида ўз тингловчиларига етказиб беришарди. Бердақ, Ажиниёз сингари қорақалпоқ шоирлари ижодида Махтумқули шеърлятига хос бўлган жиҳатлар яққол кўзга ташланади. Бугун ҳам ўзбек, қорақалпоқ тўйларини Махтумқули шеърлари асосида куйланган кўшиқларсиз тасаввур қилиш қийин.



Махтумқули Манғишлоқ, Астрахань, Ставрополь туркманлари яшайдиган ерларга ҳам саёҳатга борган. Бу халқларнинг турмуш тарзи, маданияти билан яқиндан танишган. Бу сафарнинг уч асосий сабабини санаб ўтиш ўринлидир. У денгиз йўли билан келган туркманларни топиб, улардан акалари Абдулла ва Муҳаммадсафонинг дарагини суриштирган, Менглини сўроқлаган, шу билан бирга, бу ўлкалардаги русларнинг туркманларга, туркманларнинг русларга бўлган муносабати билан қизиққан.

Махтумқули илк бор русларни яқиндан кўриш, улар билан танишиш имконига эга бўлганди. У бу буюк халқ ҳақида қандай фикрда бўлгани, қандай хулосага келгани бизга қоронғи. Умуман, унинг ушбу саёҳати ҳақида халқ орасида юрган ривоятлардан бошқа маълумот йўқ ҳисоби. Махтумқулининг Астрахань, Ставрополь туркманлари орасида бўлганининг асосий далили у ерларда кенг ёйилган «Бахтимқули» дostonидир. Улар Махтумқулини айнан шундай аташади. «Бахтимқули» дostonи «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Лайли ва Мажнун», «Тоҳир ва Зухра» дostonларига ўхшамаса-да, ўзига хос ахлоқий-маънавий мазмундаги дoston ҳисобланади. Дoston Махтумқули шеърлари асосида яратилган, унда халқ томонидан тўқилган айрим шеър ва термалар ҳам ўрин олган.

Махтумқули бу саёҳатдан сўнг яна Хивага қайтиб, ўқишини давом эттиради. Бироқ, у камхаржликдан биров азият чекарди. Узоқларда қолиб кетган оиласини ҳам кўп ўйларди. Ахир, бу оилада битта ҳам эркак киши қолмаган. Уларнинг аҳволи нима кечди экан? Баъзан кечалари тушида ўғли Иброҳимни кўриб чиқарди. Яна акалари, Менгли ҳақидаги эзгин хаёлларга бериларди.

Неча йиллардан бери дараги чиқмаган Менглининг ҳоли нима кечди экан? Тирикмикин? Тирик бўлса, қандай азоблар чекиб юрганикин? Балки, бахтини топгандир? Бахтли ҳаёт кечираётгандир? Махтумқулини эслаб қўярмикин?

Махтумқулининг айни шу дамларида муҳаббати ўта илоҳий ва беқиёс аҳамият касб этганини айтиб ўтмоқчимиз. Бу туйғулар Махтумқулининг ҳақиқий, тўғри фикрлари мантиғидан юзага келганди.

Охирида «мен қайтсам-да, кўнглим қайтмас ёр, сендан» деган бир ҳақиқат юз кўрсатади. Юқорида келтирилган сабаблар, эҳтимолки биз идрок этмаган ва ўқувчиларимизнинг тасаввурида уйғонган сабабларга кўра, Махтумқули умрбод Менглини

қидирган, уни кутган, ундан кўнгил узолмагандир? У Менглининг севгисига, вафодорлигига ишонганидан кейин ана шундай аҳволга — жуда мураккаб бир аҳволга тушди.

Ул мор қувиб жилғалардан, шайтон билан қилар ҳамроҳ,  
Қилгил озод, Менглихоним, мен мискинни қилмай гумроҳ.  
Махтумқули, исминг сенинг бўлсин керакдир Фирогий,  
Мор қулиндан тиндим десам, келди хижроннинг яроғи.

Махтумқули Хивада бўлган йилларида илмини чуқурлаштириш, ижодий дунёқарашини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратди. У отаси мулла Давлатмаматдан, Ниёзқули охундан олган билимларини янада чуқурлаштирди. Шарқда қадимдан чуқур ўрганилиб, тадқиқ этиб келинган илми нужум, риёзиёт, жўғрофия, фикҳ, тарих, ҳандаса каби диний ва дунёвий илмлардан сабоқ олди. Мавжуд адабиётлар ёрдамида тиббиёт, араб тили грамматикаси, шеърят назариясини чуқур ўрганди. Шу билан бирга, бу заминда етишиб чиққан буюк алломалар, мутафаккирларнинг ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишди.

Ўзини англамаган одам ўзгани ҳам англамайди. Ҳар бир китобни ўқиётганда, албатта, унинг муаллифи қалбига кириб боришга, у ҳис қилган нарсаларни туюшга интилиш керак. Шунда китобда ёзилмаган бошқа кўп нарсалардан ҳам воқиф бўлиш мумкин. Китобнинг кўпчиликка маълум бўлмаган, яширин жиҳатлари ҳам юзага чиқади. Буни ўтмишда яшаб ўтган олим ва шоирлар яхши тушунганлар.

Не бўлса билгайсан элат ҳаёли,  
Дардлилар олдида мен Лукмон бўлсам, —

дейилган шеърда ҳам қирққа яқин шахс ва унинг асарлари номи хурмат билан тилга олинган.

## 22

1944 йилда Эроннинг Оқтўқай овулида Махтумқулининг эвара-жиянлари ёзувчи Қилич Қулиевга «Мухтасар» номли бир асарни совға қилишади. Бу асар ҳозир Туркменистон Фанлар академиясининг Қўлёзмалар институтида сақланади. Бу китобнинг қиммати шундаки, у Давлатмамат Озодийнинг ўз қўли билан кўчирилган ва китоб ҳошияларида Махтумқулининг дастхати билан битилган қайдлар ҳам учрайди.

«Мухтасар» асарини кўчирган хаттотларнинг саҳифалардаги қайдларига қараб, Озодий ва Махтумқулининг нақадар юксак комусий билимларга эга бўлганларини англаш мумкин.

Шерғозихон мадрасасида ўқиган йиллари илм ва шеърят бобида Махтумқули тамомила бошқа оламга тушиб қолган эди. Унинг бу оламда ўрганганлари келажакдаги манзилларга элтувчи йўллари ёритувчи шамчирик бўлди.

Шоир мусофирчиликда ҳар қанча муҳтожлик кўрган бўлса-да, ҳалоллигини, ор-номусини, ғурурини қўлдан бермади. Бу ҳам унинг отаси ва устозлари берган сабоқлар натижаси эди. Бу ҳақда у ўзининг «Елдим тут» номли шеърисида ҳам ёзади:

Оч бўлсанг ҳам, борма, элга, тилакка,  
Кўкдаман, де, бошим етган фалакка!  
Чўлда қолсанг ҳеч тополмай кўланка,  
Эрам боғи ичра соя топдим тут.

Махтумқулининг бу шеъри Навоий, Ғолибий ижодидан таъсирланиб ёзилгани сезилса-да, унинг ижодида айнан шу шеърининг ўрни бўлакча. Ана шундай руҳий лаҳзаларни усталик билан тутиб, фақир юракка қувват бахш этувчи ғояни бундай таъсирчан баён этиш фақат улуғларгагина ярашадиган ишдир.

Бу оптимизм — мағрурликнинг ошқора нишонасидир. Албатта, нимани ёзиш муҳим, аммо қандай ёзиш янада аҳамиятлироқдир.

Худди «Елдим тут» сингари шеърлар Махтумқули ижодининг босқичма-босқич ўсиб борганидан дарак беради.

Ғарибсан, йиғлама, шердек бўларсан.

Ёки:

Золимлар хор бўлар, қолар оёқда.

Ёки:

Ғам чекма, ғариб одам,  
Беклар, шоҳлар қолмаслар...

сингари сатрлар ҳам ана шундай тадрижий ривожланиш натижасидир.

Махтумқули Хивада яшаган уч йил давомида бирор марта қишлоғига бориб келганми ёки йўқми, бу ҳақда ҳам маълумот учрамайди. Бу ўринда Махтумқулининг фидойилиги, оилапарварлигини эътиборга олсак, бирор қарвонга қўшилиб, ўз юртига бориб келган бўлиши мумкинлигини тахмин қиламиз, холос.

Ниҳоят, ёз кунларининг бирида уни овулидан чақиртириб юборишади. Ҳар қалай, Махтумқули бу хабардан бирор ноҳушлик ҳидини пайқаманган бўлса керак. Чунки, унинг «Шерғо-



зихон» мадрасасидан кетар пайтида ёзилган шеърдаги жўшқинлик, кўтаринкилик кайфиятидан буни сезса бўлади:

Жўшқин юрагимда мавж урар, ётмас,  
Қайнар, ғазабланар, ҳеч лойга ботмас,  
Илм-таълим олган сени унутмас,  
Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал Шерғози!

Махтумқули бу мадрасадан бир умр мишнатдор бўлиб кетди. «Сенда таълим олдим, очилди тилим», «Ақлим қисқа эрди, косам қайнади», «Илм-таълим олган сени унутмас», «Асло унутмасман тилло эшигинг» сингари мисралар шундан далолат беради.

Шеърнинг саккизинчи бандида Каъбадан, падаридан жудо бўлганини ҳам айтиб ўтади. Бироқ мисралар оҳангидан айрилиқ ўти совиб, дард бироз эскирганини ҳам сезиш мумкин.

Шу банддаги «машаққат» деган сўзга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу ўринда ҳам Менгли назарда тутилмадимикин? Ахир, бахтсиз яқин топган севги қиссасини яна қандай помлаш мумкин? Махтумқули Менгли билан бироз муддат даврон сурганди, мана неча йилдирки, унинг фироғида фарёд чекиб, машаққат чекиб юрибди.

Албатта, бу дардини у иккинчи аёлига сездирмасликка, унинг олдида Менглининг номини тилга олмасликка урилиб келганини аввал ҳам айтиб ўтдик. Мана бу мисралар фикримизни тасдиқласа ажбмас:

Кўнгил бердим бир бевафо маҳбубга,  
Чикди қўлдан, доғи жонга дард бўлди.

«Жони ёнган Тангрисини қарғар» деганларидек, Махтумқули гоҳо Менглини бевафоликда айбласа-да, барибир, кўнгли ундан совимади.

Мана бу мисралар ҳам бежиз битилмаган бўлса керак:

Қўрқарам, ёр бизни чиқарар ёлдан,  
Ўзга ерда макон тутиб, юрт тутиб...

Шундай қилиб, Махтумқули уч йил туз ичган, таълим олган гўзал Хивадан кўнгил узолмай қишлоғига қайтади.

У ўз ҳис-туйғуларини ақл хуржунида олиб қайтарди. Шу билан бирга, у тасаввуф ҳақидаги қарашларини ҳам чуқурлаштирди. Хивадан қайтаркан, ўзини анча улғайгандек, йигитлик фасли билан хайрлашгандек сездди. Бадбахт, ҳам ғавғоли кечган ёшлик онларини эслади...

Замонанинг нотинчлиги сабабли эл-юртидан, оиласидан хавотири ҳам орта бошлаганди. Чунки, у туркман элининг одатларини яхши билади. Ўлим тўшагида ётган бемордан «аҳволинг қалай» деб сўралса, «шукр, яхшиман» деб жавоб қайтаради. Ўлим ҳақидаги хабарни ҳам ётиғи билан «фалончи сал оғирлашиб қолибди», деб етказишади.

Шу боис ҳам Махтумқули ўзининг тўйга чақирилмаганини сеза бошлаганди. То Қорақумдан, Деҳистон кенгликларидан босиб ўтиб, тоғли Геркез қишлоғига етгунича кўнгли озурда бўлиб боради.

Унинг куз-қиш ойлари шиддатли кечадиган чўлдан қанчалик машаққат билан кесиб ўтгани «Шифо бер» шеърида ўз аксини топган:

Бу чўлда раҳм айла ғариб ҳолима,  
Оламни яратган Субҳон, шифо бер.

Махтумқули ўз овули, яқинлари, оила аъзолари, қўшнилари, қариношлари даврасини қаттиқ соғинганди. Аммо, дилга яқин инсонлар суҳбати унинг кўнглига сиғмаслиги маълум бўлди.

Уйда ўн икки ёшли ўғли Иброҳим бетоб ётарди. Ўғлининг бу аҳволга тушишида кимнингдир қўли бордек эди. «Замондир» деб номланган шеърида унинг кимдандир қаттиқ ранжигани акс этган.

Айтинг номуссиз йигитга,  
Бугун унинг замонидир,  
Йиғсин Қорун каби молин,  
Ҳазина бўш давронидир.

Ушбу шеърни эса, Хивадан қайтган пайтларда ёзган:

Ёлғиз фарзанд рўйини кўриб,  
Келибман Хивадан йўртиб,  
Чўл ичинда бедов суриб,  
Келдим, Ҳақнинг фармонидир.

Шу тариқа, ёвуз ажал Махтумқулининг яккаю ёлғиз жигарбандини бағридан юлиб кетади.

Бир жайрон олдирса қўлдан улоғин,  
Бола сасин тинглаб, солар қулоғин,  
Тўка-тўка кўз ёшининг булоғин,  
Маърай-маърай изламасдан бўларми? —

сингари марсиялар дунёга келади.

Бу гам, бу ҳасрат уни буткул букиб кўяди. Бир пайтлар, мулла Давлатмамат кучга тўлган пайтларда худди бозордек сершовқин, гавжум бўлган, меҳмонларнинг қадами узилмаган, эртаю кеч қозон қайнаб, атрофида болалар қувнаб юрган бу хонадон ҳам хувиллаб қолди.

Ана шундай аҳволда яна шоирнинг ўша армонли мисраси хаёлимизга келади:

«Устимизга ҳижрон ўти сепилди».

Ҳали ўттизга қадам қўймай туриб, Махтумқули қанча-қанча яқинларини тупроққа берди, яна қанчасидан тириклай айрилди. Бу ҳаётга келиб у нима кўрди? Ўзи бу оламда яшашдан бирор маъни қолдимми?

Яна ғарибдек мунғайиб қолган кўнгил бу дор-дунёдан узилди, ҳаммасига қўл силтади. Наинки бу уй, бу ҳовли ёки бу қишлоқ, балки бутун олам унга тор қафас бўлиб туйиларди. Қаерларгадир бош олиб кетгиси келарди. Лекин қаёққа боради? Ҳозирга қадар кўзи тушмаган ерга, одам оёғи, қуш қаноти етмаган жойларга кетиб қолгиси келарди.

У ҳозир ҳаммадан, ҳатто ўзидан ҳам қочгиси келарди.

Энди бир дам қарорим йўқ,  
Бу манзилда турорим йўқ.

Янги аза эски мотамларни уйғотди. Махтумқулини бу дунёга боғлаб турадиган зурриёти ҳам қолмаганди. Зурриётсизлик, айниқса, ўғил фарзанд кўрмаслик туркманларда ҳар доим катта муаммо, бахтсизлик саналиб келинган. Бу — ўчоғингни кул босиши, эшигингнинг ёпилиши, изингнинг йўқолиши демакдир. Демак, энди сенинг наслингни ҳеч ким давом эттиролмайдди. Дунёдаги миллиардларча одамларникидан тамоман фарқ қиладиган сенинг қонинг сендан кейин бошқа томирда оқмайди. Демак, бу оламдан ном-нишонсиз кетасан. Ана шундай бадбин ўйлар Махтумқулини илон бўлиб чақарди. Ўғлининг ўлими Махтумқулини Менглидан кейинги аёли билан боғлаб турган риштанинг ҳам узилишига сабаб бўлди. Шундан сўнг бу аёлнинг ҳаёти қандай кечгани ҳақида аниқ маълумотлар ҳам, ривоятлар ҳам йўқ. Унинг Махтумқули билан неча йил яшагани ҳам номаълумлигича қолмоқда.



Махтумқулининг бошига тушган мусибатлар даврнинг бошқа фожиалари билан қоришиб кетди.

Аҳмадшоҳ Дурронийдан ҳамон ҳеч қандай хабар етиб келмасди... Яна унинг қошига, Афғонистонга бориш фикри туғилганди. Бир тарафдан қизилбошлар билан адоват, қирғин-босқинлар давом этарди. Азалий ғанимлар гўклангларни кўз очирмай қўйганди.

Пичоқ бориб суякка қадалди. Ё тоғ ошиб қизилбошни бу тарафларга қадам босмайдиган қилиш керак ёки улар билан сўнги томчи қон қолгунча курашиб, қаҳрамонона жон бериш керак! Учинчи йўл қолмаганди.

Ҳар икки йўл ҳам кураш, сон-саноқсиз қурбонларни талаб этади. Ҳатто ғалаба қозонилган тақдирда ҳам, қанчадан-қанча мард йигитларнинг боши кетади. Шу пайтгача савашларда, жангларда, чопқинларда тобланган, кўзи пишиб, эти қотган Човдур воқеалар саҳнасида олдинга чиқади. У аллақачон эл ичида Човдурхон номини олганди.

Туркманлар фақат давлат бошчисининггина эмас, тадбиркорлиги, довиюраклиги ва диловарлиги билан ном чиқарган одамларнинг ҳам исмига хон қўшиб чақиришади.

Човдур ҳам бу мартабага эга бўлиш учун қанчадан-қанча машаққатли йўлларни кечди. Мана, насиба тортиб, Махтумқулининг дўсти Човдурхон номини олди. Махтумқули ҳам дўстига бағишлаб бир қанча шеърлар ёзган.

Човдурхон ўз эли, қавмдошларини ҳимоя қилиш учун жуда кўп қаҳрамонликлар кўрсатган. Қўйидаги биргина мисол ҳам фикримизнинг далилидир: Аҳмадшоҳдан хабар олиб келиш учун Човдурхонни юбормоқчи бўлишади. Нима учун Махтумқулини бу гуруҳга қўшишмади? Албатта, Махтумқули ҳам ўз халқи учун жон олиб, жон беришга доимо тайёр бўлган. Аҳмадшоҳ билан музокараларни қўллаб-қувватлаганларнинг ҳам бири — айнан унинг ўзи эди.

Қадимий туркман одатларига кўра, домла, дин арбоблари, олимларнинг фарзандларини хатарли ишларга, урушларга юборишмасди. Махтумқули Аҳмадшоҳнинг ёнига борган пайтда, замон анча тинч, барқарор эди. Эндиги вазият кескин бўлиб, тоғ этакларида, Марв атрофларида қизилбошлар ва қожорлар жанг қилишга тайёр турган пайт. Қолаверса, бошқа туркман қабилалари ўртасида ҳам низолар тинмаган. Шуларни

назарда тутиб, Махтумқулини овулда олиб қолишди. Шусиз ҳам бу оиланинг бошига тушган кулфатларнинг ҳисоби йўқ эди.

Афғонистон эса бу пайтда йил сайин юксалиб, чегаралари кенгайиб, куч-қувватга тўлиб борарди. Шоҳ хазинаси янги бо-сиб олинган ҳудудлардан келтирилган олтин-кумушлар ҳисобига бойиб бораётган эди.

Аҳмадшоҳ мансуб бўлган абдол қабиласи энди унинг шара-фига дурроний деб юритила бошланганди. Бу сўз дурларнинг дури деган маънони билдиради. Эҳтимол, турли ўлкалардан та-лаб келтирилган дур-жавоҳирлар сабаб унга шундай лақаб бе-ришгандир?

Аммо, 1763 йилда унинг оғир хасталикка чалиниши тобора юксалиб бораётган салоҳиятига соя солди. Айтишларича, унинг бурун бўшлиғида саратон ўсмаси пайдо бўлган экан.

Човдурхон шоҳ қабулига унинг 1769 йилдаги Машҳад юри-шидан аввал борганми ёки кейинми — бизга қоронғи. Ҳар қалай, Махтумқулининг шеърларини ўрганиш жараёнида Човдурнинг шоҳ ҳузурига боргани аниқланади. Мана бу мисраларга ҳам бир эътибор беринг-а!

Истар — қўлдан чиқар давлат хумойим,  
Дуо қилиб, тўқар бўлдик ёшимиз,  
Тилагим дуч қилгил, гўзал Аллоҳим,  
Парчалансин-кетсин қизилбошимиз.

Хизр келган чўлда эллар ёйилсин,  
Юрт биномиз қоим бўлсин, қўйилсин,  
Чилла маст порларимиз ойилсин<sup>1</sup>,  
Бир супрада адо бўлсин ошимиз.

Дарвишлар кўнгли жам турсин намоза,  
Йигитлар йиғилсин суҳбата-соза,  
Элимиз улашсин туганмас ёза,  
Тўқсон тўлиб, тамом бўлсин қишимиз.

Туркманнинг боғлапса бир ерга бели,  
Қуруттар Қулзумин, дарёин Нили,  
Така, ёвмут, гўкланг, язир, алили,  
Бир давлатга хизмат қилсак бешимиз.

Махтумқули айтар жонин боринда,  
Мусулмонни қўйма кофир қўлинда,  
Ёвмут, гўкланг кирсин бирлик йўлига,  
Ул Камолхон афғон бўлсин бошимиз!

<sup>1</sup> *Ойилсин* — ўзига келмоқ, ҳушига келмоқ деган маъноларда.

Махтумқули бу шеърда кўплаб туркман уруғларини бирликка, ҳамжиҳатликка чорлайди. Туркманда куч ҳам, номус ҳам, ғайрат ҳам бор. Фақат бирлик етишмайди. Агар шу хислатлар ҳам бўлса, уни ҳеч ким енга олмайди. Бунга Махтумқули чин дилдан ишонарди.

Хўш, бу шеърда номи тилга олинган Камолхон афғон ким бўлди экан? Кўпгина олимларнинг фикрича, бу Аҳмадшоҳ Дурронийнинг бошқача бир исми. Шунингдек, «камол» сўзи бу ерда исм эмас, сифат тарзида ҳам ишлатилган бўлиши мумкин. «Камол» сўзи — комиллик, етукликни билдиради.

Аммо, бу ўринда эътибор бериш керак бўлган бошқа жиҳатлар ҳам бор. Бутун эл-юрт шоҳ деб кўкка кўтарган инсонни хон деб аташ унинг кўнглига тегиши мумкин эди. Қолаверса, Шарқда, асосан, насли мўғулларга бориб тақаладиган ҳукмдорлар хон деб аталган.

Аҳмадшоҳнинг эса, мўғулларга алоқаси йўқ эди. Шу боис, уни хон деб аташ шоҳга нисбатан менсимаслик ёки ҳурматсизлик бўлиши мумкин эди. Шунингдек, бу шеърда Махтумқули бутун туркман уруғларини бирлашишга чақиради. Маълумки, Махтумқули то отаси вафот этгунича, бундай кенг қамровли, халққа хитоб билан юзланган шеърларни ёзмаган. Сабаби, туркман одатларига кўра катта турганда кичик гапирмайди. Ота тирик бўлса, унинг олдини кесиб ўтиш одобсизлик саналган.

Бизнинг фикримизча, Камолхон афғон Аҳмадшоҳ туркманларга бош қилиб юборган киши бўлиши мумкин. У 1769 йилда туркманларни Машҳад юришига сафарбар этиш учун юборилган. Чунки, Аҳмадшоҳ 1753—1755 йиллардаги каби, икки энли хат билан энди туркманларни йўриғига сололмаслигини яхши биларди. У туркманларни бир марта чув туширганди. Камолхон афғон Туркмансаҳрога келиб, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борган, шоҳ қўшинига даъват этган, одамларни ўз тарафига оғдириш мақсадида шоҳ номидан совға-салом (бошқача айтганда — пора) улашган бўлиши ҳам мумкин.

Табиийки, Камолхон афғоннинг бу ҳаракатлари бесамар кетмади. Аҳмадшоҳга нисбатан сўна бошлаган халқ ишончи яна аланга олади. Ахир, халқнинг шундан бўлак чораси ҳам йўқ эди. Камолхон афғон халққа, маҳаллий бек ва оқсоқолларга нималар дегани аниқ бўлмаса-да, уларнинг қўйини пуч ёнғоққа тўлдиргани аниқ. Ҳатто, кўпни кўрган Махтумқули билан Човдур ҳам яна Афғонистондан умидвор бўлишди. Бироқ, энди улар олдингидек кўр-кўрона ишонч билан урушга кирмадилар.



Аввал Аҳмадшоҳ билан учрашиб, кенгашиб, кейин жангга киришни мўлжаллашди.

Демакки, Човдурхон ҳам айнаи шу мақсад билан йўлга чиққанди.

Ўша кезларда Аҳмадшоҳ ўз давлатининг шимолий ва ғарбий чегараларидаги хавфсизликни таъминлаш мақсадида Шоҳрухнинг устига юриш бошлайди. Гарчи Шоҳрухнинг кўзи ўйилган бўлса-да, кўзи очиклардан кўра узокроқни кўра оларди. Шу боис, 1748 йилдан бери ҳукмронликни қўлдан бермай келарди. Ҳукмронликни ҳам айнаи Аҳмадшоҳнинг кўмагида қўлга киритган эди. 1755 йилдаги қўзғолон пайти уни енгган ҳам, яна қайта ўз ўрнига тайинлаб кетган ҳам Аҳмадшоҳ эди. 1769 йилда Шоҳрух яна саркашлик қила бошлаганида, Аҳмадшоҳ унга ўз кучини кўрсатиб қўйгиси келди. Машҳад тез таслим бўлди. Шоҳрух эса, аввалгидай ҳийлакорлик қилиб, яна ўз ўрнида қолди. Аҳмадшоҳ Дурроний ҳам эронликлар билан зиддиятга бора олмасди. Уларнинг туркманларга қарши сиёсатига зарба бериш ҳам унга фойда келтирмасди. Қолаверса, Аҳмадшоҳ қўшинида анча-мунча қизилбошлар хизмат қилишарди.

Катта ўғлини шоҳ қизига уйлантириб, орадаги муносабатларни янада мустаҳкамлаб олган Аҳмадшоҳ энди бутун фикри-зикрини Ҳиндистон тарафга қаратганди. У Ҳиндистонни талон-торож қилишда қизилбошларнинг ҳам кучларидан фойдаланди. Шу билан бирга, Аҳмадшоҳ бу юришларда Ҳирот туркманларининг кўмагига таянган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Турли манбаларда Аҳмадшоҳ Ҳиндистонга етти мартадан тўққиз мартагача қўшин тортиб боргани ҳақида маълумотлар келтирилган.

Камолхон афғоннинг туркманлар орасига келишидан мақсад ҳам шу эди. Махтумқули ҳозирга қадар топилган икки шеърда унинг номини тилга олган. У айнаи дамда кимгадир эргашмасалар, туркман қабилаларининг бошини қовуштириш қийинлигини англагани учун ҳам юқоридаги мисраларни битади. Зотан у отасининг «орзулама хонни, бекни, султонни» деган сўзларини асло унутмаган эди. У халқига озгина ёрдами тегадиган ҳар қандай ишга умид кўзи билан қарарди. Шу боис, Камолхон афғон номини хайрихоҳлик билан тилга олган бўлиши мумкин.

Човдурхон эса жўнаб кетади. Аммо, шу кетганича ундан хат-хабар бўлмайди. Маълум бўлишича, у ана шу сафар давомида номаълум хасталикдан вафот этган. Унинг йўлига кўз тутиб ўтирган қабилadoшлари нима қилишларини билолмай, танг аҳволда қолишган.

Ахмад подишоҳдан хабар олмоққа,  
Умид этди эллар Човдурхон учун.  
Соғ-саломат бориб қайтиб келмоққа,  
Ўнгмади иқболлар Човдурхон учун.

Махтумқули елкадош дўсти, сирдоши, қадрдони Човдур ҳақида иккита марсия ёзса-да, кўнгли таскин-тасалли тополмайди. У дўстининг ўлиmidан қаттиқ изтиробга тушиб, ўзини қандай юпатишни ҳам билмасди. У Човдурдан айрилиш билан дунёдаги сўнгги таянчидан ҳам маҳрум бўлганди.

Махтумқули Човдурхонни қанчалик ўзига яқин олгани, Човдурга қанчалар боғланиб қолгани унга атаб ёзган учинчи шеърдан ҳам яққол кўриниб туради.

Човдурхон, қароғим, кўнгили тирагим,  
Сен вафот этибсан зорлар ичинда,  
Гўкланганда полвоним, элга керагим,  
Халқни кўйиб кетдинг норлар ичинда.

Бу марсиялар шоирнинг қонли кўз ёшларига қориниб ёзилганди. Човдурнинг ўлиmidан сўнг Махтумқулининг бу дунёга эътимоди қолмади. Албатта, дунёга шубҳа билан қарай бошлаган шоир Ахмадшоҳ Дурронийга асло ишополмасди. Шу тариқа бир пайтлар юрагида барқ урган «ажаб айём»лар ҳақидаги орзулари ҳам хазон бўла бошлади. Халқнинг қайга боришини билмай, йўлбошчисиз аро йўлда қолгани ҳам бунинг исботи эди.

Махтумқули туркманнинг аянчли тақдирини, овулларнинг тўзиб-тарқаб кетишини, турли касалликлар, очарчилик ва бошқа иллатлар сабаб одамларнинг қирилиб битаётганини ўйлаб қон йиғларди. Айниқса, Ахмадшоҳ Дурроний Шохрух билан куда бўлганидан сўнг, туркманларга янада қаттиқроқ босим ўтказа бошлаганини кўрган Махтумқули тинч, хотиржам бўла олармиди?

Маҳаллий хон ва бекларнинг Эрон тарафга қараб ялтоқланишлари, Ватан, миллат, эл-юрт қадрининг тобора пасайиб бориши Махтумқулининг хаста қалбини янада ғамга ботирарди. Ана шу дард-аламлар эса, унинг жўшқин ва ғамгин шеърларига кўчарди.

Гоҳида туркман халқи, хусусан, гўклангларнинг Ахмадшоҳга ихлос қилиб, кўп нарса йўқотганини, энг ёмони, бу хатода ўзининг ҳам етарлича улуши борлигини ўйлаб, виждони баттар қийналарди. «Нега отамнинг айтганини қилмадим, нега элнинг гапига қулоқ солмадим», дея ўз ёғига ўзи қовуриларди.

Биз истадик турфа ёрон,  
Қисмат бизни этди ҳайрон.  
Ким Эрон кетди, ким Турон,  
Ким Исфаҳон, Табриз онди.

Шоирнинг эл-юрт учун чеккаи ҳасрати умумхалқ дарди билан қўшилиб кетди.

Фироғий сўзлар дардини,  
Тулкилар отди гурдини<sup>1</sup>,  
Талашди туркман юртини,  
Эга бўлган бир хон истар.

Иложсизлик Махтумқулини бутунлай андуҳ ботқоғига ботирганди. Ўтмишини ўйлагани сари юраги эзилади, ўйламасдан ҳам янаб бўлмайди.

Махтумқули айтар, бахтим беваждир,  
Насибим, тақдирим, иқболим каждир,  
Ниятим Каъбадир, хаёлим ҳаждир,  
Ихлосим бор ҳаж тавофини этмоққа.

Унинг бутун умиди энди ёлғиз Аллоҳдан эди.

## 24

Юқорида айтганимизек, Махтумқули Шерғозихон мадрасасида ўқиб юрган кезлари тасаввуф илмига жуда қизиқиб қолганди. Қалбида бу илмга нисбатан кучли иштиёқ туғилганди. Аммо, турмуш ташвишлари уни анчагина чалғитиб қўйган эди.

Мана энди Махтумқули дунё ғамларидан қўл силташ учун тасаввуфга юз бурди.

Тасаввуф нима?

Бу саволга узил-кесил жавоб қайтариш жуда қийин. Ҳатто, бу борада анча мукамал асар саналмиш «Исломда тасаввуф ўчоқлари» (Москва, 1989 й) помли китоб муаллифи Ж.С. Тримингем ҳам тасаввуф сўзига муносиб таъриф топиб беролмаган.

Сабаби, бу оқим жуда мураккаб, унинг моҳиятини биринки оғиз сўз билан ифода этиш қийин. Баъзилар тасаввуф сўзининг ўзагини юнонча «софизм» (донишмандлик) билан боғласалар, бошқа бир гуруҳдагилар уни араб тилидаги «суф» (бўз) сўзидан келиб чиққан, деган фикрни илгари сурадилар.

<sup>1</sup> Гурд — бўри.



Шарқда шуҳрати кенг ёйилган тасаввуф марказларида янги солик (аъзолар)ни қабул қилишнинг антиқа синов усуллари бўлган: масалан, тирик илоннинг бошини чайнаш, чўғ устида ялангоёқ юриш, нафасни тутиб туриш... Албатта, янги соликнинг бундай имтиҳондан қандай ўтгани ўқувчини қизиқтиради. Тасаввуф илми ҳақида шу пайтга қадар жуда кўп асарлар битилган.

Тасаввуф ҳақидаги шеърларнинг аксариятида ошиқ-сўфийнинг висолга — Аллоҳга яқинлашиши, қовушиши, бутун куч-қудратини ана шу буюк мақсадга етишиш йўлида сафарбар этиши, ўзини босқичма-босқич бунга ҳам руҳан, ҳам жисмонан тайёрлаб бориши акс этади. Тасаввуф шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат сингари босқичларни ўз ичига олиб, сўнгги босқич сўфийнинг тўғридан-тўғри олий мақсадга — Ҳаққа қовушиши билан якун топади.

Махтумқулининг айнан тасаввуфий қаранлар асосида ёзилган шеърларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Уларни Менглига бағишланган ишқий шеърлари билан чалканштириб юбормаслик керак. Юқорида айтганимиздек тасаввуфий шеърлар бир қарашда оддий инсонга муҳаббат таронасидек туйилса-да, унинг замирида Ҳаққа бўлган илоҳий ишқ ётади. Кўнчилик ана шу тафовутнинг фарқига бормаслиги мумкин.

Менглига аталган шеърларнинг барчасида реал ҳаёт манзаралари, инсон руҳий кечинмалари аниқ кўрсатилган. Бу шеърларда Менглининг қиёфаси ўқувчининг кўз ўнгида аниқ-равшан намоён бўлади. Унинг тасаввуфий шеърларида эса, ижтимоий масалалар умуман кўзга ташланмайди. Бошқача айтганда, зийрак ўқувчи Махтумқулининг маиший ва тасаввуфий мазмундаги шеърларини диққат ва эътибор билан ўқиса, бу тафовутларни англаб, илғаб олади.

Тасаввуф ҳақидаги шеърлар худди бир ўқ билан икки қуённи уришга ўхшайди. Тасаввуфдан беҳабар одамлар бундай шеърларни худди оддий, ишқий мазмундаги назмий асарлар сифатида қабул қиладилар.

Махтумқулининг тасаввуфий шеърларида ҳақиқий комил инсон сиймоси намоён бўлади. Ана шундай бетакрор шеърлар билан у ўтмишдаги буюк тасаввуф шоирлари қаторидан жой олади. Шоирнинг «Ошиқ бўлмишам», «Қизмали бўлдим», «Қолмас-о», «Кўрдингми?», «Қолмақолни пайларам», «Ичмайин жомим», «Бирёна бўлдим энди», «Кўзим тушди» сингари шеърларини шулар қаторига киритиш мумкин.

Махтумқули тахмина 1769 йиллардан бошлаб, бутунлай тасаввуфга берилиб, бутун борлигини тариқатга бахш этиб, ўзини ҳар жиҳатдан поклаб, сўфийлар хирқасини кийса-да, жон чекиб Яратганга муножот тарзидаги асарларни битса-да, бу азоблар унинг кўнглидагидек натижани бермади. Бунда турли хил тушлар, тушда унга илҳом шаробини ичирганлар, уни буюклар даврасига олиб кирган ёронлар ҳисобга кирмайди. Унинг бирдан-бир мақсади — хоҳ тушда бўлсин, хоҳ зикр чоғи хушдан айрилган пайтда бўлсин, Ҳақ жамолини кўришдан иборат эди. Аммо бу нияти ҳеч амалга ошмасди.

Фироғий, неча вақт ўлди, хабар топмасман ул ёрдан,  
Ёнарман оташи ишқда, бу не тарҳус таваллодур?

Туркман халқининг буюк мутафаккири Махтумқули қандай ҳолатга тушмасин, қалбини безаган юксак самовий истак бир лаҳза бўлса-да, ўз ижобатини топа олмади. Бунда бирор ишора ҳам кўрмади. Узоқ вақт кутган, гарчи тахайюлга чўмса-да, дунё ташвишларидан тўла халос бўлолмаган Махтумқули соғлом ақл билан яна ижтимоий ҳаётга қайтади:

Кел, кўнги, бошингни чиқар тумандан,  
Якка қолдинг ғам уйида дард билан.

Махтумқули бошидаги туман тарқалганидан кейин яна турмуш ташвишларига шўнғийди. Туркман халқининг тақдири, ҳаёти яна унинг қалбини ларзага сола бошлайди. У тушқунликка берилиб, ўзини тасаввуфга бахш этган пайтида халқнинг аҳволи янада оғирлашган эди.

Аввалги Туркмансаҳро қани? Карвон-карвон ипаклари билан дунёга таратган шуҳрати қайда қолди? Бир пайтлардаги туркман буғдойи қани? Кўзни оладиган алвон тусли туркман гиламлари учун бир пайтлар тожирлар, ҳатто жонини беришга ҳам ҳозир эди. Қани ўша дунёга машҳур гиламлар?

Уруш-жанжал авж олган бу маконни, ҳатто карвонлар ҳам четлаб ўтарди. Савдо қилишга мол бўлмаса, улар ҳам нима қилсин? Юрт хароба саройга ўхшарди. Ҳаммаёқда қашшоқлик, турфа касалликлар кенг тарқалган. Ўз тинччини ўйлаган хонлар, беклар халқдан юз ўгириб, Эрон ҳукмдорлари билан хоинона тил бириктиришган.

Махтумқули ана шундай оғир бир вазиятда дунёдан юз буриб, сўфийликка берилса, инсофдан бўлармиди?! Кези келганда айтиш лозимки, Махтумқулининг тасаввуфга берилган даври

қанча давом этгани ва бу ҳолат қандай кўриниш касб этганини билмаймиз. У қаламдарлик хирқасини кийиб, ўз уйидан бош олиб кетдимиз, «хув Аллоҳ» дея узлатга чекиндими — бу ҳали шоир ҳаётининг ўрганилмаган жиҳатларидан биридир.

Шу бонс, аниқ ган айтиш қийин. Нима бўлган тақдирда ҳам, бу йиллар давомида шоир тасаввуф тарихи, ўз даврининг етук мутасаввуфлари, уларнинг фаолияти, XVIII асрдаги тасаввуф марказлари билан яқиндан танишган бўлиши керак.

Сен печук Махтумқули ёмонлигинг унутмадинг,  
Гоҳи-гоҳи золим ўлдинг, кўрганингдан қайтмадинг,  
Гоҳи-гоҳи сўфий бўлдинг, ҳеч ҳаромдан тоғмадинг,  
Билмадим сен қайси бўлдинг, белли бир иш тутмадинг,  
Не сипоҳийлик билан бўлдинг, не муллолик билан.

Шу ўринда яна бир нарсани унутмайлик: 1769 йилда Аҳмадшоҳ Дурроний Машҳадга юриш қилиб, Шохрух билан куда бўлгач, яна Шохрухни ўз ўрнига ўтқазиб қайтганидан кейин, барча туркманлар билан бирга Махтумқули ҳам иложсизлик, мавҳумлик, тушқулик гирдобиди қолади. Ўша даврдан то Аҳмадшоҳ Дурроний ўлгунига қадар, яъни 1773 йилгача Махтумқули бутунлай тасаввуфга берилган, деб ҳисоблаш учун асосимиз бор. Биз бу ўринда унинг тасаввуф оқимида бўлган йиллари ҳақида жуда қисқа маълумот бердик. Бу денгиздан бир томчи, холос. Унинг тасаввуфий шеърлари, тасаввуфга бахшида йиллари алоҳида тадқиқотларга, бутун-бутун китобларга мавзу бўлиши мумкин. Бу туркман ёхуд туркий адабиётининг ҳали тўла ўрганилмаган саҳифаларидир.

Ҳозирга қадар, асосан, тасаввуфнинг адабиётдаги инъикоси ҳақида ёзилган бўлса, эндиликда тасаввуфнинг инсон ва жамият тамаддуни ривожига иштироки, бу оқимнинг кўнгина халқларнинг руҳий такомиллашув жараёнидаги аҳамияти, қолаверса, этнографик нуқтан назардан тасаввуфнинг бугунги ҳаётимиздаги ўрни ҳақида кўплаб асарлар яратилиши лозим.

Гарчи тасаввуф ислом негизиди ривожланган бўлса-да, унинг илдилари исломиятдан илгариги даврларга бориб тақалиши кўпчиликка маълум. Унда қадимги Хитой, ҳинд, юнон фалсафасининг ҳам унсурларини кўриш мумкин. Бу замида бир пайтлар зардуштийлик, будда, насронийлик динлари ҳам кенг тарқалганини эътиборга олсак, бу таълимот қанчалик олис ва ранг-баранг тамаддун таълимотларидан озика олганини англашимиз мумкин.



Манбаларга кўра, Хитой ва бошқа Шарқ ўлкаларида кенг ёйилган буддавийлик таълимоти ҳам дастлаб бизнинг заминимизда қулоч ёя бошлаган. Насронийлик ибодатхоналари эса XI асргача фаолият кўрсатиб келган. Демак, ушбу динлар бутун Марказий Осиё халқлари, жумладан, туркман халқининг маданиятида ҳам ўз изини қолдирган. Бу жуда катта тажриба мактаби демакдир. Бундай тарихга жаҳондаги камдан-кам халқлар муяссар бўлишган.

Яна Махтумқули даврига қайтайлик. 1773 йилда Аҳмадшоҳ офир касалликка чалиниб, эллик ёшдан ўтганда вафот этди. Махтумқули эса, бу пайтда қирққа тўлганди. Унинг «ажаб айём» ҳақида умидларининг энг сўнгги учқунлари Аҳмадшоҳнинг ўлими билан қулга айланди. У ҳаёт муаммоларига тайинли ечим топа олмагани, Аҳмадшоҳга, «ажаб айём»га ишонгани учун пушаймон бўлади, ўтмишдаги хатоларини қайта сарҳисоб қилиб, афсус-надоматлар қилади:

Нодон манам, тушдим фалак тўрина,  
Қанча кутдим, ажаб айём келмади.  
Чидолмасман энди ҳижрон зўрина,  
Қанча кутдим, ажаб айём келмади.

Бу пушаймонликларнинг кўпи Аҳмадшоҳ Дурроний билан боғлиқ. Эсингизда бўлса, у сал аввалроқ:

Биз истадик улуғ ёрон,  
Қисмат бизни этди ҳайрон, —

деганди. Энди эса, ҳаётнинг паст-баландларини пухта ўрганиб бўлгач:

Хонга ҳамроҳ бўлма, феълинг озмаса,  
Шоҳ қизини олма, Худо ёзмаса.

Ёки:

Фариб тушсанг, албат очар айбнингни,  
Дўст бўлиб яшасанг буюк хон билан.

Ёки:

Эл ичида шоҳлар, хонлар,  
Заҳарли бир мора дўнди, —

дея фарёд чекарди. Демак, бу ўринда Аҳмадшоҳ Дурронийга ишора бор. Чунки у туркман элидан мадад олди-ю, қийин вазиятда эса унга ёрдам бермади. Шундан сўнг Махтумқули олий табақа вакилларида тамомила умидини узди. Уларнинг феъли, табиати ҳақида узил-кесил хулосалар чиқарди.

Махтумқули Афғонистонга борганидан, Аҳмадшоҳни мақтаб шеърлар ёзганидан қаттиқ пушаймон бўлади.

Сиёсат — осмонда сузиб юрган бир булутга ўхшайди. Булутга ҳамроҳ бўлган одам охири афсусда қолади.

Кетар бўлдим йигитликда иш билан,  
Ҳар ёна чопибман, юпун бош билан.

Ёки:

Аввали англамадим, билганлара бош эмадим,  
Бу балода кимса йўқ, мен бенаводан ғайри.

Бу сатрлар орқали балки Махтумқули «Ўғлим — Озодим» айтишувидаги воқеаларни, отасининг жон қойитиб, «орзулама хонни, бекни, султонни» деган ўғитини эслагандир? Сиёсат майдони ўзини бошқалардан устун қўйишга интиладиган инсонлар билан тўла эканини Махтумқули ўз тажрибасида ўрганиб чиққанди.

«Бошқалардан ажралиб туриш» деганда, Мавлоно Жалолиддин Румий билан боғлиқ бир ривоят ёдимга тушди:

Айтишларича, муридлари пул тўплаб, Румий ҳазратларига бир улов олиб бермоқчи бўлишибди. От қиммат бўлгани учун битта эшак сотиб олишибди. Бироқ, Ҳазрат Румий эшакка ҳам минмай, пиёда юраверибдилар.

— Мавлоно, эшакка минишни ўзингизга эп кўрмадингиз чоғи, — деб сўрашибди шогирдлари.

— Бунинг уч сабаби бор, — дебдилар мавлоно. — Биринчидан, Аллоҳ юрсин деб одамзодга иккита оёқ бериб қўйган. Нега ўз оёғим бўлгани ҳолда, бошқа бир жонзотга ўз юкимни ортаман? Иккинчидан, эшакка минсам, бошқалардан баландроқ кўринарканман. Одамлардан юқори кўринишга интилиш кибр бўлади. Мен кибрни ёмон кўраман. Учинчидан, мен эшак миниб юрсам, эшакнинг боши менинг бошимдан олдинроқ юришини кўрдим. Бу эса, менга маъқул келмади...

Махтумқули Аҳмад Дурронийдан фақат ўзи, дўст-биродарларигина эмас, балки унга ишонган қанча-қанча одамлар ҳам алданганига энди шубҳа қилмас эди. Шу боис, Аҳмадшоҳ ҳақидаги иддаоли фикрларини чуқурлаштиришни истамайди.

Келди қора бало, элни овлади,  
Даҳан очиб, тили билан ялади,  
Ваҳшат ила кўрганини талади,  
Узоқ кутдим, ажаб айём келмади.

Умунан, Махтумқули қирқ ёшида дунёга янгитдан қарашга, фикр-мулоҳазаларини қайта сарҳисоб қилишга киришди.

Умр — камондан отилган ўқ экан. Бир зумда ўтиб кетаркан. Бироқ бу ғавғоли замонда, келажакда уни яна қандай кунлар кутаётир? Нотинч долғали давр денгизида чайқалиб сузаётган тақдир кемаси уни қай юртларга, қай қирғоқларга олиб кетаркин?..



## ИККИНЧИ БЎЛИМ

Ёлғончида айланиб, олтимиш ёна қўл кердинг,  
Фонийни боқий билиб, роса елдинг-югурдинг...

### 1

Ота-онасиз, қариндошларсиз, дўстсиз, Менглисиз, зурриётсиз, қанотсиз қолган Махтумқули тин олиб, ўтган ҳаётига жиддий назар солди. Умрининг йиғирма йиллини Аҳмадшоҳ Дурронийга умид боғлаб ўтказди. «Туркманлар Аҳмадшоҳга юз қаратсалар, унинг атрофида жипслашсалар, ҳамжиҳатликка эришадилар, эр изидан бориб, эр бўладилар. Афғон давлатидан ибрат олиб, ўз давлатларини қура бошлайдилар, Аҳмадшоҳ қўшничилик, қон-қардошликни юз-хотир қилиб, ёрдам беради», деб ўйлаган Махтумқулининг орзулари сароб бўлиб чиқди. Аввало туркманларнинг ҳаммалари бир бўлиб, Афғонистонга мойиллик билдирмадилар... Кейин Аҳмадшоҳ Дурроний ҳам ўз сўзида турмади.

Шундай қилиб, Махтумқули вайронага айланган ўчоғининг бошида яккаю ёлғиз қолаверди. Ўчоқ тикламоқчи бўлганлар қани? Ўт ёқадиганлар-чи? Ўт-ўчоқнинг атрофида ким ўтириб гурун беради? Бир маҳаллар уйим деб, юртим деб кўкрагига муштлаб юрган туркманлар энди ҳар тарафга тарқаб кетаверадими? Кучларни жамлаб, қувватини бу буюк тоғлар, бу кенг саҳроларга сиғдира олмаган туркманлар Ҳиндистон, Хўтан, Рум, Ҳалаб ва Бағдод тарафларга йўл олдилар. Хўтанда хон, Бағдодда бек, Румда, Эронда шоҳ бўла билган туркман энди ўз элига, ўз юртига эга чиқолмаса, бу нима деган гап?! Қадим замонлардан бери, асрлар мобайлида бўлиниб-тарқалиб, ҳар тарафга ёйилиб, ёт элларга ўз қудратини кўрсатиб юрган асл туркман қадимги Нисода, буюк султон Санжар гуллатган Марви шоҳи жаҳонда, Деҳистонда яшайверса бўлмасмиди? Дарз кетган жойни тузат-да, яшайвер! Эҳтимол, туркманнинг ўзи худди шундай яратилгандир? Бир маконда яшаб, бошқа борар ери бўлмаса-да, отга мингашаверганини қандай тушуниш мумкин? Ё туркманлар Ўғизхоннинг «бир жойда турма» деган насиҳатини ўзларига байроқ қилиб олдиларми? Буюк Юнус Эмро:

Келинг дўстлар, танишайлик,  
Ишни осон қилайлик,  
Севайлик, севилайлик,  
Дунё ҳеч кимга қолмас... —

деб турганда, бу тарқоқлик кимга керак бўлди экан? «Кўсага ҳамма биттадан тола берса, соқолли бўлади» деган нақлни туркман оға унутдимми?

Ҳа, бу Ватан буюк фарзандларни етиштириб берди. Аммо, шу фурсатда унинг ўзи эгасиз қолди. Чор тарафда эса ёвлар от ўйнатиб юрибди. Нима қилиш керак? Жавоб бера оладиган мард борми?! Йўқ! Бунинг бошқа бир сабаблари бор!

Туркман ўзини тапиганидан бери унинг атрофидагилар бу элни парчалаш, бўлиш сиёсатини олиб бордилар. Бу жанговар халқни парчаламаса, уни енгиб бўлмаслигини, агар у бирлашса, жуда катта кучга эга бўлишини билишарди. Махтумқули ана шуларга кўзи етгани учун ҳам, қуйидаги сатрларни битганди.

Элининг куни бўлмаса, шоҳлар тахтдан тушар-кетар...

Махтумқули ўз юртидан шоҳ чиқмаганининг сабабини туркманнинг ана шу эркинлигидан, ўзбошимчалигидан деб билди. Туркманлар ажалдан қўрқиб, Азроилни сизлайдиганлардан эмас.

Ҳар бир туркман ўзича шоҳ. Шундай экан, у бошқа бир шоҳга қандай қилиб бўйин эгсин? Туркманларнинг Аҳмадшоҳга бир овоздан бўйсунмаганларининг сабабларидан бири ҳам мана шундан!

Фаройиб ҳодиса: туркманнинг қайсарлиги, мағрурлиги унинг бирлашиб, тил бириктириб, қудрат касб этишидан ҳам сақлайди, тарқалиб, йўқ бўлиб кетишига ҳам йўл бермайди.

Хўш, унда нима қилиш керак? Агар ана шу хислатлар, ғурур ва ифтихор туркманни йўқ бўлиб кетишдан асраган бўлса, демак бу куч халқни бахтли қилишга ҳам қодир. Бунга Махтумқули қаттиқ ишонарди. У халқ орасида «Тангри ягона, ота-она ягона, лафз ҳам битта бўлади» деган нақл бежиз тарқалмаганини яхши биларди.

**Фахр-ифтихор лафзи ҳалол одамдагина бўлади.** Махтумқули фақат бир йўл билангина мақсадга ета олишини биларди: Миллий ғурур туйғуси бора-бора қабилаларнинг, уруғларнинг бирлашишига, ягона давлат кура олишига сабаб бўлади. Махтумқули анча йиллар давомида бутун дунёнинг турли пучмоқларига тарқаб-тўзғиб кетган туркийзабон халқларни, шу жумладан туркманларни ҳам битта мақсад

йўлида бирлашишларини орзу қилди, шу мақсад учун ёниб-куйди.

Тақдир тўфони туркманларнинг бир бўлагини Шарқий Туркистонга ташлади, уларнинг кўпчилиги уйғурлар ва салир туркманларидир. Ҳиндистонда маскан тутганлари ҳам оз эмас. Ҳиротда, Рум диёрида ҳам кўпгина туркманлар яшайди. Ироқда, Сурияда яшаётган туркманлар ҳам Марказий Осиёни ўз Ватанлари деб билишади. Астраханга кўчиб кетган туркманлар то хануз ўз ватандошлари билан борди-келди қилишади. Агар ана шу тарқоқ эл бирлашганда эди, қизилбошлар ҳам тавбасига таянган бўларди. Зўр келганда улар ҳам аслида туркий қавм эканини эслаб қолишармиди?

Махтумқули ҳам шундай ўй-хаёлларга берилиб, ўз олдидаги мақсадларга эришиш йўлларини излади. Худди шу сабаб ҳам:

Аллоҳ қанот берса, Ҳиндистон учай,  
Узоқ кутдим, ажаб айём келмади, —

деган сатрлар ёзилди.

Шоир бу ўринда нега Ҳиндистонни эсга олди экан? Ахир у «Аллоҳ қанот берса, Румистон учай» дейиши ҳам мумкин эди-ку? Йўқ, унақа демайди. У турмуш шарт-шароити, тарихий воқелиқдан келиб чиқиб, унинг натижасида юзага келадиган фикрларга эргашади. Ҳиндистон тилга олинганининг ўзига яраша кўпгина сабаблари бор. Ҳинд-туркман муносабатлари (савдо-иқтисодий, ҳарбий, маданий ва маънавий соҳалардаги алоқалар, анъана ва урф-одатлардаги муштарак жиҳатлар ва ҳоказо)нинг қадим замонлардан бери давом этиб келадигани туркманларнинг Ҳиндистон ҳақидаги турли маълумотларга, Ҳинд заминига, унинг бой табиатига бўлган қизиқиши — буларнинг барчаси бирлашиб, халқнинг Ҳиндистон ҳақидаги тасаввурларини шакллантирган. Бирор ёқимли овоз эшитишса — хинд овозига ўхшатадиган, чиройли ранг кўришса — хинд қушларини эсга оладиган, бирор файзли маконга бориб қолишса — «Ҳиндистондек обод макон экан» дейдиган бўлишган. Халқнинг руҳига ўрнашган бу каби тасаввурлар дostonларга ҳам кўчиб ўта бошлаган.

Махтумқули ана шундай миллатдошларидан далил изламоқчи, улар билан суҳбатлашмоқчи бўлади. Қолаверса, Ҳиндистон — юксак тамаддун, буюк мутафаккирлар, олимлар, донишмандлар, мунажжимлар юрти. Балки улар туркман халқи қачон, қандай йўл тутса, «ажаб айём» келишини башорат қила олишар?!



Муҳаммад Шоҳ Туркман Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган пайтларда Нодиршоҳ зўрлик билан олиб қайтган «Товус тахт» ҳам, «Кўҳинур» олмоси ҳам аслида шу диёрнинг мулки эди. Шу билан бирга, Махтумқулининг саёҳатга ошуфта қалби Ҳиндистонни бориб кўриш иштиёқида ёнарди. Тўғрироғи, у Ҳиндистонни ва бутун дунёни кезиб чиқмоқчи эди:

Кўнгил айтар, гашт айлаб,  
Олам-жаҳонни кўрсам.

Ёки:

Кўнглим истар, кезсам, дунё-оламни...

Махтумқули ҳиндлар дини, марҳумларнинг жасадини ёқадиган миллат ҳақида ўқиган-эшитган бўлса ҳам, уларни ўз кўзи билан кўргиси келарди. Унинг қизиқишлари, гарчи ўзи ҳаётнинг турли зарбаларига учраса-да, худди болалик пайтидагидек ўзгармасдан қолганди.

Бу борадаги яна бир вазиятни чамалаб кўрайлик: Ҳиндистонда бошқа мамлакатларга чиқадиган йўллар кўп. Ўз халқининг старли даражада орқада, маҳдудлик ичида қолиб кетаётганига кўзи етган Махтумқули, балки ана шу маҳдуд ҳалқани бузиб чиқиш истагида «Ҳинд сори юзланиш» истагида бўлгандир.

Маълумки, у пайтлар узоқ сафарга отланиш учун жиддий тайёргарлик кўриш шарт бўлмаган. Махтумқули шоирлик анъаналарига кўра, янги танишган шоирларга ўз китобларини эсдаликка бериш учун шеърӣ қўлёзмаларини бир неча нусхада кўчириб ҳам қўйганди.

У, аини дамда, номи кенг тарқалган катта шоир эди. Исми, шеърлари тилдан-тилга ўтиб юрарди.

Исмим тушди элдан-элга,  
Нақш этарлар дилдан-дилга.

Махтумқулининг хаёлида Ҳиндистон янада жонланиб, тобора унга яқинлашиб борарди. Йўлга чиқаётган ҳар бир одамда бўлгани каби Махтумқули ҳам узоқ сафар олдидан кўнглидаги оғриқли нуқталарни ёдга олади. Ҳеч қачон унута олмагани, севикли Менглиси шу кунларда тез-тез ёдига тушиб, эзгин хотиралар уни азоблай бошлаганди. Сабаби, Менглининг ҳам оқ юзида ҳинди хол бор эди-да!

Балки, Ҳиндистонда Менглини учратиб қолар? Агар у ҳаёт бўлса, кимнингдир оиласини гуллатиб юргандир? Унда Махтумқули қандай қилиб бир инсоннинг хасми қошига бош

эгиб, юкуниб боради? Уни кўриб қолса, ўзини тутиб тура олар-микан?

Тўғриси, Махтумқули Менглини кўриб қолса, қай аҳволга тушиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилолмасди. Айрилиқнинг ёмон томони шундаки, вақт ўтгани сайин севгилингнинг қиёфаси туманга қоришиб боравераркан.

Лекин Менглига бўлган муҳаббати, ниҳқи шу қадар кучли эканки, ёши қиркқа етиб, ундан ажралганига йигирма йилдан ошган бўлса-да, бу кучли оташ алангаси кучайса кучайдики, пайсаймади. Менгли исмининг ўзи Махтумқули учун бир олам мўъжиза эди.

Менгли — Наврўз айёмининг эриб кетишга тайёр турган оппоқ қоридек беғубор. Менгли — бу дараларни гумбирлатган телба сел. Менгли — бу осмонга арғимчоқ ташлаган камалак. Менгли — бу жаннатнинг энг тотли меваси. Менгли — бу оламнинг ибтидосию интиҳоси. Махтумқулининг қалбидан Менгли ана шу тахлит жой олганди. Унинг «Ҳиндистонда хаёлим» деб номланган шеърида ҳам шундай сатрлар бор:

Менгли жонга ўт солар,  
Ўти жисмимда қолар.

Махтумқулининг ёлғизлик оташида ёнаётгани аниқ. Ўлганлар-ку, ўлди-кетди, аммо тириклайин йўқолган оға-иниларидан ҳам ҳанузгача дарак йўқ. Гоҳида акаларини эслаб, юраги эриб оқади:

Бу қардошсиз фонийда  
Нечук ўтар аҳволим?

Махтумқулининг бутун фикру зикри Ҳиндистон тарафга оққанида:

Кўнгил йўлга равона,  
Ҳиндистонда хаёлим,—

деган сатрлар дунёга келади.

Махтумқули энди Ҳиндистонга отланаман деб турганида, қизилбошларнинг катта қўшини яна туркманлар устига бостириб келди. Бу гал уларнинг асосий нишони Туркмансахронинг марказий шаҳарларидан бири Гургонга йўналган эди. Гарчи уруш узоқ вақт чўзилмаган бўлса-да, ҳар икки тарафдан кўплаб қурбонлар берилди. Гургон теварагидаги туркманлар тил бириктириб, қизилбошларга қақшатқич зарба бердилар. Ана шу жангда Эроннинг бўлажак шоҳлари Оғамуҳаммаднинг акаси, Фатҳалининг отаси Ҳасанқули ўлдирилди.

Гургон атрофидаги жанглар 1774 йилда бўлиб ўтди ва туркманларнинг ғалабаси билан тугади. Бу ғалабанинг ҳарбий нуқтаи назардан аҳамияти катта бўлмаса-да, сиёсий ва руҳий таъсири кучли эди. Бу ғалаба туркман халқини бирдамликнинг кучини англашга, ўз қудратига ишонишга даъват этди, туркманларда миллий гурурни янада орттирди. Албатта, бу Махтумқулининг жўшқин ижодига ҳам таъсир қилмасдан қолмади:

Қурганим аслида билгил, бу заминнинг миҳидир,  
Эрур ул эркин мудом, будир туркман биноси.

Агар бу мисралардаги гурур, ишонч ва кўтаринкиликка эътибор берилса, Махтумқулидан бошқа бирор шоир бундай шеърни ёза олмаслигига амин бўлиш мумкин.

У ана шундай кўтаринки кайфиятда Ҳиндистонга йўл олар экан, ўз халқининг яширин қувватига, эртами-кечми, барибир, бирлаша олишига амин бўлди.

Йўл-йўлакай кўплаб азиз-авлиёларнинг табаррук хоки ётган қадамжоларни зиёрат қилиб ўтди. Хусусан, ўз устозлари, халифаси Абу Саид Манолий ва Абул-Фазл Сарахсийнинг қабрлари ёнидан ўтаётганида, ҳар бирининг бошида Қуръон тиловат қилди.

Марвда тўхтаган карвон нафас ростлаш учун юкини туширган дамда Махтумқули Ҳожа Юсуф Ҳамадонийнинг чакалакзор ичида аранг кўриниб турган мақбарасини қидириб бориб, унинг ҳақиқа фотиҳа ўқиб қайтди. Гиштлири орасида не-не синоатларни сақлаганча сукутга толган Марви шоҳи жаҳоннинг қадимий деворлари, эски биноларнинг харобалари унинг юрагида маҳзун ҳисларни уйғотди. Атрофдаги барча иморатлардан баланд бўлиб турган Султон Сапжар мақбарасига узоқ тикилиб турди. Шу туришида у Салжуқий султонларнинг, бу шаҳарнинг бир пайтлардаги буюк шуҳратини, дунёга таралган довруғини хотирлади.

Қани ул шуҳратлар, қани ул шонлар? Ана ўша даврон бу шаҳарга яна қайтиб келармикин?

Муқаддас ислом дини бошқа жойларга қараганда бу музофотларга илгарироқ кириб келганди. Кейинчалик Умар Хайём, Ибн Синолар бу шаҳар аҳли илмидан баҳраманд бўлдилар, Навоий бу кентда гўзал бир масжид қурдирган эди. Бундай ибратли ишларни санаб саноғига етиш қийин. Сабаби Марви шоҳи жаҳон — Буюк Ипак йўлидаги бир олтин ҳалқадай шаҳар эди. Марвни кўрмай кетган сайёҳ бир умр армонда ўтарди.



Улуғ Марви шоҳи жаҳон,  
Вайрон бўлди, чекар фиғон...  
Махтумқули, очса даҳон  
Забондир муқом қошида.

Махтумқули «Марви шоҳи жаҳон» деб номланган дoston ҳам ёзган.

## 2

У даврлар Ҳиндистонга борадиган яқин йўл Афғонистондан, Хайбар довоидан ўтарди. Гарчи Аҳмадшоҳнинг ўлиmidан сўнг тахтга унинг ўғли Темуршоҳ ўтириб, мамлакатнинг умумий кўриниши ўзгармаган бўлса-да, бу юртнинг шуҳрати Аҳмадшоҳ Дурроний пайтидагидек эмасди.

Карвон афғон диёри бўйлаб борар, Махтумқули ҳам хотиралар юки остида хаёлга чўмган эди. Аҳмадшоҳ Дурронийдан алданиб қолгани, унга атаб қасидалар битгани учун, айни чоғда қаттиқ пушаймонлик майини сипқариб бораётган эди. Бу пушаймон, бу армонлар умр бўйи уни таъқиб этиши аниқ.

Хонга ҳамроҳ бўлма, феълинг озмаса,  
Шоҳ қизини олма, Худо ёзмаса...

Ёки:

Махтумқули яхши кўрарди ишини,  
Қирқидан сўнг жоҳил<sup>1</sup> бўлса одамзод...

сингари шеърлар ҳам ана шундай туйғулар маҳсули эди.

Бу сафар давомида кўрган-кечирганлари ҳақида на Махтумқулининг ўзи ёзиб қолдирган, на унга тегишли бўлган манбалардан бирорта маълумот топилмаган.

Ҳар қалай, узоқ сафарга чиққан карвон аҳли кўпдан-кўп воқеаларнинг гувоҳи бўлгани аниқ. Махтумқули шу чоққача кўрмаган ерларни кўрганида, айниқса, Афғонистондан, жанубдаги киш бўлмайдиган худудлардан ўтганида, тили, урф-одатлари, қадди-қомати, қиёфаси, кийиниши бошқача одамларни учратганида кўнглида ҳаяжон уйғонарди. У дунёнинг янги-ча, хилма-хил манзараларини кўраётганидан мамнун эди. Бир яланглиқдан ўтиб боришаркан, «қора чодирлилар» деб аталадиган қавми кўрди. Улар қоп-қора чодирлар тикиб, шунинг ичида умргузаронлик қилишар, уларнинг бадани ҳам, кийимлари ҳам қоп-қора эди. Фақат кўзининг оқи, тирноғи ва тишларидан уларни фарқлаш мукин эди.

<sup>1</sup> Жоҳил — ёш, балоғатга етмаган, ақли қуюлмаган деган маъноларда.

Қора чодирлиларнинг бир оқсоқоли карвондагиларни чойга чақирди. Аммо карвонбоши узр айтиб, йўлида давом этди. Негадир қоп-қора ранглардан чўчидими, ё бошқа ерда тўхтаб тин олишни ихтиёр этдими, бу ерда дам олгиси келмади.

Шарқ мамлакатларида карвонлар ўта эҳтиёткорлик билан йўл босадилар. Агар карвон аҳли бирор нарсадан салгина шубҳа қилса ҳам, шу ерда тўхтамай ўтади. Баъзи карвонларнинг қуролланган махсус отлик кўриқчилари ҳам бўлади. Катта карвонларку, ҳар доим зарурий эҳтиёт чораларини кўриб ҳаракатланишлари қадимдан маълум. Йўл-чўлни, муомалани яхши биладиган карвонбоши қароқчи-йўлтўсарлардан холи деб билган манзиллардагина тўхтаб, ҳордиқ чиқаришарди.

**«Карвон кўрса қароқчи қувонар»** дейдилар. Карвонлар шамол-бўрондан, ваҳший ҳайвонлардан ҳимояланишнинг ҳам чораларини кўриб қўядилар. Тўғри келган ерда нафас ростлайдиган карвонлар кўп ҳолларда аламдан бошларига муштлаб қолади. Эҳтиётингни қилмасанг, даладаги қашқирлар тўдасига ҳам дуч келиш ҳеч гап эмас. Карвон кўрса, кўз олдинда қум тўзғитиб, кўз очирмайдиган, қўрқинчли сас чиқариб, шу тўстўполонда туялар ва отларни кекирдагидан оладиган, қонини сўрадиган ваҳшийлар ҳар қадамда учрайди. Уларнинг номини қизилча бўри дейишади. Хуллас, карвоннинг душманлари оз эмас. Махтумқули қўшилиб кетаётган карвон ҳам бу хатарлардан холи эмасди.

Бир овулда тунаб, эрталаб йўлга тушишганида, бир тўда ярим-яланғоч одамлар карвоннинг йўлини тўсишди. Уларнинг юз-кўзларидан талончилик нияти йўқлиги кўриниб турарди. Карвон аҳли уларни четлаб ўтмоқчи бўлди, аммо бу иш бермади.

— Йўк, йўк, биздан осонликча қутулиб кетолмайсизлар, — дейишди улар. — Биз лўлилар (белуж тилида бу сўзнинг «газаида» деган маъноси ҳам бор) очимиздан ўлаётганимиз йўкку? Қўшиқ тинглайсизларми — бош устига, ҳозир қўшиқ айтиб берамиз. Товонимиз билан ерни тепиб рақс тушайликми, яна бош устига! Истасангиз, қип-қизил чўғ устида сакраб томоша кўрсатамиз. Айтинг, нима қилсак, кўнглингиз шод бўлади? Айтинглар, сиз бой — биз гадолармиз, сиз буюрасиз — биз бажарамиз. Сизлар садақа бермоқчи эмассиз, биз эса олмасак ўламиз. Буйруқ бering, қуллуққа биз шаймиз. Фақат садақа бeringлар! Аёлимга бering, қизимга, ўғлимга, жиянимга, тоғамга... ҳув ўрнидан туролмайдиган отамизга ҳам савоб учун бир нима ташлаб кетинг. Бering, бering, бери-и-и-инг!



Айтишларича, лўлиларнинг таомилига кўра, улар меҳнат қилиб нон топмайдилар. Тиланиб, ялиниб, алдаб, баъзан, ҳатто, ўғирлаб олишса олишадикки, аммо белкурак, чўкич, кетмонни қўлга олиб ишламайдилар.

Қадимда бир авлиё уларга раҳм қилиб, экин экиб тирикчилик қилиши учун буғдой берибди.

— Шуни, албатта, экинлар, ҳар бир донингиз минг бўлади. Тиланчилик балосидан қутуласиз.

Лўлилар миннатдорлик билан буғдойни олиб қолишибди. Аммо, шу кечанинг ўзида буғдойни қовуришибди, эртаси куни эса уни ерга эккан киши бўлишибди. Табиийки, бундай буғдой униб чиқмабди. Кейин эса, авлиёга бориб «ана кўрдингизми, худонинг иродаси шунақа, биз ерга уруғ сепсак ҳам униб чиқмайди», дея яна ўз билганларича яшаб кетишган экан. Карвон ана шунга ўхшаш воқеаларни кўриб, йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, Хайбар довонидан ошиб ўтди.

Мана, эртакларда, дostonларда таърифланган, Махтумқули ёшлигидан бери кўришни орзу қилган Ҳиндистон! Шарқнинг XVIII асрдаги уч устуни: Туркистон, Румистон, Ҳиндистондан бири.

Махтумқулининг қадами етганида Ҳиндистон қай аҳволда эди? Бу пайтда Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласидан бўлган Оламгир II ҳукмронлик қиларди. Ҳиндларнинг катта қисми Англиянинг Ост-Индия компанияси исканжаси остида эди. 1770 йиллардан бошлаб Бенгалия ҳам инглизларнинг қўл остига ўтди. Улар Ҳиндистонни французлардан ҳимоя қилиш баҳонасида бу ҳудуддаги ҳукмронлигини янада мустаҳкамлашга интилдилар. XVI — XVII асрларда Ҳиндистонни гуллатиб-яшнатган фаровонлик, тўкинчилик ўрнини унда-мунда очарчилик, қашшоқлик эгаллай бошлаган эди.

Ҳинд халқининг касталарга бўлиниши ҳам мамлакат тараққиётига катта тўсиқ бўлиб келди. Инглизлар бундан усталик билан фойдаланишди. Мустамлакачилар маҳаллий аҳолини шафқатсизларча эза бошлашди. Бобурийлар даврида тўпланган, ҳинд халқига табиат томонидан инъом этилган, Аҳмадшоҳ Дурроний ташиб улгурмаган бойликларни энди инглизлар очкўзлик билан талай бошладилар.

Бу ҳол ҳинд халқининг сабр косасини тўлдирган эди. Пичоқ бориб суякка қадалганди. Ана шундай воқеаларни, жараёнларни Махтумқули ўз кўзи билан кўрди. Ҳиндларнинг мустамлакачиларнинг йўлини тўсишга, ҳатто инсофга чақиришга



хам ҳақ-ҳуқуқи йўқ эди. Бу каби камситишлар, қуллик тизгинига бўйин эгмаганлар учун кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жазолар қўлланар экан. Буларни ўз кўзи билан кўрган Махтумқулининг қай аҳволга тушганини тасаввур этиш қийин эмас.

У умри давомида кўпгина зўравонликларга гувоҳ бўлган, аммо бу каби оммавий шафқатсизликларни кўрмаганди. Инглизларнинг ўзга юртлардан келиб, бу ерда хўжайинлик қилишга интилишларини кўриб, қони қайнади. Халқнинг бундай хор-зор бўлиб яшаётганидан дили вайрон бўлди. Ҳиндистон сафари асосида қалбида жўш урган улуғвор умидлари яна чилпарчин бўлганидан ўкинди. Ўша лаҳзаларда унинг хаёлидан қуйидаги сатр ўтган бўлса ажаб эмас:

Ҳиндистонни оҳу зор хароб айлар...

Бу сатрнинг дунёга келиши бежиз эмас. Халқнинг табиатидаги юмшоқлик, ҳалимлик, ўзганинг қалбига озор етказишдан кўра, ўз кўнглининг офришига йўл бериш, ёмонлардан ўзини олиб қочини, тирик жонзотга озор бермаслик, чидамлик, кечиримлик Махтумқулининг эътиборини тортди.

Ҳиндистондаги яна бир жиҳат унинг диққатини жалб этди. Бу ерда ҳинд халқи муқаддас деб билган сигирларнинг шохи тескари томонга қараб ўсаркан. Махтумқули бундан ҳам ўзига хос маъно чиқарди. Бу «мен сени сузмоқчи эмасман», дегани эмасмикин?

Махтумқули Ҳиндистонга борганида, инглизлар ҳали Деҳлига, мамлакатнинг ғарбий қисмларига етиб бормаган, мусулмонлар, хусусан, туркий халқлар ҳам асосан шу ерларда истиқомат қилишарди. Улар ҳам маҳаллий аҳолининг урф-одатлари, анъаналарига хийла мослашиб, ҳатто тиллари ҳам ёт лаҳжаларга мойиллашиб қолган эди.

Буни кўрган Махтумқулининг юрагидаги умид шуълалари бутунлай сўнди. Танишиб, гаплашиб, кўнглига қўл солиб кўрганида, уларда туркийлик руҳи анча ўзгаргани, она Ватан, ота макон улар учун ўзгача маъно касб эта бошлаганини англади. Англади-ю, юраги пора-пора бўлди. «Биз булардан ёрдам олармиз, деган умид билан келсак, буларнинг ўзи кўмакка мухтож-ку», — дея ўкинди Махтумқули.

Ватанни тарк этмоқ, гарчи бу тушунча ҳар хил сабабларга асосланиб баҳоланса-да, охир-оқибатда бу ўзликни йўқотмоқ эканини Махтумқули яна бир бор ҳис қилди.

«Эшит, одам! Ўз юртингдан бошқа диёр сенга Ватан бўла олмас!»

Ҳар бир халқ Ватан туйғусини ўзича талқин қилади. Туркманларда «туркманчилик» деган кенг тушунча, чўнг маъиони ўзида мужассам этган сўз бор. Айнан шу сўзнинг изоҳи бир нечта китобга жо бўлади. Халқ ўзини англай бошлаган дамлардан бошлаб, бу сўз ҳам бойиб, ривожланиб, кенгайиб келяпти. Бу сўзнинг тушунтириб бўлмайдиган, изоҳлаш қийин бўлган жиҳатлари ҳам бор. Бунга халқнинг ўзигагина хос коди, пароли, сири деб, ўзаро танишув ва тушунмоқнинг энг муҳим қуроли деб қарамоқ жоиз. Эҳтимол бу код барча инсоний туйғулардан юқорироқ турар, шу сабабли уни тўла тушуниб етишнинг имкони йўқдир? Шу боис «туркманчилик»ни тушунтириш сўзни шамолга совуриш билан баробар. Зотан, тушунтириб, сўз билан ифодалаб бўлмайдиган тушунчалар ҳамма халқда учрайди.

Мана, Махтумқули ҳам кўрган-эшитганлари юзасидан ҳар қанча фикр юритмасин, туркманчилик нуқтаи назаридан ўз туйғуларига ҳамоҳанг жавоб ололмади. У ердаги туркийлар, туркманлар эндиликда ҳиндийлашиб кетишган эди. Озчилик кўпчиликка бориб қўшилгач, барибир, кўпчилик устун чиққан эди. Улардаги туркманчилик туйғуси туманга қоришиб кетганди. Албатта, улар орасида ҳам туркман халқи бирлиги учун жон койитадиганлар йўқ эмасди. Аммо шундай бўлса-да, бу ердаги туркманлар бошқа-бошқа майл-хоҳишлар билан яшашарди.

Махтумқули узоқ мушоҳадалардан сўнг Ҳиндистондаги туркманларнинг Туркменистонга, Туркменистондаги туркманларнинг эса Ҳиндистондаги миллатдошларига ёрдам қила олмаслигига амин бўлди.

«Туркманнинг яна бир шоҳи кесилибди-да!» — дея ўйлади у армон билан.

Махтумқули Ҳиндистоннинг кўп ерларини, айниқса, кўпрок мусулмонлар, туркманлар яшайдиган ҳудудларини гоҳ пиёда, гоҳ ҳўкиз қўшилган араваларда, гоҳ фил устида кезиб чиқди.

«Найлайин ман сафил кезиб, Ҳиндистоним бор менинг!»

У Ҳиндистоннинг ранг-баранг табиатини қизиқиш билан кузатди. Ҳайвонот ва наботот оламини ҳайрат ичида томоша қилди. Ўз тапасини ерга солланиб турган шох-бутоқлари, барглари билан беркитишга уринган дафна оғочларини болдирларини ҳаё билан яшираётган Менглига ўхшатди. Қора қошлари ўртасига ясама хол қўйиб юрган ҳинд қизлари ҳам унга Менглини эслатди.

Юзларида ҳинди холи  
Муносиб бир жонон борми?

У ҳамма жойда Менглини излади. Кул бозорларида ҳам занжирбанд қилинган Менглини қидирарди. Қуриган ёғочлар устига хашак ташлаб, чайла қуриб яшаётган камбағаллар орасидан ҳам Менглини ахтарди. Тўп-тўп бўлиб кезиб юрган қашшоқ-тиланчилар орасидан ҳам Менгли худди «Махтумқули-и-и!» дея чиқиб келадигандек бўлиб туюларди.

Эҳ, бечора Махтумқули! «Ошиқда онг бўлмас» деганлари шудир-да! Махтумқули сингари буюк қалб соҳиби ўз ихтиёри билан қуллик занжирига, гадолик ҳаёт тарзига мойил бўлармиди?! Йўқ, Махтумқули бундан кўра ўзини дарёга отишни афзал биларди.

Ҳа, бу оламда юрак деб аталмиш, гапга кирмас, қайсар бир бало ҳам бор-да!

Ҳиндистоннинг ажойиб табиати, ҳиндларнинг то ҳануз инглизлар истибдодига бош эгмай келиши Махтумқулига қаттиқ таъсир қилганди. Айниқса, баҳор пайтларда бу ҳудуд жаннатдек яшнаб кетади. Хусусан, Декан воҳасининг тупроғи нақ олтинга баробар. Ҳақиқатдан ҳам бу замин тупроғини олтин деса бўлади. Агар чўп суқса, кўкаради. Ўрмонларда ҳали умрида дуч келмаган дарахтларни кўриб, Махтумқулининг ҳайрати яна ҳам ошиб борарди.

Бир дарахт бағридан худди сутга ўхшаш суюқлик оқиб тураркан. Сал тортсанг синиб кетади. Яна бир дарахтнинг шохида ҳар бири одамнинг калласидек келадиган мевалар битаркан. Ҳар бирининг оғирлиги ботмонча келади. Ўрта қисмида — мағиз ўрнида қаймоққа ўхшаган ёқимли шира бор экан. Яна бир дарахтдан мушк-анбар хиди уфуриб тураркан. Айниқса унинг шохларини оловга ташланса, шунақа хушбўй хид таратардики... Яна бир дарахтнинг шохларидан тиш ковлаш учун мисвок қилинаркан.

Турфа маймунлар эса шохдан-шохга сакраб, тинимсиз чийиллашади. Албатта, ўзга юртда, ҳатто шамол ҳам бошқача эсаётгандек кўринади. Бундай жаннатмонанд ўлкани кезиб, шеър ёзмай бўларканми?

Ҳиндига бахш этмиш ернинг яхшисини.

Иссиқда фақирликдан авратини аранг беркитиб юрган гадоларни кўриб ҳам, сатрлар тизилиб келаверади.



У ҳиндларнинг, айниқса, филларга бўлган ҳурматини диққат билан кузатди.

Ҳиндистон шаҳарларида, қалъаларида, баланд-баланд иморатларида бўларкан, шоирнинг баҳри-дили очилди. У Деҳлида Қутбиддин Элтутмиш минораси («Қутб минор»)ни кўрди. Туядек харсангтошлардан тикланган бу нақшинкор минора Бухородаги, Хивадаги минораларга ўхшаса-да, уларга нисбатан бир-мунча маҳобатли, савлатлироқ туюлди. Бу минорага қараб Ҳиндистоннинг беқиёс куч-қудратини, ғурурини кўриш мумкиндай. Миноранинг шундоққина остида баланд, йўғон устун ўрнатилган эди. Ҳиндларнинг айтишича, бу устун минорадан ҳам аввалроқ тикланган экан. Уни қадим замонларда одам боласи ўз қўли билан ўрнатганлигини ақлга сиғдириш қийин. Эҳтимол, бу янада йирикроқ бошқа бир иншоотнинг ажралмас қисми бўлгандир?

Махтумқули неча асрлардан бери нурамай, қуламай келаётган бу устунга бир муддат тикилиб қолди. Бу ерда унинг қалбидан кечган туйғулар шеърга синггани аниқ. Аммо, унинг бу борадаги шеърлари ҳали топилганича йўқ.

Махтумқули баланд тепаликдаги кўкка бўй чўзиб турган жоме масжидида бир неча марта намоз ўқиди. Бу масжид Ҳиндистондаги мусулмонларнинг энг муқаддас қадамжоларидан бири эди. Масжиднинг баланд минораларини, кенг ҳовлисини, ҳовли саҳнидаги ҳовузни кўриб кўзингиз қувнайди!

Бу маконда қанчадан-қанча мўъмин-мусулмонлар саждага бош қўйиб, Яратганга таваллолар қилмади экан?! Уларнинг кўпчилиги эса, фақиру фуқаролар, камбағаллар бўлгани аниқ. Махтумқули уларни синчиклаб кузатарди. Ярим-яланғоч, қуёшда қорайган, куйиб-ёнган баданлар, кўзлари ёшли, бағри садпора юраклар, хилма-хил чехраю қиёфалар Махтумқулининг юрагида бир умр муҳрлашиб қолди (у кейинчалик бу кечинмаларини «Гузашт айла» шеърида ҳам акс эттирган).

Ҳиндистон турли динларнинг вакиллари аҳил яшаётган замин сифатида ҳам Махтумқулининг эътиборини тортди (турли динларнинг бир-бирига сабр-тоқатлилигини, аҳиллигини биз бугунги кунда «толерантлик» тушунчаси остида англаймиз). Оташпарастлик, ҳиндуизм, насронийлик, ислом... Айниқса, ҳиндларнинг ўзлари ясаган қўғирчоққа ўзлари топиниши Махтумқулига жуда ғалати туюлди. У тасаввуфга берилган йиллари Аллоҳ жамолини кўришга қанчалик иштиёқманд бўлиб юрган кезларини хотирлади. Ҳар бир бутпарастнинг уйида ўз худоси кўр тўкиб туради. Эътиқоддаги бундай тафовутлар Махтумқулини бефарқ қолди-

ролмасди. Зотан, қизиққонлик унинг қонида бор. У ҳиндларнинг мурдаларни оловда ёқишларини ҳам ўз кўзи билан кўрди. Уларнинг ақидасига кўра, агар жасадлар куйдирилмаса, марҳумнинг руҳи озор топар эмиш.

Етмиш икки миллат кўмар ўлигин,  
Сакпараст миллати лошин ёндирар.

Қизиқ, ҳиндларнинг ўлик ёқишлари рост. Аммо, улар сакпарастмикин? Итларга сизиниш ҳиндларнинг табиатида учрамайди-ку? Балки, Махтумқули «сакпараст» сўзини кўчма маънода ишлатгандир? Ёки асрлар давомида кўлёмаларнинг қайта-қайта кўчирилиши, хаттотларнинг хатолари сабаб «сакпараст» деган сўз пайдо бўлиб қолдимикан? Балки XVIII асрларда туркманларда маъжусийларга нисбатан «сакпараст» ифодаси қўллангандир?

Қадимги оташпарастлар, хусусан, форсларда ҳам ўликни кўмиш одати бўлмаган. Улар жасадни баланд миноралар устига чиқариб қўйишган. Қарға-қузғунлар лошнинг то суяклари қолгунча чўкиб битиришган. Агар қушлар жасадга тегишмаса, буни марҳумнинг бадбахтлиги деб билганлар.

Бундай одат исломдан илгари Туркмакистон ҳудудида ҳам учрагани тарихий манбаларда ўз аксини топган (С. Демидов маълумотлари).

Қуйидаги шеърларни ўқисангиз яна кўп нарса ойдинлашади.

Лочинсиз чўл ерда қолган маслиқман,  
Мени кўрган лошлар йиғлар ҳолимга.

Ўз юртида марҳумлар ювилиб-поклаиб, кафанга ўралиб дафн этилади. Астраханда насронийлар жасадларни ёғоч тобутга солиб кўмишади. Бу ерда эса тамомила бошқача манзара.

Шу онда Махтумқули Нодиршоҳнинг бир пайтлар динларни бирлаштириш борасида кўтариб чиққан ғоясини эслади. Фақат динлар эканми? Аслида бир халқнинг бошқа бир халққа қўшилиб, аралашиб кетиши ҳам яхшиликка олиб келмайди. Махтумқули ҳар бир халқнинг ўз йўли, яшаш тарзи бор деб билади. Ҳар бир миллат ўз одат-анъаналарини, тилини, динини, қадриятларини, эрки ва озодлигини кўз қорачиғидек асраши лозим. Бу миллатнинг, халқнинг баркамоллигини, ўсишини таъминлайди.

Етмиш икки миллат бўлак-бўлакдир,  
Бу бўлакдан қўшма ўзга бўлакка.

Махтумқули Бобурийларнинг пойтахти бўлган Агра шаҳрида ҳам бўлиб, оламга машҳур Тожмаҳал мақбарасини узоқдан томоша қилди. Унинг гўзаллиги, бетимсол эканлигига ич-ичидан ишонч ҳосил қилди.

Куш чиқиши билан аввал мақбаранинг оппоқ гумбазлари қуёшнинг заррин нурларига чўмилади. Кейин фалакка санчилган оппоқ миноралар қуёш ёғдусига беланади. Унинг пойида оқиб ётган муаззам Жамна дарёсининг мовий сатҳида яна бир Тожмаҳал сирли чайқалади.

Ҳиндистон уйғонмоқда. Азон саслари таралади. Кўчаларда одамларнинг шовқини эшитила бошлайди. Дўконлар олдида харидорлар куймаланади. Йўл бўйида шифобахш гиёҳлар солинган халтачаларини тиззаси устига қўйиб ўтирган табиблар миждозларнинг йўлини пойлайди.

Бир бурчакда соқоли кўксига тушган мўйсафид ёшроқ йнгитнинг чап кўлига тикилганча фол кўради. Сал парироқда яна бир саллали ҳинд най чалиб, илон ўйнатиш билан овора. Бошқа бир бурчакда яна бирови кўзбойлоғичлик қилиб одамларни ҳайратга солади.

Кўчаларда қора терга ботиб, арава тортиб юрганларга ҳам ҳар қадамда дуч келиш мумкин. Йўл четидаги дарахт соясида яна бир йўловчи ҳўкизининг устига миниб, оёқларини унинг шохлари орасидан осилтирганча, атрофга олазарак боқади.

Ана, каттакон филга қўшилган оқ-яшил тусли кажавада ёшгина жувон чайқалиб боради. Филбон эса, «пўшт-пўшт»лаб одамлар орасидан филига йўл очади.

Ярим-яланғоч, афтода йўловчилар, оёқларининг бошмалдоғига узук, тўпигигача ҳалхол, бурнига булоқи таққан қиз-жувонлар. Қулоғига сирға, белига қилич тақиб олган йигитлар... Ҳар ким ўз ташвиши билан овора. Бу оломон, одамлар оқими ичида Махтумқули ҳам бор. У ўзининг оппоқ бўз яктаги, бошида Менгли тикиб берган қалпоғи билан ҳаммадан ажралиб туради. Ҳаммага ҳайратланиб қарайди. Йўловчилар эса, унга эътибор ҳам беришмайди.

Агар унга диққат билан назар солишганда эди, Тожмаҳал аталмиш мўъжизани ўз кўзлари билан кўрган Махтумқулининг қалбини эзиб келган неча йиллик дард бироз муддат чеқинганини, анчадан бери эгилиб келган бўйни тикланганию кўнглига бирмунча осойиш инганини англаган бўлишарди.

Ҳиндистонда Махтумқулига ҳамроҳлик қилаётган таниши ҳам ундаги бу ўзгаришларни сезмади. Олимларнинг тахмини-



ча, Махтумқули ўша ҳамроҳи сабаб санскрит ва урду тилларини ўрганган бўлиши ҳам мумкин.

Унинг ҳамроҳи ким эканлиги бизга ҳанузгача номаълум. Биз уни то ҳануз билмаймиз. Шоирнинг ўзи ҳам бу ҳақда ҳеч қандай маълумот қолдирмаган. Ёзиб қолдиришни истаган бўлса, нимадир бунга монелик қилган бўлиш мумкин? Шоирнинг шуидай мисралари бор:

Ҳамроҳ қилдим бозугарни, йўртиб-кезиб Ҳиндистонни.

Махтумқули ўз орзулари йўлида Ҳиндистон шаҳар-қишлоқларини кезаркан, кўнлаб инсонлар билан ҳамсуҳбат бўлди. Айниқса, ҳинд мунажжимлари билан қилган баҳсу мунозаралари унинг хотирасида ўчмас из қолдирди.

Бобурийзода ҳукмдор Акбаршоҳнинг бош вазири Байрамхоннинг, асли туркийларга мансуб бўлган шоир Мирзо Ғолибнинг аждодлари билан суҳбатлар қилди, ўша даврдаги ҳинд адабий муҳити вакиллариининг даврасида бўлди. Уларнинг ижоди билан танишди, уларни ўз ашъорларидан баҳраманд этди.

Махтумқулининг эътиборини бу ердаги туркманларда туркманчилик анъаналари сақланиб қолганмикин, улар туркманларнинг муштарак ҳаёти ҳақида ўйлашадими, туркмани бахтли қилиш учун, ғафлатдан уйғотиш учун ҳаракат қила олишадими, деган саволлар ҳам банд этганди, Махтумқули бу борада қайта-қайта салбий хулосага келди. Бу чин ҳақиқат эди. Ҳақиқатнинг юзига эса тик қараш лозим. Мана, миллатни миллатга қўшиб юборишнинг оғир оқибати!

Этмиш икки миллат бўлак-бўлакдир,  
Бу бўлакдан қўшма ўзга бўлакка.

Махтумқули Ҳиндистонда узоқ вақт бўлди, кўп сонли элатларнинг ҳаётини ўрганди.

Найлайин ман сафил кезиб, Ҳиндистоним бор менинг.

Бу юртдан қайтганидан кейин ҳам Ҳинд юртининг қиёфаси унинг тасавурида шуълаланиб турди. Махтумқулининг бу ўлка туркманларидан кутган умиди ўзини оқламаган бўлса-да, пучга чиққан орзулар Ҳиндистон таассуротларига соя сололмади. У кейинчалик Ҳиндистонга яна қайтадан сафар қилишни дилига тугди.

Тахмин қилиб кўрамиз: Махтумқули илк матбуот нашрлари ҳақида ҳам Ҳинд мулкида тасаввур ҳосил қилган бўлса, ажабмас. Чунки, нашр этила бошланган «Бенгал газет» ўша замонларда Шарқдаги дастлабки босма ахборот воситаларидан эди.

Шоирнинг ҳозирга қадар босилган шеърларида, ўттизга яқин жойда Ҳиндистон, ҳинд сўзлари тилга олинади.

### 3

Махтумқули Ҳиндистондан чиққач, Чин-Мочин, Туркистон, Хўтан тарафларга сафар қилди.

Туркистондур хаёлим,  
Очгил, Тангрим, сен йўлим.

Ҳиндистон табиати, бу юртнинг очиққўнгил одамлари, гўзал иншоотлари шоир қалбига чуқур кириб боргани сайин, ўзининг жондан азиз юрти — эгасиз, тарқоқ туркман диёри шунчалик шуълаланиб, соғинтира бошлади. Шундай лаҳзаларда овулда қолган келинойиси, синглиси Зубайда кўз олдига келарди. Ҳиндистонда ҳам дараги чиқмаган, аммо ҳар қадамда ҳинди холли қизларни кўрганида, юрагидаги оловга ёғ сениладиган Менглихонни айни лаҳзаларда қанчалик соғинганини ҳис қиларди. Махтумқули Менгли билан яшаган йилларни тез-тез ёдга оларди, эслагани сари бағридаги яралар янада кўпроқ зирқирарди. Бунинг устига, туғишган акалари Абдулла билан Муҳаммадсафонинг доғу ҳасратини айтишг! Жигарбандларининг йўлига кўз тикиб, армон билан дунёдан ўтган падари бузруквори-чи? Ҳали-ҳануз қабрида тилч ёта олмаётгандир? Унинг барча қавм-қариндошларини бир жойга тўпласа, битта катта карвон бўларди. Энди бу карвондан санокли одамларгина қолди. Ҳар бир туркман ўзидан ўғил қолишини, уйининг чироғи ҳамиша ёниқ бўлишини истайди. Аммо, унинг умид чироғи сўниб бормоқда.

Эр йигитда ўғил йўқдир,  
Ўчоқ йитиб, юрт инграйди.

Махтумқули ўз юртини қанчалик соғинмасин, Ҳиндистондан тўғри ватанига қайтмади. Чин-Мочин, Туркистон тарафларга кетишининг ҳам сабаби бор эди. Авваламбор, бу маконларга яқин келдими, кирмасдан ўтса, дилда армон бўлиб қоларди. Бу ўлкалар ҳам худди Ҳиндистон сингари тилларда дoston эди. Бу заминда қадимий хунармайдчилик, ипакчилик азалдан тараққий этгани ҳам шоирнинг эътиборини тортганди. Қадимий туркманларнинг бир қисми, хусусан, салир элати шу томонларда истиқомат қилар, Махтумқули ҳам бу ердаги ўз миллатдошларини кўрмасдан ўтолмасди. Туркман тарихининг ҳали тўла ўрганилмаган саҳифаларидан бири бўлган Отаниёзхон ҳаёт

йўлини ўрганиш ҳам Махтумқулини шу сафарга ундаган бўлса, эҳтимол. Ким билсин, бунга биз кўзда тутмаган, биз билмаган яна қанчадан-қанча сабаблар бор бўлиши мумкин.

Табийки, Махтумқулининг асосий мақсади — кўҳна дардларига дармон топиш, сарҳадларни бирлаштириш эмас, қалбларнинг тафаккурда, сўзда ва амалда бирлашуви эди. Ҳиндистонда ўз кўзи билан кўрганлари унинг дин борасидаги қарашларига ҳам катта таъсир кўрсатди. Динларнинг турли-туман кўриниши унинг тасавурида бир эврилиш пайдо қилганди. Барибир, кўз билан кўриш бошқача экан.

Китоб очиб, анча динга дуч бўлиб,  
Ислон қайси, Қуръон қайси, билмадим.

Ёки:

Бутпарастлар бутдан олса муродин,  
Ҳақдан сўрган хожатини олмасми?

Бу — шоирнинг ўзига-ўзи берган саволлари эди.

Мана, Махтумқули турфа ўй-хаёллар билан янги бир мамлакатга — Чин мулкига кириб борди. Бу юртнинг ҳам табиати, манзаралари гўзал экан-у, аммо булар Махтумқулини Ҳиндистончалик ўзига мафтун этолмади. Одамларнинг калта бўйлари, қисик кўзларига тез кўникиб кетолмади. Ҳиндистонда форс, туркий ва урду тилларида гаплашишар, бу тилларни Махтумқули яхши биларди. Аммо хитойликларнинг тилини тушуниш жуда қийин, ёзувлари янада мураккаб экан. Ҳар қалай, уйғурлар Махтумқулининг жонига оро киришди. Улар хитойча гаплашишнинг ҳадисини олишган экан.

Махтумқули бутпарастларнинг роҳиблари билан ҳамсуҳбат бўлди. Улар ичидан мунажжимларини топиб, ўз халқининг толедан фол очишни сўради. Улар бу халқ келажаги ҳали анча вақт қоронғилигича қолишини айтишди.

Махтумқули уларга ишонди. Ишонмасликнинг иложи ҳам йўқ эди. У сочлари тап-тақир қилиб қирилган роҳибларнинг нималарга қодирлигини ўз кўзи билан кўрди. Уларнинг бири чордана қуриб ўтирганча, аллақандай афсунларни ўқиб, ердан одам бўйи балаңликка кўтарилиб, яна қайтиб тушди. Яна бири бошмалдоғи билан кўрсаткич бармоқ суякларни орасидан ингичка сих ўтказди, бир томчи ҳам қон чиқмади. Яна бири эса, Махтумқули билан ёнма-ён ўтирган ҳолда, бирдан йўқолиб қолди. Бироз ўтиб, яна ўз жойида пайдо бўлди. У бошқаларга кўринмаслик илминини пухта эгаллаб олган роҳиб экан.



Маълум бўлишича, бу даражага етиш учун узок йиллар тинимсиз машқ қилиш, комилликка эришиш, ёлғизликка кўникиш керак бўларкан. Ҳа, одам тинимсиз машқ қилаверса, жуда кўп нарсаларга эриша олади-да. Тасаввуфда ҳам шундай ҳолатлар учрайди.

Махтумқули яна бир юртга кириб борди. Бу ерда кўпхотинлик эмас, балки кўпэрлик анъанаси мавжуд экан. Масалан, оилада катта ака бир аёлга уйланса, унинг укалари ҳам улғайиб шу аёлга уйланиши мумкин экан. Яна қизлар ўз ошиқларидан ҳалқа олиб, бўйнига тақиб юрадиган бир тоифа бор экан. Қизнинг бўйнидаги ҳалқа қанча кўп бўлса — бу унга уйланмоқчи бўлган талабгорларнинг кўплигидан дарак бераркан.

Баъзи бир тоифаларда эса, уй эгаси меҳмоннинг иззати учун бир оқшом аёлини унинг ёнига киритиши таомил саналаркан.

Махтумқули, шунингдек, бу тарафларда ҳам вафот этган яқинларининг жасадини бир тепаликка ташлаб келиш одати борлигини кўрди. «Ўлгандан сўнг одамзод учун алоҳида қабристоннинг нима кераги бор, дунё шундоқ ҳам бошдан-оёқ қабрлардан иборат-ку?» дейишди бу қавм вакиллари.

Шу лаҳзаларда Махтумқулининг хаёлидан ушбу мисралар ўтган бўлса ажабмас:

Одам ўғли қаримаса, ўлмаса,  
Қарич ер топилмас экин экмоққа.

Эҳтимол шу атрофлардаги уйғурлардан бири Махтумқулига ҳамроҳ бўлган, йўл кўрсатган, таржимонлик қилган бўлиши мумкин. Махтумқули бу мамлакатда Ҳиндистондагидек узок ушланиб қолмади. У, асосан, туркманларнинг салир қабиласи яшайдиган манзилга йўл олди. Салир бобо, Салир Қозон сингари ботир, довюрак қаҳрамонларнинг наслидан бўлган салирлар (айрим манбаларда солор, салар деб ҳам юритилади) туркман халқининг шаклланишига катта ҳисса қўшган, дунёнинг турли минтақаларига бўлиниб кетган эди.

Чин-Мочида тахтин қурган,  
Эрону Афғонни сўрган,  
Ҳиндистон, Ҳўтанга борган  
Отаниёзхон кўринур.

Шундан сўнг Отаниёзхоннинг бу ерга келиб-кетганининг яхши жиҳатларини қидира бошлади. У оқсоқоллар билан, хонлар, беклар билан бир дастурхондан нон-туз еб, уларнинг

кўнглига қўл солиб кўрди, гап орасида ўзининг ҳам бу ерларга нима сабабдан келганини қистириб ўтди. Асосан, бу ерда қадимий туркманчилик анъаналарига қандай амал қилинаётганини зимдан кузатди. У туркманчиликни доимо туркманнинг юраги деб биларди. Азалий урф-одатларига амал қилмай қўйган туркманни эса туркман деб ҳисобламасди.

Махтумқули бу ерда кўнгли орзу қилган манзараларга дуч келмагани учун юраги зиркиради. Туркман дарахти яна бир бутоғидан мосуво бўлганини англади. Бу ердаги салирлар ўзлари яшаган ўлканинг ватан деб билар, бошқа юртда ҳам туркманлар борлигини хаёлларига ҳам келтиришмасди.

Махтумқулининг хаёлида эса, яна ўша фикрлар такроран чарх урарди:

Етмиш икки миллат бўлак-бўлакдир,  
Бу бўлакдан қўшма ўзга бўлакка.

Салирларнинг оқмон ва қорамон қабилалари VIII—XI асрларда (хитойлик салир профессори Юнусбейнинг фикрича эса, XIV асрда) номаълум сабабларга кўра Марказий Осиёдан кўчишади. Ҳар тўданнинг карвонлари қай тарафга бурилса, ўша ёққа йўл оладилар. Шу тариқа оқмонлар Хитой томонга, қорамонлар Балх ва Марв тарафларга йўл оладилар. Фикримизча, Жалолиддин Румийнинг ота-боболари ҳам айнан қорамон тўпига мансуб бўлсалар керак. Улар Балхдан ҳозирги Туркия тупроқларига борганларида, салирлар зич яшайдиган Лоранда ва Кўния ҳудудларида маскан тутишган. 1277 йилда илк бор турк тилини расмий тил дея эълон қилган Султон Меҳмет ҳам қорамон ўғли эди.

Махтумқули ҳар қанча қайғу-ҳасратга дуч келиб, туғилган макони эсига тушиб, юраги эзилса-да, ўзини маҳкам тутди. Туйғуларга эрк бермади.

Унинг яна бир улуғ мақсади Хожа Аҳмад Яссавийнинг қабрини зиёрат қилиб, унинг руҳи покига атаб Қуръон тиловат қилиш эди. Махтумқули тасаввуфий турмуш тарзига, дарвишлар, сўфийлар ҳаётига ҳамиша қизиқиб келганди. Яссавий ва Боқирғоний Махтумқулининг назарида энг етук шахслардан эдилар. У яна ўзининг тасаввуфга берилган дамларини эслади. Бу икки шахс билан боғлиқ сатрлар Махтумқулининг юрагидан сизиб чиқарди.

Туркистон неча асрлардан бери тасаввуф илми марказларидан бўлиб келмоқда. Аҳмад Яссавий эса бу мактабнинг энг

буюк устунни эди. У ушбу заминда яссавия тариқатига асос солган. Халқ орасида «Мадинада Муҳаммад, Туркистонда Хожа Аҳмад» иборасининг кенг тарқалиши ҳам бу улуғ бобомизнинг эл аро юксак мавқе касб этганидан далолат беради.

Буюк сўфийлар, мутасаввифлар Аҳмад Яссавийнинг қаторида бўлишни ўзларига бахт деб билишган. Шу боис одамлар Ясси шахри томон оқиб кела бошлашган. Улар ичида Сулаймон Боқирғоний ҳам бор эди.

Борди қари Боқирғон,  
Шул Туркистона сари, —

деган эди Махтумқули бир шеърида. Шоирнинг «Ҳайрондадур, ҳайронда» радифли шеърида ҳам бу улуғ зотнинг номлари тилга олинади.

Берди унга Ҳақ раҳмат,  
Нури тажаллий, қудрат,  
Хирқа кийган Хожа Аҳмад  
Сайрамдадур, Сайрамда!

Махтумқули ёшлигидан Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларини қайта-қайта ўқиб келарди. Яссига келаркан, ўша дамларни, мадрасадаги сабоқдошларини, гавжум ҳужраларни ёдга олди. Ниҳоят, Яссига ҳам етиб келди. У ўзининг маънавий устозининг муҳташам мақбарасига кўзи тушиши билан ўпкаси тўлиб, йиғлаб юборди. Мақбарага олиб келувчи ўйдим-чуқур йўлларни отда, эшакда, туяда, фойтунда ўтиб келаётган зиёратчилар орасида пиёдалар ҳам кўпчиликини ташкил этарди. Оёқяланг, йиртиқ-ямоқ кийим кийган, етим улоқ каби бўзлаб келаётган соч-соқоллари ўсиб кетган, нолаю афғон чекиб, кўзларидан шашқатор ёш тўкиб келаётган одамларни кўрди.

Йўл азобидан эзилган, ёрилиб тилим-тилим бўлган бу оёқлар шу пайтгача не-не манзил-мақонларни ошиб ўтмади, қанча-қанча денгизу дарёларни кечмади экан? Бу одамлар ҳар қадамида, ҳар нафасида буюк пир Аҳмад Яссавий номини зикр этиб келишарди.

Махтумқули дарвишсифат, қаландарнамо одамларга ҳам ачиниш, ҳам алланечук ҳавас билан боқди. Уларга қўшилиб кета олмаслигини ўйлаб, кўнгли ўксиди. Чунки, унинг дарди дарвиш, қаландарларникига қараганда ҳам оғир, унинг юраги Ватан дарди, юртдошлари қайғуси ила лиммо-лим тўла. Бу қайғу-аламлар бир умр уни тарк этмаслиги ҳам аниқ эди.



Элу юрт ғамида ошиқ бўлганнинг  
Дунё учун юрагида ғам бўлмас.

Махтумқули ўз элидан айро яшолмаслигини яхши биларди. У  
ёт элларга, узоқ ўлкаларга аслида ўз элига янада яқинроқ бўлиш  
учун кетмадимми?

Гўзал юртим, сен деб дунё кезарман.

Махтумқулига умид ва ишонч бахш этган, ҳар қандай туш-  
қуликка тушса-да, кетаётган йўлидан ортга қайтармай, олға бо-  
сиши учун ғайрат-шижоат бағишлаган куч — унинг ўз халқига  
бўлган меҳри, ўз элининг қудратига, имкониятларига нисбатан  
самимий ишончи эди. Махтумқули учун энг катта бахт — турк-  
ман халқининг иқболи, порлоқ келажаги эди.

Мана, ҳозир ҳам у Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси устида  
тикланган муҳташам иморатни олисдан кўриб, кўнглида минг  
бир хил туйғу жўш уриб бораркан, Яссавий бобомизнинг эл ора-  
сида эришган обрў-эътиборига, сўфийлик ва шоирлик иқтидорига  
чин дилдан ҳавас қиларди.

Падари бузруквори мулла Давлатмамат ҳам Аҳмад Яссавий  
лаҳоси, унинг валийлик рутбаси олдида бир умр бош эгиб яша-  
ганини эслади. Уларга насиб этган юксак мартабага ўзини ҳам  
эриштиришини Аллоҳдан илтижо қилиб сўради.

Яссавий мақбарасининг яшил гумбази узоқдан кўш нури-  
да ярақлаб, илоҳий шуъла сочаётгандай бўлди, мақбарага  
қараб, юраги қалқиб кетди.

Мақбара биносининг ичига ҳам қадам қўйди. Мана, ўша  
довруғи тилларда дoston бўлган қирқ қулоқли дошқозон (Ҳозир-  
ги ўлчовда бу қозоннинг оғирлиги икки тонна).

Буюк аллома қабри устидаги бу муаззам иншоотни Соҳибқирон  
Амир Темур қурдирган экан. Аҳмад Яссавий ҳақидаги ривоят-  
ларнинг бирида айтилишича, бобомиз — ўз қабрига оёғи билан  
кирган ягона шахс ҳисобланаркан.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, ул зот Пайғамбаримиз  
(с.а.в)дан узоқроқ яшашни истамай, олтмиш уч ёшдан сўнг ер  
остида кириб кетганлар. Ер остида қанча вақт умр кечиргани  
аниқ маълум эмас. Айрим ривоятларда 120, бошқаларида эса, 128  
ёшгача ер остида ҳаёт кечирганлари айтилади.

Балки, бу шунчаки рамзий бир ҳаракат бўлиши ҳам мумкин.  
Аммо, ул зотнинг Ҳазрати Пайғамбаримизга бўлган ихлоси ана  
шундай юқори бўлганлиги шубҳасиз.

Яссавий ҳазратлари бу дунёи дунда ҳеч бир инсон етиша олмаган обрӯ-эътиборга, мартабага эришган, дунёнинг султонун саркардалари, шоҳ ва акобирлари ул зотнинг оёқлари остига олтин-кумушларни келтириб тўкканлар. Мана шундай ҳадсиз-ҳисобсиз бойликка, мартабаю обрӯ-эътиборга қарамасдан тириклик чоғидаёқ узлатни ихтиёр этган зот — Яссавий ҳазратларидир.

Махтумқули айни дамда худди ёшликдаги дўстининг қабри бошига борган чоғларидагидек ҳазин ҳислар қуршовида қолганди. Бир пайтлар отаси ҳам Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларини ўқиб, унинг ҳаёт йўли ва кароматлари ҳақида ҳикоя қилиб берарди.

Ё иқлим эгаси Аҳмад Яссавий,  
Менинг соҳибжамолимни кўрдингми?

Махтумқули айни дамда улуғ устознинг оёғи теккан тупроққа пешонасини босаётгани учун ҳам шукр қилди. Қалбидаги раббоний ҳис-туйғулар жўшиб, тўлқинланиб, кўзларидан қайноқ кўз ёшлари дарё бўлиб оқди.

Шоир энтикди, тўлқинланди, йиғлади. Ўз ҳолига ўзи хайрон қолди. Ё раб, бу нимаси бўлди-а? Инон-ихтиёри қўлдан кетиб, кексалик яқинлашаётганидан даракмикин?

Махтумқули кейинчалик ҳам бу лаҳзаларни кўп эслади, ул зотнинг ҳикматларини тез-тез эсга олиб турди:

Чекканимиз қайғу-ҳасрат,  
Бу не ходис, бу не уммат?  
Туркистонда Хожа Аҳмад,  
Унинг номи йитиб бормиш.

Махтумқули вақти-вақти билан ён-атрофига бўйланиб қарарди. Дарвишларнинг Яссавийга бўлган садоқати, ихлоси уларнинг кўзларида яққол акс этарди. Улар ўзини унутиб, манг-лайнни тошга уриб, ерларда судрала-судрала, тиззаларини яра қилиб Яратганга ёлворишарди, буларнинг оху полалари олдида Махтумқулининг Яссавийга нисбатан ихлоси, муҳаббати арзимасдек туюлиб кетди.

Ана, уларнинг оху зори дунёни тутиб кетмоқда. Худди бу дунёда Яссавий ва унга вафодор дарвишлардан бошқа ҳеч ким йўқдек.

Аллоҳу-у Аллоҳ! Аллоҳу-у-у Аллоҳ!

Бу дарвишлар турли эллардан, турли юртлардан келганига шубҳа йўқ. Демак, Яссавий дунёнинг кўп миллатларига таъсир

эта олган. У бутун инсониятни эзгуликка, иймон-эътиқодга, покликка даъват этган. У фақат бир халқ учунгина ижод этгани йўқ, у бутун инсониятга тегишли!

Аслида бундай улуғлар бутун бани башар манфаатини кўзда тутганлар. Хўш, унда нега Махтумқули ўз устозлари, салафларининг йўлидан бормай, фақат ўз эли, туркман халқи учун жон койитмоқда?

Бу савол Махтумқулини узоқ муддат ўйлаштириб келди. Кўпдан-кўп мулоҳазалардан, гумонлардан, иккиланишлардан сўнг аниқ бир хулосага келди: ўзга халқларга бахт-саодат, фаровонлик тилаш ҳам — бу ўз халқингга бахт, тўқинлик, ободончилик тилаш дегани экан. Шоир одам «халқим» деб нола чекса, бу бутун инсониятнинг бахт-саодати йўлидаги илтижолари экан. Ўзи туркман халқи учун жон чекиб, туркманни бир ўчоқ теварагида бирлаштирмоқ — пировардда турк дунёсини, қолаверса, бутун олам аҳлини ҳамжиҳатликка чорлаш орзуси эканини Махтумқули аллақачон тушуниб етганди.

Отаси мулла Давлатмамат ҳам шу фикрда эди. Махтумқулининг ушбу мисралари ҳам ана шу фикрнинг мантикий давомидир:

Туркийлар боғласа бир ерга белли,  
Қуритар Қулзумни, дарёин Нилли.

Халқ деган аниқ тушунча умумхалқ аталмиш мавҳум атамадан кўра ишончли ва таъсирли эканини Махтумқули яхши биларди. Қолаверса, у тарқаб бораётган халқига «туркманим!» дея хитоб этса-да, бу ҳайқириқ халқни бирлаштириш, унинг миллий ғурурини юксалтиришга ҳозирча ожизлик қиларди.

Махтумқули умуминсоний мақсадларга миллий қарашлар ҳам қўшилиб, уйғунлашиши лозим деган хулосага келган эди. У қирқ йиллик умри давомида ёзган шеърларидан лаззат олди, ammo кўнглида ўз элига хизмат қилгиси, унинг мушкуллини осон этгиси, уни нурли манзиллар томон бошлагиси келарди.

Ҳозирча эса у қай бир эшикка бормасин, уларнинг кўпчилигини ё ёпиқ, ё эгасиз кўрди. Шу боис, Махтумқули баъзан чор атрофдан бостириб келаётган ғам лашкаридан қочишга ҳам жой тополмай қоларди. Ана шундай кезларда Менглининг қадри билинарди. Қанийди, ҳозир у ёнида бўлса? Мард йигитлар жангга кириб, ярадор бўлиб чиққанида, ҳар бири ўз қалбининг соҳибасидап дармон топади. Махтумқули-чи, бу жанг асоратларидан қандай халос бўлади?



Унинг қалқинини ўй, йе Махтумқули.  
Унинг даровинини сам дароинини бетлар.

Менгали унинг кўзини қаридига қаради ҳам. У кетган,  
қалби айронга айланган, дунялиб кетди. Бир кўзлар ортда  
Қондур сингари сунган тови берди. *Тили дўстга келди*. Хар  
дом қавақда турганидан қариндон урушари берди. *Хану та  
борса келди*.

У ҳамир шунчалар бегина, *қалб соғини ҳам ундан ажратган*  
га ўқарди.

*Мама соғини бегинани қилган  
Бу аламга бегини соғини берган*

Махтумқули йети шахрида турганида бундай дунялилар кел  
са қалқинлар, шу атрофини оқла бу дунялилар. *Бегини қалқинга  
бўлади*. *Қисқик ва ўзбек бирларларининининини тугруни қалқин бегини  
хотдан танишиди*.

*Қисқик эчки сувар, қўй, синир қалмас,  
Махтум қалқинни қўларини қилди*.

Махтумқулининг қўларига теран бегинан, унинг бошга туш  
ган танишлардан *ижкиф* бўлган адамлар унинг олдин жамон  
қалқини эмаслигини яхши хис қилдишарди. Хис қилган аса, у бе  
дин *жамон* танишинини интилишарди. Кейин ўша суқбатларди  
шаринини шеърлари янграр, саиодли кишилар бу шеърларни  
кўчириб олишарди. Баъзилар *ижкиф*даги ўз қораламаларини  
Махтумқулига қолдириб кетишарди.

Махтумқули бу шеърларга ҳудди жангга кирган аскар қаби  
ёхуд нам тушроққа ташланган уруғ қаби қарар, уларнинг аскар  
қаби галаба қозонишига ёки тўқ уруғдек ҳосил беришига ишонар  
ди. Қўнигидаги ана шу яширин ишонч — унинг ягона ёрдамчи  
си, туганмас илҳом чашмаси эди.

#### 4

Махтумқули ўз ватани томон йўлга тушганида, яна овулидаги  
воқеаларни, Менглини, дўстларини, тирик қолган қариндошла  
рини бирма-бир ёдга олди. Юрагини соғинч олови камраб олди.  
Ахир, уларни сира унутмаган эди.

Махтумқули қайси юрт, қайси шаҳарга бориб, қўл бозор  
ларини айланганида, Менгли ва акаларини сўраб-суриштир  
ганида, умиди тўлганганида, унинг юрагида яна илинж уйғо  
нарди.

У йўл-йўлакай Самарқанд, Бухоро, Хиванинг осмонўпар миноралари, мақбаралари, зиёратгоҳлари ёнидан ўтаркан, марҳумлар ҳаққига дуойи фотиҳа қилиб борди. Айниқса, Бухоро ва Хива унинг ёшлик дамларини ёдга солди. Хивадаги Шерғозихон мадрасасида кечган йилларини миннатдорлик билан эслади.

Ҳар дам унутмасман олтин эшигини,  
Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал «Шерғози!»

Бу сатрларни сиз ҳам эсладингиз.

Бухоро ва Хивада жуда катта қул бозорлари бўлган. Махтумқули бу бозорларни юрак ҳовучлаб айлади. Борди-ю, қўлига кишан солинган, кийимлари тўзиб кетган, бошини қуйи солиб ўтирган афтодаҳол Менглини кўриб қолса, не аҳволга тушаркин?

Йўқ, бундай кўргилик Махтумқулига насиб этмади. Бирок, бу бозорларда эл-юртидан, эркидан айро тушиб, ўзга ўлкаларга жория қилиб келтирилган, Менглига ўхшаш ўнлаб бахтиқаро занфаларни кўрди. Уларни кўриб, юраги тилка-пора бўлди. Инсон тақдири бу қадар фожияларга бой эканини ўйлаб, ичидан ғазаби тошиб кетди. Қанийди, қўлидан келса-ю, ўз ҳаёти бошқалар учун шунчаки фойда манбанга айланган инсонларни битта қўймасдан озод қилиб юборса. Кошки битта-иккита қулни озод этиш билан бу машъум савдо тугаб қолса? Бу бозор юз йилдирки, тўлмайди, бўшаб ҳам қолмайди.

Махтумқули ўзини шу қуллар ўрнига қўйиб кўрди. Ҳаёли узоқ-узоқларга қочди. Ҳайҳот, қулларнинг устида қамчи ўйша-тиб, муртини ялаб харидор чорлаётган қулфурушлар ҳам, шу бечоралардан бирини сотиб олиш учун ҳамён очётган хожалар ҳам инсон-ку, ахир? Ҳар қалай, улар ўзларини инсон, инсонларнинг энг буюғи деб билишади. Улар инсоннинг инсон устидан эгалик қилмасдан яшай олишига ишонмишмайди. Аслида оёқ-қўлларига занжир солинган бу шўрликларни ҳам она дунёга келтиргани, уларнинг ҳам опа-сингиллари, ака-укалари, яқинлари, қалби, ўз эҳтиёжлари борлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўришмайди. Қачонлардир булар ҳам озод эдилар, ўз оилалари, уйлари, рўзгорлари бор эди. Мана энди ўз тақдирларини ўзлари сингари ожиз бандаларга топшириб, уларнинг қўлларига мўлтираб туришибди. Э воҳ, қуллар йиғласалар — хожалар куладилар, қуллар салгина жилмайса — эгалари шубҳага тушиб, уларни қийноққа соладилар. Банди ҳам, хожаси ҳам Аллоҳ дейди. Қани бунда адолат?! Наҳотки бу золимларнинг зулми-ю, бечора қуллар чекаётган жабру-жафо ҳам қодир Аллоҳнинг иродаси бўлса?



Азалдан туркман халқида қул сақлаш, қул савдоси унча ривожланмаган. Бир ҳисобдан шуниси ҳам дуруст. Бу ибтидоий одат қадим замонларда кенг тарқалиб, инсон ор-номуси, шаънига нисбатан ҳақорат сифатида яшаб келаётганини баъзи ёшул-лилар суҳбатидан, зеҳнли уламоларнинг асарларидан билиб олганди.

Аслида бу халқнинг қонини, наслини, ҳозирги тил билан айтганда, миллат генофондини тоза, соф сақлаш билан боғлиқ ҳаракат эди. Қул-чўрилар ҳам, асосан, Эрон томондан келтирил-лар, бироқ халқ ўз қонини бошқа қонга қўшишни эп билмасди. Айниқса, жория масаласида одамлар жуда эҳтиёткор бўлишган. Босқинчилик ҳужумлари пайтида олиб келинганларини ҳам иложи борича тезроқ бошқа элларга сотиб, қутулиш пайида бўлишарди. Уйда ёшгина жория хизмат қилиб юрса, уйдаги бўз йнгитларнинг тарбияси бузилиши, хаёли бўлиниши, фикри айни-ши мумкинлигидан хавотирланишган. Ким жорияга қўл теккиз-са, унга уйланиши шарт бўлган. «Қўл чўздингми, эгалик қил» деган нақл ҳам шу мақсадда айтилган.

Бу жиҳатдан «қон» сўзи аслик, тарбиялилик, хайрихоҳлик тушунчалари билан боғлиқ бўлган. «Қонига тортибди», «Қон билан кирган, жон билан чиқар», «Қиз онасига тортади, ўғил ота-сига», «Қайнатса қони қўшилмайди» сингари нақл ва иборалар ҳам бежиз айтилмаган. Одамзоднинг насл-насаби масаласини-ку, бир четга қўя турайлик, туркман эли азалдан бедов отлар етиштиришда ҳам бу масалага жиддий қараган. Жонивор қони-нинг тозалиги энг учқур, кучли отларни етиштиришда ҳам муҳим эди.

Махтумқули ўз элининг удумларини яхши билар, уларда халқ даҳосининг теран тафаккури яширин эканини ич-ичидан тан оларди.

Азалдан шарқ халқларида «мард» ва «номард» деган ту-шунчалар бўлган. Тарбияли, инсофли, ҳаромдан парҳез қилади-ган, ҳалол иш тутадиган, ожизга раҳм қиладиган, золимнинг жа-зосини берадиган одамларга нисбатан «мард» сўзи ишлатилган. Номард эса, унинг акси.

Махтумқули ўз аждодларининг ғоялари, урф-одатларида ҳам қон софлигига интилишни кўради. Номард мард одамдан дунё-га келмаслигига юракдан ишонади. Бу нима, фатализм эмасми? Таълим-тарбиянинг аҳамиятини бутунлай инкор этиш эмасми? Отаси ўғри бўлса, ўғли ҳам ҳар қанча тарбия берма, ўғри бўлиб етишаркан-да?



Ибрат, намуна — кучли восита. Айтилган маслаҳат ҳар қанча ақлли бўлмасин, айтадиган, кўрсатадиган ибратинг намуна олгулик бўлмаса, ёмонлик енгади. Мана, халқ ақл-идроки ана шундай жиҳатларни, шарт-шароитни ҳисобга олган ҳолда юзага келлади, юксалади. Бу борада ҳаётдан жуда кўп мисол келтириш мумкин. Ген масаласида то ҳануз ечимини топмаган жумбоқларнинг кўплиги ҳам шундан.

Хивадаги ўзбеклар, қорақалпоқлар, туркманлар — Махтумқулининг узоқ қариндошлари уни жуда илиқ қарши олишди. Унинг шеърлари бу тарафларда кўп доврӯғ солган, аллақачон минглаб қалбларни забт этиб улгурганди. Хонандалар, бахшилар унинг шеърларига куй басталаб, қўшиқ қилиб айтардилар.

Демак, шоирнинг:

Махтумқули, сўзларим созга қўшса уз бўлар, —

деган мисралари ўз ижобатини топибди.

Хива хонлигидаги туркманлар Махтумқули шеърларидаги ўтли даъватларни таъсирланиб ўқишар, аммо амалда бирлашиш йўлида бирор ҳаракат сезилмасди. Бунда қабила бошчиларининг қўли борлигини Махтумқули яхши биларди. Чунки, қабилалар қанча тарқоқ, оғзи ола бўлса, бошчиларнинг ҳокимияти шунча узоққа чўзилади-да.

Махтумқули Туркмансаҳродан, Атрек бўйларидан, Қариқалъадан, бошқа томонлардан кўчириб келтирилган, қочиб келган гўклагларнинг тураржойларини бориб кўрди. Агар юрт обод, замона тинч бўлганида, улар бу ерларда эмас, ўз юртларида, бир пайтлар жаннатнинг бир бўлаги ҳисобланган маконларида яшаган бўлишарди.

Махтумқули бу ерда кўп таниш-билишлари билан юзлашди. Улар билан бирга кечган воқеалар ёдга олинди. Қадрдон овулининг бир чеккасига кўзи тушгандек бўлиб, кўнгли кўтарилди. У узоқ муддат денгизда сузиб, ниҳоят олисдан ерни кўриб қолган денгизчидек, тинимсиз қудуқ қазиб, ниҳоят сувга етишган деҳқондек сизди ўзини.

Яқинда Атрек, Гургон тарафлардан келган мусофирлардан ўз юрти, таниган-билганлари ҳақида қайта-қайта сўради. Хуш-хабарга ташна кўнгил бу хабарлардан қаноат ҳосил қилармиди? Кўнгил-ку, ўз йўлига, кўзнинг нигоронлигига қандай чора топиш мумкин? Ахир кўзлар тезроқ ўз юрти, ўз эли, ўз яқинларини кўрмаса, сабр-тоқат иш берадимиз? Бу ердаги одамлар ҳам яхши сўзга, дилкашлар суҳбатига интиқ эдилар. Яна атроф-жавоиб-

га донг таратган, ҳар бир сўзи шеърга дўниб, юракларга кириб борган улуф Махтумқули билан юзма-юз суҳбатлашини ҳам бахт эмасми?

Махтумқули шеър, сўз, ҳикмат қадрини қанчалик юқори тутса, бу ерликларнинг ҳам ихлоси бундан кам эмас экан.

Мана, қоронғи тушиши билан катта майдонда гулхан ёқилиб, шеърият, кўшиқ, маърифат шайдолари жамланиши. Шеър кўшиқлар оҳанглари олис-олисларга тарала бошлади.

Мана, Махтумқули завқу шавққа тўлиб шеър ўқимокда. Тингловчилар шеърнинг гўзал оҳангига, унинг замиридаги пурмаъно ҳикматларга тобе эдилар. Шунда ҳам тингловчиларнинг чанқоғи қонмади.

Сабаби, бу шеърларда шу ерда ўтирганларнинг кўнгилларидаги изтироблар акс этган эди. Шеърлардаги сўзларнинг ҳар бири ўтирганларнинг қалбига кириб борган эди.

Махтумқули бу шеърлари орқали ҳар кимнинг юрагидаги туйғулар шамойилини чизиб берган эди.

Бундай таъсирли шеърлар ёд олинмаслиги, кўчирилмаслиги мумкинми?! Бу шеърларни тинглаган одамлар ўзларининг инсон эканини яна бир бор дилдан ҳис қилдилар. Шундай шеър ёзган инсонни кўриб турганларидан қувондилар ва ўзларини бахтиёр сездилар. Бу улуф бир ифтихор эди. Инсон бўлиб туғилишдан гурурланиш туйғуси эди бу. Махтумқулига кераги ҳам шу эди.

Инсоннинг энг кучли тарафи — бу унинг сўзидир. Ўз сўзи шу қадар қудрат касб этганини кўриш — шоир учун улуф бахт, буюк эҳтиром. Шоирнинг чўккан кўнгли шу ерда буюкликка интилди.

Бандасиман сўзга харидор қулнинг.

Махтумқули Қорақумдан ўтадиган карвон етиб келгунча Хивада бўлди. Шу орада унинг хаёлига яна бир янги фикр келди: агар туркманлар ҳозир бирлашмасалар ҳам, бирлашини ғоясини уларнинг онгига қуявериш керак, вақти келиб бу ишлар ўз самарасини берар? Қолаверса, ўзидан мисол: унинг шеърлари ҳам бу ғояларнинг халқ ичида тез тарқалишига хизмат қилиши мумкин экан. Эҳ, кўлингдаги қиличнинг дами ўткир эканини билишинг учун ҳам фурсат керак экан-да!

Махтумқули «Бу ниятларим амалга ошмасдан, ҳаммаси тескариси бўлиб чиқиши ҳам мумкинми?» дея ўзига ўзи савол бериб кўрди. Унда туркман халқи Ер юзидан тамоман йўқолиб кетадику? Аммо, Махтумқули бу пайтларда туркман халқининг асрлар

бўйи чиниқиб, товланиб келаётган олий хислатлари — ғайрат-шижоати, зеҳн-фаросати, ўтмиш даврларда бошига тушган ташвишларни мардонавор енгиб келаётганини ёдга олиб, бу халқнинг келажаги ҳам шунга яраша ёруғ бўлишига ишончи ортди. «Бундай халқ тарқалиб кетиши мумкин, аммо, барибир, қачондир қайта бирлашади. Ҳар қалай ҳеч қачон тарих саҳнасидан йўқолиб кетмайди. Сабаби, бу халқ неча марта йўқ бўлиб кетиш хавфи туғилганда ҳам, охир-оқибат омон қолган. Бу борада унинг тарихий тажрибаси катта...»

Бундай фикрлар Махтумқулининг хавотирли кўнглига озми-кўпми таскин берди. Унинг дастлабки фикри туркманларни тезда бирлаштириш эди. Аммо тарихий ҳақиқат, халқнинг муайян бир даврдаги ҳол-аҳволига тушуниб етиши учун вақт керак экан. Бирлашмоқ дегани — ажрашиб кетиш сингари тез ва осон амалга ошадиган иш эмас экан, балки бу ғоя йиллар, асрлар ўтибгина ўз самарасини бериши мумкин. Махтумқулининг энди-энди бунга ақли ета бошлади. Лекин кўнгилни кўндириш қийин, у бу эзгу ишни тез орада амалга оширишни истаган экан. Умр эса, вафо қилмайди, ўз оқимида оқаверади.

Махтумқули ақл ва кўнгил зиддиятига умрида илк бор дуч келиши эмасди. У бунга кўниқиб ҳам кетганди. Бу шоирликнинг асосий шартларидан биримикин? Ана шундай хаёлларга берилиб, узундан-узоқ карвон йўллари бўйлаб кетиб бораркан, Махтумқулининг фикр-ўйи яна қадрдон овули томон оқди. У худди йигирма яшар йигит каби тоқатсизланиб, тезроқ юртига етиш ҳаваси билан ошиқмоқда. Карвоннинг эса ўз йўли, ўз тезлиги бор. У Қорақумнинг кўз илғамас кенгликлари, баланд-баланд барханларидан ошиб ўтиб, қанча қудуқ ва сардобалар ёнида тўхтаб, охири бир водийга етди. Чўлларда паррандаю даррандалардан эсон-омон ўтиб келган карвон энди қароқчийўлтўсарлардан эҳтиёт бўлиши керак.

Узоқдан тоғларнинг боши қорайиб кўринарди. Ўпкасига оқиб кирган таниш, қадрдон ҳаводан у яна эски хотираларини титкилашга тушди. Бир тепаликдан ошиб ўтишганида, беш-олти този ит шиддат билан елиб бораётганини кўришди. Шу пайт уларнинг ёнидан бир туркман отини қамчилаб, салом бериб ўтди. Унинг чап қўли жиловни маҳкам тутган, ўнг қўлида ўткир кўзли овқуши — лочинни маҳкам ушлаб олганди.

Махтумқули бу овчи йигитга ҳавас билан қараб қолди. Ма-на, туркман саҳросининг асл эгаси! Йўрғалаб бораётган отингдан, йигит! Искандарникидек мағрур бошингдан, сенинг! Тоза,



самимий, беғубор юрагингдан! Ана шундай мард йигитлари бор эл Ер юзидан йўқолиб кетармиди?!

Бундай элнинг қалъаси мустаҳкам бўлади. Туркманнинг ғанимлари азалдан жуда маккор бўлишган. Улар истасалар, бирлашиб, ҳар лаҳзада туркманни яксон қила олардилар. Аммо, туркманнинг биноси мустаҳкам.

Ана, отини сапчитиб, оқ телпагининг шокилаларини ҳавода ҳилпиратиб бораётган йигитга қаранг: «Душман босди!» десаңг бас. Шу лаҳзада унинг ўзи олғир лочинга айланади, оти ўқ бўлиб олдинга отилади. Ё ғанимни ер тишлатади, ё ўзи ҳам мардларча ҳалок бўлади. Унинг бошқа бир нияти йўқ. Сабаби, Гўрўғли — унинг оғаси, Дада Қўрқут — отасидир.

Улар ўз авлодларига оқ телпак кийдиришаркан, бошнинг оқ булутдан паст бўлмасин, деб дуо қилишади. Йўлнинг оқ бўлсин, ниятинг Ҳақ бўлсин, лафзинг пок бўлсин, деб ният билдиришади. Отингни, қиличингни эркин ўйнат, ўктам ва жасур бўл! Аммо раҳм-шафқатни, ожизларга мурувватни ҳам асло унутма, деб насихат қилишади.

## 5

Махтумқулига қайтайлик.

Йўл-йўлакай таниш-билишлар, қадрдон чехралар, ёқимли сўзлар тобора кўпроқ учрай бошлади.

Бир довонга чиққанларида узоқдан иккита баланд минора кўриниб, довондан пастлаганларида яна кўздан йўқолди. Улар Деҳистоннинг миноралари эди. Ривоятларга кўра, қадимда мўғуллар тўп-тўпхонаси билан етиб келганларида, Али ибн Суккарий деган бир қудратли шайх шу миноралардан бирига чиқиб, дуо ўқиб, босқинчиларнинг кўзларини боғлаган, шу тариқа шаҳарни кўздан ғойиб қилиб қўйган экан. Махтумқули ана шу ривоятни, бу ерлар ҳақида ўқиган-эшитганларини биринкетин ёлга олди.

Деҳистон. Тобора ерга сингиб, нураб бораётган қалъа деворлари, масжидлар, мадрасалар, зилол сувли ариқ ва анҳорлар. Худудсиз қабристонлар. Деҳистоннинг Машҳади Мисриён (мисрликлар мазори) деб номланиши ҳам кўп нарсадан хабар беради. Қадимги ошиқ-бахшилардан бири Ҳиммат Қақажон: «Учта Миср бор: улардан бири Хива атрофларида, иккинчиси Машҳади Мисриён, учинчиси эса, ўша, ҳамма билган Миср», — деганди.

Мана, яна бир исбот: Андалибнинг «Насимий» достонида «Қайси Мисрнинг азизисан, хонисан?» деган мисрани учратамиз.

Дехистонни қурган бунёдкорлар жуда ақлли ва доно бўлгани сезилиб туради. Улар меъморчилик ва архитектура борасида ҳам чуқур билим ва тажрибага эга бўлишган. Улар ер усти бинолари билан бирга, ер ости иншоотларини қуришга ҳам алоҳида эътибор беришган. Қалъалар, минораларнинг бел қисми ёғоч қопламалар билан қопланган. Бу кўриниш эса фақат Шарқ архитектурасига хос.

Тоғ саридан гузар солсанг,  
Ул ерда юрт айлаб қолсанг,  
Шул жойингдан назар олсанг,  
Улуғ Дехистон кўрунур.

Бу сатрлар Дехистоннинг ўтмишда қолган шуҳратини, бу заминга буюк инсонларнинг қадами текканни кўрсатади. Масалан, Абу Али ибн Сино дунё ташвишларидан ҳориб-чарчаган пайтларида Дехистонга келиб, дам олган, ҳордиқ чиқарган.

Бу томонларда Шамоли Дехистоний исмли шоир яшаб ўтгани ҳам айни ҳақиқат. Махтумқули:

Дехистоннинг бағрида,  
Боди сабони кўрсам, —

деган сатрларида шу шоир Шамолини назарда тутмаганмикин?

Махтумқули Дехистонни ҳайрат билан кузатди. Унинг тарбияси шунини тақозо қиларди. Марказий Осиё халқларида қадимдан тарбия масаласига жиддий эътибор берилади.

Қирқ ёшдан ўлимни ҳамиша ёдда тутиб яшаш керак, бир куни ўлишинг кераклигини ҳеч қачон унутмаслик лозим. Унда бу кайфиятни қандай тушуниш мумкин? Бу одамларни баттар тушқунликка туширмайдими? Бу ўзини ўлимга тайёрлаш эмасмикин? Одамлар нима учун «Ўтганинг — ўзингники, чайнаганинг — гумон» деган нақлни кўп такрорлашади? Йўқ. Бу борада Марказий осиеликларнинг ўз тушунчалари бор. Нақлни такрорлашдан мақсадлари ҳам ўзгача. Одам боласи ўлимни эсга олганида кўнгли юмшаёди, қаҳр-ғазабдан тушади, нафсига ҳай беради, ёмонликларидан воз кечади. Яхши амалларни кўпроқ қилишга ошиқади. Рўпарангда турган одамнинг ҳам эртами-кечми ўлиши ҳақиқат эканлиги сенда унга инсбатан қисматдошлик туйғусини уйғотади.

Махтумқули ана шундай анъаналар таъсирида тарбия топган инсон.

Ўўлнинг равиши энди уйга қараб йўналди. Туяларнинг товони тоғу тошларни босиб ўтаётир. Неча кушлардан бери юмшоқ қум устида тўйноғи ейилган отлар энди эҳтиёткорлик ила оёқ

босишарди. Куз шамоллари вақти-вақти билан даралар оралаб эсар, салқинга ўрганмаган баданлар эса жунжика бошлаганди.

Боғларда изғирин дайдиб, сарғайган япроқларни аёвсиз силтайди. Бандидан узилган тилларанг барглар бир муддат почор чарх уриб, кейин тупроққа бош қўяди.

Атрофга қуриган тоғ гиёҳларининг хушбўй ҳиди таралади. Бундай маҳзун манзаралар қайси шоир қалбини тинч қўйиши мумкин? Махтумқулининг қалбини ҳам маҳзун манзаралар эзиб ташлади. Олдинги куз ойларида уйига сиғмай, соғинч тўла қалбини овунтира олмай, тоғу тошларга чиқиб, шеър битиб, ўзини ўзи алдаб юрганди. Ҳозир ҳам бир жуфт сатр унинг оромини ўғирлаган, тезроқ қоғозга тўкилиш учун талашаётир. Ўйчан куз кайфияти ҳам шоир хаёлини турли тарафларга тортқилайди. Кузда тирик жон борки, ўз уйига қайтиб, ошнёнида жон сақлашга ошиқади. Балки бу йил кузда акалари Муҳаммадсафо билан Абдулла ҳам ўз овулларига қайтишган бўлса-чи? Шундай хаёл билан Махтумқули соч-соқоллари ўсган, кийган кийимлари илматешик бўлиб кетган акаларини кўз олдига келтирди. Ана, улар нурай бошлаган ота уйи эшиги олдида маъюс қисфада жовдираб туришибди...

«Бундай маъсум қарашлар менга ҳам насиб қилармикин? Менгли-чи, у ҳам қайтиб келдимикин? Эй-й сорбон! Мени тезроқ ўз маконимга етказ! Анави тоғлардан учиб ўтишининг имкони йўқмикан? Манави дарёлардан сузиб ўтсак-чи? Фақат тўхтамай йўл босишимиз шарт. Балки, фалакнинг ўзи бизга асраб қўйган яхши кунларини энди юборар? У бизга ҳам кулиб боқар? Йиғлаган одам умр бўйи йиғлаб ўтаверадими? Кулган одамнинг кулгиси абадийми?»

Карвон қўнғироғини эшитган болалар йўлга югуриб чиқа бошлашди. Мана, карвон қўл етгудек яқинликда кириб келаётир. Балки ширинликлар олиб келаётгандир, хуштаклари, ола-була тўплари бордир? Ана, карвоннинг энг олдида тўнининг этагини ҳилпиратиб Махтумқули келмоқда. У қишлоқ бошидаги уйдан чиққан оксоқол билан қўшқўллаб сўрашди. Унинг кўзларига синчиклаб боқиб, бир маъно уқишга уринди.

«Агар юрак чин ихлосли юрак бўлса, рўпарасидаги одамнинг пинҳон ғамларини ҳам сеза олади!»

## 6

Болалар кела солиб Махтумқулининг оёқларига ёпишишди. Уларнинг ортида бир гуруҳ эркак ва тўда-тўда хотин-халаж



кўзга ташланди. Қиз-жувонлар қариндошлиги бўлмаган эркакларни кутиб олишга чиқмайди. Бу туркманлар апъанасига хилоф. Аммо, бу овулда ҳеч ким Махтумқулини бегона деб билмасди. Ҳамма учун қадрдон, ака, ука, фарзанд, дўст мақомида эди.

Овулдошлари Махтумқулининг ёлғиз боши билан қайтганини кўриб, яна таъблари хира тортди. Ахир, кўпчилик Махтумқули ўз яқинларини, акаларини ва аёлини излаб кетганидан воқиф эди-да!

У пайтлар овулдош дегани қариндош, биродар, дилдош деган маънолардан айро эмасди. Қисматдошлик, кулфат ва хурсандчиликни ҳам бирга бахам кўриш, фақирона турмуш тарзи бутун овул аҳлини бир оилага айлантириб қўйганди.

Махтумқули овулдошлари билан бирма-бир сўрашаркан, ҳар бирининг кўзларида улкан дардини, қайғуни кўрди. У овулдаги турмуш тарзи ўзгармагани, вазият аввалгидек қолганини бир қарашдаёқ сизди.

Ҳали катта жазо олдида турарди. У уйига бир ўзи сўппайиб кирадимми? Янгасининг кўзига қандай қарайди? Келинойиси бутун умидлари чилпарчин бўлиб, юм-юм йиғласа, қандай чидаркин? Зубайда синглиси келиб, кўз ёш тўкиб, «Акаларимни топиб келмадингизми?» деб сўраса, нима деркин?

Махтумқули карвон аҳлидан мадад кутди. Ҳар қалай, уларни уйда меҳмон қилса, уйдагилар бегоналарнинг олдида бўзлаб, кўз ёши қилишдан тийилар?!

Мана ўша, аввалги ҳовли. Эркакнинг қўли тегмаганидан сўнг ҳар қандай уйдан файз кетади. Бу ҳовли ҳам нураб, чўкиб, файзсиз бўлиб қолган. Эшиги очиқ уйнинг ташқи бурчагида келинойиси сассиз йиғлаганча уни қарши олди.

Махтумқули ҳали узоқ йўл босадиган карвон аҳлини бир оқшом ота уйда меҳмон қиладиган бўлди. Карвондагилар Махтумқулининг ташқари ҳовлисидан жой олишди.

Махтумқули уларни жойлаштириб, уйига келиб-кетаётган овулдошлар билан саломлашаркан, янгаси билан холироқ гаплашишга ошиқмади. Аёл юзларини берқитганча ўз уйига кириб кетганини кўриб, юраги баттар эзилди.

Майли, аёл бироз йиғлаб, юрагининг ҳовурини босиб олсин, Махтумқули у билан кейин гаплашади. Кўп ўтмай, унинг келганини эшитган синглиси Зубайда ҳам овулнинг нариги бурчагидан учиб келди:

— Ваҳ акажоним, келдингизми? — дея унинг бағрига отилди. — Энди овулдан узоққа кетманг, сизни кутавериб, кўзларимиз

тўрт бўлди-ку! Сиз ҳам катта акаларим сингари йўқолиб қолдингизми, деб кечалари билан ухлолмай чиқардим. Шукр, эсон-омон қайтиб келдингиз...

Бир томонда яигасининг армонли кўз ёшлари, бир ёқда ҳамон Менглининг ҳидини, ёдини бағрида сақлаб келаётган уй Махтумқулини эзгандан-эзарди.

Биринчи оқшом-ку, карвондагилар билан бирга тунади. Эртаси кунни карвон йўлга чиққач, Махтумқули яна азобли ёлғизлик исканжасида қолиб кетди.

Танҳолик шоирнинг юрагини аёвсиз кемирарди. Унинг қулоғи остида ҳам фақат ёлғизлик нағмаси жарангларди.

Овулдаги ҳолат, овулдошларининг маҳзун ҳаёти ҳам унинг қайғу-ҳасратларини янада орттирди. Гўкланг хонлари ўз бошларини омон сақлаш учун Эрон тарафга бож тўлай бошлабдилар. Уларнинг форс ҳукмдорларига яширин совға-саломлар жўнатиб, ялтоқланиши ҳам шоирнинг кўнглини оғритди.

Ўзига ишонган, бир пайтлар эл ичида обрў қозониб, ортидан одамларни эргаштира оладиган қанча инсонлар тарқалиб кетибди. Кимдир Эрондан ошган, яна кимдир Румистонга кетган, бошқа биров Ҳиротга юз бурган бўлса, кимлардир Манғишлоқ, Озарбайжон томонларга йўл олган...

Қаршиликка учрамаслигига ишонч ҳосил қилган эски душман — қизилбошлар, қожорлар яна ҳадларидан оша бошлашганди. Аввалдан ғариб бўлиб яшаб келган элнинг аҳволи энди янада ачинарли тус олганди.

Бундай аҳволни ўз кўзи билан кўрган Махтумқулининг ҳолатини тасаввур қилиш қийин эмас:

Ёр сийнамда доғ устина дард қўйди,  
Дард устина мурч тўкибдир туз билан.

Шундан сўнг Махтумқули қандай қилиб ўзини қўлга ололсин? Эндиям аввалгидек ақли терапигини сақлашга унинг қурби етармикин? Ёки у ҳам юзларча оқилларни, шоирларни, саркардаларни ўйнатган турмуш ноғорасига муқом қилиб кетаверсинми? Шунча пайтгача қалбини ёндириб келган ниятларига қўл силтасинми?

«Эй, иши чаппа кетган Махтумқули! — дея ўзини ўзи койинди у. — Сен ғурбатдаги туркманларни бу ердагилар билан бирлаштирмақчи бўлиб, йўл излаган эдинг, келгунигча булар ҳам тарқаб кетишибди. Энди-чи, чўпонсиз сурувга айланиб қолдикми?»

Ўзидан, элидан, ҳаётдан ҳам хафа бўлиб кетди. Бу ғамлар бирлашиб, унинг юрагини ёргудек бўларди. Ана шунда шоирнинг аввал-охир ёзган шеърлари орасида энг қаҳрлиси туғилди:

Одам ўғли солдинг туганмас ғама,  
Ёш-кари йўлингда саргардон ҳамма,  
Бир мода эшакдай келибсан дама,  
Қошиғи ғам билан тўла дунё-ҳей!  
Махтумқули, дунё сири туймассан,  
Бир кун кўрганамиз эрта кўймассан,  
Неча вақтдан бери ерсан, тўймассан,  
Йиқилгин, йўқолгин, лўли дунё-ҳей!

Эвоҳ, одамгарчилик, олижаноблик туйғуларининг қадрсизланиши, одамларнинг тубанлашуви, дин пешволарининг нафсга қул бўлиб, қўл очишлари, хон ва бекларнинг халққа бевафолик қилиб, ғанимлар билан тил топишуви, ўғри-каззобларнинг, сатанг-беҳаёларнинг кўпайиб кетиши, халқнинг ҳаёлида «нажот йўли қолмади» деган тушунчанинг кучайиши Махтумқулини чуқур изтиробга соларди.

Ҳар қанча таянч изламасин — тополмади, руҳан юксалишга интилганди, бўлмади. Сел суви бир жунбишга келгач, то тингунича кутишдан бошқа чоранг йўқ экан.

Кейин ғам кўлида ҳасрат кemasини суришингга тўғри келади. Хўш, у бу кемада қанча вақт сузаркин?

Бу ғам лашкари аввалгиларига ўхшамайди. Дардинг янгиланганида, эски дардларнинг ҳам азоби ортавераркан. Менглининг фироғи, отаси мулла Давлатмаматнинг вафоти, акаларининг бедарак йўқолишлари, буларнинг ҳар бири алоҳида бир бахтсизлик эди.

Бир пайтлар Махтумқули Аҳмадшохдан умид қилганди. Халқидан умидвор бўлганди, бир кун орузуларимиз амалга ошадди, деган илинжда эди.

Ўша кунлардаги умид, ишонч, илинж — барчаси ҳавога совурилди. Ҳаммаси халқнинг ўзига боғлиқ эди. Халқ ҳам барча умидларига қўл силтаб, тарқала бошлабди.

У халқига қанчалар ишонганди. Аммо бу ишонч чилпарчин бўлди. У энди ўз халқини койиб тергамоққа мажбур эди. Болалигидан адолатсизликка, жоҳилликка, иллатларга нисбатан нафрат руҳида тарбия топганди. Афсуски, бу иллатлар ҳозир бутун атрофини ўраб олганди...

Мен нестайин, эй дўстлар, чорасиз иқболимга.



Ёки:

Махтумқули мискинман, кўнглим уйи номаъмур,  
Сўзга яқин бандаман, хайрим кам-у, шаррим зўр,  
Ўзим халққа ноқабул, иқболим кеч, бахтим шўр...

Одамни ботқоқ аста-секин ўз комига тортганидек, Махтумқули ҳам тобора ҳам лойига ботиб борарди.

Кўмилди дарёлар, йиқилди тоғлар,  
Етимлар кўз ёшин тўка бошлади,  
Ўррамси<sup>1</sup>дан бўлган ҳаромхўр беклар,  
Юртни бир ёнидан йиқа бошлади.

Бу кунлар, бу ойлар, балки йиллар Махтумқули умрининг энг оғир дамлари эди. Унинг қалбига чўккан ҳам бир, беш, ўн шеър билан арийдиган дард эмасди. Аслини олганда, бундай ҳамни шеър билан енгиб бўлармикин? Ҳар нечук, дарднинг шеър бўлиб юракдан тўкилиши бироз бўлса-да унга тасалли берар, бундай пайтларда унинг вужудини эгаллаган қаҳр ҳам бироз чекинарди. Аммо кўп ўтмай, ҳам-алам уни яна ўз измига оларди:

Яхши йигит қадрин ўз эли билмас,  
Бошига иш тушса, ёнига келмас,  
Ул мард йигит зорлар, дарди янчилмас,  
Дод айлаб, «ё элим» дегани билан.

Махтумқули ўзининг бу қадар ёлғиз ва бахтсизлигидан баъзан ўзи ҳам ҳайрон қоларди. Шоирлиги, ижоди, ватанпарварлигини бир четга қўйиб, уни оддий инсон сифатида тасаввур қилганимизда ҳам, унинг қанчалар сабрли, иродали, матонатли эканини ҳис қилишимиз мумкин.

Демак, Махтумқули ўзининг дард-аламлари билан ҳам беназир, улуғ инсон даражасига эришган.

У ана шу хусусиятлари билан ўз овулдошлари, аҳли туркманнинг эътиборини тортмоқчи бўлади. Аммо ҳар қанча уринса-да, унинг бу умидлари самара бермайди, унга бирор кимса елка тутмайди.

Махтумқули, четга олгил ўзингни,  
Аниқ бил, ўярлар икки кўзингни,  
Тинглаган йўқ, зое этма сўзингни,  
Энди сендан хабар олган бўлмади.

Шоир энди ўз элидан гинахонлигини яшириб ўтирмайди. Ўрни келганда, шуни айтиб ўтиш керакки, ўз даврининг илғор

<sup>1</sup> Ўррамси — ҳароми, бузуқ, ифлос.

фикрли одамлари, улуғ мутафаккирларнинг кўпчилиги аҳли замондан, эл-юртдан ўпка-гина қилиб ўтганлар. Махтумқули ҳам улардан бири эди:

Ўзини юнгсоқол этар,  
Бузилган элга бош бўлган.

Ёки:

Оғзи бир бўлмаган уйга бош бўлманг.

Ёки:

Оғзи ола қавмларга бош бўлманг! —

деган сатрлар ҳам ана ўша кайфиятдан туғилган бўлса, ажабмас.

Аммо, ҳар қанча кучли бўлмасин, қалб оташи уни Ватандан, эл-юртдан узоқлашишга ундаса-да, шоирнинг бу оламга сифмай турган юраги ҳам уни яна бир ёқларга бош олиб кетишига тўсқинлик қиларди.

Қочганим — кўпликдир, истагим — хилват.

Шоирнинг ақл-тафаккури — юксакдан туриб порлаган, ўтмиш ва келажакнинг сарҳадларига боқиб, эзгуликни намоён қила олган гидроки уни эл-юртдан чекинишдан сақларди. Шундай бўлиб келган ва умрининг охиригача шундай бўлиб қолди.

Махтумқули оғир ғамларга ботган пайтларда ҳам, қалбининг бир четида эзгуликдан умид узмай тураверди. Ҳар хил туйғуларга берилиб, гоҳ у томон, гоҳ бу томонга ўтиб юрмади. Ана шундай дилгир кунларда:

Насихатим, элинг билан қасд бўлма, —

деб насихат қилмоққа ҳам ўзида куч топа олди.

Махтумқулининг бу ноласи ўзини элдан юқори қўйиш, эл кўзидан йироқлашиш мақсадида эмас, аксинча, эл билан янада жипслашиш, ўз келажagini элдан айри ҳис қилмаслик мақсадида айтилган ҳикматдан таркиб топган эди. Бу худди ўзига нисбатан очлик эълон қилган одам очликни ўлиш эмас, балки мақсадга етишиш воситаси сифатида қўллаши каби эди.

Ўз халқининг феълени яхши билган шоир шу йўл билан уни туртиб, огоҳлантириб қўймоқчи бўлади, бу сатрлар ҳали вужудига доридек сингмаса-да, вақти келиб онгига таъсир ўтказишига ишонади. Аммо, шоир бу билан чекланиб қолмайди. Жўшқин туйғулар унда турли-туман фикрлар уйғотади.

У ҳар қанча юксак инсон бўлса-да, ўз элидан айрилиб кетишни истамайди. У юксалса, халқи билан бирга юксалади. Бинобарин, шоирнинг Яратганга юзланиб, нола чекишида ҳам халқини

юксакликда кўриш, пок кўриш, мард, сарбаланд кўриш орзуси бор.

Эй Яратган, арзим бордир олдингда,  
Мардни номард, номардларни мард қилдинг,  
Дунёнинг иқболини тутиб қўлишда,  
Ҳар тулкидан қоплон қилдинг, қурт<sup>1</sup> қилдинг, —

сингари,

Одам ўғли йиғлар, юракда охи,  
Тингламас қардоши, қодир Худойи, —

сингари,

Ҳақ таоло, бу не, нечук аҳволдир,  
Тоза деб ичганим қумли чиқибдир.

Бевосита Ҳаққа юзланиб айтилаётган шикоятларнинг асл моҳиятида қандай фикрлар борлигини сезяпсизми? Шоир бундан да ўткир ва кескинроқ мисралар битган бўлиши эҳтимолга яқин. Аммо, улар бизгача етиб келмаган.

Махтумқули диний, руҳий, сиёсий, маиший идеалларини илгари суриш асносида «дунё, ақлим етмас, бунча эсарсан» деган фикрларни ҳам айтади. Бу сўзларни у нафақат дунё, балки ҳаёт йўлларида учраган кимсалар мисолида ҳам айта оларди.

Шоир дунёнинг асл мақсад-моҳиятига теран назар ташламоқчи бўлади. Ўздан аввал яшаб ўтган инсонларнинг дунё ҳақидаги фикрларини жамлаб, ўз мушоҳада элагидан ўтказиб, бу фикрлар исботини ўз ҳаёти мисолида кўрган бўлса-да, барибир қоникмади. Шоир бу масалани янада теранроқ таҳлил этгиси келарди. У шу пайтгача жавоби топилмаган саволларни ўз йўлида девор қилиб тиклади. Ҳар гал боши ана шу деворга такрор-такрор урилди.

Ана шу девор остида ҳайрона Махтумқули машҳур сатрида шундай дейди:

Дунё, ақлим етмас, бунча эсарсан?

«Саволни тўғри бериш ҳам илмнинг ярми», дейдилар. Бу кўз илғамас, идрок етмас олам ичра гўзал суратда ва сийратда яратилган шўрлик одамзоднинг чанг мисоличалик қадри йўқлиги, у дунёнинг қўлидаги қадрсиз ўйинчоқ эканлиги Махтумқулининг қалбини қонга тўлдириб юборади. Бу дард-аламлар йиғилиб, бир куни портлади. Дунё эса, бундай «портлаш»ларни кўп кўрган. Дунё бепарво: «Портласанг портлайвер, ўзингга жабр қиласан», дегандай, беписанд кузатиб тураверади. Ахир, унинг олдида

<sup>1</sup> Қурт — бўри маъносида.



Махтумқули ким? У сингари буюкларнинг ўнтаси, юзтаси куйиб, ўтиб кетса ҳам, бу дунё пишагини бузармиди?

Махтумқули дунёнинг моҳиятини тугал англаб етмаган бўлса-да, унинг учун одамзоднинг ҳеч қанча қадри йўқлигини аллақачон англаб етганди. Махтумқули ҳам кўлининг тубигача тушиб борди-ю, инсон тақдирига нисбатан жонқуярлигини бир лаҳза бўлсин унутмади. Ғамгин шеърлар, дунёнинг ишларидан порозилик акс этган мисралар, охирзамон ҳақидаги сатрлар бу давр оралигида жуда кўплаб яратилди. У шеърларининг аксариятида одамзод Еру кўк ҳамда ундаги нарсаларга мутлақ ҳукмфармо эмаслигини чуқур таассуф билан ёдга олади.

Эй ёронлар, билиб бўлмас,  
Не иш келар бошимизга?

Ёки:

Ўрта ерда дона тўкиб,  
Тўр қурибдир ташимизга.

Ёки:

Ширин жон айрилса тандан,  
Қум қувонар лошимизга.

Ана шу пайтларда ғам-ҳасрат ҳаддан ошиб, унинг учун ҳеч нарсанинг қиммати қолмаганда, Махтумқули ўзи ёзган шеърларни йиртиб оловга отмоқчи ҳам бўлар, аммо қандайдир илоҳий куч уни бу йўлдан қайтарарди.

Бундай пайтларда ҳали шеър экан-ку, инсоннинг ўз жонига қасд қилиш ҳоллари ҳам кўп учрайди. Аммо, Махтумқулининг кўлимиздаги шеърларида бу ҳолатлар ҳақида озгина бўлса ҳам ишора сезилмайди. Бу шунчаки бир тахмин холос.

Махтумқули бу сафар узоқ ғам чекди. Эҳтимол бу йиллар унинг умридаги энг ғамбода дамлардир?

Охири унинг бошидаги туманлар тарқаб, фикр-хаёлларида яна ҳаётга нисбатан умид уйғонди. Бу илинжининг боиси яна ўша нажот фариштаси саналмиш Менгли, акалари, вафот этган жиғарбандлари хотираси, паришон халқининг фожиавий қисмати эди.

Ҳа, ажабланманг, ғам — ғамдан асрайди. Понани пона билан чиқарадилар.

Махтумқули ҳамма нарсага «бор-э» деб қўл силтаб кетолмасди. Ана шу хислати уни яна ҳаётга қайтарди. Унинг қалбида аввалгидек кечиримлилик туйғуси уйғонди. Бу дунёда берилган умр зиёсидан вужудига ёруғлик, қувват ишди.

Бу уйғониш даври унинг тахминан эллик ёшлардаги вақтига тўғри келади. Эллик ёш билан боғлиқ шеърларида у умрининг нақадар тез ўтиб кетаётганидан афсус чекади. Яна Менглини излаб топиш қайғусига тушади. Узоқ синовлардан, турмуш зарбаларидан кейин ҳам унинг Менгли ҳақидаги пок ҳислари со-вимаганини кўриш мумкин.

Мана унинг эллик ёшда ёзган шеърларидан бири:

Кекса тоғлар бошин эгиб ўтирса,  
Сабо келиб, орзум ёра етирса,  
Ортга қайтиб, ёр жавобин келтирса,  
Ҳавас билан исмин ёзсам достона!

Ёки:

Мажнун манам Менглихоннинг ўтида,  
Ёниб-куйсам, йўқдир унинг ёдида,  
Фарҳод-Ширин, Тохир-Зухра отида,  
Таълим олиб, бўлдим мен ҳам парвона.

Худди мана шу шеър ҳам Махтумқулининг Менгли билан турмуш қурганидан дарак беради. Бу фикрга шубҳа билан қаровчилар шеърнинг умумий мазмунига, ҳар бир сатрига, ҳар бир сўзига диққат билан қарасалар кифоя.

Махтумқулининг Менглига бўлган севгиси машҳур муҳаббат дostonлари қаҳрамонларининг ишқидан ҳам юксакроқ, ғамгинроқ, умрбоқийроқдир. Ана шу севги шоирни буюклик ва мангулик чўққисига олиб чиқмадимиз? Шу муҳаббат унинг иккинчи умрини таъминламадимиз? Унинг лол тилига лафз бериб, орзу-истакларига қанот бахш этмадимиз? Унинг идрок чашмасини қайтадан очмадимиз?

Балки ўша пайтларда Эрон тарафдан келганларнинг бирови Менглининг дарагини топиб келтиргандир? Эҳтимол, уни кидириб топиш учун яна бирор василаи сабаб юзага келгандир? Нима бўлганда ҳам, Махтумқули яна Менгли хаёлига тушгани рост.

Техрон атрофларида гаров тариқасида тутиб турилган уч юз уйлик туркман оилалари ҳам бу ишда Махтумқулига ёрдам берган бўлиши мумкин. Кези келганда айтиш керакки, бу уч юз уйли туркман оилалари бошқа қавмдошларининг Эронга ҳужумининг олдини олиш мақсадида гаровда ушлаб турилганди.

Бу кунларда Менглининг хаёли эртаю кеч Махтумқулига тинчлик бермай қолганди. У билан бирга яшаган йиллар ойлар-

га, кунларга бўлиниб, ҳаётининг энг тотли лаҳзалари қайта-қайта кўз ўнгида жонланаверарди.

Махтумқули ҳам инсон эди, у ҳам қачонлардир Менглига сал қаттиқроқ гапирган, оз бўлса-да дилини оғритган пайтларини эслаб, кўнгли вайрон бўларди. Вақтида унинг қадрига етмагани учун ўзини айбларди.

Фалак элга расво қилди, айрибдир зоримдан,  
Не иш қилсам, хабар топгум мен ул Менгли ёримдан.

Махтумқули қалбида мавж урган яхши-ёмон ҳислар борки, барчасини тортинмай, яширмай қаламга олади. Масалан, у Менглининг дардларидан чекиниб, бирмунча ўзини тутиб олган пайтларида ҳам ёрини унутгиси келиб, шод ва беғам яшаш истагида бўлганини, аммо бунга қурби етмаганини тан олади:

Гузаримни банди қилсам, ҳар кунда қирқ очадир,  
Оби Кавсар зилолимни ичибдир гузаримдан.

Яна бир мисол:

Менгли хоним, айёмингдан, кўрқиб бора билмас бўлдим,  
Кўз била қаро қошингдан, ҳам юзимга силмас бўлдим,  
Жаллодлар мен банди қулни занжир билан банд айлаюр,  
Агар сен ҳам қўлламасанг, почор ожиз жон найлаюр!

Махтумқули бу сафар на жаллоддан, на занжирдан ҳайқиди. Бир фикр ҳамиша унинг хаёлидан кетмасди: «Кетсанг қайтиб ўтирма, бу эл-юртингга қўл силтаб, бош олиб узоқларга кет!»

Қисмат бўлмас, кетсам узоқ йўлларга,  
Насиб қўймас, кетар йўлим боғлар, ҳей!  
Ҳайрон Мажнун бўлиб, чиқсам чўлларга,  
Бориб маскан тутай сизни, тоғлар, ҳей!

Гоҳида Махтумқулининг ақл-идроки унга қарши чиқади. Бу ички кураш сатрларда ўзини кўрсатиб қўяди:

Кел, кўнгил, мен сенга ўғит берайин,  
Йирок қилма, кўрар кўзинг, элингни.

Ёки:

Эшитг, одам, тукқан юртдан  
Ғайри меҳрибон юрт бўлмас...

сингари сатрлар бунга мисол бўла олади. Эътиборли томони шундаки, у ана шундай йўллар билан эл-юртга бўлган эътиромини



сақлади, сақладигина эмас, юксалтирди, бу ҳиссиётга алоҳида эътибор берди. Махтумқули эл-юрт, туғилиб ўсган макон, она Ватан мавзусини ёзма адабиётда муваффақият билан ёрита олган. Унинг ижодининг бошқалардан фарқли томони ҳам шунда.

Бу борада шоирнинг ўзи ҳам, унинг лирик қаҳрамони ҳам бир йўналишда — чинакам ватанпарварлик йўлидан боради. Бинобарин, Махтумқулини элдан айро ҳолда кўриш ё тасаввур қилишнинг ўзи уни тан олмасликдир.

Аслида ижодкорлар ана шу аломат сабабли миллий шоир мақомига сазовор бўладилар. Боши тумандан тозаланиб боргани сари, ўтган йилларнинг қанчалик ғамгин эканини билгани сари Махтумқули йилларнинг залворини чуқурроқ ҳис этарди.

Бахтимнинг сиёҳи рангдир кўмирга, —

деганди шоир бир шеърида.

Шу билан бирга, у ёшликдаги орзуси — Румистон, Каъбани кўриш иштиёқида ёнарди.

Баландда Ҳиндистонни,  
Орқада Туркистонни,  
Авлиёлар уммони,  
Ул Румистонни кўрсам.

Ёки:

Махтумқули хуш бўлса,  
Оқса дийдам, ёш бўлса,  
Иймоним йўлдош бўлса,  
Борсам, Каъбани кўрсам...

сингари шеърларини ёдга олайлик.

Л. Салдадзенинг: «Ҳасрат юксакликда қолмиш учун берилади» деган фикри ўз тасдиғини топди. Махтумқули буюк ғамдан бошини тик тутиб чиқди. Бироқ у ғамдан тўла озод бўлолмасди, қолган умрида ҳам қайғу-ҳасрат унга ҳамроҳ бўлиб қолаверди. Мана шу ғам-ҳасратдан қутулиш чорасизлиги, Навоий сўзлари билан айтганда, унинг дардларига бир чора бўлди.

Шу кунларда гўкланг хонларидан бири Махтумқулининг овулига катта азият етказди. Молини суриб, ҳайдаб кетиш дейсизми, ўтовигача талон-торож қилишми, солиқ ё ушрми, хуллас, буларнинг барчаси овул аҳлининг суяк-суягидан ўтиб кетганди.

Хон навкарлари орасида қизилбошларнинг вакиллари ҳам бор эди. Ўрни келганда айтиш лозимки, туркманларнинг бир қисми душманнинг қўли баланд келганда, у билан тил бириктириб, у томоннинг хон ва бекларига совға-салом, ҳадя-пешкаш

жўнатишдан чарчамасди. Улар қайси қабилага қачон, қай тарафдан зарба бериш мумкинлигини ҳам душмапга яширинча етказиб туришарди. Ўз халқи ғалаба қозона бошлаганда эса, бундай мунофиқлар бир думалаб ватанпарвар бўлиб кўринишга ҳаракат қилишарди.

Ҳа, афсуски, ҳар қандай замонда душман болтанинг сопини ўзидан чиқаришга уриниб келган. Туркман тарихи ҳам бундай хиёнат ва хоинлардан холи эмас. Махтумқули бундай кимсаларни анчадап бери кузатиб юрарди. У иккиюзламачи, қаллоб кимсалардан нафратланар, бироқ шеърларида, суҳбатларида уларнинг сотқинлигини фош қилишдан ўзини тиярди. Бора-бора унинг ҳам сабр-тоқати тугади. Ғазаби тўлиб-тошди.

Бир ривоятда шундай дейилади: Хон ва унинг навкарларига Махтумқули бир ўйин кўрсатишни кўнглига тугиб қўйди. Овулдошлари ҳам Махтумқулининг ортидан эргашинди. Шоир йиғитларни бошлаб бориб, бир даранинг икки тарафида тош тўплаб қўйишни, овулдагилар ҳаммаси шу дарадан чиқиб кетиши, улардан сўнг душманга навбат етганида тепадан туриб, унинг бошига тош ёғдиришни буюради.

Ниҳоят босқинчилар келаётганидан хабар беришади. Овулдошлар кўч-кўронларини от-эшакларга юклаб, мол-ҳолларини ҳайдаб, дара томонга кетишади. Душман уларнинг изидан тушади. Шу пайт кучли жала қўйиб, кўпчиликнинг кўч-кўронини оқизиб кетади. Бу селда Махтумқулининг ҳам еттита китоби оқиб кетади. Улардан бири «Тўтиқуш тили достони» эди.

Шоир кейинчалик анча вақт бу китобларини қўлдан бергани учун афсус-надоматда юрди. Хуллас, овул аҳли бир амаллаб дарадан ўтиб олгач, навбат душманга етади. Шу пайт «Ё Аллоҳ» деган ҳайқириқ бутун дарани тутиб кетади. Ёв устига тоғ тепасидан сандикдек келадиган харсанглар юмалай бошлайди.

Шундан сўнг анчагача бу овулга ҳеч ким бож ё солиқ сўраб келмаган экан. Бу, албатта, халқ тилида юрган бир ривоят. Аммо, шоирнинг ушбу мисралари бу ривоятда жон борлигини кўрсатади.

Махтумқули, аяма жон,  
Бел боғлаб, кий ғазабдан тўн,  
Ҳалдан ошди бу золим хон,  
Охир тўр қурмали бўлди.

Бу ғалаба кичкина бўлса-да, жуда кўп қалбларга тиргак бўлди. Махтумқулининг ҳам қалби бундан таскин топди, бироз бўлса-да, хотиржам бўлди.

Ана ўша кезларда Махтумқули азалий орзуси — ҳар бир мусулмон учун фарз бўлган Каъба зиёрати ҳақида ўйлай бошлайди... Бу олис сафар Озарбайжон, Румистон орқали ўтарди. Шу тариқа қардош ўлкаларни ҳам зиёрат қилади. Зиёратни адо этгач, Эрон орқали Ватанига қайтади. Борди-ю, вақти-соати етиб, Эронда кўз юмса-да, ҳар қалай, бўйнидаги ҳаж фарзини адо этиб, омонатини топширади.

Ниятим Каъбадир, хаёлим ҳаждир,  
Ихлосим бор, ҳаж тавофни этмоққа.

У овулдошлари, атрофдаги овулларнинг оқсоқоллари билан маслаҳатлашади. Улар эл дардига дармон топишни маслаҳат берадилар. Бунинг учун Озарбайжон, Румистон ҳудудидаги қонқардошлардан хабар олиш зарурлигини уқтиришади. У даврларда ёрдам сўраб яна кимга ҳам бориш мумкин эди?

Махтумқули сафарга чиқишини, яна узоқ вақт бегона элларда бўлишини эшитган бечора Зубайданинг қай аҳволга тушгани, акасининг ёнига келиб қанчалар ялиниб-ёлворганини тасвирлаб бўлармикан?

Аммо, ҳеч қандай куч Махтумқулининг қатъий қароридан қайтара олмасди. Ахир эл-юрт ундан умид кутиб турганида, у бефарқ қўл силташи мумкинмиди?

Бу унинг етти ёшидан бошлаб қонига сингган ҳаёт ҳақиқати, отаси мулла Давлатмамат ўғитларининг таъсири эди. Шу тариқа яна овул Махтумқулини сафарга йўллади. Зубайда ҳам, бошқалар ҳам кўз ёшларини оқизганча қолавердилар.

Махтумқулининг бу сафари ҳақида унинг шеърларида жуда оз маълумот учрайди. Шу боис, Махтумқули ҳаётини ўрганган тадқиқотчиларнинг бир қисми Махтумқули Румистонга бормаган деган фикрни илгари сурадилар. Бироқ, иккита нарсани ёддан чиқармаслик керак:

Биринчидан, Махтумқулининг Румистон ҳақидаги шеърлари эртами-кечми, албатта, топилади.

Иккинчидан, туркман халқининг ўша пайтдаги аҳволи Румистонга, яъни Усмонийлар мамлакатига юз буришни тақозо этарди.

Шоир даставвал Озарбайжонга қадам қўйди. Бу халқнинг турмуш тарзи билан яқиндан танишди. Бу юртнинг гўзал табияти, оққўнгил одамлари унга манзур бўлди.

Сафар этиб борсак, Нуша юртига,  
Қўнгил истагандек яйловлари бор, —



деб бошланадиган шеъри унинг Озарбайжонда, хусусан, Нушахда (ҳозирги Шаки) бўлганини тасдиқлайди. Махтумқули бу шеърида халқнинг турмуш тарзи, одат-анъаналари, табиат манзараларини жуда кўтаришқилик билан тасвирлайди.

Махтумқули борган пайтлари Озарбайжон кичик-кичик хонликларга бўлиниб кетган эди. Грузиянинг Россия билан яқинлашуви (1883 йилдаги шартнома)дан сўнг, Озарбайжон хонликларида ҳам Россияга интилиш кучайди. Сабаби, орқадан Усмонийлар империяси ёхуд форс давлати таъсири остига тушиб қолиш хавфи кучли эди.

Машҳур шоир ва давлат арбоби Мулла Паноҳ Воқиф бу интилишни ўз шеърларида атрофлича ёритган. Махтумқули Воқифни кўрган ёхуд унинг шеърлари билан танишган бўлиши мумкин. Аммо, Махтумқули Воқифнинг ижоди ва дунёқарашига қандай муносабатда бўлганлигини айтиш қийин. Бокудаги Ширвоншоҳлар саройи, Қиз қалъаси (Марвда ҳам Қиз қалъаси бор), Қорабоғдаги мухтаним мақбаралар, Гулистон кўчки сингарри осори атиқалар Махтумқулининг эътиборида четда қолмаган бўлса керак.

Буюк карвон йўллари ёқасидаги Ганжа шаҳрига кўниб, Низомий мақбарасини зиёрат этини ҳам шоирга насиб қилган, дея тахмин қила оламиз. Озарбайжон халқи, бу элнинг анъаналари, турмуш тарзи Махтумқулида муайян таассурот қолдирганлиги шубҳасиз.

Махтумқули Бокуда ҳинд савдогарлари билан учрашди. Ҳиндистон ҳақидаги хотиралари янада жонланди, янгиланди, бойиди.

Божхона тарихига оид ҳужжатларга қараганда, ўша даврларда ҳинд тожирлари Эрон орқали келиб, Бокудан Астраханга ўтиб, савдо-сотик ишларини амалга оширганлар.

Махтумқулининг асосий ниятларидан бири — акаларининг дарагини сўроқлаш эди. Уларнинг Каспий орқали Озарбайжонга келган бўлишлари эҳтимоли ҳақида аввал ҳам айтган эдик. Улар дом-дараксиз кетганидан буён орадан қанча йиллар ўтди. Тўғриси, Муҳаммадсафо билан Абдулланинг юз тузилиши ҳам Махтумқулининг хотирасида тобора хираланиб бораётган эди. Чунки, вақт ўз ишини қилмай пложи йўқ. Аммо Махтумқули ҳамон акаларининг меҳрли, ўктам овозларини соғинарди, уларни бағрига босгиси, суҳбатлашгиси келарди.

Олдинда Румистон турибди. Ўзининг бой тарихи билан, азиз-авлиёлари, бетакрор иморатлари билан шуҳрат топган Қадимий

Византия тупроғи, эндиликда туркийлар таъсирида ривожланиб, кенгайиб, кучайиб борган, кейинчалик Румистон номини олган юрт турибди. Махтумқули бу юрт ҳақида ҳам кўп китоблар ўқиган. Рум диёри тасаввуф илми марказларидан бири сифатида ҳам Махтумқулининг тасавбурида алоҳида ўринда турарди.

Хўш, шоирнинг бизгача етиб келган асарларида Румистон ҳақида нималар дейилган?

Баландда Ҳиндистонни,  
Орқада Туркистонни,  
Авлиёлар уммони,  
Ул Румистонни кўрсам.

Ёки:

Уларга бердим саломни,  
Сўрдилар соғлиқ каломни,  
Шайхи Санд, Мавло, Жомий,  
Ул етти султон ичнида.

Ёки:

Ҳақдан раҳмат сепилар,  
Иморатлар ёпилар,  
Кетсанг, Каъба топилар  
Ул Румистонга сари.

Сўнгги банддаги қизиқ бир деталга эътибор беринг: «ёпилар» сўзи фақат усмонли туркчасида «қурилар» деган маънони беради. «Елдим тут» шеърида ҳам:

Чўлда қолсам ҳеч топмайини кўланка,  
Эрам боғи ичра соя булдим тут.

Бу байтдаги «булдим» сўзи ҳам туркча бўлиб, «топдим» деган маънони беради.

«Оя дўнди» деган шеърида ҳам «қайсар» сўзи учрайди. Туркияда Қайсария, Қайсарли деган жой номлари бор. Бу сўз асли юнонча бўлиб, маъмурий бинолар, савдо шохобчалари, устахоналар, омборхоналар, тураржойлар, ички ҳовлига чиқадиغان усти ёпиқ жойларни англатади.

Қайсарияларни бой одамлар қурдирган (Қаранг: Ж.А. Семёнова. «Ўрта аср Сурия тарихидан». — М., 1990 й.). Махтумқулининг қалбида турк классиклари — миллати бўйича туркман шоирлари Юнус Эмро, Қорачаўғлон ва бошқа шоирлар ижоди билан яқиндан танишиш, тасаввуф ўчоқларини ўрганиш, Мавлоно Жалолоддин Румий мазорини зиёрат қилиш истаги бор эди.

Жалолиддин Румий, Жомий, Алвоний,  
Уларнинг жойида мен ҳам кон бўлсам.

Бу сатрлардаги «кон» сўзига диққат қилинг. Кон — «хазина», «маъдан» деган маънода келяпти. Нега бу маънода? Румийнинг, унинг отаси Баҳоуддиннинг, уларнинг атрофида ётганларнинг қабрлари устида, мақбара остонасида кумушдан қопламалар қилинган. Атрофларига эни бир қулоч, баландлиги бир метрдан кўпроқ, узунлиги ҳам беш-олти метрча келадиган қуйма кумушдан панжаралар ўрнатилган. Буларнинг ҳаммасига қанча кумуш сарфланганини тасаввур қилаверинг. Бу ҳам мавлоно Жалолиддин Румийга билдирилган беқиёс ҳурмат намунаси.

Махтумқули ана шу кумушни кўз олдига келтириб, «кон» — маъдан сўзини қўллагандир? Яъни, бу байт билан «мен улар сингари буюк бўла олмайман, фақат уларнинг қабри атрофини ўраб турган панжара бўлсам ҳам майли», демоқчи бўлганлиги аниқ кўриниб турибди.

Мана, қадимий Иконшум (Кўнния) шаҳри. Уларнинг карвони бир мадрасанинг ёнидан ўтиб бораркан, йўлбошчи: «Мавлоно мана шу мадрасада сабоқ берганлар», деб қолди. Карвон тўхтагач, Махтумқули бу мадрасага кириб, унинг эшигини, ҳар бир гиштини кўзларига суртиб тавоф қилди.

Кейин тош тўшалган йўлаклардан азон садолари остида юриб бораркан, ниҳоят яшил гумбазли баланд иморат қаршисига етиб келди. Бу ерда туркий халқларнинг энг буюк фарзандларидан бири Мавлоно Жалолиддин Румий ётибди.

Румий: «Кофирликдан-да, мусулмончиликдан-да ташқарида бир дала бор, у ерда на кофирлар учун жой бор, на мусулмонлар учун», «Умидсизликда ҳам умид кўп», «Сен нимани кутаётган бўлсанг, ўшасан», «Адолат — ҳамма нарсани ўз ўрнига қўймоқдир», деган ноёб фикрларни айтган буюк файласуфдир.

Мавлоно Жалолиддин Румий: «Душман юзли бўлсам-да, душман эмасман, форсий сўзласам-да, аслим туркдир», деганди. Унинг мозори ёнида олтмиш беш муридианинг хоки қўйилган бўлиб, улар Румий ва унинг отасига бўлган буюк ҳурмат юзасидан шу ерда дафн этишларини васият қилганлар.

Мавлононинг китоб сандиғи ҳам кумушдан, бир одам аранг кўтарадиган Куръон китобининг ҳар бир ҳарфи ҳам кумуш суви билан ёзилган. Унинг сози пардалари ҳам кумушдан, найнинг қоши ҳам кумуш. Қаерлардандир Мавлононинг кумушдек тиниқ овози янграгандек бўлади:

Ё аслинг каби кўрин, ё кўринганинг каби бўл!



Бу шиорни қадимий туркманлардан бўлмиш Боязид Бистомий ҳам айтиб кетган (Жума Отаевнинг маълумотларидан).

Махтумқули Мавлоно Румийнинг қабри бошида ўтириб, ул зотнинг руҳи покига атаб Қуръон тиловат қилди. Шу тариқа унинг битта тилаги амалга ошди.

Яшил куббали мақбаранинг ёнидаги ҳужраларда дарвишларнинг зикр тушишларига назар ташлади. Улар бир қўлларининг кафтини тепага кўтариб, иккинчисини ерга қаратиб, чир айланганча рақси самога тушиб, Яратганга таваллолар қилишарди.

— Аллоҳим, бизга раҳмат назарингни сол, бизга нима берсанг, биз халойиққа берурмиз.

Бир пайтлар бу ҳужраларда Мавлоно Румий ўз устози ва содиқ дўсти бўлмиш Шамс Табрзий билан тунни тонгга улаб суҳбатлар қилишган, рақсу самоларга тушишганди. Шамс Табрзийнинг Мавлонога берган сабоқлари салмоғини бирор тарози билан ўлчаб бўлмайди.

Румий Шамс Табрзийни «Менинг куёшим» деб атаганди.

Махтумқули Кўниядан Адана тарафга йўл олади. Йўл тоғлар бағрига бориб туташади. Булутлар у тоғдан-бу тоғ бошига кўчиб кўнарни. Бироз ўтиб, куёш ботади. Чап томонда, булутлар орасида нимадир ярақлаб кетди. Ҳар қалай, юлдуз эмас, чунки ҳали кеч тушганича йўқ.

Кўп ўтмай булутлар яна сурилиб, бояги ёғду кўринди. Дафъатан кўкда — тоғ тепасида қалъа, унинг бағрида эса гулхан шуъласи намоён бўлди.

Ҳа, бу баландликда эрк, ҳаловат бор эди. Аммо, унга эришиш учун қанчалар машаққат чекишга тўғри келаркин? Махтумқулининг наздида баландликда яшаш жуда катта жасорат талаб этарди. Руҳий баландлик, маънавий юксакликда яшаш ундан ҳам қийин.

Буюк Ипак йўли ёқасидаги ям-яшил адирлар орасида жойлашган қасабаларда яшовчи туркманлар билан учрашувлар ҳам Махтумқулини хушнуд этди. Айниқса, бир неча жойда Додурға номли қишлоқларга дуч келди. У Усмонийлар салтанатига ўз номини берган Усмоннинг ҳам аслида туркман эканини эслади. Зотан, Румистонда Туркманистондагига нисбатан кўпроқ туркман истиқомат қиларди.

Аммо, улуғ ва қудратли Усмонийлар қўли остида камбағалликда яшаётган миллатдошларига ким ҳам ёрдам қўлини чўза оларди?

Махтумкули Румистон — Туркия ҳудудига Султон Абдулхамид I даврида борган. Салтанат сарҳадларини кенгайтириш, қудратли рус подшоҳларининг шимол шамоллари сингари совуқ ва қаҳрли қарашлари, ҳарбий ҳаракатларига қарши туриш зарурати ҳамма ишдан кўра долзарб аҳамият касб этганди.

Албатта, Махтумкули бу ердаги туркманларининг ҳам мақсад-муддаолари билан қизиқди. Турк-туркманлар бу ерда илдиз отишгани, шунингдек, рус-турк муносабатларининг мураккаблашиб бораётгани шоирнинг назаридан четда қолмади.

У биринчи рус-турк уруши пайтида у томонларга борган бўлиши ҳам мумкин. 1783 йилда Қрим учун кураш бошланди. Шу йил Грузиянинг бир қисми Россияга қўшилди. Арманлар ҳам ўз вакилларини Россияга юборишди. 1787—1791 йиллардаги рус-турк урушини эслайлик. 1806—1812 йиллардаги урушда эса, Махтумкули ўз ватанида эди.

Умуман, Усмонийлар салтанати ўз тарихида энг кўп Россия билан урушган бўлса ажабмас. Руслар ҳам, ўз навбатида, турклар билан бир неча бор урушга киришган.

Махтумкули, асосан, туркманлар яшайдиган ҳудудларда бўлди. Марказий Осиёдаги жой номлари бу ерда ҳам тез-тез учраб турарди.

Масалан, буюк Қорачаўғлон яшаган жой — Қўзан тоғининг, Нур (Нурота) тоғининг этакларидан Сайхун (Сирдарё) ва Жайхун (Амударё) дарёлари оқиб ўтаркан. Нур тоғининг Екепинар булоғига тутан қисми эса, қадимий Нисо ортидаги Копетдоғ манзараларини ёдга соларди.

Буюк Қорачаўғлон руҳига Қуръон тиловат қиларкан, унинг қисмати ҳам ўзиникига ўхшаб кетишини пайқаб, ҳайратда қолди. Қорачаўғлон Қизилатрек, Қазанжиқ атрофларида дунёга келган, у ҳам Менгли исми бир қизни севиб қолган, унга уйлана олмагач, жаҳонгашталики иштиёр этган ва ҳозирги Туркия ҳудудларига бориб қолган экан.

Қўзан тоғидан наслимиз,  
Орий туркмандир аслимиз.

Қорачаўғлон тўқсон олти йил умр кўриб, уйланмасдан дунёдан ўтган.

Умрим ёт элларда кечар,  
Кафтдеккина ерим ҳам йўқ.  
Ўтириб дардимни айтгали  
Бир муносиб ёрим ҳам йўқ.

Махтумқули ўзининг ватанпарварлик, ишқий-лирик шеърларида Қорачаўғлоннинг анъаналарини изчил давом эттиради.

Шоир Усманийлар салтанатига борган пайтида Ҳожи Бектоши Валий мақбарасини зиёрат қилганига шубҳа йўқ. Ҳожи Бектош ҳазратлари бектошия тариқатиининг асосчисидир. Ул зот ўзининг ўткир фалсафий қарашларига эга. Унинг: «Кўлингга, тилингга, белингга эҳтиёт бўл», деган насиҳатини эсланг.

Мазкур ҳазратнинг: «Ақл — ойга, маърифат — қуёшга, илм — юлдузга ўхшайди», деган ҳикмати Махтумқулининг «Юлдуздан йўл ясаб, ойга етишдим» деган сирли сатрларининг очқичи эмасмикин?

Туркман мумтоз адабиётида фақат Махтумқулигина ўз шеърларида Ҳожи Бектоши Валийни ёдга олади.

Махтумқули Румистонда буюк Юнус Эмро ижоди билан ҳам яқиндан танишди. Юнус Эмронинг:

Келинг дўстлар, танишайлик,  
Ишни осон қилайлик,  
Севайлик, севилайлик,  
Дунё ҳеч кимга қолмас.

Ёки:

Биз дунёдан кетар бўлдик,  
Қолганларга салом бўлсин, —

деган мисраларидан Махтумқули беҳабар бўлган деб ўйлайсизми? «Юсуф дея-дея» номли шеъри ҳам Махтумқулининг Юнус Эмро шеъриятидан яхши хабардор эканлигини, унинг шеърларидан баҳраманд бўлганини кўрсатади.

Юнус Эмронинг шуҳратига ишонч ҳосил қилиш учун унинг Жалолиддин Румий билан муносабатларини эсга олиш етарлидир.

Махтумқули XIV асрнинг охирлари — XV аср бошларида яшаган Қайғусиз Абдол асарлари билан танишган бўлиши эҳтимолга яқин. Унинг ҳам келиб чиқиши туркманларга бориб тақаларди. У «шатҳия» деб номланган адабий усулда баракали ижод қилган.

Бизларни дўзахга лойиқ кўрганнинг  
Жойи жаннат, тупроғи гулзор ўлсун, —

деб ёзади у ўзининг «Бахтиёр ўлсун» номли шеърида. Яна бир шеърида эса:



Қилдан бир кўприк қурайлик,  
Гулим келсин, кечсин дея.  
Биз бир чеккада турайлик.  
Богир бўлсанг, сен ўт, Тагрим! —

каби шеърлари шуҳрат қозонган. Махтумқули ана шундай шеърлари учун шаккокликда айбланиб, султон фармонига кўра осиб ўлдирилган Пирсултон Абдолийнинг ижодини ҳам ўрганган бўлиши керак. Ўша пайтларда унинг «Дўзахда олов йўқ, ҳар ким ўз ўтинини ўзи олиб боради», деган ҳикмати анча шуҳрат қозонган эди.

Шу ўринда Махтумқули қандай китоблар мутолаа қилганини бир ўйлаб кўрайлик. Бинобарин, турк дунёси мутафаккирларининг асарлари билан бирга туркман шоирлари асарларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Туркман деганда у дунёдаги барча туркманларни назарда тутгани, турклар ва туркманлар тарихини мукамал даражада ўргангани шубҳасиз. Кўпгина шоирлар форс тилида ижод қилган бўлсалар-да, улар ўз миллати, она тилини унутмаганлар. Буни яхши англаган Махтумқули ана шундай устозлар ила фахрланади. Бироқ, Махтумқули ўқиган-ўрганган китобларнинг кўпчилиги биз учун сир бўлиб қолмоқда.

Махтумқули Усмонийлар салтанати худудларига бир мартагина борганимикин? Унинг қаламига мансуб «Давлаталининг» номли шеърининг ярмида мадҳ қилинган «давлати олий» — Усмонийлар давлати эмасмикин? Махтумқули ҳаёти давомида бетакрор зафарлар қозонган Буюк Алп Арслон ҳақида, ўн тўққиз ёшида «Ё мен Истанбулни оламан, ё Истанбул мени олади», деган фотиҳ Султон Меҳмет ҳақидаги тарихий ҳақиқатларни билганимикин?

Махтумқули, юз минг саволли Махтумқули! Унинг бизгача етиб келган асарларида нима учун Ўғузхон ёки Қўрқут отанинг номлари учрамайди? Балки бундай шеърлар бор бўлса-да, бизгача етиб келмагандир? Бу саволларга жавоб ҳам яқин йилларда топилиб қолар...

## 8

Махтумқули Румистондан Макка тарафга йўл олди. Йўл-йўлакай турунж, пўртахол, поринж сингари мевали дарахтлар кўп учрарди, бозорларда ҳам хурмо, ёғли жийда сингари меваларга тез-тез дуч келарди.

У ниҳоят араб ўлкасига кириб келди. Ҳар қадамда оппок кийим кийган, қорамтир тусли одамлар унга рўпара келарди.

Махтумқули ҳар доим араб тилининг фасоҳатига тан бериб келарди. Бу тилдан яхшигина хабардор ҳам эди. Араб уйлари-нинг юзи Каъба тарафга қараб қурилганидан манзилни аниқ мўлжалга олиш кийин эмасди.

Туялар мункиб-мункиб, ер юзининг энг муқаддас манзили томон илгарилайди. Шом шафағи олдида кўкка бўй чўзган миноралар янада илоҳий манзара касб этади. Ниҳоят кун бот-гач, карвон шаҳарнинг бир чеккасидаги карвонсаройга қўнди.

Мана, ислом оламининг энг муқаддас ўчоғи бўлмиш Маккаи мукаррама! Бу кунга қадар бу муборак шаҳар ҳақида қанчадан-қанча ҳамду санолар ўқилмади, не-не китоблар ёзилмади? Шу кунгача бу тупроққа неча миллиардлаб инсоннинг қадами тегди экан? Бу заминдан қанча-қанча қалблар покланиб кетмади экан?

Махтумқули ҳам сўнгги пайтларда Макка, Мадина, Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.) билан боғлиқ қўлгина шеърлар ёзган эди:

Етти осмону Ерни  
Макон этган бир Аллоҳдур.  
Икки жаҳоннинг сарвари  
Ул Муҳаммад Мустафодур.

Махтумқули ҳожилик мақомига эришган одамлардан Макка ва Мадина ҳақида жуда кўп эшитганди. Бу нузли шаҳарлар унинг тасавуридаги илоҳий манзиллар билан айнаиб бир хил чиққанидан ўзи ҳам ҳайратланди. Худди бу заминга аввал ҳам келгандек сезарди ўзини.

У Маккада, Мадинада, Сафо ва Марва тепаликлари оралиғида ҳажнинг барча руқиларини адо этди. Бу муқаддас ерда, Аллоҳга энг яқин маконда у икки тилак тилади: «Ё Аллоҳ, юртимга тишчилик, омонлик, фаровонлик бер! Йўқотганларимнинг ўрнини тўлдир!»

Махтумқули бир неча кундан сўнг Туркистонга қайтадиган карвонга қўшилиб, ўз юртига йўл олди.

Шукр, алҳамдулиллоҳ,  
Жонона кўзим тушди.  
Майхонада май ичдим,  
Мастона кўзим тушди.

Ёки:

Умматининг мушфиқи, Махтумқулининг манзари  
Ул Муҳаммад Аҳмади Мухтори кўрдим шундадир.

Ҳаж зиёрати исломнинг беш асосий устунидан биридир. Махтумқули бу фарзни ҳам адо этиб қайтди. Шу боис унинг охириги шеърларидан бирида:

Ошиқ Фироқ айтар арзин,  
Рўза билан намоз фарзин,  
Бу жаҳонда ушбу қарзин,  
Жон чиқмайини бериб кетди, —

деган банд учрайди.

Махтумқули ҳожилик мақомини олиб қайтаркан, Ҳалабга ҳам қўниб ўтмадимикин? Бу ердаги буюк Насимийнинг қабрини зиёрат қилмадимикин?

Насимий — шоирлар наслининг шамчироғидир. У Махтумқули учун мардликнинг, покликнинг тимсоли эди. Махтумқули ўз шеърларида уни ҳурмат билан тилга олади. Аммо, нима сабабдандир у тарафга бормади. Кўнгина сабаблар билан бирга, бошсиз, эгасиз, иложсиз қолган элига тезроқ етишиш истаги ҳам бунинг сабабларидан бири бўлгани эҳтимолга яқин. Энди назарида Махтумқули ғурбатда узоқ вақт қолиб кетса, она юрти яқкаланиб қоладигандек туюларди. Араб дунёсига тушиб қолган туркманлар ҳам ўз элидан анча узоқлашиб кетгани, ғурбатдаги бошқа туркманлар сингари ўз юртидан бирмунча бегоналашиб қолганини сезди.

Мана, ўзга юртни босиб олишнинг натижаси. Бир маҳаллар ўз ғалабасидан маст бўлиб, ўша ерда қолиб кетганлар, энди халқдан ажралиб, ўзлигини йўқотар даражага бориб етибди. Ҳар бир халқ фақат ўз юртида, ўз маконида бахтли бўла олади.

Махтумқули, кезганда,  
Ҳалаб, Қайсар тузунда,  
Гўзал ёрнинг изинда  
Умримиз зоя дўнди, —

деган сатрларга таяниб, қатъий хулоса чиқарганлар ҳам бордир. Аммо Махтумқули ижодини чуқур ўрганганлар унинг шеърларида Ҳалабга борганини тасдиқловчи руҳни топа олишмайди. Шундай бўлса-да, умидсизликка тушиш керак эмас. Янги шеърлар топилса, янги тадқиқотлар олиб борилса, кўп нарсага ойдинлик киритилиши мумкин.

## 9

Катта карвон Эронга кириб борганида, Махтумқули ўша ерда қолди. У Эронда қандай қиёфада кезганини айтиш қийин. Эҳтимол, қаландар-дарвиш ё савдогар қиёфасида юрган бўлса



хам ажабмас. Нима бўлганда ҳам, у Махтумқули бўлиб бемалол айланиб юрмаганлиги аниқ. Агар у Эронда ўз қиёфаси, ўз исми билан бемалол юрганида, қўлга тушиши тайин эди. Ҳаёт Махтумқулига эҳтиёткорлик, огоҳликдан яхшигина сабоқ берганди. Шоирнинг ана шундай хатарли ишга бел боғлагани унинг Менглига бўлган муҳаббати қанчалик юксак бўлганини ҳам яна бир қарра тасдиқлайди. Махтумқули Менгли учун жонини ўртага қўйган эди.

Кезиб сан фоний оламда,  
Кўзларам, Менглихон борми?

Махтумқулининг Эронга келганига яна бир сабаб, акаларининг изини сўроқлаш эди. У оғалари учун ҳам таваккал дея бу юртга қадам босди. Махтумқулининг Эрон сафаридан учинчи мақсади — Эрондаги ички сиёсий вазият, хусусан, ҳукуматнинг туркманлар борасидаги қарашларини синчиклаб ўрганиш эди.

Албатта, бу сафар қанчалик қийинчиликларга сабаб бўлганини ҳар бир соғлом фикрли одам англай олади. Махтумқули ҳам буни яхши биларди. Махтумқули «Таваккалчининг ишини худо ўнглабди» деган нақлга амал қилди.

Бу сафарда у, аввало, Яратганининг ўзидан, кейин эса, хоки Эронзаминда ётган Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Умар Хайёмлар руҳларидан мадад тилади.

Унинг Эронда қанча вақт бўлгани, қаерларни кезгани, нима ишлар қилгани аниқ эмас. Менгли, Абдулла ва Муҳаммадсафодан ҳам бирор хабар топдими-йўқми, буни ҳам билмаймиз. Фақат бу ерда Махтумқули қўлга олиниб, қамоққа тушгани аниқ.

Гарчи у «Мен Эронда банди бўлдим», деган гапни айтмасанда, унинг кўпгина шеърлари ана шундай хулоса чиқаришимиз учун асос бўлади.

Бу ҳақида кўпгина ривоятлар ҳам бизгача етиб келган. Тутқунда туриб ёзилган шеърларнинг аксариятидан улар Эронда яшаб турилганда ёзганини тахмин қилиш мумкин.

Ватанимда хон эдим,  
Хонларга фармон эдим,  
Дардларга дармон эдим,  
Мискинга дўкон эдим,  
Жонсизга мен жон эдим.  
Найлай, энди бечораман.

Кўзсизларнинг кўзи эдим,  
Соқовларнинг сўзи эдим,

Эл-юртимнинг юзи эдим,  
Севар ёрнинг нози эдим,  
Хотамгойнинг ўзи эдим,  
Найлай энди овораман.

Эрам ичра райҳон эдим,  
Ватанда зарафшон эдим,  
Мард йигитга камон эдим,  
Тоғ бошинда туман эдим,  
Фироғий дер, омон эдим,  
Энди эски вайронаман.

Бу шеър Махтумқулининг ўзига хос таржиман ҳоли, ички хиссиётларининг қалбга сиғмай, ташқарига отилиб чиққан оқими. Баъзилар «бу шеърда Махтумқули шунчаки ўзининг рангсиз ҳаёти, камтарлиги, хокисорлигини кўрсатмоқчи бўлган» деган фикрни билдиришади.

Бизнингча, ундай эмас. Зиндонда ўтирган шоир ўз фикрларига оройиш бериш, исёнкор туйғуларга таскин бағишлаш, бутун вужудида қайнаб тошаётган илҳом жўшқинликларини босиш учун шу шеърни ёзган.

Бегона элда ўзига-ўзи таскин, тасалли бермаса, ким ҳам берарди? Қолаверса, у ўзининг Махтумқули эканини, шоирлигини яшириши керак эди. Диққат қилган бўлсангиз, юқоридаги шеърда у ўзининг шоир эканини айтмай, шунга яширин ишора қилиб ўтади.

Махтумқулининг тутқунлиги анчагача давом этганга ўхшайди. Сабаби, унинг «Етирмас ҳижрон» шеърда тез орада озодликка чиқишидан умид қилмаётганлиги кўринади.

Саҳар туриб, Ватан сени чоғларман,  
Гулшанли сарчаман дея йиғларман.  
Хушлашиб бу мискин жоним доғларман,  
Мақсад-муродимга етирмас ҳижрон.

Фироғий, Ватан деб қон тўкар кўзим,  
Боқий қараб турмиш ҳижрона юзим,  
Биродарсиз ғамда қолдим бир ўзим,  
Баридан тиндирмиш бу зolim ҳижрон.

Бу шеър ҳам аввалгиси каби жуда қисқа битилган. Махтумқулининг тутқунликда ёзган шеърлари нисбатан қисқалиги билан ажралиб туради. Уч, беш, нари борса етти бандли шеърлар шоир ижодида жуда кам учрайди. «Саҳар туриб, Ватан сени чоғларман», «Фироғий, Ватан деб қон тўкар кўзим» сингари

сатрларда она юрт соғинчи яққол сезилиб туради. Бу туйғуни Ватандан олисда юрганлар, айниқса, тутқунликда куп кечирганлар яхши билишади.

Биродарсиз ғамда қолдим бир ўзим,  
Баридан тиңдирмиш бу золим ҳижрон, —

деган сатрлар кўп нарсадан хабар беради. «Баридан» деганда у ҳамма нарсани — Менглини ҳам, у ҳақдаги хаёлларини ҳам назарда тутган, албатта.

Эрон зиндонлари туркманлар орасида энг қўрқинчли жазо маскани сифатида шуҳрат таратган эди. Эронийлар қадимдан ўтроқлашган халқ бўлгани учун ўша пайтлардаёқ бу мамлакат зиндонлари ҳам мукаммал жазо маскани сифатида такомиллашиб улгурган. Бу ҳақда аввалдан эшитиб келган бўлса-да, Махтумқули энди бу «мукаммаллик»ни кўзи билан кўриб турарди. Шонрининг руҳи, беғубор қалби қандай қийноқларга чидади экан? Уни қамчиллаган қул қанчалар улуг инсонга қўл кўтарганини оз бўлса-да англаб етдимикин? Зиндон эшигида мудроқ ё уйғоқ турган посбонлар кимни кўриқлаб турганларини ўйлаб кўрдилармикин? Махтумқули бу тутқунликдан қандай озод бўлди экан? Бу ҳақда ривоятлар ҳам бор, аммо асл ҳақиқат ҳалигача маълум эмас.

Нима бўлганда ҳам, Махтумқулидаги ўткир ақл-идрок, зеҳну фаросат унинг озодликка чиқишига йўл кўрсатган бўлиши керак, зеро, душмanning раҳм-шафқат кўрсатганига ишонини кийин. Бинобарин, бу тутқунлик воқеалари ўз даврининг очилмас сирларидин бири бўлиб қолмоқда.

Бандиликда ўтган йиллар Махтумқулининг ватанпарварлик туйғуларини, ўз халқига бўлган ихлосини, меҳрини янада ортирди, халқи учун қанчалар кераклигини чуқур англаб етишида туртки бўлди. Шу боис, у бутун ижодига қайтадан назар ташлаб чиқди. Аммо қилган ишларидан, ёзган шеърларидан кўнгли тўлмади. Жўшиб қайнаётган илҳомини халқ учун янада фойдали, янада оташин асарлар битишга йўналтириш, руҳан кўтаришқилик бахш этувчи асарларни кўпроқ ёзиш лозимлигини англади.

Махтумқулининг кўзига ижод йўлидан бошқа йўл кўринмасди. Халқнинг ғурурини юксалтириш, уни жипслаштириш, ҳамжихатлигини кучайтириш йўлида шеърлар ёзиш керак, деган хулосага келди. Шу қунгача қилган ишларини оз деб билиши келгусидаги ишлари янада кенг қамров олиши учун янги кучқувват бағишлади.



Махтумқулининг курашлари узоққа мўлжалланган эди. У анчадан бери шеърлари халқ онгида илдиз отиб, ўзгаришлар қилаётганини, тарқоқлик, беқарорликлар изга тушаётганини, ижодининг таъсири туфайли ҳар бир туркман маълум маънода ўзгараётганини ҳам сезарди. Ҳар бир сатрини, ҳар бир бадини бир аскар деб тасаввур қилган шоир эндиликда ўзининг миңмиңглаб аскарлари эзгулик галабаси учун курашаётганини ҳис этарди.

Махтумқулининг шеърлари айнан чинорга ўхшарди. Чинор илдизи танаси каби улуғ бўлмаса, яшолмайди. Бу чинор ҳам тошни ёриб илдиз отиши керак эди...

Албатта Эрондан қайтганидан сўнг, унинг бахтсизлиги, ғуссалари ортса ортдики, камаймади. Энг ёмони – Менглихонни, оғаларини топиш умидининг сўниб бораётгани эди. У йўқотганларини қайси манзилу макондан изласин? Уларни қидириш мумкин бўлган ҳамма жойни излаб келди-ку?

Янгиси Оққизнинг қалбида милтираб турган умид учқунлари ҳам сўниб битмаган. У ҳамон эри Абдулланинг чирогини ўчирмай келаётир. Тик этса эшикка қарайди, шўрлик.

Ўтган асрларда, ер одам қони билан сугорилган дамларда туркман аёлларининг ана шундай вафодор бўлганлиги катта қаҳрамонлик эди. Бу фидойилик олдида бош эгмасликнинг иложи йўқ. Ҳақиқий инсонгина уларнинг бу вафодорлиги қандай қурбонликлар талаб этганини яхши билади. Ахир, бу аёллар ҳам бошқалар сингари эркак меҳрини қўмсамайдими, уларнинг ҳам фарзанд кўргиси, жигарпорасига кўкрак тутгиси, бағрига босиб алла айтгиси келмайдими? Ахир, инсоннинг эҳтиёжларини санаб адоғига етиб бўлмайди-ку?

Бироқ, бу аёллар ана шундай эҳтиёж ва истакларининг барига қўл силтаб, севган ёрларининг йўлига умид билан кўз тикиб ўтираверишган. Туркман йигитларининг мардлиги ҳам аслида аёл садокатидан, вафосидан куч олган эмасмикин? Йигитлар ўлар чоғда ҳам, уйи-ўчоғи дарз кетмаслигига, аёли бошқа бировнинг тўшагига кирмаслигига ишонган ҳолда жон беришган. Бу ишонч эса, аёлларнинг ҳар хил балолардан асралмоғига, эрларининг обрўси, шаънини кўз қорачиғидек сақлашларига бурчли қилган. Эрлар шунинг учун ҳам, ўз аёлларининг вафосини қадрлашган, уларни бошларига кўтаришган. Албатта, турли даврларда аёл зотига нисбатан зўравонликлар, тажовузлар ҳам учраб турган, бироқ, барибир, аёлга нисбатан ҳурмат, муҳаббат барқарор ва устунлигича қолаверган.

Махтумқули ўз халқининг табиатини пухта ўрганиб бўлгач:

Дунё сўзи ўхшар тузсиз таомга,  
Сўз ичинда келин-қиз ҳам бўлмаса, —

деган сатрларни битди. У бу мисраларда ана шу вафодор, садоқатли туркман аёлини мадҳ этганди.

Туркман аёлларининг вафодорлиги шарнат қонунлари орқали ҳам мустақкамланган, лекин аёлнинг қалбида вафо, меҳр, муҳаббат, ифқат йўқ экан, бу қонунлар елга соврилар-кетарди.

Бу — туркманчиликнинг, туркман эли шу пайтга қадар йўқотмасдан келаётган қадриятларнинг бир кўриниши.

Таъбир жонз бўлса, туркман тупроғида эртами-кечми энг баланд обида қурилиши керак бўлса, бу, албатта туркман аёлига кўйилиши керак бўлган ҳайкалдир. Тарихнинг талаби шу.

Махтумқули умрининг қолган қисмини нимага сарфлаши ҳақида кўп ўйларди. Асосий мақсади — туркманларни бирлаштириш, қудратли давлат барпо этиш истаги амалга ошмаган бўлсада, бу орзу эртами-кечми, барибир, ўз ижобатини топнишига ишончи комил эди. Чунки, у халқининг буюк бунёдкорлик хислатига қаттиқ ишонарди. Бу курашда унинг ўрни қандай бўлади? У қандай хизмат қилса, халқига кўпроқ нафи тегади?

Демак, ҳар қандай вазиятда ҳам ишонч ва умидни йўқотмаслик керак. Махтумқулининг узоқ мулоҳазалардан кейинги хулосалари шундан дарак беради. Ахир, нималарга қодир эканингни билиш ҳам валийлик даражаларидан бири эмасми?

Шеърят, тингловчию ўқувчини ўз тарафига оғдириб бораётган, ота-боболар қонидан қонга сингиб келаётган шеърят. Шоирликни, ҳатто шоҳликдан ҳам юқори туришини Махтумқули анча эрта тушуниб етганди. Махтумқули замонидан бери қанча хон, қанча султон, қанча шоир яшаб ўтмади. Аммо уларнинг кўпчилиги, ҳатто, тириклик чоғидаёқ унутилиб кетди-ку? Шоир Махтумқули эса асрлар ўтгани сари халққа яқинлашиб бораверади.

Эҳ, ҳозир Човдурхон бўлганида эди! Човдурхон Махтумқули учун умрбод армон бўлиб қолди. Човдурхондан кейин бирорта саркарда Махтумқулининг қалбига шунчалик яқин келолмади.

Ниҳоят, Махтумқули энди жаҳонгашталиқни йиғиштирди, энди бутун имкониятини ижодга сафарбар этди. Ана шунда у ўз фикр-туйғулари устидан кулди:

Одам ўғли, ўзинг билмай,  
Қадам-қадам отажаксан.

Эгангнинг амрини қилмай,  
Ўз кўнглингни гуйдажаксан<sup>1</sup>.

Дунёни қизгин тутмагил,  
Ишинг кўр, бекор ётмагил,  
Махтумқули, унутмагил,  
Кетажаксан, кетажаксан.

## 10

Махтумқули ўз умри мобайнида кўп шоирлар билан ҳамсухбат бўлган. Борди-келди қилган. Бизгача етиб келган асарлари орасида Махтумқулининг Дурди шоир, Маъруфий, Зунубий, Ўрозменгли сингари шоирлар билан айтишувлари бор. Айтишувлар базмларга жон киритиш, мунозара қилиш мақсадида ҳам, устоз шогирдга фотиҳа беришдан аввал синовдан ўтказиш мақсадида ҳам уюштириб турилган. Бунда фотиҳа оладиган шоир йнгирма минг байт шеърпи ёд билиши шарт қилиб қўйилган. Шу шарт бажарилгач, фотиҳа берилган. Ўша пайтларда оқ фотиҳа олишни бугунги куннинг зиёлилари Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлиш билан тенглаштиришади. Аммо, барибир, булар бошқа-бошқа нарсалардир.

Махтумқулининг Шайдоний, Андалиб, Шобанда сингари шоирлар билан ҳам қалин алоқада бўлгани эҳтимолга яқин. XIX асрда яшаб ижод қилган туркман шоири Курбондурди Залилий Махтумқулининг жияни эди. «Фирогий» шеърисидаги:

*Маматжума дўстим, мулло Залилим, —*

деган сатрлар ҳам Залилийга бағишланган.

Махтумқулининг юқорида номлари тилга олинганлардан бошқа шоирлар билан алоқалари ҳақида маълумотлар етиб келмаган. Бироқ ўша туркман шоирларининг аксарияти, шунингдек, қардош халқлар шоирлари ҳам Махтумқулининг халқчил, равон, дилга яқин мисраларига тақлидан асарлар бита бошлашган.

Махтумқули тириклик пайтидаёқ ўз мактабини ярата олди.

Буни шоирнинг ўзи англадимикин? Ахир, у жуда зийрак эди-ку? Англаган бўлса-да, сир бой бермагандир. У ҳар доим камтарликни йўқотмай келган:

Эшитганлар айб айламанг сўзимга,  
Эллар каби сўзим уз<sup>2</sup> ҳам бўлмаса.

<sup>1</sup> *Гуйдажаксан* — куйдириб-пиширмоқчисан, йўқ қилмоқчисан деган маъноларда.

<sup>2</sup> *Уз* — узун, батафсил, равшан фикрли деган маъноларда.



Бу — Махтумқулининг сўзлари.

Бу йилларда Махтумқули қандай турмуш кечирди экан? У туркманнинг одатдаги турмуш тарзига яна қўникиб кетди. Тирикчилик ўтиб туриши учун дурадгорлик, заргарлик билан шуғулланди.

Туркманда бир анъана бор: ҳурматли-обрўли кишиларни хор қилиб қўйишмайди. Экин-тикин ишларига қарашишади, узок сафарлардан қайтганларида, албатта, унга атаб совғалар олиб келишади, шеърларини кўчириб олгач, ҳақини беришади, тўймаъракалардан бош-оёқ сарпо билан жўнатишади. Бундай удумлар жуда кўп.

Фақат шундан кейинги кунлар нисбатан ғамгин ўтарди. Махтумқули баъзан эзгин хотиралар таъсирига берилиб, ўзини ўнглолмай қоларди. Олдинда эса, худди қаҳратон қиш мисоли кексалик тиш қайраб турибди. Бироқ қишнинг ортидан, барибир, баҳор келади. Кексалик-чи?

Ҳар қишнинг сўнги баҳор,  
Умр сўнгида гап бор!

Аслида бақувват, гавдали одам учун олтмиш ёш нима деган гап? У баъзида худди аввалгидек вужудига қасрлардандир сирли бир қувват оқиб кираётганини сезарди. Аммо, вақт ўз сўзини айтади. Бир пайтлар кийиб юрган тўнлари энди ўзига сал кенг, узун келиб қолгандек. Ўзида содир бўлаётган сезилар-сезилмас ўзгаришларни Махтумқули шеърларига ҳам спингдиришга ҳаракат қиларди. Менглини, тириклай йўқолган акаларини кутаверишдан ҳам чарчаганди. Аммо, уларни унута олармиди? Қўйидаги мисралардан унинг ўзини қанчалик ёлғиз ҳис қилганини англаш мумкин.

Менглихоним, ишқ савдосини унутдим,  
Раҳм этар бўлмади, бахтим қародур.

Ёки:

Бир қардошсиз дунёда  
Нечук кечар аҳволим?

Мана бу эса, олтмиш ёшида чеккан ҳасратларидан нишона:

Олтмишга азм урди қартайган ёшим,  
Раҳм этар бўлмади, бахтим қародир.

Махтумқули юрт ичи ва ташқарисидаги сиёсий вазиятни синчиклаб кузатарди. Албатта, у пайтда туркманларда газета ёки

ОАВ бўлмаган, янгилеклар оғзаки тарзда тилдан-тилга кўчиб юрган. Рус-турк муносабатларининг кескинлашгани, Исмоил қалъасининг забт этилгани, русларнинг эронликлар билан келишолмай қолгани шоирга аён эди.

Ички аҳвол қандай эди? Бу ўша-ўша ички душман — ички низолар, оғзи олалик эди. Ҳеч бир қабила иккинчисига шафқат қилгиси келмасди — сув учун, ер учун жанжаллар, қасос, уруғ-аймоқчилик можаролари ҳамон давом этарди. Шундай бир пайтда одамлар бирдамлик ҳақидаги шеърларни юракка яқин олиб ўқишар, ўзаро муҳокама қилишар, маъносини чақишга уринишарди. Аммо сўз бошқа, амал бошқа. Устига устак, Махтумқули олдинда яна нималар кутаётганини билмасди.

Нодиршоҳнинг ўлимидан кейин Эрон инқирозга юз тутди. Мамлакат бир неча хонликка бўлинганди. Улар бир қилич, бир байроқ остида бирлашгач, катта ўйинлар майдонга келди.

Бу ҳақда тарихчи М. Аннанапасов шундай ёзади: «Эрон феодал хонлик ва бекликлари — қожорлар бошчилигидаги шимолӣ ҳамда зендлар етакчилигидаги жанубӣ гуруҳлар ўртасидаги курашлар қожорлар ғалабаси билан якунланди. Оғамуҳаммадшоҳ зендлар сулоласининг асир тушган сўнгги шоҳи Лутфалихоннинг кўзини ўз қўли билан ўйиб олди. У зендларни қўллаб-қувватлаган Қирмон халқидан ҳам аёвсиз ўч олди. Ёш-ёш қиз-жувонларни ўз навкарларига тақсимлаб берди. Эркакларнинг эса кўзларини ўйишни буюрди. Навкарлар 20 минг кишини кўзларидан жудо этишган. Ахта Оғамуҳаммадшоҳ фақат Эронда эмас, Жанубӣй Озарбайжонда, Кавказда, Хуросонда ҳам мислсиз жабр-зулмлар ўтказди».

Тарихда Ахтаҳон номи билан шуҳрат қозонган Оғамуҳаммадшоҳ барча шафқатсизликларни туркманларнинг бир тармоғи бўлган қожорлар қўли билан амалга оширган.

Ахтаҳоннинг кўнглини олиш учун туркманнинг кўпгина хон ва беклари қанчалик тилёғламаликлар қилиб, думларини ликиллатишларини кўрган Махтумқулининг кўнгли вайрон эди.

Беғайрат хон қўлида  
Элат хорликка тушди.

У яна бир ҳақиқатни англаб етди: шоҳларнинг қай бирини олиб қараманг, аксарияти туркман эли ва туркман замини билан алоқадор бўлиб чиқади. Бу нима? Тақдирнинг аччиқ киноясимми?

Бунга Махтумқули қандай жавоб бергани маълум эмас. Қадимдан шу кунларгача яшаб ўтган туркман ҳукмдорларини са-

наб чиқиш учун алоҳида китоб ёзиш мумкин. Бунинг учун махсус илмий изланишлар талаб этилади. Масалан, Нодиршоҳ туркманнинг афшар уруғидан эди, ҳинд ҳукмдори Муҳаммадшоҳ эса туркманнинг баҳорли тоифасидан, ўзбек Абулғози Баҳодурхон ҳам туркманлар ичида катта бўлган, Муҳаммад Ҳасанхон туркманнинг қожор тоифасидан, унинг ўғли Оғамуҳаммадшоҳ Эрондаги қожорлар сулоласига асос солди. Бу сулола Эронда 1925 йилгача ҳукмронлик қилгани маълум. Фатҳалихон лақаби билан танилган Бобохон Оғамуҳаммадшоҳнинг ўғли эди. Бу номларни ўз фикримизни тасдиқлаш ёки машҳур шахсларни атайин туркманлаштириш мақсадида айтаётганимиз йўқ. Биргина Салжуклар ҳаракати Осиё қитъасини ўзгартириб юборгани ва Европанинг келажигига ҳам таъсир ўтказганини таниқли инглиз олими Ж. Саундерс ҳам ёзиб қолдирган. Бундай фикрни билдирган олимлар оз эмас.

Умуман, ҳозирги вақтда туркманларнинг тарихи тўлиқ ёзилмаган. Шўро даврида сиёсатга мослаштириш ниятида чала ёзилган тарих китобларида ноаниқ ўринлар жуда кўп. Бу халқнинг тарихи устида ҳали жуда узоқ изланишлар олиб борилиши керак.

«Ўз тарихини билмасдан, унда аниқ иштирок этмасдан туриб, тамадунларнинг ҳеч бири тараққий эта олмайди» (Л.Н. Гумилёв. «Қадимги турклар». 1964 й. 340-бет).

Махтумқулининг, ундан сал ёши каттароқ бўлган Андалибнинг, Шайдойиннинг ўз даврига қадар бўлган туркман тарихини яхши билганликлари уларнинг асарларида ҳам яққол кўзга ташланади:

Тоғдан баланд, янтоқдан паст  
Бўлди туркманнинг аҳволи.

Бу Шайдойиннинг сатрлари.

Мана, Махтумқули нима дейди:

Калла қўйиб солдик хонинг қалъасин,  
Эшитдик оху зор, мискин поласин.

Ёки:

Чин-Мочинда тахтин курган,  
Эрону Афғонни сўрган,  
Ҳиндистон, Хўтанга борган,  
Отаниёз хон кўринар.

Юқоридаги сатрлар нима сабабдан айтилгани ҳақида бир ўйлаб кўринг-а? Бу каби сатрлар Махтумқули ижодида юзлаб



топилади. Бинобарин, узоқ тарихимизда ҳали ўрганилиши керак бўлган саҳифалар қанчалик кўп эканини билиш қийин эмас.

Махтумқулига қайтайлик. У ҳаётлигида ҳукмронлик қилган энг сўнги ҳукмдор Фатҳалишоҳ эди. Фатҳалишоҳ тахтга ўтирганида, Махтумқули олтмишдан ошиб қолганди. Ўтган йилларнинг изи, ҳаётий ва ижодий тажрибалари уни мўйсафидга айлантириб қўйганди. Бу йиллар унинг учун ижодидаги энг сермаҳсул давр бўлди.

## 11

Махтумқули биз бугунги кунда «модерн» деб атайдиган йўналишда ҳам маълум муддат ижод қилгани айни ҳақиқат. Ҳа, Махтумқули жаҳон шеъриятида янги саналган оқимда икки аср аввал сузиб ўтганди.

«Менгзар ҳукмли» шеърини яна бир қайта ўқиб кўринг-а! У қўллаган шеърый ташбеҳлар, санъатлар ҳақида алоҳида китоб ёзиш ҳам мумкин.

Махтумқули аввал ўқиган китобларига, ўз устозларининг илмий қарашларига янгидан тиниқ назар ташлашга вақт топа олди. Махтумқулининг илмий қарашлари ҳам кичик-ичкам мақолалар орқали алоҳида ўрганилди.

Тадқиқотчи Ч.Қулиев Махтумқулининг «Жаҳон пайдо» номи шеъри асосида фикр юритиб, шундай хулосага келади:

«1771 йилда инглиз файласуф-материалисти, таниқли кимёгар, жамиятшунос Жозеф Пристли ўсимликлар ўзларидан ҳаёт учун зарур бўлган, фан учун номаълум бир газни ишлаб чиқаришини тажриба йўли билан биринчи бўлиб аниқлади. Уч йил ўтганидан сўнг эса, бу газнинг номи «кислород» бўлиб фанга кирди. Ўз даврининг буюк олими бу фикрлари билан Махтумқулининг ўсимликларнинг «жаҳон ичра жон» яратишга қодир «дам»и (нафаси, кислороди) ҳақидаги тушунчаларини тасдиқлайди. Бундан шундай хулосага келиш мумкин: шоир ўсимликларнинг табиатдаги муносиб ўрнини белгилаб бергани ва бунинг илмда тан олингани — даврнинг юқори баҳосига муносибдир. Бу хулосага шоир қай усул билан етиб боргани маълум эмас. Бу — Махтумқули даҳосининг буюк илҳоми туфайли дунёга келган жуда улкан илмий кашфиётдир!»

Бу — буюк шоир ижодидаги ягона илмий кашфиёт эмас, албатта.

Шоирнинг:

Бу не қудрат ишдир — сувдан ўт чиқар?

Ёки:

Уч ҳиссаси далли дарё,  
Бир ҳисса ерда мишг ғавғо,  
Ким биларки, кўҳна дунё  
Ё раб, неча ёшиндадир?

Ёки:

Юлдуздан йўл ясаб, оя сатапдим...

сингари ҳали инсон онги етиб боролмаган, шоирнинг ўткир ақл-заковати туфайли дунёга инган мўъжизавий мисралар шоир ижодида юздан ошади. Ҳали бизга етиб келмаганлари қанча экан? «Қайдалиги билинмас», «Учи авлоддан», «Чиқиб ўтирмиш» каби шеърларидаги сирларни кашф этиш учун бизнинг замондошларимиз ҳали анча бош қотиришларига тўғри келади.

Махтумқули ижоди том маънода сирлар хазинасидир. Бу шарқона анъаналарнинг ўзига хослиги демакдир. Шарқ адабиёти ўз сирлари билан ҳам жозибали ва сеҳрлидир.

Мумтоз адабиётимиз билимдонларидан бири Ҳиммат Қақажон ана шундай сирлардан бирини «Учи авлоддан» шеъри мисолида қуйидагича шарҳлайди:

Араб алифбосида 28 та ҳарф бор. Бироқ, қадимги туркман адабиётида лом ва алиф қўшилмасидан юзага келган «ло» бирикмаси ҳам битта ҳарф ҳисобланади. Адабиётда араб ҳарфлари худди ниқоб ёпинган аёл сингари жуда кўп сирларни ўзида жамлаган. Шу боис, шеър «Не ўн беш аёлдир...» деб бошланади.

Араб алифбосида ҳарфлар (28 та ҳарф) ўзидан олдинги аниқлик артикли билан қўшилиш-қўшилмаслигига қараб, 14 тадан икки гуруҳга — шамсий ва қамарий ҳарфларга бўлинади. Бундан ташқари, ҳарфлар нуқталари бор-йўқлигига кўра яна икки гуруҳга бўлинади. Шу боис, мумтоз адабиётда бундай ҳарфлар гуруҳи «ҳомилали ва ҳомиласиз аёллар», «холли ва холсиз аёллар»га ҳам бўлинади.

Шоир биринчи сатрда ёзади:

Не ўн беш аёлдир, ортмас фарзанди?

Бу ўн беш аёл — 15 та нуқтасиз ҳарф демак. Булар: алиф, ҳе, дол, ро, син, сод, то, айн, коф, лом, мим, вов, ҳо, лом-алиф, йо.

Яъни, бу ҳарфларнинг тепасида битта ҳам нуқта йўқ. Агар нуқта қўйилганда ҳам маъноси ўзгармайди. Нуқтаси бўлмагани боис бу ҳарфларнинг «фарзанди ортмайди», сўз ясамоққа кучи етмайди, улар «қисир» ҳарфлар.

Шоир ўн беш нафар «ниқобли (ёпинчиқли) аёлларнинг», яъни ҳарфларнинг ичинда уч нафар сўз ясовчи, ҳомила кўтариб, фарзанд, насл, авлод яратишга қобил аёл (ҳарф) бор, дейди. Улар «алиф», «вов», «йо» ҳарфларидир.

Учи эгиз, ўн тўрт эрур пайванди.

«Уч эгиз» деганда алиф, айн ва ҳамза назарда тутилади. Бу ҳарфлар бир нечта товушни (а, и, у, о, э, ў) ифодалаши мумкин. 1) «Алиф» — а, э, ӓ, е; 2) «айн» — а, и, о, у; 3) «ҳамза» — а, о, ў, э.

«Ўн тўрт эрур пайванди» деганда эса, араб алифбосидаги шамсий ҳарфлар назарда тутилади. Араб тилида олдидан келган -ал артиклини ўзгартира олган ҳарфлар шамсий ҳарфлар дейилади. Масалан, тафсир сўзида ал- қўшилса, у ат-тафсирга айланади (масалан: ан-нур, ас-салом, аз-Замахшарий, ар-Розий). Шамсий ҳарфлар «ал» артикли келган ерда олдидаги ҳарф билан боғланиб, ассимиляциялашади, яъни «л» ҳарфи тушиб қолиб, изидан келган шамсий ҳарф билан пайвандланади (боғланади), «никоҳланади», жуфтлик ҳосил қилади, эр-аёл бўлади.

Ул не жимоъ айлар, не чиқар ёддан?

«Жимоъ» арабчада «қовушиш», «бирлашиш» демакдир. Яъни, юқоридаги ҳарфларнинг бирлашиш қоидалари ёд олингач, у одамнинг эсидан чиқмайди, дейилмоқчи.

Ул не махлук, кук юзига қўнарлар?

Булут кукда учиб-қўниб юради.

Гоҳи иниб, ер юзига тинарлар.

Осмонда учиб-қўниб юрган булутлар гоҳ туман, гоҳ қор, гоҳ ёмғир, гоҳ қиров кўринишида ерга тушади (тинади). Улар ҳам худди ҳарфлар сингари тўқнашиб, бирлашиб, ерга нам берадилар.

Ул не одамзоддир, бир от минарлар.

Денгизчиларнинг бир нечтаси эшкак эшиб, елкакли кемаларни бошқараётганларини кўз олдингизга келтиринг. Бу елкакли кема (от)нинг узангиси (ўрни, таянчи) сувдан сузиб кетиши, жилови (кучи) ел (бод)га боғлиқ. Шоир ана шу ҳолатни назарда тутади.



Мудом сайрда кезар ул тўрт тенги-туш,  
Бўлар андин жумла олам юзи хуш.

Тўрт фасл бир-бирининг ортидан келиб, айланиб юрса, олам-  
даги барча жонли ва жонсиз мавжудотларнинг ҳаёти давом этади

Ул тўртдан бири бор, мудом сабзапўш,  
Калласи муздандир, оёғи ўтдан.

Тўрт тенгдош — баҳор, ёз, куз, қиш. Улар орасида сабза-  
пўш, яъни ям-яшил юрадигани — баҳор. Баҳор эса муз, яъни  
қишдан бошланиб, ўтга (оловга), ёз ойларига уланиб тугайди.

Ёхуд шоирнинг китоб ҳақидаги мана бу чистониға эътибор  
беринг.

У кимдир, яланғоч, ғариб ўтирмиш,  
Овозсиз оламга сўзин стирмиш.  
Оғзин очиб ўзин ғамга ботирмиш,  
Сўрсанг, хабар берар сенга ҳар зотдан.

Буюк шоир араб тили ва ёзувини старлича билганлар учун  
аёллар (ҳарфлар)нинг сирларини бирин-сирини, андиша ва исти-  
ҳола билан очиб бераётганга ўхшайди.

У ушбу шеъри орқали халқни билим олишга, саводхонликка  
ундайди, шоирона сатрлари билан ўз ўқувчисини сеҳрлаб олади.  
Ҳарфларни сирли аёлларга ўхшатиб, «оқил эрнинг фаҳми етар  
бу сўзга» дея ўқиш, ўрганиш, билиш, ихлос этиш унчалик қийин  
эмаслигини таъкидлайди. «Ҳожат эрмас хабар олмоқ устоддан».

Сиз унинг «Яшил зумуррад» шеърини ҳам яна бир қарра  
ўқиб чиқинг-а!

Шунингдек, шоир ҳамма билганлари шеърга сиғмаслигини,  
бўлган шеърятнинг имкони етмаслигини, асосийси — шеърлари-  
ни илмийлаштириш фикридан йироқлигини айтиб ўтади.

«Махтумқули фош айласанг сирингни...» шеърида ана шу  
ҳолат назарда тутилган бўлса, ажаб эмас.

Шу боис ҳам Махтумқулини «Сирлар хазинаси» деб атаймиз.

## 12

Махтумқулининг олимлигини шоирлигидан устунроқ дей-  
диганлар ҳам топилади. Адабиётшунослар эса, унинг ижодини  
энг аввал шоир сифатида ўрганишади. Қолаверса, илм ва шеъ-  
рият бир-биридан у қадар йироқ тушунчалар эмас. Ана шундай  
мулоҳазалар Махтумқулининг селда оқиб кетган, қизилбошлар  
ёқиб ташлаган китоблари орасида илмий асарлари ҳам бўлса ке-  
рак, деган мулоҳазага олиб келади.

Махтумқулининг илмий қарашлари, ишлари ҳақида ушбу саҳифаларда муфассал ёзиш шарт эмас, деб ўйлаймиз. Чунки Махтумқули илм-фанга ҳар қанча меҳр қўйган, илмий иш билан шуғулланган бўлмасин, уни шуҳрат осмонига олиб чиққан куч — энг аввало, шеърят эди.

Махтумқули ҳар жиҳатдан комилликка етишган инсон эди. Ўз даврида замондошлари уни оқил, донишманд, билимли инсон сифатида ҳурмат қилишар, ҳатто энг обрўли уламолар ҳам у бор мажлисда сукут сақлашни афзал кўришарди. Бу ўз халқининг шоирига кўрсатган эҳтиромидан дарак эди.

Халқ Махтумқулини қанча юксакликка кўтарса, у ўзини шу қадар хокисор тутди, камтарлигини йўқотмади.

Кўнглим, паст тутгил ўзингни,  
Фоний дупё ўтар-кетар.

Ёки:

Йўл устида ўлсам, йўлга отсалар,  
Розиман устимдан босиб ўтсалар,  
Махтумқули дея отим тутсалар,  
Кўрган кўз оҳ айтар эшитар кулоққа.

Ёки:

Аввал Махтумқули, ўзинг тузатгил,  
Ўзингни сен ўзгаларга кўз этгил,  
Оз егил, оз ётгил, сўзинг оз этгил,  
Не бор маънисиз сўз узамоқ билан.

Ёки:

Билмайин, сўрганлара айтинг бу мискин отимиз,  
Асли геркез, юрти Атрек, оти Махтумқулидир.

Ёки:

Махтумқули, бенаво, бечора андалиби,  
Бир парча ғам даврони бўлмиш анинг насиби,  
Йиғилса, қилмас чора унга даҳрнинг табиби,  
Ҳар мажлисда, суҳбатда шод айланг биз ғариби,  
Эй ёронлар, ёд этинг, хайри дуода бизни!

Шоир ижодидан бундай мисолларни истаганча келтириш мумкин. Кўриб турганингиздек, Махтумқули ўз жиловини ўзи тортиб, ўз қамчиси билан ўзини савалаб юрганлардан эди. Сўфийларнинг, тариқат аҳлининг энг муҳим хусусиятларидан саналган бу хислат унга отасидан ўтган эди.

Бу ҳам озодликнинг бир кўриниши. Агар шайтон оралаб, бу шарт бузилган тақдирда, шартни бузган одам бир умр афсус чекиб ўтган. Буни Махтумқулининг ҳаёти мисолида ҳам кўриш мум-

кин. Эсингизда бўлса, у ўз тилаклари ижобат бўлмагани, мискину бечораларга, ғарибу ғураболарга ёрдам беролмагани учун Яратганга илтижо қилганди.

На дарвишман, на мулла, на сўфий аҳли дастор.

Ёки:

Шарр ишим беҳаддир, гуноҳим кўпдир,  
Сен ўзинг кечиргил, ё Зулжалолим.

Ёки:

Кўрқув, умид ўртасинда ҳайронман,  
Тонгла машҳар, ё раб, не бўлар ҳолим?!

Ёки:

Фироғий дер, йўқ дунёга ҳавасим,  
Якка динда бўлиб қолди ихлосим.

Ёки:

Ҳақ сўзина инонмасдим мен доим,  
Ҳижрондан тутубдур карвонсаройим,  
Ғафлат билан ўтиб ҳар куним, ойим,  
Умрим юзин бақо тутиб борадир.

Ёки:

Ерим йўқ, айрилиб борарға сепдан.

Ёки:

Дунё қайғуси бирла, бўлди қаро бахтим қон,  
Охиратни унутдим, елдим-югурдим ҳар ён.  
Бир дардга уланибман, сийнамда эзур пинҳон,  
Топилгайми сўрашсам, ё раб, бу дардга дармон,  
Билган давосин айтар ҳар бандан мусулмон,  
Билдим, топмас иложин юз йил ўтирса Луқмон,  
Тилим бормас тилакка, кўнгил юз минг паришон,  
Лутф айлагил, ё субҳон, ҳасрат била борди жон,  
Барча мушкул ишларим сен ўзинг айла осон,  
Худоё, мен не осий, шарманда қулинг бўлдим?!

Ёки:

Сен нечук Махтумқули ёмонлигинг унутмадинг,  
Гоҳи-гоҳи золим ўлдинг, кўрганингдан қайтмадинг,  
Гоҳи-гоҳи сўфи бўлдинг, ҳеч ҳаромдан тотмадинг,  
Билмадим сен қайси бўлдинг, белли бир иш тутмадинг,  
На сипоҳийлик билан бўлдинг, на муллолик билан?

Бу сатрлар унинг ҳар доим ўзига танқидий кўз билан қараб келганига, ўз айбларини яшириб ўтирмаганига мисол бўла олади ва шоирнинг умр бўйи ҳаётнинг моҳиятини излаб яшаганини яна бир қарра тасдиқлайди.



Китоб очиб, анча динга дуч бўлиб,  
Ислон қайси, Қуръон қайси, билмадим...

сатрларига яна бир назар ташланг.

Махтумқули динга қайтадан юз тутган бўлса-да, динни тескари тушунтирадиган, ўз манфаати йўлида ҳар қандай пасткашликдан қайтмайдиган дин пешволарини танқид қилишдан чекинмайди. Сабаби, у бирор зотни Одамдан, Одамзоддан баланд қўймади. Шоирдаги ана шундай майл ва истаклар инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган байтларни дунёга келтирди.

### 13

Шу алфозда Махтумқули етмиш ёшнинг остонасига ҳам бориб қолди. Қарилик унинг ҳар қадамида, ҳар нафасида ўзини билдира бошлади. Қадди букилиб, тишлари сийраклашди. Ўзидан ўтганини ўзи билиб юрган шоир бу шафқатсиз ҳақиқатни қандай қабул этди экан? На илож, табиатнинг қонуни шундай!

Албатта, дарднинг ёмони — қарилик! Махтумқулининг кексалиги бошқаларникига қараганда ўзгачароқ кечмоқда. Чунки у шоир, унинг ҳислари бошқаларникидан фарқли. Умрининг ҳар қадамида жудоликка учраб, ахийри ёлғиз қолган шоир учун кексалик икки карра машаққатли эди.

«Қариган чоғида ёш қиладиган» фарзанди ҳам, уйқусиз кечалари суҳбатлашадиган ёстикдоши ҳам йўқ. Ўлганингдан кейин ортингдан йиғлаб қоладиганлар бўлса, шукр қил. Буларнинг бари инсон учун жуда муҳим.

Умрининг бу даврида шоир аҳволи, рухияти унинг шеърларида ҳам яққол акс этган. Унинг биргина «Бахтим қародир» номли шеърини ўқиганингизда, шоирнинг ҳасратини яна бир карра англаб етасиз.

Ҳамроҳим йўқ, бориб сиррим очирсам,  
Дардимни тўхтатсам, ўтим ўчирсам,

Ёки:

Тоғимда банд олди селлар,  
Кетди ҳушим, эгри беллар,  
Махтумқули айтар, эллар,  
Изимда зурриёт қолмади...

сингари сатрлар бу даврда кўплаб битилди.

Бироқ нима бўлганда ҳам Менгли унинг тасавурида ойдан ойдин, кундан ёрқин бўлиб қолаверди.

Бироқ, Махтумқули шахсий бахтсизлигини эл-юрт кулфатидан, ҳозирги тилда айтсак, ижтимоий бахтсизликдан устун қўймади. Ҳолбуки, бу икки бахтсизлик ҳам бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эди. Махтумқули эл-юрт фожиасини ўз кулфатидан юқори қўяр, йиғлаганда ҳам эл дарди билан йиғларди.

Аввал айтганимиздек, Махтумқули ўз ҳаётида кўрган сўнгги ҳукмдор — Эрон шоҳи Фатҳалишоҳ отаси Оғамуҳаммадшоҳ ўлдирилганидан кейин тахтга ўтиргач, жуда кўп қаршиликларни енгиб ўтишига тўғри келди. Фақат 1801 йилдагина у йирик салтанатни ўз қиличи остида бирлаштира олди. Шундан сўнг янги хунрезликлар бошланади. Тарихчиларнинг шаҳодат беришича, Фатҳалишоҳ туркманларга ниҳоятда қаҳр билан қараган. 1774 йилда амакиси Хусайнкулини туркманлар ўлдиргани учун улардан қонли ўч олишга қарор қилади. Тўғрироғи, бу баҳона эди холос. Чунки, туркманлар Фатҳалишоҳ учун катта хатар манбаи эди. Шу боис, уларнинг попугини пасайтириш учун ана шу баҳонани ўйлаб топади.

Ўзингникини енгиш осон, негаки унинг заиф ва кучли томонларини яхши биласан. Қолаверса, ўша пайтларда туркманлар орасида тарқоқлик, моддий қийинчиликлар авжига чиққан эди. Бунга ҳийлагар Фатҳалишоҳ назардан қочириши мумкин эмасди. Шунингдек, бу пайтда туркманлар руслар билан савдо-иқтисодий, ҳарбий соҳалардаги ўзаро муносабатларни йўлга қўйгани уни ташвишга солиб қўйганди (Рус подшоси ва ҳарбийлар уларга умид билан кўз тикиб борган туркманларга қандай муносабатда бўлгани ҳақида кейинроқ тўхталамиз).

1796 йилда Россиянинг Эронга қарши куч тўплай бошлагани туркманларнинг қалбида ўча бошлаган умид шамчироғини қайта ёқди. Бир қанча туркман оқсоқоллари рус саркардалари ҳузурига элчи бўлиб боришди ва Оғамуҳаммадга қарши курашда ёрдам беришларини билдиришди. Албатта, рус дипломатлари эртамикечми туркманлар улардан ёрдам сўраб келишларини, шундан бошқа чоралари ҳам йўқлигини яхши билишарди. Туркманларнинг ночорлик юзасидан ана шундай йўл тутишлари руслар учун айтилиши муддао эди. Руслар Эрон ва Усмонийларнинг бир ёқадан бош чиқаришларидан қўрқишар, икки давлат ўртасидаги қарама-қаршиликлар ҳам русларнинг фойдасига хизмат қиларди. Туркманлар Эронни тезроқ қўлга олиш учун жуда қулай имконият

ярата олардилар. Қолаверса, туркманларнинг ўта жасур ва баҳодир жангчилар эканлиги азалдан равшан.

Фатҳалишоҳ ёки Бобохон туркманларнинг бирлашаётгани, руслар билан иттифоқ тузаётганини англаб, ўзини қўярга жой тополмай қолди. Қандай бўлмасин, бу иттифоқнинг тузилишига йўл қўймаслик керак!

1801—1802 йилларда Фатҳалишоҳ озмунча туркманни қиличдан ўтказдими? Халқ унинг бу хунрезликларини унутгани йўқ. Бу зулмлар туркманларни кўркитиш ўрнига уларнинг ғазабини юз чандон оширди.

Бу хил жабру ситамларга гувоҳ бўлган Махтумқули жим қараб тура олармиди? 67—68 ёшлардаги мўйсафид учун бу қонли воқеалар худди илон чаққандек таъсир қилди. У золим шоҳга қарши қандай қуролни кўтариб чиқса экан? Унинг ягона қуроли — СЎЗ эди. Шоир ҳеч нарсани ўйламасдан Фатҳалишоҳни танқид остига олди. Бу шеърлар Махтумқули ижодидаги энг ҳақиқатгўй, жасоратли, ўткир мисралар эди. Жўшқин сўзлар ортида шоирнинг оташин қалби ҳам яққол кўриниб турарди. Шоир бир шеърда шоҳга тик боқиб, ундан адолат талаб қиладди, беғуноҳ тўкилган қонлар ҳисобини сўрайди ва ҳукмдорни гуноҳкорларга нисбатан қаттиққўл, беғуноҳларга эса шафқатли бўлишга ундайди. Шеърни ўқиш асносида шоир бу мисраларни ўз ўлимини бўйнига олиб ёзганини сезиш қийин эмас. Қолаверса, Махтумқули Оғамуҳаммадни ҳам, Фатҳалини ҳам яқиндан таниган-билган бўлса керак. Зотан ҳар иккала шоҳ асли туркманлар қавмидан, узоқ муддат туркманлар ичида яшаган эдилар. Тўғриси, уларни аслида туркманлар одам қилганди.

Шоҳнинг исми Фатҳали. Шеърда эса «Фаттоҳ» исми тилга олинади. Фаттоҳ исмли шоҳ ўтмаганини тарихчилар жуда яхши билишади. Тахминимизча, Махтумқули Фатҳалишоҳга нисбатан нафратини сездирдиш учун ҳам унинг исмини атайин бузиб айтган бўлиши мумкин. Балки, халқ орасида Фатҳалишоҳнинг Фаттоҳ деган лақаби ҳам бўлгандир. Ҳар қалай «фатҳ» ва «фаттоҳ» сўзларининг ўзаги бир.

Яна бир гап: бу шеър шоирнинг араб алифбосидаги қўлёзмаларидан эмас, тилдан-тилга ўтиб, оғзаки тарзда етиб келгани ҳам бироз шубҳа уйғотади. «Бу шеър Махтумқулига тегишли эмас, у Фатҳалишоҳга етиб бормаган», деган қарашлар ҳам йўқ эмас.

Бу сингари шеърлар кўплаб илмий ва адабий давраларда вақти-вақти билан муҳокамаларга сабаб бўлиб келмоқда. Бу табиий ҳол. Зеро, ҳақиқат баҳсларда туғилади дейдилар.



Эрон, Турон энди қўлинг остинда,  
Сургил энди бу давронни сен, Фаттоҳ!  
Кулли туркман ўйнар чўлинг устинда,  
Тўкма, билгил, ноҳақ қонни сен, Фаттоҳ!  
Бу кун шоҳсан, эрта гадо бўларсан,  
Элдан, кундан, диидан жудо бўларсан,  
Бир кун жонинг чиқиб, фидо бўларсан,  
Қозонмишсан кўп гуноҳни сен, Фаттоҳ!

Ёки:

Фироғий, дард айтиб, дардда ёнмали,  
Қон ютиб, бу золим Фаттоҳ қонмали,  
Ўзим тирик, кўрган ўлик сонмали<sup>1</sup>, —  
Йўқса, ўлдирар бу дostonни ул, Фаттоҳ.

Тақдир Махтумқулининг асарлари бошига не кунларни солмади? Эҳтимол, шу сабабдан бу шеър оғзаки тарзда бизгача етиб келгандир? Аниқки, ўша даврларда Махтумқули бу хусусда, бу руҳда жуда кўп ёзган. Зотан буюк шоирлар ўз даврининг руҳини тез илғай олади.

Оғзаки шеърлар тилдан-тилга, элдан-элга ўтиб тарқала бошлади. Махтумқулининг аввалги шеърларини ўқиганлар кейингиларини куйга солган бахшиларнинг оғзидан эшитганлар, бу асарларга қалбларининг тўридан жой беришган.

Кўнгил уйига меҳмон келиб турса яхши, меҳмоннинг қадами узилса, уй эгасининг кўзлари нигорон бўлади. Эзилган, хўрланган, топталган, илиги сўрилган юртнинг иложсизликдан, ички низолардан тўйган халқнинг сабр косаси лиммо-лим эди. У ўз ғамини ўзи ейишга мажбур эди. Бунда эса, Махтумқулининг асарлари ўзига хос ўрин тутди. Бу асарлар халқнинг ёлғиз овунчи ва умидига айланганди. Демак, озми-кўпми кўзда тутилаётган галаба Махтумқули билан боғлиқ эди.

XIX асрдаги туркман тарихини диққат билан ўрганган киши, ўша давр манзараларида, ҳаётида Махтумқулининг чақирик ва даъватлари қанчалик катта аҳамият касб этганини англаб етади. Ҳатто, 1881 йилда, асрнинг энг қонли урушларидан бирида туркманлар жисмонан енгилган бўлсаларда, руҳан мағрурликни қўлдан бермаганлари шоирнинг исёнкор даъватлари миллат онгида қанчалар томир отганини кўрсатади. Албатта, Гўктепа жанги — бу алоҳида суҳбат. Ҳали бу воқеаларгача орада кўп муддат бор.

<sup>1</sup> Сонмали — санайди, шундай деб ҳисоблайди деган маъноларда.

Асрнинг бошларига қайтайлик. 1801—1802 йилларда граф Зубов Фатҳалишоҳ тарафидан амалга оширилган туркманлар қирғини юзасидан Озодхон бошчилигидаги туркман вакиллари билан Бокуда музокаралар ўтказди. Шундан сўнг рус императорининг турли даражадаги фуқаролари: савдогарлар, денгизчилар, ҳарбийлар, руҳонийлар... туркман халқининг келгусидаги тақдири, халқнинг ички ҳаётини пухта ўргана бошлашади. Ана шу музокаралар пайтида туркманларни Эронга қарши гижгижлашади. Кўп ўтмай, 1804—1813 йиллар мобайнида давом этган рус-эрон уруши бошланади. Русларнинг бу ҳаракати туркман оқсоқолларида қондошлари бўлган қожорларнинг мағлубиятига нисбатан умид уйғотади. Туркмансахро, Астробод, Мозандарон туркманлари бу борада иттифоқ туза бошлашади. Бунда эса, русларнинг хизмати катта бўлади. Улар: «Агар туркманлар Эронга қарши юриш қилса, биз қурол-яроғ юборамиз, керак бўлса, аскар ҳам юборамиз», дея очиқ-ойдин айтадилар. Бу ваъдалар халққа жуда катта таъсир қилган. Озарбайжоннинг руслар қамрови остига олиниши ҳам туркманларда янгича майлларни пайдо қилади. 1803 йилда Мағишлоқдаги туркманларнинг бир қисми рус ҳукуматидан бошпана сўрайди.

Халқнинг бу тахлит ҳаракатлари Махтумқулида истиқболга бўлган умидни кучайтиради. У халқининг яширин куч-қувватига, чексиз иродасига асло шубҳа қилмасди. У эсини танибдики, бева-бечораларни ҳимоя қилиб, муҳтожларга ёрдам кўрсатиб келди. Унинг кўнглига сингиб кетган бу муқаддас туйғулар асарларига ҳам кўча бошлади. Афғонистонлик таниқли олим ва шоир Абдулло Бахтоний Хидматгор ҳақли тарзда таъкидлаганидек, Махтумули ҳеч бир шеърини эл-халққа қарши бўлган одамларга бағишламади. Шу боис, у умрбод ижод кўзгусини покиза сақлаб келди.

Эсингизда бўлса, Махтумқулининг отаси Давлатмамат Озодий «Ваъзи Озод» асарида:

Гар фақирлар бўлмасайди дунёда,  
Бас ҳалок бўлғайди бойлар, эй дада! —

деганди. Ана шу руҳни Махтумқули ҳам ўз асарларига сингдириб борди. У қирқ ёшга кирганида бошида минг ғавғо барқ уради.

Ғарибда сон йўқдир, маърака кўрмас,  
Ҳақ севса ҳам иқболина мол бермас,  
От миниб чопса-да, манзилга бормас,  
Кўп кўз тутдим, ажаб айём келмади...

сатрларида ўзининг ички туғёнларини, эътирозларини, орзу ва армонларини баён этди.

Ғариблар от миниб тепса, эшакдир,  
Давлатлилар эшак минса от бўлар...

сингари,

Фуқаролар гоҳо инсон саналмас,  
Ғариб, сен кезарсан қуруқ ном билан! —

сингари,

Ғариблик бир дарддир — одам ўлдирмас,  
Ўлдирмаса, тирикликда кулдирмас...

сингари,

Сулаймонсан, чумолини эшитгил,  
Сўзини тинглагил, жавобин айтгил,  
Ҳоким бўлсанг, кундек элга нур тутгил,  
Оқарда сув, ё эсарда ел бўлгил! —

сингари шеърлар Махтумқулининг илҳом чашмасидан сизиб чиққан.

Етим-есирларни қўллаб-қувватлаш, ожизларга марҳамат кўрсатиш қадимий анъаналардан. Махтумқули ҳам шу йўлдан юрди, шу йўлни кенгайтириб, узайтирди. Натижада ана шундай гўзал асарлар дунёга келди. У ўз шеърлари билан ўксик кўнгилларга малҳам бўлди, уларга таскин ва умид бағишлади.

Ғам чекма, ғариб одам,  
Беклар, шоҳлар қолмаслар.

Ёки:

Махтумқули, ғарибларнинг кўз ёши,  
Тоғларни ёндириб, эритар тоши.

Ёки:

Золимлар хор бўлар, қолар оёқдан,  
Ғариб, сен йиғлама, шердек бўларсан!

Кўриб турганингиздек, таскин бериш бошқа-ю, умид уйғотиш бошқа. Яна бу умидни Махтумқули сингари буюк шахс уйғотса, унинг одамларга қанчалик таъсир қилишини ўлчаш осон эмас. Бу умид барча туркманларга, хусусан, Марказий осиелик туркийларга нур таратгандек таъсир қилгани шубҳасиз. Бундай қудратли сатрларни эшитганлар, Махтумқулининг ижодига ҳақиқий маънода мухлис бўлиб қолардилар.

Айтилган фикрнинг маъноси янги бўлмаса-да, уни янгича тарзда баён этишда гап кўп. Махтумқули бу ишни уддалай олгани учун, асрлардан-асрларга ўтиб келаётган фикрларни ўзига хос



тарзда янгича ифодалаб бергани учун ҳам буюкдир. Махтумқули ўзидан аввал яшаб ўтганлар ҳақида дилга яқин, ширин бир тилда, халқчил услубда ёзгани учун мухлислар кўнглидан муносиб жой олди. Уч асрдирки, у ана шу буюк мақомни сақлаб келаётди.

Халқ аҳволининг ҳар қанча ёмонлашуви, Махтумқулининг унга бўлган муҳаббати ва ихлосини камайтирмади. Айни пайтда, туркманларнинг Эронга қарши бирлашуви кучайган, ўзаро низо-лар, гина-кудуратлар четга иргитилиб, бирдамлик, ҳамжиҳатлик ғояси барчани ўзига торта бошлаганди. Русларнинг туркманларга кўмак бериши ҳақидаги хушxabар туркманлар орасида қанчалик тез ёйилган бўлса, эронликларни шу қадар ташвишга солиб қўйганди. Айрим маълумотларга кўра, йирик душман билан юзма-юз қолган эронликлар инглиз ва французларга мурожаат қилган бўлишлари эҳтимолдан холи эмас.

Шундай фурсатда, тарихчилар ёзганидек, гўкланглар 1813 йилнинг ёз ойларида эронликларга қарши отланадилар. Уларнинг ён тарафидаги яна бир туркман қабиласи — ёвмутлар ҳам бу қўзғолонга қўшилишида.

Бу пайтда Саид Муҳаммад Юсуф Султон исмли бир дарвиш олдиниға чиқади. У ҳожи бўлгани сабабли туркманлар унга алоҳида ихлос кўрсатиб, уни ўзларига бошчи қилиб сайлашганди. У кўпни кўрган, тажрибали инсон эди. Россияда, Хитойда, Хиндистонда, араб ўлкаларида ҳам бўлган, энг сўнгги манзили эса Туркмансахро эди. Умуман, бу мураккаб, турфа табиатли инсон ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. У ҳақда бир инглиз романида ҳам, Эрон манбаларида ҳам маълумотлар учрайди. Шундай бўлса-да, ҳожининг тарихи, ҳаёт йўли тўла ўрганилмаган ёхуд унга бир тарафлама баҳо бериб келинган.

Қўзғолон кучайгани сари русларнинг мадад бериши ҳақидаги ваъдаларининг ижроси ҳам кечикмоқда эди. Бу қўзғолонда ташқи кучларсиз ҳам туркманларнинг қўли баланд келди. Дастлабки ғалаба қўлга киритилди. Махтумқулининг машҳур «Туркманнинг» радифли газали ҳам шу даврларда дунёга келган.

«Туркманнинг» шеъри шоирнинг барча умидларини ўзида акс эттирган.

Ул марднинг ўғлидир, марддир надари,  
Гўрўғли оғаси, сархушдир сари,  
Тоғда, тузда қувса сайёдлар, тири  
Ола билмас, йўлбарс ўғли туркманнинг.

Сархуш бўлиб чиқар, жигар доғланмас,  
Тошларни синдирар, йўли боғланмас,

Кўз бошқага тушмас, кўнгил агламас<sup>1</sup>,  
Махтумқули — сўзлар тили туркманнинг.

Туркман халқига бир неча асрлик дастур даражасига етган бу асарнинг ўша пайтдаги таъсирини-ку, қўя турайлик, бугунги аҳамияти ҳақида ҳам узоқ суҳбатлар куриш мумкин. Бу шеърни ўқиганинг сайини унинг янги-янги маъно ва мазмуни чиқиб кела-веради.

Бу шеър кўзғолончиларнинг қалбига малҳам, билагига куч берди. Уларни шиддат билан жангга кириб, ҳожининг ҳам ана шундай ғайрат билан кўзғолонга бошчилик қилишига кўзи етган рус генераллари эски ўйинларини бошлашди. Кавказ қўшинлари бош қўмондони Н.Ф. Ртишевнинг, генерал Ротгоффнинг ўз қўл остидагиларга берган буйруқлари, кўрсатмалари туркманларга ваъда беришдан аввал ҳаракатланиш керак эмаслигини кўрса-тади. Улар ҳожини кўзғолончиларнинг раҳбари сифатида тап олишади. Ротгоффнинг 1813 йилнинг 13 августида унга юборган мактубида «...мен сизга, албатта, ҳарбий ёрдам бераман» деган сўзлар бор эди. Бечора ҳожи эса, бу ёлғонга лаққа учиб, Александр I ва Ротгофф номига мактуб йўллайди. Мактубни Қиёт-хон, Суюнхон ва Хўжақилич учови Россияга олиб кетишади. Айрим маълумотларга қараганда, Александр I да туркманлар билан шартнома тузиш нияти ҳам бўлган.

Рус генераллари турли ваъдалар билан туркманларни қўлга олишган, уларнинг кўмагида ўз кучларини кенгайтириб, эрон-рус музокараларини пишитишган. Бу қопқонни эса, табиий-ки, туркманлар пайқашмаган, чунки улар дипломатияда ҳам тўғрилиқ, ростгўйлик йўлидан боришганди.

Туркман вакиллари Каспий соҳилларига етган пайтда ҳам эрон-туркман тўқнашувлари давом этарди. Махтумқули эса, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жўшқин шеърлар ёзарди. Кексайиб қолган вужуддан бундан бошқа яна нимани ҳам кутиш мумкин эди?

Унинг бу шеъри энг сўнгги асарларидан эди. Махтумқули шеърни ёзиб бўлганидан сўнг, ўзининг ҳам анча енгилла-шиб, бўшашиб қолганини пайқади. Кексаликнинг энг соф туйғулари, энг сўнгги куч-қуввати ана шу шеърдан жой олди. Бу шеър неча йиллардан бери очилиб-ёпилиб турган илҳом дафтарининг энг сўнгги саҳифаси бўлди:

<sup>1</sup> *Агламмоқ* — ушланиб турмоқ, ҳаялламоқ. Бу ерда, ўйланиб ҳам турмасдан зудлик билан ҳаракатланади деган маънода.

Кўрқа-кўрқа аянч аҳволга тушдик,  
Тақдир ҳар не бўлса, кўрилсин энди.  
Фикр қозонида қайнадик-пишдик,  
Тегма, ул жуш уриб, қорилсин энди.

Ёки:

Ўтирманглар кампир, ёшлар тул бўлиб,  
Қолманглар, туркманлар, элга тил<sup>1</sup> бўлиб,  
Рақиб аҳли мусулмона қул бўлиб,  
Бари Сўнгутоққа сурилсин энди.

Фироғий юз тугар туркман элина,  
Душман қўл урмасин қизил гулина,  
Дўстлар, бизни охиратнинг селина,  
Фарқ этмасдан рақиб қирилсин энди.

Кўзғолончилар орасида бошидаги силкма<sup>2</sup>сини қошларигача кийиб олган, оқ соқоли кенг кўксини ёпиб турган, кўзларидан ҳамон қатъият учқунлари чақнаб турган Махтумқулини кўз олдингизга келтиринг. Унинг эғнида бир маҳаллар оталар кийган оппоқ яктак. Овозида ҳам ўша ўктамлик жаранглайди:

Қолманглар, туркманлар, элга тил бўлиб.

Бу сатрларда жамланган чуқур маъно ва мазмунни ким инкор эта олади? Бу сатр икки юз йил аввал ёзилгани учун эскириб қолган, деб ким айтади? Бу сатр бугунги кунда ҳам ҳеч бир туркман учун ўз аҳамиятини, қадр-қимматини йўқотгани йўқ.

Кўзғолончиларнинг ватанпарварлик руҳи турли тоифаларни, хусусан, гўклангларни, ёвмутларни бир-бирига яқинлаштирди. Улар куч ҳамжиҳатликда эканини тушуна бошлагандилар. Уларнинг ғалабалари тарих саҳифаларида қуйидагича муҳрланиб қолган: «Шу жангда Ҳожининг ўзи шахсан кўп қаҳрамонликлар кўрсатди. Биринчи бўлиб, ўзи отини қамчилаб жанг майдонига чиқди, қўлига найза олиб, душман устига отилди. Гургоининг чекка ҳудудларига боргунча отининг жиловини тортмади. Унинг ортидан йўлга тушган туркман баҳодирлари ҳам жуда кўп қаҳрамонликлар кўрсатишди. Улар ҳужумга ўтиб, шаҳзоданинг қўшинларини тор-мор этишди. Душманиннг аксарият навкарлари кўрққанларидан ўзларини дарёга отиб, ҳалок бўлишди». Жанг ниҳоясида Ҳожи Саид Муҳаммад Юсуф кўксидан ўқ еб, шаҳид бўлади.

<sup>1</sup> Тил бўлмоқ — гап-сўз бўлмоқ.

<sup>2</sup> Силкма — туркманларнинг миллий бош кийими.



Фатҳалишоҳнинг ўғли, Астробод ҳокими Муҳаммадқули Мирзо бошчилигидаги қўшин туркманлардан икки марта қақшатқич зарбага учраб, енгилади. Буни Н.Ф.Ртишев ҳам тасдиқлаган (М.Аннанасов. Махтумқули ва унинг замонаси. Ашх. 1990 йил.).

Бу тўқнашувларда туркманлар инглиз, француз қуроллари билан урушмагани аниқ. Аммо, инглиз ва француз аскарларига қарши урушгани эҳтимолдан холи эмас.

**Аслида қурол эмас, юрак жанг қилади.** Денгиз ортига музокара учун кетганлардан ҳам ҳануз хабар йўқ эди. Ваъдани куюқ қилган рус генералларидан ҳам ёрдам келмади. Ҳожининг вафоти кўзғолончиларнинг ҳам руҳини тушириб юборди. Кўп ўтмай музокарага кетганлар тарвузи қўлтиғидан тушиб, қайтиб келишди. Чунки, рус генераллари уларнинг илтимосини кондириш ўрнига, «Энди Эрон билан курашни бас қилинглар, сизлар расман Эронга бўйсунасизлар» қабилида кўрсатма беришганди.

1813 йилнинг октябрь ойида имзоланган Гулистон шартномаси эрон-рус урушига қўйилган нуқта бўлди. Музокараларда Эрон вакили сифатида иштирок этган Мирзо Абдулҳасанхон руслардан ҳар қандай вазиятда ҳам туркманларга ёрдам бермаслик ваъдасини олди. Аслида Гулистон шартномасининг асосий шартларидан бири ҳам шу эди. Бу хоинона ва маккорона тузилган битим туркман халқи учун фожиали бўлди. Шу тариқа рус давлати билан алоқалар узоқ муддатга кесилди. Халқнинг рус ҳукуматига бўлган ишончи йўқолди. Қолаверса, 1732 йилда ҳам худди шундай ҳодиса юз берган, ўша пайтдаги эрон-рус шартномасига кўра, туркманларнинг қадимий Гургон вилояти Эронга қўшиб берилганди. Бу ўзгаришлар Махтумқулининг руҳиятига таъсир қилмаслиги мумкин эмасди.

Русларнинг эронликлар билан битим тузганлиги ҳақидаги хабар кўзғолончиларни тамомила эсанкиратиб қўйди. Яна ўртага шайтон оралади. Кеча Эронга қарши елкама-елка туриб жанг қилган туркманлар орасида низо чиқди. Бугун бу жангчилар бир-бирига қарши қилич суғурди. Қаҳр-ғазаб уларни инсонийликдан чиқарди. Ҳатто, улар бир-бирларининг беғуноҳ оилаларига, ёш болаларига ҳам қилич кўтаришгача бориб етишди.

Аслида бундай воқеалар туркман тарихида биринчи марта бўлаётгани йўқ эди. Эронга қарши кўтарилган кўзғолон пайтида турли қабилаларнинг бир ёқадан бош чиқарганини кўрган Махтумқули ўзини нақадар бахтиёр ҳис қилганди! Кўп ўтмай,

бундай биродаркушликиниг бошланиши уни даҳшатга солди. Ахир, бундан ортиқ яна қандай шармандалик бўлиши мумкин?!

## 14

У ички қирғинбарот тўқнашувлар бўлаётган Абасар чашмаси ҳудудларига аранг етиб олди. Атрофда гулдек йигитларнинг каллалари думалаб ётганини кўриб, шоирнинг қалби пароканда бўлиб кетди.

— Тўхтаиғ! Нималар қиялпсиз? Эсингизни еганмисиз? Бир-бирова қилич сермаш — эрликдан эмас! Тўхтаиғ!!!

Махтумқулига ҳеч ким қулоқ осмади. Унинг хитоби билан ҳеч ким қиличини қинига солмади.

— Қария, бошингдан ажралишни истамасанг, бу ердан йўқол! — дея бақирди жангчилардан бири. Унинг ҳайқириғи қилич ва қалқон садоларига қоришиб кетди.

«Йўқол! Йўқол!»

Қони қизиган туркманни ҳеч бир куч тўхтата олмаслигини Махтумқули унутди. Қондошларини тўхтатиш учун қилган барча ҳаракатлари ҳавога учди. У Аллоҳга тавалло қилмоқ учун қўлларини кўкка кўтарган чоғида бехосдан орқага қалқиб кетди.

Қонли чашма бўйида буюк Махтумқулининг йиллар давомида не-не мусибатларга чидаб келган жабрдийда юраги уришдан тўхтади. Тўғрироғи, туркманлар ўз қавмидан бўлган буюк шоирнинг юрагини ёрдилар.

XI асрда Ибн Сино: «Ҳали дунё файласуфларни тушуниши учун вақт бор», деган эди. Ўша вақт XIX асрда ҳам етиб келмаган эди. Махтумқули замоннинг зулмат қаъридан ўз номусини, кадр-қимматини поклигича олиб чиқа олди. Унинг умр йўли бемаврид боғланди. Йўқса, ўтган саксон йил ичида ажал унга озмунча ҳамла қилдими? Душманлар бир неча бор унинг жонига қасд қилишди.

Шоирнинг анча йиллар аввал, ҳали қирққа ҳам кирмаган пайтлари «*Умр суриб, кун кўрмоққа, саксон йил фурсат истарам*» деган хоҳиши ниҳоят амалга ошди. Махтумқули бу оламни бир зурриётсиз тарк этди.

Уйнинг тўрида ётган марҳумнинг бир ёнида синглиси Зубайда, иккинчи томонида унинг невараси, ёш шоир Залилий ўтирибди. Балки ўша дамда олисларда бу фожиани қалбан ҳис этиб, Менгли ҳам кўз ёш тўккандир?

Махтумқулининг жасадини ҳам Оқтўқайда мулла Давлатмаматнинг ёнига дафн этишди. Бутун умр ҳаёт ва ўлим ҳақида



ўйлаган, улар ҳақида гўзал шеърлар битган шоир ер остига кирди-кетди.

Умр бўйи парку тўшакка бежавотир ястанмаган вужуд қора ер бағридан қўним топди. Махтумқулининг вафотидан сўнг, унинг бой ва бетакрор ижоди туркманларнинг миллий ўзлигини англаш жарёнида, босқинчиларга қарши бир ёқадан бош чиқариб курашишида жуда катта ўрни тутгани ҳақиқат. Махтумқулининг тириклик чоғида юзага келган ижод мактаби унинг ўлимидан сўнг, XIX асрнинг иккинчи ярмида янада раванқ топди. Шоир ва унинг тенгдошлари — Шайдоий, Андалиб изидан Залилий, Маъруфий, Саидий, Муллоанафас, Камина, Мухтожий сингари шоирлар етишиб чиқди.

Умуман, Махтумқулининг туркман ҳаётига, Марказий Осиё халқлари маданиятига қўшган ҳиссаси беқиёсдир.

Махтумқулининг энг катта хизмати шундаки, у ўзининг тирак миллий руҳдаги асарлари билан, ўзининг покиза, софсиймоси билан туркман халқини тарқалиб, бўлиниб кетишдан асраб қолди. Бу баланпарвоз гап эмас, бу фикримизни исботлаш учун жуда кўп далиллар келтиришимиз мумкин. Ўз навбатида, халқ ҳам Махтумқулини севиб, уни ардоқлаб, дил тўрида асраб келди. Махтумқули туркман халқи учун Пайғамбаримиздан (с.а.в) кейинги ўринда турадиган азиз инсон десак, адашмаймиз. Уни кўпинча «Ҳазрати Махтумқули» деб номлашлари ҳам шундан.

«Махтумқули ҳаётлик чоғида ҳам ҳозиргидек обрў-эътибор топа олдимикин?» деган савол кўпчиликни қизиқтиради. Ҳозиргидек эътибор қозонган бўлиши мумкин эмас. Бунинг биринчи сабаби: Махтумқули ҳаддан ташқари тўғрисўз, покиза инсон эди. Ҳалол ва тўғри инсонларнинг эса дўсти кам бўлади.

Тўғри сўз туққанинга ёқмайди, дейишади. Махтумқули бўлса, ҳеч иккиланмасдан, танқиднинг ўткир пайкониини энг аввало ҳукмдорларга отди (*Шоҳларда қолмади ҳукми адолат*), хон ва бекларга отди (*Бегайрат хон қўлидан, тушиди элат шу ҳолга*), қозиларга отди (*Пайғамбар ўрнида ўтирган қози, пора учун қўлини оча бошлади*), эшон-муллаларга отди (*Эшонларни ҳар эшикдан топарлар*), такаббурликдан ўзини йўқотиб қўйган кимсаларга отди.

Ана шундай тўғрисўзлиги, аччиқ тили Махтумқулини ҳар қадамда душманларга дучор қилди. Унинг оёғи остида чоҳ қазганлар кўп бўлди. Бу табиий эди. Оддий, фақир одамларнинг аксарияти эса уни ўзига яқин биларди.



Махтумқули ўз душманларини тез фарқлай оларди. У қаерда бўлмасин, ноҳақликка қарши исён кўтарарди. Аммо асосий курашни ўзига, нафсига қарши олиб борди.

Бу ҳаёт — аслида ўзинг ўзинг билан курашиб яшамоқ демакдир.

У ёлғизликка жуда эрта ўрганди, ёлғизликнинг инсон камолотидаги ўрнини ҳам тез англаб етди.

Махтумқулидан «Бахт нима?» деб сўрашганида, у ҳаминша: «Соғлом туғилиб, соғлом ўлиш» деб жавоб қайтарарди. Унинг ана шу сўзларига алоҳида эътибор қаратнинг.

Эътибор қилсангиз, кўпчилик унинг буюклигини ўлимидан кейин эътироф этган. Чунки инсон тирик экан, у ҳар қанча буюк бўлса-да, атрофидаги айрим одамлар ундан ўзларини каттароқ олишга, ютуқларини инкор этишга тиришиб келишади.

Мушкул будир: сўзлашганда тенг бўлар.

Буюклар ҳаминша буюк қаршиликларга учраб келишган.

Махтумқулининг ҳаётида мураккаб вазиятлар, ечими йўқдек туюлган муаммолар оз бўлмади. Унинг ширин жонига қасд қилганлар ҳам бўлди. Қуйидаги сатрлар фикримизни исботлайди:

Махтумқули, ортга олгил ўзингни,  
Аниқ бил, ўярлар икки кўзингни,  
Тингловчи йўқ, зое қилма сўзингни,  
Энди сендан хабар олар бўлмади.

Ёки:

Бир Ҳақдан ўзгаси ёғийдур, ёғий...

## 15

Шоир дунёдан ўтганидан сўнг орадан кўп вақт ўтмай, 1833 йилда, шимолӣ Хуросонга саёҳат қилган поляк ёзувчиси ва олими Александр Леонардович Ходзко-Борейко Махтумқулининг шеърларига қизиқиш билдирган илк европалик бўлди. У халқ ичида юриб, Махтумқулининг ҳаёти ҳақидаги ривоятлар, унинг тилдан-тилга кўчиб юрган шеърлари билан танишди. Шоирнинг эл ичидаги шуҳрати Ходзкони бефарқ қолдирмади. У Махтумқулининг уч шеърини сўзма-сўз таржима қилиб, 1842 йилда Лондонда чоп этилган «Оммавий форс шеъриятидан намуналар» номли китобига киритди. Ходзкони буюк поляк бас-такори Шопен, машҳур ёзувчи ва миллий озодлик ҳаракатининг фаолларидан бири бўлган Адам Мицкевич билан яқин алоқада

бўлганини пазарда тутсак, Шопен ва Мицкевич ҳам Махтумқули ижодидан хабардор бўлган, деб фараз қилишимиз мумкин.

И. Березин, Ф. Бакунин сингари олимлар ҳам ўз илмий ишларида Махтумқули ижодига мурожаат қилганлар. Венгер олими Херман Вамбери 1863 йилда Марказий Осиё мамлакатларида бўлиб, кейинчалик Махтумқулининг 31 шеърини нашр қилдиради. У шоирнинг ҳаёти ва ижодига илмий жиҳатдан ёндашганларнинг биринчисидир. Вамбери ўша пайтдаёқ Махтумқулининг миллий шоир эканлигини таъкидлайди. «Махтумқулининг китоби туркманлар ичида Куръондан кейинги энг кўп ўқиладиган иккинчи китоб мақомига эришади» дея башорат қилганди у ўз саёҳатномасида.

Саёҳатчининг ўша саёҳатлар ҳақидаги хотираларининг қўлёмаси айни пайтда Венгрияда сақланади. Махтумқули девонлари хаттотлар томонидан кўчирилиши баробарида XX асрнинг бошларида турли шаҳарларда тошбосма усулида ҳам кўпайтирила бошланган. 1913 йилда шоирнинг қариндошларидан бири бўлган Аннақурбон Охун Махтумқули мозори бошида шоир ўлимининг юз йиллиги муносабати билан элга ош берган.

Ўша даврлардан бошлаб россиялик шарқшунослар ҳам Махтумқули ижодига қизиқиш билдира бошлайдилар. Заки Валиди Тўғон, А. Самойлович, Е. Бертельс, В. Бартольд сингари буюк олимлар Махтумқулини дунёга танитишда катта ҳисса қўшдилар. Олимларнинг таъкидлашича, туркман адабиётшунослигида Махтумқули ижодини тадқиқ қилиш 1915 йилдан бошланган. «Закаспийская туземная газета» нашри 1915 йилнинг 3 апрелида туркман адабиётшунос олими Мулла Хожалининг «Махтумқули» мақоласини чоп этган.

1926 йилда Б. Кербобоев ва Б. Бердиев Махтумқулининг салмоқли бир жилдлик тўпламини чоп эттиришади. Шундан кейинги воқеалар, айниқса, «пролеткульт» (пролетарная культура) чиларнинг «янги адабиёт» ҳақидаги сохта тушунчалари ўнглаб бўлмайдиган зиёнларни келтириб чиқарди. Шу даврларда туркманларни бошқа ўлкаларга мажбуран кўчириш яна кучайди, жуда кўп зиёли, маърифатли, дунё кўрган одамлар ҳам ўз юртидан айро тушдилар. Шу билан бирга, кўплаб қўлёзмалар, қадимий китоблар ҳам мамлакатдан олиб чиқиб кетилди. Динга қарши кураш ҳаракатлари ҳам туркман халқининг миллий маданиятига қақшатқич зарба берди. Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида уйдан араб ёзувидаги китоб чиққан одамларни ҳам қамаганлар. Шу боис кўп одамлар уйдаги эскича китобларни кўмиб сақлашга,

сувга оқизишга, ёқиб юборишга мажбур бўлганлар. Бу ҳақда таниқли олим А. Аширов шундай ёзади:

«Ҳақиқатан, исталган қишлоққа бориб, оқсоқоллар билан суҳбатлашсангиз, улар ўттизинчи йилларда минглаб китоблар шу тариқа кўмилганини, ёқиб юборилганини айтишади. Бундан ўн йилча илгари Керки томонлардан бир оқсоқол менга хат юборган эди. Унда ёзилишича, оқсоқол 30-йилларда Қарриқалъа туманида ишлаган экан. Бир гал Жежирс қишлоғига (ҳозирги Қизил Арбот туманига қарайди) борганида, Махтумқулининг невар-ажиялари масжиддан шоирнинг шахсий кутубхонасига тегишли китобларни опчиқиб, ёқмоқчи бўлиб турганларининг устидан чиқиб қолибди. Ўшанда у одамларни бу ишдан қайтарган. Орадан уч-тўрт кун ўтиб, ўша қишлоққа бориб, китобларнинг тақдири билан яна қизиқади. Афсуски, уй эгалари, барибир, китобларни ёқиб юборишган экан...

Қанчалар аяпчи факт! Мен ўзим шу қишлоқдан бўлсамда, бу маълумотдан беҳабар эканман. Лекин ҳамқишлоқларимдан Махтумқулининг қанчадан-қанча китоблари тоғдаги ғорларга ташлаб келингани, йўқотилгани ҳақида эшитгандим. Бу китобларнинг қолган-қутганлари олтмишинчи йилларгача сақланиб қолганини айтишади. 1980 йилларнинг бошида Қарриқалъа туманининг халқ таълими бўлими мудир Сўфи Ўразов бизга ўттизинчи йилларнинг ўрталарида чегарадан олиб ўтилган икки қоп кўлөзма тоғ ковакларида бекитилгани, ўша одамларнинг бири ҳозир ҳам тирик эканини айтиб қолди».

Ўша маданий талончилик даврида Махтумқули савдо буржуазиясининг вакили сифатида айбланган. Қурбон Қулиев деган бир одам Махтумқулини аямай қоралаб чиқади. Ҳатто, бу хусусда «Махтумқули – савдо буржуазиясининг идеологи» деб номланган китоб ҳам ёзади.

1940 йиллардан кейингина Махтумқули шахсига тош отиш камайди. Кейинчалик унинг шеърлари рус ва бошқа тилларга таржима қилина бошланди. Таниқли рус шоири А. Тарковскийнинг, Г. Шенгелининг Махтумқули асарларидан рус тилига қилинган таржималари ҳозирги пайтга қадар энг яхши таржималар сирасига киради.

Махтумқули асарларини инглиз тилига таржима қилишда Юсуф Азмун ва машҳур инглиз шоири Брайан Олдиснинг ҳиссаси катта бўлди. Махтумқулини яқиндан танигач, Брайан Олдис: «Инглизларнинг Шекспирига фақат биргина шоирни ёнма-ён қўйиш мумкин. Бу – Махтумқули», деган эди. Машҳур



кабардин-болқор шоири Қайсин Қулиев: «Биз Махтумқулини наинки туркман шеърляти, балки дунё шеърлятининг Эльбруси деб биламиз», деганди. Профессор И.С. Брагинский: «Махтумқули ўз она тилини бадний-адабиёт тили даражасига олиб чиққан буюк шоирдир», дея баҳо берганди. Дунёнинг энг буюк адилларидан бири бўлган Чингиз Айтматов эса: «Туркистонда XVIII аср Махтумқули шеърляти асри бўлди», деб айтган. Украиналик ёзувчи Павло Тичина: «Махтумқули ҳақиқатга хизмат қилиш учун қатъий бел боғлаган садоқатли шоирдир», дейди. Олим А. Гажиёв: «Шарқнинг деярли бирор шоири ижодида давр образи Махтумқулидаги сингари етакчи ўрин эгаллаган», деб ёзади. Олим А. Ўразов: «Махтумқули ижоди — туркман халқининг тавсифномасидир», дейди. Буюк рус шоири ва таржимони А. Тарковский: «Лермонтов шеърляридаги исёнкорлик, Державин асарляридаги шиддат, Тютчев шеърляридаги теранлик, Пушкин поэзиясининг кенг қамровлигини бошқа тилларда ифода этиб бўладими?» деб ёзади ва бу унсурларнинг барчасини маълум даражада Махтумқули шеърлярида учратиш мумкин эканини айтади. Махтумқули шеърлярини рус тилига сўзма-сўз таржима қилган ва мақолалар ёзган таниқли олим З. Муҳаммедова: «Махтумқули... дунёга камдан-кам келадиган идрок ва истеъдод соҳибляридан биридир», деганди. Н. Аширов бўлса, «...туркман адабиётини дунё саҳнасыга чиқарган шоир Махтумқулидир», дейди.

Умуман, Махтумқули шеърлярининг таржимаси ҳақида гап кетганда, бу асарларни таржима қилиш жуда машаққатли эканини таъкидлаш ўринли. Унинг ижодий-маънавий меросидан жаҳон халқларини баҳраманд этиш ишлари тишимсиз давом этмоқда.

Махтумқулининг тан олинган каноник портретини машҳур рассом Ойхон Ҳожиёв 1947 йилда яратган. Рассомнинг кейинги ижодий ишлярининг асосий қисми ҳам Махтумқулига бағишланган. Махтумқули ҳақида кўплаб кинофильмлар, адабий ва саҳна асирляри, ҳайкаллар, гилам-портретлар яратилган бўлса ҳам, халқ ўз сеvimли шоирининг комил сиймосини ҳали-ҳануз, бундан кейин ҳам ташналик билан кутаверади.

Дунё маданиятида Махтумқули шахсияти, ижоди ҳозир ҳам тўла англаб етилгани йўқ. Балки, биз ўзимиз Махтумқулини дунё маданиятига тўла танитиб улгурмаётгандирмиз? Ҳақ сўздан ясалган гавҳарнинг (А. Отажонов) эртами-кечми дунё маънавиятидаги даҳолар шодасидан ўрин олишига шубҳа йўқ.

Ҳар бир замоннинг, ҳар бир жамиятнинг Махтумқулига яқинлашган, уни у ёки бу даражада тадқиқ қилишга киришган даври бўлади. Биз ҳам ўзимизнинг маънавий камолотимиз даражасини Махтумқули сиймосига қай даражада яқинлигимиз билан ўлчасак тўғри бўлар.

Шу ўринда яна бир ҳақиқатни ҳам тан олиш ўришли: дунёда Махтумқули асарлари энг кўп нашр қилинадиган мамлакат — бу Ўзбекистондир.

«...Агар пушкиншунослар бўлмаганида эди, Пушкин бизнинг энг сеvimли шоиримизга айланмасди», деган эди атоқли рус олими Д. Лихачёв. Ҳозирда мавжуд бўлган кўчирма кўлёмаларни илмий жиҳатдан ўрганишда, нашр қилишда, бу асарлар ҳақида илмий-оммабоп асарлар ёзиш борасида муайян ишлар қилинган бўлса-да, ҳали олдида жуда кўп юмуш турибди. Бинобарин, туркман махтумқулишунослигида М. Кўсаев, Б. Гарриев, Охундов-Гурганли, Г. Муллоев, Г. Чариев, Д. Нуралиев, Ў. Абдуллаев, Х. Дурдиев, А. Мередов, Б. Кербобоев, А. Мулкамапов, А. Аширов, К. Отаев, Г. Назаров, Г. Гелдиев, А. Бекмуродов, Юсуф Азмун сингари ўнлаб заҳматкаш олим, шоир, адиб ва зиёли инсонларнинг хизматларини ҳам қайд этиб ўтиш жоиздир.

Махтумқули энг сирли шоирлардан бири. Унинг фалсафасини тўлиқ ёки ўқувчини қаноатлантира оладиган даражада очиб бериш ҳали ҳеч кимга насиб этмаган. Туркий маънавият дунёсида етарлича шуҳрат қозонган Ҳожин Бектоши Валий номининг Махтумқули ижодида қайта-қайта учрашининг ўзи ҳам шоирнинг кенг дунёқарашидан бир дарак. Бир сирни тадқиқ қилиш учун бошқа сирларни ҳам ҳал этиб ўтиш керак бўлади. Масалан, шоирнинг: «Юлдуздан йўл ясаб, оя саташдим» деган машҳур сатрини эслайлик. Аслида юлдуз баландда, ой эса бизга яқинроқ ерда туради. Шунинг учун юлдузлар ойдан кўра кичикроқ кўринади. Бизнингча, тасаввуф сирларидан беҳабар одам бу сатрининг маъзини чақолмайди. Тасаввуфда, хусусан, Ҳожин Бектоши Валий таълимотида илм — юлдузга ўхшатилади. Ул зотнинг бир ҳикматлари бор: «Ақл — ойга, маърифат — кунга, илм эса юлдузга ўхшайди». Шоир «илмдан йўл ясаб, комил ақлга эга бўлдим» демоқчи эмасмикин?

Яна бир шеърига эътиборингизни қаратаман:

Икки минг уч юз оғоч аҳли исломдир,  
Ирок, Озарбайжон, Мисрдир, Шомдир.  
Хуросон, Форс, Базирқўҳда тамомдир,  
Йўл бўлгунча қолмақолдир бу дунё.



Ёки:

Махтумқули, кел, қўй, бу баланд йўлни,  
Айтсанг ҳам, ҳеч кимса ишонмас ҳали.

Ана шундай сирли сатрларни ўқиб, хайратланамиз. Саволлар қуршовида қоламиз. Жавоблар ҳам ҳаялламайди. Аммо, уларнинг ҳеч биридан кўнглимиз таскин топмайди. Ҳа, Махтумқули ана шундай, ҳозирча сирли бўлиб кўринаётган сатрларга бой шоирдир.

\* \* \*

Махтумқули ижодини ўрганиш масаласида кўпгина тўсиқларга, қийинчиликларга дуч келган бўлса-да, шу кунгача танлаган йўлидан қайтмай, катта ишлар қилган бир олим ҳақида айтиб ўтмай иложим йўқ. Бу инсон филология фанлари номзоди, доцент Аширпур Мередовдир. 1988 йилда олимнинг дастлаб Сафар Аҳалли билан ҳамкорликда ёзилган, 512 саҳифали «Туркман мумтоз адабиёти луғати» чоп этилган эди. Шундан сўнг А.Мередов Махтумқули асарларининг изоҳли луғатини ҳам тайёрлашга киришди. Жуда катта қийинчиликларга қарамай, бу шарафли ва савобли ишни муваффақиятли уддалади. Бу уч жилдли қимматли қўлёзма узоқ йиллар чанг босиб ётди. Охири уни Махтумқули жамияти ҳисобидан Қозоғистонда нашр эттириш борасида музокаралар ўтказдик. Аммо, бу иш ҳам самарасиз тугади. Кейин эса, эронлик туркман, халқаро Махтумқули мукофотининг соҳиби, муҳтарам Муротдурди Қозидан илтимос қилдик. Китоб кам нусхада босилса-да, харажати катта бўлди. А.Мередов бу харажатларни қоплаш учун энг қадимий бир гилами ва шахсий кутубхонасини сотди. Кўп китобларини олиб, пулини «кейин бераман» дея қорасини кўрсатмай кетганлар ҳам бўлди. Кейинчалик ҳурматли олимизнинг бир кўзи кўрмай қолди. Иккинчи кўзи ҳам хиралашиб қолган, умумий саломатлиги ҳам жойида эмасди. Саксон ёшга яқинлашган, ёлғиз яшайдиган олим «Махтумқули асарларининг изоҳли луғати»нинг биринчи жилдини қўлига олган пайтда қапчалар қувонганини ўз кўзим билан кўрганман. Кўп ўтмай олимнинг ўттиз йил давомида Махтумқулининг барча қўлёзмаларини қиёсий ўрганиш асосида ёзган тадқиқоти ҳам Эронда чоп этилди. Унга қапчалар меҳнат сарфланганини айтмайсизми? Аммо, Махтумқули ижодининг буюк жонкуяри ўзининг бу китобини кўра олмади. А.Мередов 2009 йил августда ҳаётдан кўз юмди. Олим 1924 йили Эронда дунёга келганди. Ҳаётда жуда кўп қарама-қаршиликларга дуч келган бу буюк тадқиқотчининг



Махтумқули ҳаёти ва ижодини ўрганиш борасидаги фидокорона меҳнатларини келажак авлодлар қадрига етар, деган умиддамиз.

Жойинг жаннатда бўлсин, Махтумқулининг ҳақиқий дўсти!

\* \* \*

Махтумқулини илк бор ўқиган ўқувчи дарҳол унинг сирли оламига шўнғиб кетади, бу гўзал шеърларни такрор ва такрор ўқийди. Ҳар бир сатрдан янгидан-янги маънолар топаверади. Умрнинг ҳар мавсумида Махтумқули ўқувчига ҳар хил таъсир этади. Қирқдан ошиб қолган бир китобхон: «Во-оҳ, мен Махтумқулини қирққа кирганимда қайтадан ўқиб чиқдим, умуман бошқача маънолар топдим!» деганида, унинг ёнида ўтирган бир мўйсафид одам: «Сен уни саксон ёшингда ҳам бир ўқиб кўр, кейин биласан», деган экан.

Шоир юраги унинг асарларида уриб туради, бу асарларнинг самимияти, жозибаси, поклиги ҳам шунда. Шу боис, у ўқувчини тезда ўзига ром этади.

У тинч пайтида ҳам, ғамли кунларида ҳам, қирғинларда ҳам, ўз юртида ҳам, ғурбатда ҳам ёзишдан тўхтамади. Ёза олмаган тақдирда ҳаёлида пишитиб юрди. Устози Жалолиддин Румийнинг: «Денгизга яқин юрадиган одам сузишдан хабардор бўлиши керак», деган нақлини ҳар доим ёдида тутди. Хусусан, Махтумқули асарларидаги чуқур фалсафа, айниқса, Куръонни карим оятларининг таъсири яққол кўзга ташланиб туради. Махтумқулини ҳар гал ўқиганингизда янги-янги дунёларни кашф этасиз. Худди йўлида кетаётиб маржон топиб олган, орқага қайтишда яна шундай бойликка дуч келган одамдек ҳис қиласиз ўзингизни.

Мухтарам ўқувчим, очингни айтсам, бу китобни ёзиш учун Махтумқули асарларини неча йил, неча марта қайталаб ўқиганимни санаб саноғига етолмайман. Аммо, минг марта ўқисам ҳам бу хазинанинг тубига етиб бора олмаслигимни яхши биламан. Профессор Е.Бертельс Махтумқули асарларини ўзида дунёни акс эттириб турадиган афсонавий Жамшид жомига ўхшатган эди. Махтумқули ижодини бир мўъжизавий жом десак, бу сеҳр тўла идиш ўша софлиги, ўша ойдинлигини ҳамон йўқотмай келаётир. Бир ҳақиқатни асло унутмаслик керак: Махтумқули бўлмаса, туркманнинг туркманлиги ҳам кемтик бўлиб қолур эди.

## ЎЎЛ СУЎНГУДАГИ СУХБАТ

Мана, ҳурматли ўқувчим, «Махтумқулинома» китобини ҳам ўқиб чиқдингиз. Сабрингизга барака берсин! Биргина китобда Махтумқули ҳақидаги ҳамма гапни айтиш у ёқда турсин, у ҳақида қисқача тасаввур бериш ҳам қийин, бу мураккаб масала. Китобини тамомлаб, уни яна бир карра ўқиб чиққанымдан сўнг, Махтумқули ҳақида билганларимнинг учдан бирини ҳам қоғозга туширолмаганимни англадим. Бу китобда фақат Махтумқулининг ҳаёти билан боғлиқ жиҳатларгагина кўпроқ эътибор қараган эканман. Ўйлаб қарасам, Махтумқулининг чўнг фалсафаси, илмий қарашлари, адабий-бадний маҳорати, хотин-қизларимизнинг ўша даврдаги ҳаёти ва Махтумқули ижоди, шонрининг кўнгил софлиги, Махтумқули ижодига отаси Давлатмамат Озодий ва буюк устози Жалолиддин Румий ижодининг таъсири каби юзлаб масалалар ҳақида катта-катта мақолалар ёзишим, қалин-қалин китоблар битишим мумкин экан.

Махтумқулининг жаҳон адабиётида тутган ўрни ҳақида ҳали жуда кўп илмий ишлар олиб бориш талаб этилади.

Мен ўқувчиларга ана шуларни эслатар эканман, уларга бир савол билан юзланмоқчиман: Махтумқулининг буюклиги нимада? Бу саволга юз минг хилда жавоб бериш мумкин. Шу жавобларнинг жамланмаси ҳам катта бир китоб бўлади.

Дунёда янгилик йўқ, янгича айтиш бор, холос.

Махтумқули янгича айтишни ҳам, тушунтиришни ҳам уddaлай олди. У ўтли асарларини инсонни уйқудан уйғотиш, одамзодни дунёга теран ва ҳушёр кўз билан қаратиш мақсадида ёзди. «Дунёни тутиш учун қувиб бораркансиз, ортингизга ҳам қараб қўйинг, сизни ҳам қувиб келаётганлар бўлиши мумкин», деган фикрни ўқувчига эслатиб қўйиш учун ёзди.

Даҳоларнинг ҳаётини англаш ҳам, англатиш ҳам мураккаб кечадиган жараён. Уларнинг умр йўлини қоғозга тушириш ҳам осон иш эмас экан. Махтумқулининг бой хазинасидан ҳар ким

қурби етганча улуш олади. Қолаверса, шоирнинг таржимаи ҳолини ривоят ва афсоналар ичидан саралашнинг ҳам ўзи бўлмайди.

Яна биографик асар ёзиш борасида тажрибам камлиги ҳам панд берди. «Махтумқулини ҳеч ким менчалик билмайди», деган ясама ғурур билан бу ишни анча чигаллаштириб олган пайтларим ҳам бўлди. «Биринчи кулча кулсиз бўлмайди», дейдилар. Албатта, хатолар, чалкашликлар бўлиши мумкин. Бу хатоларни тузатишда Сизнинг кўмагингиз керак бўлади. Азиз ўқувчи! Ҳар ким бир қилдан берса, кўса ҳам соқолли бўлармиш.

Албатта, бировдан айб қидириш осон. Фақат, ҳар бир сатрни ёзишдан аввал қанча одамлар билан маслаҳатлашилгани, қанчалар китоб ўқилиб-титилганини эътиборга олсангиз, деган ўтинчим бор.

Мен Махтумқули ва унинг асарларининг аҳамиятини, моҳиятини, умумий савиясини унутмаган ҳолда қалам тебратдим. Ўзим ҳам муносиб бўлишга тиришдим. Ўқувчининг ўзи англари, тушуниб етар, деб ташлаб ўтган фикрларимга ўзингиз етиб борарсиз, деган умидим ҳам бор. Бинобарин, бу китобга «Тугаллапмаган китоб» деб ном берсак ҳам бўлади, деб ўйлайман.

Рус тадқиқотчиси И.А.Новиков маълумотлар ҳаддан ташқари кўп бўлгани учун «Пушкин Михайловскда» деган асарини ўтгиз йил давомида ёзиб, такомиллаштириб борган экан. Балки ҳали кўп муаллифлар ўз «Махтумқулинома»ларини ёзиб, бу карвонимизга тиркаб қўйишар? Адабиёт майдони ҳам мардлар майдони.

Аслида бу мен ёзадиган китоб эмасди. Биздан олдинги туркман тарихини яхши тушуниб, англаб етган одамлар ҳам Махтумқулининг умр қиссасини ёзишга ошиқмадилар. Шу тариқа, китоблардаги сўзбошилар, турли мақолалар, илмий ишлардаги Махтумқулининг ҳаёт йўли ҳақидаги қисқа маълумотларни ҳисобга олмаса, шеърлардаги маантиқ орқали ўрганилган, таққосланиб ёзилган кенг ва асосли таржимаи ҳолнинг йўқлиги шу асарни битишга мажбур этди. Ҳар қалай, бу асар Махтумқулининг келажакдаги ўқувчиларига ёрдам бера олишига ишончим комил.

Ҳар бир даҳо сингари Махтумқули ҳам бу оламга сизмай яшади. Зулматга, фикрий қоқоқликка, ахлоқий тубанликка қарши курашди. Шеърларида нафрат, ғазаб, нафс сингари дунёни емирувчи кучга қарши КОМИЛ ИНСОН сиймосини яратишга ҳаракат қилди.

Келажакдаги ўқувчи билан Махтумқули ҳақида суҳбатлашмоқ орзуси ҳам бу китобни ёзишга ундади.



Шоирнинг ўз ҳаётига оид шеърларини синчиклаб ўргандим. Ўша давр руҳияти билан яқиндан танишдим. Шоирни фаришта деб эмас, ҳар биримиз сингари оддий одам сифатида тасвирлашга ҳаракат қилдим. Сабаби, шоирнинг ўзи айтган бир гап бор: «Одамзод яхшидир филмон, паридан». Даҳо шоир ҳақида китоб ёзаётганимни эшитганлар орасида «Махтумқулини дунё билан иши йўқ, тақвога берилиб, уйдан чиқмасдан ўтирган зоҳид қилиб кўрсат», деганлар ҳам бўлди. Нимаям дердик, ундайларга Махтумқулининг айтиб қўйган аччиқ бир гапи бор: «Ул йигитлар гўрда яхши, боши ғавғоли бўлмаса!»

Махтумқулини ҳар ким ўзича тушунади. Ҳар кимнинг кўнглида ўз Махтумқулиси бор. Мен ҳам ўзим билган, тасаввур қилган Махтумқулини ёздим. Бош ҳақиқат ўрнида унинг шеърларидан фойдаландим. Йўқса, турли маълумотларга таяниб бундан-да қалинроқ умр китобини ёзишим мумкин эди. Агар бирор сатрини нотўғри англаган, ё бошқачароқ талқин қилган бўлсам, хатойимни асослаб, тузатишга ёрдам берсангиз, миннатдор бўлардим.

Бу китобни Махтумқулини тушунтириш учун эмас, уни ўзим тушунишим учун ёздим. Бу ерда гап Махтумқули асарларини тўғри талқин қилиш ҳақида бораётир, агар танлаган шу йўлимиз тўғри бўлса, бундан хурсанд бўлардим.

Кўпчилик маълумотларни қайси манбадан, қайси олим ёки ёзувчининг асарларидан олинганини алоҳида кўрсатмаган ўринларимни ҳам айбга буюрманг. Ушбу «Махтумқулинома» кўплаб зиёлиларимиз, олимларимиз асарлари асосида ёзилган. Менинг қилган ишим — бу борадаги фикрларни бир шодага тизишдан иборат бўлди, холос.

Махтумқулининг турлича шарҳланган ва, умуман, шарҳлашга ҳозирча бўй бермайдиган сатрлари кўп. Шоир кўп нарсаларни билса-да, айтгиси келса-да, очиқ айтмай, сатрлари орасига «яшириб» кетгани ҳам аён. Ана шу сатрлари билан ҳам у ўқувчинини ўзига жалб этади.

«Сўзим англамаслар» дея куюнма,  
Жаҳон кенгдир, сендан билимдонлар бор.

Ёки:

Махтумқули, сирим чўхдур,  
Очадиган одам йўқдур.

Ёки:

Махтумқули, пинҳон сирим бор ичда.

Ёки:

Махтумқули, кел, кўй, бу баланд йўлни,  
Айтсанг ҳам, ҳеч кимса ишонмас ҳали.

Махтумқули исмли улуғ бир тилсимнинг яна сирларини  
очиш балки Сизга насиб этар, азиз ўқувчим?

Демак, суҳбатимиз яна давом этади, деб умид билди-  
риб қоламан. Ҳозирча эса, бу китобни сабр-тоқат билан ўқиб  
чиққанингиз учун миннатдорман.

1983–2010 йиллар



## МУНДАРИЖА

Муқаддима .....	3
Биринчи бўлим.....	8
Иккинчи бўлим .....	116
Йўл сўнгидаги суҳбат.....	204

**Яғмур, Ораз.**

я 99 Махтумқулинома [Матн]: буюк Махтумқули асарлари асосида ёзилган роман-тадқиқот / О. Яғмур; туркманчадан тарж. М. Аҳмад, Р. Жаббор. — Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2016. — 208б.

ISBN 978-9943-28-580-4

УЎК: 821.512.164(092)

КБК 83.3(5Тур)-8

*Адабий-бадний нашр*

**Ораз Яғмур**

## **МАХТУМҚУЛИНОМА**

*Буюк Махтумқули асарлари асосида ёзилган  
роман-тадқиқот*

Таржимонлар: *М. Аҳмад ва Р. Жаббор*

Муҳаррир *У. Турдиева*

Рассом-дизайнер *Х. Қутлуқов*

Техник муҳаррир *Т. Харитонова*

Кичик муҳаррирлар: *Д. Холматова, Г. Ералиева*

Мусаххих *С. Салоҳутдинова*

Компьютерда тайёрловчи *Г. Қулназарова*

Нашриёт лицензияси АІ № 158, 14.08.2009.

Босишга 2016 йил 16 июнда рухсат этилди. Бичими 60x90<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.

Офсет қоғози. «Peterburg Uzbek» гарнитурасида офсет  
усулда босилди. Шартли босма табоғи 13,0. Нашр табоғи 12,94.

Адади 3000 нусха. Буюртма № 16-416.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)

[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)